

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

4.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY‘ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior , fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuridik fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 4(166)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

Matyoqubov Hikmatjon Shuhratovich (Fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Urganch davlat universiteti; hikmat0188@mail.ru), Ollayarova Oydin Husain qizi (UrDU magistranti) GALLIY ARSENIDI ASOSIDA OLINGAN QUYOSH ELEMENTLARIDA HIMOYA QOPLAMALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

***Annotatsiya.** Quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirish uchun eng istiqbolli materiallardan biri bu galliy arsenid hisoblanadi. Ushbu yarimo'tkazgich GaAs to'g'ridan to'g'ri optik o'tishlar tufayli, katta optik yutilish koeffitsiyentiga egaligi bilan ajralib turadi. Shuning uchun bu yarimo'tkazgichda elektr va optik yo'qotishlarni kamaytirish yo'li bilan fotovoltaiik parametrlarni optimallashtirish masalalari dolzarbligicha qolmoqda.*

***Аннотация.** Одним из наиболее перспективных материалов для преобразования солнечной энергии является арсенид галлия. Данный полупроводник характеризуется большим коэффициентом оптического поглощения, обусловленного прямыми оптическими переходами в GaAs. Поэтому вопрос оптимизации фотоэлектрических параметров за счет снижения электрических и оптических потерь в этом полупроводнике остается актуальным.*

***Annotation.** One of the most promising materials for converting solar energy is gallium arsenide. This semiconductor is characterized by a high optical absorption coefficient due to direct optical transitions in GaAs. Therefore, the question of optimization of photoelectric parameters for the reduction of electrical and optical parameters in this semiconductor remains relevant.*

***Kalit so'zlar:** Quyosh elementi, yarimo'tkazgich, himoya qatlami, diffuziya, p-n -o'tish, FIK, konsentratsiya, optik yo'qotish.*

***Ключевые слова:** солнечный элемент, полупроводник, защитный слой, диффузия, p-n-переход, КПД, концентрация, оптические потери.*

***Key words:** Solar cell, semiconductor, protective layer, diffusion, p-n-junction, efficiency, concentration, optical loss.*

GaAs to'g'ridan to'g'ri optik o'tishlar tufayli, katta optik yutilish koeffitsiyentiga egaligi bilan ajralib turadi. Ushbu yarimo'tkazgichga asoslangan quyosh elementlari (QE), monokristalli kremniyli quyosh elementlari bilan solishtirganda katta konversion samaradorliga (FIK) ega. Galliy arsenidiga asosida tayyorlangan quyosh elementlari samaradorligining nazariy chegarasi 29% ga teng. Eng keng tarqalgan struktura, 20% yoki undan ko'p samaradorliga ega elementlarni olish uchun ishlatiladigan geterostruktura $n^+GaAs - n GaAs - p GaAs - p Ga_{1-x}Al_xAs$. Bunday strukturalarda zaryad tashuvchilarni ajratib turuvchi p-n o'tish arsenid galliyning baza sohasida joylashgan va qattiq eritma qatlami esa $Ga_{1-x}Al_xAs$ keng maydonli oyna va filtr hisoblanadi va n - GaAs yuzasidagi izotipik o'tish tufayli $p Ga_{1-x}Al_xAs - p GaAs$ deyarli sirtiy rekombinatsiyalar uchun zararlilar yo'q qilinadi.

Yuqori samarali QElarni ishlab chiqarish uchun qatlamlarning parametrlari tuzilishi quyidagi qiymatlarga ega bo'lishi kerak:

1. n⁺ GaAs- taglik

Legirlovchi aralashma	Sn
Zaryad tashuvchilar konsentratsiyasi, sm ⁻³	(1-2) 10 ¹⁸
Tekislik yo'nalishi	(100)

2. n GaAs- epitaksial "buffer" qatlami

Legirlovchi aralashma	Sn
Qalinlik, mkm	10-15
Zaryad tashuvchilar konsentratsiyasi, sm ⁻³	(1-3) 10 ¹⁷

3. p GaAs- diffuzion qatlam

Legirlovchi aralashma	Zn
Qalinlik, mkm	1-2
Zaryad tashuvchilar konsentratsiyasi, sm ⁻³	(5-7) 10 ¹⁷

4. p Ga_{1-x}Al_xAs - frontal getero qatlam


Legirlovchi aralashma	Zn
Qalinlik, mkm	0,3-1
Zaryad tashuvchilar konsentratsiyasi, sm ⁻³	(1-3) 10 ¹⁸

Qatlam tarkibi (x), atom ulushi	0,7–0,75
Taqiqlangan zona kengligi, eV	2,06–2,08

Yuqorida sanab o‘tilgan tuzilmalar asosidagi QE samaradorligi hozirgi vaqtda 24% dan ortiq.¹ Ishda arsenid galliy uchun quyidagi parametrlar: $E = 107 \text{ mVt/sm}^2$ yoritish sharoitida: $I_{sc}=22 \text{ mA/sm}^2$, $U_{os} = 0,97 \text{ V}$, $FF=0,73$, $FIK=14,5\%$.² Ishlarda quyidagi parametrlarni taqdim etilgan. $E=96,3 \text{ mVt/sm}^2$ yoritish sharoitida: $I_{sc}=22,95 \text{ mA/sm}^2$, $U_{os}=0,985 \text{ V}$, $FF=0,86$, $FIK=20,2\%$. O‘tgan asrning 90-yillari o‘rtalariga kelib, arsenid galliy asosidagi quyosh elementlarining FIK 25%dan ortiq qiymatga erishdi.³ Yuqoridagi parametrlarga ega bo‘lgan QE strukturasi olish jarayoni suyuq fazali izotermik epitaksiya usuli yordamida amalga oshirildi. Kontakt sifatida: n – GaAs tomonidan Au-Ge-Ni va p - GaAs tomonidan Au-Be qo‘llanilgan. Asosan, ZnS-MgF₂ asosidagi ikki qavatli yoritish qoplamasi yuqori afzallikka ega. Juda past yoritish sharoitida ham bu quyosh elementlarining samaradorligi (FIK) 19% gacha yetadi.

Yuqoridagi barcha holatlarda p-n o‘tish kichik diffuziya aralashmasi bilan hosil bo‘ladi, masalan, Zn yordamida. Shunday qilib, yuqorida muhokama qilingan holatlarda, Galliy arsenidiga asoslangan QE larda diffuzion p-n o‘tishidan foydalanilgan. QE ishlab chiqarish texnologiyalari ancha murakkab, nozik ishlov berish uskunalarini va maxsus sharoit va rejimlar talab qiladi.

1-rasm.



Diffuzion kuydirilgandan oldin qatlam tuzilishi.

Yuqoridagi argumentlarni hisobga olgan holda, biz yangi yanada qulayroq bo‘lgan Galliy arsenidli, diffuzion p-n o‘tishga asoslangan QE strukturasi taklif qildik (1-rasm).⁴ Ishlarda biz taklif qilgan usul bo‘yicha kremniy asosidagi QE yaratish imkoniyatini tadqiq qilingan. Biroq, ushbu usulni galliy arsenid asosida QE ishlab chiqarish uchun ishlatilganda, o‘ziga xos binar bog‘lanishlar bilan bog‘liq ba‘zi qo‘shimcha muammolar paydo bo‘ldi.

Dastlabki tajribalar shuni ko‘rsatdiki, galliy arsenid plastinkalari yuzasiga turli xil qalinlikdagi aluminij qatlamlarini turli hil tozalikda purkash qiyin emas. Aluminiyning erish temperaturasi (660°C) va diffuzion kuydirish haroratlari 800°C orasidagi kichik farq purkalgan aluminiy temperaturasi ortishi bilan tomchlarga yig‘iladi va galliy arsenidning yuzasi bo‘ylab tarqalishi sodir bo‘ladi, temperaturaning pasayishi esa unda rekristallanish sodir bo‘lishiga olib keladi. Bundan tashqari, kislorod izlari mavjud bo‘lganda aluminiyning kuchli oksidlanishi kuzatiladi.

Purkalgan qatlamlardan aluminiy tomchilari paydo bo‘lishining oldini olish uchun unga yagona texnologik jarayonda teng qalinlikdagi kremniy oksidi qo‘llaniladi. Kremniy oksidining qatlamlari birin ketin bir vaqtning o‘zida bir nechta bug‘lantirgichlardan purkaladi. Bu usul alyuminiy qatlamlarining sirtini mahkam yopish imkonini beradi va yuqori kuydirish temperaturalarida aluminiy sirtida tomchilar hosil bo‘lishini va oksidlanishini oldini oladi.

Arsenid galliy plastinkalari sirtiga termik kuydirish natijasida Al qatlami (shuningdek, kerak bo‘lganda, Zn aralashmalari qo‘shimchalari bilan) o‘tqaziladi va natijada QElari strukturasi yaratiladi.

Himoya (oksid) qatlamining xususiyatlariga asosiy talablar quyidagicha bo‘lishi kerak:

1. Himoya qatlamida Al (Al+Zn) minimal eruvchanlik.
2. Himoya qatlami yetarli mexanik mustaxkamlikni ta’minlashi kerak.
3. Himoya qatlamining atmosfera ta’siriga va haroratiga chidamliligi.

Al₂O₃, SiO_x, SiO₂, GeO, In₂O₃, SnO₂ va boshqalar himoya qoplamasi sifatida ishlatilishi mumkin.

¹ Shu manba.

² Mayet L., Gavand M. et.al., J.Phys.Lett., 1984, 45, № 17, p. 873–876; Mayet L., Gavand M. et.al., 19 th IEEE Photovolt. Spec. Conf. New Orleans La May 4-8, 1987, N.Y, 1987, p. 98 – 101.

³ Lush G., Lundstrom M., Solar cells, 1991, 30, № 1 – 4, p. 337 – 344.


⁴ Аль-Оран Б.Ф., Муминов Р.А., Гурсунов М.Н., Лайеб Н., Кремний легированный индием – материал для фотоэнергетики, Гелиотехника, 1997, 4, с. 16 – 20.

Diffuzion kuydirish Al da GaAs ning nisbatan yuqori eruvchanligini va aluminiyning yuqori ajratish koeffitsiyentini ta'minlaydigan haroratlarda amalga oshirilishi kerak. Kuydirish haroratining minimal qiymati, Al ning erish temperaturasi bilan cheklanishi kerak, ya'ni 660 °C .

Al ning kuydirilishi aluminiy qatlamining suyuq holatga o'tishiga, galliy arsenidi sirtining bir qismining erishiga, to'yingan eritma hosil bo'lishiga olib keladi, shu bilan bir vaqtda, diffuziya jarayoni so'ldir bo'lib qattiq eritmalar hosil bo'ladi deb taxmin qilinadi, galliy alyuminiy bilan, ya'ni GaAlAs bilan almashinadi.

Bundan tashqari, alyuminiy ulushining tarkibi (himoya qatlamining nisbatan yupqa qoplamalarida, "cheklangan manbadan diffuziya" sharti bajarilganda.) diffuziya qatlamining chuqurligida keskin kamayib, darajalangan qatlam hosil qiladi. Zn ning diffuziya koeffitsiyenti Al ning diffuziya koeffitsiyentidan katta bo'lganligi sababli, rux kirishmasi nisbatan katta chuqurlikka kirib, GaAs da p-n o'tish hosil qiladi hosil qiladi (2-rasm).

An'anaviy suyuq fazali epitaksiyadan farqli o'laroq, bu usul alyuminiy tarkibidagi qalinligi bo'yicha keskin o'zgarishi bilan GaAlAs qattiq eritmasining juda yupqa qatlamlarini olishga imkon beradi, bu esa fotosezgir tuzilmalarni, shu jumladan quyosh elementlarini olishda muhim ahamiyatga ega.



Diffuzion kuydirilgandan keyin qatlamlarning tuzilishi.

Hozirgi vaqtda Zn ni kirishma sifatida ishlatadigan diffuzion qatlami turli qalinlikdagi QE strukturasi shakllantirish usullari ishlab chiqilgan. Azot, vodorod va tozalangan havo oqimida termik kuydirishni amalga oshirish imkoniyatlari va ularning struktura xususiyatlariga ta'siri o'rganildi. Aluminiy qatlamlarining qalinligi va SiO_x himoya qatlami p-n o'tish xususiyatlariga ta'siri o'rganildi. Tuzilmalarning elektr va fotovoltaiik parametrlarini dastlabki o'Ichash ishlari amalga oshirildi. Strukturadagi elektr va optik yo'qotishlarni kamaytirish imkoniyati bilan fotovoltaiik parametrlarni optimallashtirish masalalari tahlil qilindi. Bunday tuzilmalarning samaradorligini oshirish masalalari yanada chuqurroq muhokama qilinmoqda.

**Баратов Файзулло Шукурович (Тошкент Давлат Техника университети
Қўқон филиали олий математика ўқитувчиси; e-mail: fayzullobaratov934@gmail.com)
КВАТЕРНИОНЛАР АЛГЕБРАСИНИ МЕТОДИК ТАКОМИЛАШТИРИШ**

Аннотация. Тўплам ҳақиқий сонлар майдони устида 4 ўлчовли чизиқли фазо бўлсин. Унинг баъзи элементларини $e_1=1, e_2=i, e_3=j, e_4=k$ кўринишида белгилайлик. У ҳолда K тўпламнинг ихтиёрый элементини шу базис векторларнинг базис векторларнинг ясси шаклида ифодаланади, $\alpha = a_0 \cdot 1 + a_1 \cdot i + a_2 \cdot j + a_3 k$, бу ерда $a_i (0 \leq i \leq 3)$ ҳақиқий сонлардир.

Аннотация. Пусть набор представляет собой 4-мерное линейное пространство над полем действительных чисел. Определим некоторые его элементы в виде $e_1 = 1, e_2 = i, e_3 = j, e_4 = k$. В этом случае K –произвольный элемент множества в виде возраста базовых векторов этих базовых векторов, где действительные числа.

Annotation. Let the set be a 4-dimensional linear space over the real number field. Let us define some of its elements in the form $e_1 = 1, e_2 = i, e_3 = j, e_4 = k$. In this case K is an arbitrary element of the set in the form of the age of the base vectors of these base vectors; where are the real numbers.

Калим сўзлар: базис векторлари, тўплам, ҳақиқий сонлар.

Ключевые слова: базовые векторы, множество, действительные числа.

Keywords: base vectors, set, real numbers.

Бу мавзуда ҳақиқий сонлар майдони устида бўлинишга эга ва ранги 4 га тенг бўлган комплекс сонлар майдонининг кенгайтмаси мавжудлигини кўрсатамиз.

К тўплам ҳақиқий сонлар майдони устида 4 ўлчовли чизиқли фазо бўлсин. Унинг баъзи элементларини $e_1=1, e_2=i, e_3=j, e_4=k$ кўринишда белгилайлик. У ҳолда К тўпламнинг ихтиёрий элементини шу базис векторларнинг чизиқли комбинатсияси шаклида ифодаланади; $\alpha = a_0 \cdot 1 + a_1 \cdot i + a_2 \cdot j + a_3 k$, бу ерда $a_i (0 \leq i \leq 3)$ ҳақиқий сонлардир. К тўпламнинг 2 та α ва β элементлари орасида кўпайтириш амалини аниқлаш учун К чизиқли фазонинг базис векторини кўпайтмасини билиш етарли. Базис векторларнинг кўпайтмасини эса қуйидаги жадвал орқали аниқлаймиз:

	1	<i>i</i>	<i>j</i>
1	1	<i>i</i>	<i>j</i>
<i>i</i>	<i>i</i> · <i>i</i> = -1	<i>k</i>	
<i>j</i>	<i>j</i> · <i>i</i> = - <i>k</i>	-1	
<i>k</i>	<i>k</i> · <i>j</i>	- <i>i</i>	

Бу жадвалдан кўринадики, 1 элемент кўпайтиришга нисбатан К нинг бирлик элементи бўлади ва бу кўпайтириш амали коммутативлик қонунига бўйсунмайди. Масалан, $i \cdot j = k$ лекин $j \cdot i = -k$. Текшириш мумкинки, К тўпламдаги кўпайтириш амали ассоциативдир. Масалан,

$$i \cdot (j \cdot k) = i \cdot i = -1$$

$$(i \cdot j) \cdot k = k \cdot k = -1. \text{ Демак, } i(jk) = (i \cdot j)k$$

Шундай қилиб, К тўплам ҳақиқий сонлар майдони устида ранги 4 га тенг бўлган алгебра ташкил этиши кўрсатилди. Энди бу алгебранинг баъзи хоссаларини кўриб чиқамиз.

К алгебранинг ҳар қандай элементи $\alpha \in K$ $\alpha = a_0 + a_1 i + a_2 j + a_3 k$ кўринишда ифодаланади. Бу элемент орқали қурилган $\bar{\alpha} = a_0 - a_1 i - a_2 j - a_3 k$ элементни α га қўшма элемент деб атаймиз.

Ҳар қандай $\alpha, \beta \in K$ элементлар учун ҳам қуйидаги хоссалар ўринли бўлади:

а) $\overline{\alpha + \beta} = \bar{\alpha} + \bar{\beta}$;

б) $\overline{\alpha \cdot \beta} = \bar{\beta} \cdot \bar{\alpha}$;

в) $\alpha \cdot \bar{\alpha} = a_0^2 + a_1^2 + a_2^2 + a_3^2 \in R$

Агар $\|\alpha\| = \alpha \cdot \bar{\alpha}$ кўринишда белгилашни киритсак, у ҳолда $\|\alpha\| \in R$

а) $\|\alpha\| \geq 0, \alpha = 0 \Leftrightarrow \|\alpha\| = 0$;

б) $\|\alpha \cdot \beta\| = \|\alpha\| \cdot \|\beta\|$

хоссалар ўринли бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, а) хоссанинг ўринли бўлишини бевосита текшириш мумкин; б) хосса эса қуйидагича исботланади:

$$\|\alpha \cdot \beta\| = (\alpha\beta) \cdot (\overline{\alpha\beta}) = (\alpha \cdot \beta)(\bar{\alpha} \cdot \bar{\beta}) = \alpha(\beta\bar{\beta})\bar{\alpha} = \alpha\|\beta\|\bar{\alpha} = \alpha \cdot \bar{\alpha} \cdot \|\beta\| = \|\alpha\| \cdot \|\beta\|$$

Агар $\alpha \neq 0$ элемент бўлса, у ҳолда $\|\alpha\| > 0$ бо`либ $\frac{\alpha \cdot \bar{\alpha}}{\|\alpha\|} = 1$ тенглик ўринлидир. Охириги

тенгликдан $\alpha \cdot \left(\frac{\bar{\alpha}}{\|\alpha\|} \right) = 1$, яъни α элементга тесқари элемент мавжудлиги келиб чиқади. Демак,

$\alpha^{-1} = \frac{\bar{\alpha}}{\|\alpha\|}$ бо`лади. Шундай қилиб, К алгебра бўлинишга эга бўлган алгебра эканлигини кўрсат-

дик. Бу алгебрани кватернионлар алгебраси, унинг элементларини эса кватернионлар дейилади. Кватернионлар алгебраси комплекс сонлар майдонининг кенгайтмаси эканлиги келиб чиқади.

Кватернионлар алгебрасида жадвал орқали аниқланган кўпайтириш амали, дастлаб, сунъий-дек туюлади. Лекин қуйидаги белгилашларни киритсак,

$$1 = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}, \quad i = \begin{pmatrix} i & 0 \\ 0 & -i \end{pmatrix}, \quad j = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ -1 & 0 \end{pmatrix}, \quad k = \begin{pmatrix} 0 & i \\ i & 0 \end{pmatrix}$$

у ҳолда, юқоридаги жадвал билан аниқланган базис векторларининг кўпайтмаси матрицалар кўпайтмаси орқали аниқланганлиги келиб чиқади. Демак, кватернионлар алгебраси \mathbb{K} ҳамма 2-тартибли комплекс элементли матритсалар алгебрасининг қандайдир қисм алгебрасидир. Ҳақиқий сонлар майдони устида бўлинишга эга бўлган алгебранинг рангини ошириш ҳисобида комплекс сонлар майдонининг ёки кватернионлар алгебрасининг бошқа кенгайтмаси мавжудми, деган савол туғилиши, табиий. Қуйида бу саволга маълум маънода ижобий жавоб берадиган алгебрани кўра-миз.

$$A = \{\alpha + \beta\varepsilon \mid \alpha, \beta \in \mathbb{K}\}$$

тўпламни курамыз, бу ерда ε янги бир элемент бўлиб, $\varepsilon \notin \mathbb{K}$ шарт бажарилсин.

А тўпламнинг 2 та элементини қўшишни ва λ – ҳақиқий сонга кўпайтиришни қуйидаги тенг-ликлар билан аниқлайлик:

$$\begin{aligned} (\lambda + \beta\varepsilon) + (\gamma + \delta\varepsilon) &= (\alpha + \gamma) + (\beta + \delta)\varepsilon \\ (\alpha + \beta\varepsilon)\lambda &= \lambda\alpha + (\lambda\beta)\varepsilon \end{aligned}$$

бу ерда $\alpha, \beta, \gamma, \delta \in \mathbb{K}, \lambda \in \mathbb{R}$.

У ҳолда A тўплам ҳақиқий сонлар майдони устида саккиз ўлчовли чизиқли фазо ташкил этиб, унинг битта базиси

$$1, i, j, k, z, iz, jz, kz$$

кўринишда бўлади. А тўпладан олинган 2 та элементни кўпайтириш қуйидагитенглик билан аниқланади:

$$(\alpha + \beta\varepsilon)(\gamma + \delta\varepsilon) = (\alpha\gamma - \delta\beta) + (\delta\alpha + \beta\gamma)\varepsilon.$$

Исботлаш мумкинки, бу амалларга нисбатан A тўплам ҳақиқий сонлар майдони устида ра-нги саккизга тенг бўлган, бўлинишга эга, лекин ассоциатив бўлмаган алгебра ташкил этади. Шу билан бирга, $\mathbb{K} \subset A$ муносабат ўринли бўлади. Яъни, A (ассотсиатив) жисм кватернионлар алгеб-раси \mathbb{K} нинг кенгайтмаси бўлади. А ни Кели алгебраси, унинг элементларини эса Кели сонлари де-йилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худайберганов Г., Ворисов А. Комплекс анализ. Т., “Университет”, 1998.
2. Саъдуллаев А. ва бошқ. Математик анализ курсидан мисол ва масалалар тўплами. 3-қисм, Т., “Ўзбекистон”, 2000, 396–400-бетлар.
3. Привалов И.И. Введение в теорию функций комплексного переменного. “Наука”, 1981.
4. WWW.Alleng.ru
5. Бугров Я.С., Никольский С.М. Функции комплексного переменного. 2004.

Эшниёзов Абдумалик Искандар ўғли (Гулистанский государственный университет)

БЕСКОНЕЧНОМЕРНЫЕ БИСТОХАСТИЧЕСКИЕ КВАДРАТИЧНЫЕ ОПЕРАТОРЫ

Аннотация. Мақола бистохастик квадратик operatorlarga bag'ishlangan bo'lib, ixtiyoriy tartibli bistoxastik operator tushunchasi kiritilgan. Cheksiz o'lchovli kvadratik stoxastik operatorlarning bisto-xastikligining zaruriy va yetarli sharti topilgan. Bistoxastik matrictsalar to'plamining chetki nuqtalari bo'yicha Birgoff teoremasining analoglari o'rganilgan.

Аннотация. Статья посвящена бистохастическим квадратичным операторам, введено понятие бистохастического оператора произвольного порядка. Найдено необходимое и доста-точное условие для бистохастичности бесконечномерных квадратичного стохастического опе-ратора. Изучен аналог теоремы Биркгофа о крайних точках множества бистохастических мат-риц.

Annotation. The article is dedicated to bistochastic quadratic operators, the concept of a bistochastic operator of arbitrary order is introduced. A necessary and sufficient condition for the bistochasticity of infinite-dimensional quadratic stochastic operators is found. An analog of Birkhoff's theorem on the extreme points of a set of bistochastic matrices is studied.

Kalit so'zlar: bistoxastik kvadratik operator, cheksiz o'lchovli bistoxastik kvadratik operator, bistoxastik matritsalar to'plamining chetki nuqtalari.

Ключевые слова: бистокхастический квадратичный оператор, бесконечномерные бистокхастический квадратичный оператор, крайние точки множества бистокхастических матриц.

Key words: bistochastic quadratic operator, infinite-dimensional bistochastic quadratic operator, extreme points of the set of bistochastic matrices.

§1. Определение бистокхастических операторов в бесконечномерном симплексе.

Определение 1. Множество

$$S = \left\{ x = (x_1, x_2, \dots) \in l_1 : x_i \geq 0 \quad \sum_{i=1}^{\infty} x_i = 1 \right\}$$

называется бесконечномерным симплексом.

Известно, [7] что $S = \overline{co(extrS)}$, где $extr(S)$ – множество крайних точек в S , и $co(A)$ выпуклая оболочка множества A . Более того, каждая точка

$$e_k = (0, 0, \dots, 1, 0, \dots)$$

где 1 стоит в k – той позиции является крайней в S .

Определение 2. Оператор $V : S \rightarrow S$ называется квадратично стохастическим (к.с.о.), если имеет следующий вид:

$$(Vx)_k = \sum_{i,j=1}^{\infty} P_{ij,k} x_i x_j, \quad k = 1, 2, \dots \quad (1.1)$$

где коэффициенты $P_{ij,k}$ удовлетворяют следующим условиям

$$P_{ij,k} = P_{ji,k} \geq 0, \quad \sum_{k=1}^{\infty} P_{ij,k} = 1. \quad (1.2)$$

Очевидно, что условия (1.2) обеспечивают сохранение симплекса, т.е. к.с.о. отображает симплекс в себя.

Пусть, $x_{\downarrow} = (x_{[1]}, x_{[2]}, \dots)$ – невозрастающая перестановка точки x , т.е.

$x_{[1]} \geq x_{[2]} \geq \dots$, для точки $x = (x_1, x_2, \dots)$ из S .

Определение 3. Говорят, что для точек x, y из симплекса S , x мажорируется y (или y мажорирует x) и пишут $x \prec y$ (или $y \succ x$), если выполняется следующее условие

$$\sum_{i=1}^k x_{[i]} \leq \sum_{i=1}^k y_{[i]}, \quad k = 1, 2, \dots$$

Напомним, что бесконечная матрица называется бистокхастической, если все элементы неотрицательны, и сумма элементов каждой ее строки и каждого столбца равна 1. Известно [2], что $x \prec y$ эквивалентно существованию бесконечной бистокхастической матрицы P , такое, что $x_{\downarrow} = P y_{\downarrow}$. Таким образом, для бесконечной бистокхастической матрицы P имеем $P y_{\downarrow} \prec y_{\downarrow}$ для каждого $y \in S$.

Теперь введем понятие бесконечномерного бистокхастического квадратичного оператора (кратко б.к.о.)

Определение 4. К.с.о. (1.1) называется бистокхастическим,

$$Vx \prec x \quad (1.3)$$

Например, линейные операторы, определенные в l_1 с бистохастической матрицей удовлетворяют (1.3).

§2. Необходимое и достаточное условие для бистохастичности оператора. Теперь дадим необходимое и достаточное условие для бистохастичности к.с.о.

Теорема 2.1 Пусть V — б.к.о. Тогда, коэффициенты $P_{ij,k}$ удовлетворяют следующим условиям

$$1) \quad \sum_{i,j \in \alpha} P_{ij,k} \leq |\alpha|, \quad \forall \alpha \subset N, \quad |\alpha| \leq +\infty, \quad k \in N$$

$$2) \quad \lim_{m \rightarrow \infty} \sum_{i,j=1}^m P_{ij,k} = +\infty \vee 0, \quad k \in N$$

Доказательство.

1) пусть $Vx \prec x$. Тогда, согласно [2] существует бистохастическая матрица $P(x) = (P_{ij}(x))$ (которая зависит от x), такая, что $(Vx)_\downarrow = P(x)x_\downarrow$.

Рассмотрим множество $\alpha_0 \subset N$, $|\alpha_0| < \infty$, и положим $x^0(\alpha_0) = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0, \dots)$ где

$$\begin{cases} x_i^0 = \frac{1}{|\alpha_0|}, & i \in \alpha_0 \\ x_i^0 = 0, & i \notin \alpha_0 \end{cases}$$

Очевидно, что $x^0 \in S$. Имеем

$$(Vx^0)_{[k]} = \sum_{i,j \in \alpha_0} P_{ij,[k]} \frac{1}{|\alpha_0|^2} = \sum_{i=1}^{|\alpha_0|} P_{ij}(x^0) \frac{1}{|\alpha_0|} \leq \sum_{i=1}^{\infty} P_{ij}(x^0) \frac{1}{|\alpha_0|} = \frac{1}{|\alpha_0|}.$$

Так как α_0 — произвольное множество, то получаем

$$\sum_{i,j \in \alpha} P_{ij,[k]} \leq |\alpha| \quad \forall \alpha \subset N, \quad |\alpha| \leq +\infty, \quad \forall k \in \overline{1, m},$$

то есть

$$\sum_{i,j \in \alpha} P_{ij,k} \leq |\alpha| \quad \forall \alpha \subset N, \quad |\alpha| \leq +\infty, \quad \forall k \in \overline{1, m},$$

2) пусть $x^1 = \left(\frac{1}{m}, \frac{1}{m}, \dots, \frac{1}{m}, 0, 0, \dots \right)$. Очевидно, что $x^1 \in S$. Тогда

$$V(x^1)_k = \sum_{i,j=1}^m P_{ij,k} \frac{1}{m^2}.$$

С другой стороны, так как $(Vx)_\downarrow = P(x)x_\downarrow$, тогда если $\sum_{i,j=1}^{\infty} a_{ij} \neq 0$, то мы заключаем

$$V(x^1)_k = \sum_{i=1}^m P_{i1}(x^1) \frac{1}{m}.$$

Приравнивая последние два уравнения, получаем

$$\sum_{i,j=1}^m P_{ij,k} = m \sum_{i=1}^m P_{1i}(x^1).$$

Далее, так как

$$\lim_{m \rightarrow \infty} \sum_{i=1}^m P_{1i}(x) = 1,$$

то получаем

$$\lim_{m \rightarrow \infty} \sum_{i,j=1}^m P_{ij,k} = +\infty, \quad k \in N.$$

Обозначим $A_k = \{P_{ij,k}\}$, $k \in N$ и $(A_k x, x) = \sum_{i,j=1}^m P_{ij,k} x_i x_j$.

Тогда V переписывается следующим образом:

$$Vx = \left[(A_1 x, x), (A_2 x, x), \dots, (A_m x, x), \dots \right]$$

С целью краткости перепишем оператор, так как ниже.

$$V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m \dots). \quad (2.1)$$

Введем обозначение.

$$\mathbf{U} = \left\{ A = (a_{ij}) : a_{ij} = a_{ji} \geq 0, \sum_{i,j \in \alpha} a_{ij} \leq |\alpha|, |\alpha| < \infty, \lim_{m \rightarrow \infty} \sum_{i,j=1}^m a_{ij} = \infty \vee 0 \right\} \quad (2.2)$$

Теорема 2.1. Если $V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m \dots)$ – б.к.о., то $A_k \in \mathbf{U}$.

Ниже будем исследовать структуру этого множества. Очевидно, что \mathbf{U} является выпуклым множеством. Рассмотрим множество \mathbf{U} как подмножество пространства

$$l^\infty(N \times N) = \left\{ x = (x_{n,m}) : x_{n,m} \in \mathbf{R}, n, m \in N, \|x\|_\infty = \sup_{n,m \in N} |x_{n,m}| \right\}$$

Известно [77], что пространство

$$l^1(N \times N) = \left\{ x = (x_{n,m}) : x_{n,m} \in \mathbf{R}, n, m \in N, \|x\|_1 = \sum_{n,m=1}^\infty |x_{n,m}| < \infty \right\}$$

является сопряженным к $l^\infty(N \times N)$, то есть $l^\infty(N \times N) = l^1(N \times N)$. Поэтому, в $l^\infty(N \times N)$ можно рассмотреть $\sigma(l^\infty(N \times N), l^1(N \times N))$ топологию. Далее эта топология обозначим как τ . Согласно теореме Банаха-Алаоглу единичный шар является $\sigma(l^\infty(N \times N), l^1(N \times N))$ слабо компактным в $l^\infty(N \times N)$. Так как все элементы матрицы \mathbf{U} не больше единицы, \mathbf{U} является подмножеством единичного шара $l^\infty(N \times N)$. Так как \mathbf{U} является замкнутым, то \mathbf{U} является $\sigma(l^\infty(N \times N), l^1(N \times N))$ слабо компактным в $l^\infty(N \times N)$.

Введем некоторые понятия. Пусть $\forall \alpha \subset N, |\alpha| \leq +\infty$. Множество α будем называть насыщенным относительно матрицы $A = (a_{ij})$, если $\sum_{i,j \in \alpha} a_{ij} \leq |\alpha|$. Соответствующую подматрицу $(a_{ij})_{i,j \in \alpha}$ будем называть насыщенной подматрицей.

Обозначим

$$N = \begin{pmatrix} 0 & 1/2 \\ 1/2 & 0 \end{pmatrix}$$

Подматрицу N матрицы A назовем свободным если она не содержится ни в какой насыщенной подматрице матрицы A .

Введем обозначение

$$M_1 = \begin{pmatrix} 0 & 1/2 & 1/2 \\ 1/2 & 0 & 1/2 \\ 1/2 & 1/2 & 0 \end{pmatrix} \quad M_2 = \begin{pmatrix} 0 & 1/2 & 0 \\ 1/2 & 0 & 1/2 \\ 0 & 1/2 & 0 \end{pmatrix} \quad M_3 = \begin{pmatrix} 0 & 1/2 & 1/2 \\ 1/2 & 0 & 0 \\ 1/2 & 0 & 0 \end{pmatrix}$$

Пусть Q является подмножеством U , элементы которого содержат M_i для некоторого $i = 1, 2, 3$.

Следующая теорема описывает все крайние точки множества U .

Теорема 2.2.

$$A = (a_{ij}) \in \text{exrt}U$$

тогда и только тогда, когда A не имеет свободных подматриц и

$$a_{ii} = 1 \vee 0, \quad a_{ij} = 1 \vee \frac{1}{2} \vee 0, \quad A \notin Q.$$

Доказательство.

Необходимость. Пусть $A = (a_{ij}) \in \text{exrt}U$. Сначала докажем, что $a_{ii} = 1 \vee 0$,

$a_{ij} = 1 \vee \frac{1}{2} \vee 0$. Докажем это утверждение относительно порядка матрицы A . Для конечных матриц доказано (см.теорему 1.2). Докажем для бесконечных матриц.

Сначала докажем, что если $A = (a_{ij}) \in \text{exrt}U$, то $a_{ii} = 1 \vee 0$. Пусть $0 < a_{ii} < 1$. Если 1 содержится в некотором насыщенном множестве, то по предположению индукции заключаем, что $a_{11} = 0 \vee 1$, иначе, матрицы

$$A' = \{a_{11} = a_{11} + \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}$$

и

$$A'' = \{a_{11} = a_{11} - \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}$$

где ε — достаточно малое число, принадлежат U , и более того, $2A = A' + A''$, что противоречит крайности матрицы A .

Теперь докажем, что $a_{ij} = 1 \vee \frac{1}{2} \vee 0$. Пусть существует $a_{i_0 j_0} \neq 1 \vee \frac{1}{2} \vee 0$ ($i_0 \neq j_0$). Если $\{i_0, j_0\} \subset \alpha$ для некоторого насыщенного множества α , то по предположению индукции следует, что $a_{i_0 j_0} = 1 \vee \frac{1}{2} \vee 0$.

Если не существует такого насыщенного множества, то матрицы

$$A' = \{a_{i_0 j_0} = a_{i_0 j_0} + \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}$$

и

$$A'' = \{a_{i_0 j_0} = a_{i_0 j_0} - \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}$$

принадлежат U , более того $2A = A' + A''$, что противоречит тому, что $A = \text{extr}U$.

Докажем, что $A \notin Q$. Пусть A имеет подматрицу M_1 . Без ограничения общности обозначим ее через $(a_{ij})_{i,j=1,2,3}$.

Рассмотрим матрицы:

$$A' = \{a_{12} = a_{12} + \varepsilon, a_{13} = a_{13} - \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}$$

и

$$A'' = \{a_{12} = a_{12} - \varepsilon, a_{13} = a_{13} + \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}.$$

Для этих матриц выполняются $2A = A' + A''$ и $A', A'' \in U$, что противоречит крайности A .

Случай, когда A имеет подматрицы, равные M_2 и M_3 рассматривается аналогично.

Теперь допустим, что A имеет свободную подматрицу $(a_{ij})_{i,j=1,2}$.

Положим

$$A' = \{a_{12} = a_{12} + \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}$$

и

$$A'' = \{a_{12} = a_{12} - \varepsilon, a_{ij} = a_{ji}\}.$$

Так как $(a_{ij})_{i,j=1,2}$ — свободная, то она не содержится ни в какой насыщенной подматрице матрицы A , следовательно $A', A'' \in U$, т.е. A — не является крайней.

Достаточность. Достаточность докажем от противного. Допустим, что существуют матрицы $B = (b_{ij}), C = (c_{ij}) \in U$ такие, что $2A = B + C$ и $B \neq C$. Из $a_{ii} = 1 \vee 0$ следует, что $b_{ii} = c_{ii} = 1 \vee 0$. Пусть существует числа i_0 и j_0 для которых $b_{i_0 j_0} \neq c_{i_0 j_0}$. Без ограничения общности можно предположить, что $(i_0, j_0) = (1, 2)$. Из

$$2 \begin{pmatrix} a_{11} & 1/2 \\ 1/2 & a_{22} \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} b_{11} & b_{12} \\ b_{12} & b_{22} \end{pmatrix} + \begin{pmatrix} c_{11} & c_{12} \\ c_{12} & c_{22} \end{pmatrix}$$

и $b_{12} \neq c_{12}$ получаем $a_{11} = a_{22} = 0$. Так как A не имеет свободных подматриц, то существует множество α , такой, что $\{1, 2\} \subset \alpha$.

Далее, из

$$\sum_{i,j \in \alpha} b_{ij} + \sum_{i,j \in \alpha} c_{ij} = 2 \sum_{i,j \in \alpha} a_{ij} = 2|\alpha|$$

и

$$\sum_{i,j \in \alpha} b_{ij} \leq |\alpha|, \quad \sum_{i,j \in \alpha} c_{ij} \leq |\alpha|$$

получаем

$$\sum_{i,j \in \alpha} b_{ij} = \sum_{i,j \in \alpha} c_{ij} = |\alpha| \quad (2.3)$$

Так как $b_{12} \neq c_{12}$, из (2.3.) получаем, что существуют числа (i_1, j_1) такие, что $b_{i_1 j_1} \neq c_{i_1 j_1}$.

Предположим, что $(i_1, j_1) = (3, 1) \vee (3, 4)$.

Случай 1. Пусть, $(i_1, j_1) = (3, 1)$. Имеем

$$2 \begin{pmatrix} 0 & 1/2 & a_{13} \\ 1/2 & 0 & a_{23} \\ a_{13} & a_{23} & a_{33} \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0 & b_{12} & b_{13} \\ b_{12} & 0 & b_{23} \\ b_{13} & b_{23} & b_{33} \end{pmatrix} + \begin{pmatrix} 0 & c_{12} & c_{13} \\ c_{12} & 0 & c_{23} \\ c_{13} & c_{23} & c_{33} \end{pmatrix}$$

Так как $b_{13} \neq c_{13}$, то получаем $b_{33} = c_{33} = 0$ и $a_{13} = \frac{1}{2}$. Стало быть, A содержит либо

M_1 либо M_2 что является противоречием.

Случай 2. Пусть, $(i_1, j_1) = (3, 4)$. В этом случае, по аналогии случая 1, получаем, что A содержит одну из следующих матриц M_1, M_2, M_3 . Теорема доказана.

Напомним, что бесконечная матрица называется перестановочной, если все элементы неотрицательны, и сумма элементов каждой строки и каждого столбца равна 1.

Следствие 2.1. Пусть, P – бесконечная перестановочная матрица. Тогда $P = \text{extr}U$.

Следствие 2.2. Пусть, матрица A определяется следующим образом:

$$A = \left\{ a_{ij} : a_{kk} = 1, a_{ik} = \frac{1}{2}, a_{ij} = 0, i, j \neq k, k \in N \right\}$$

Тогда $A = \text{extr}U$.

Рассмотрим множество

$$\mathbf{T} = \left\{ (t_{ij}) : t_{ij} \geq 0, \sum_{j=1}^{\infty} t_{ij} \leq 1, \forall i \in N \lim_{m \rightarrow \infty} \sum_{i,j=1}^m t_{ij} = \infty \vee 0 \right\}$$

По аналогии для множества U можно доказать, что множество \mathbf{T} является $\sigma(l^\infty(N \times N), l^1(N \times N))$ – слабо компактным в $l^\infty(N \times N)$.

Рассмотрим уравнение относительно T :

$$A = \frac{1}{2}(T + T') \quad (2.4.)$$

Здесь T' – транспонированная матрица.

Ниже исследуем условия для разрешимости уравнения (2.4).

Теорема 2.3. Пусть, $A = (a_{ij})$ – симметрическая неотрицательная матрица. Для существования матрицы $T = (t_{ij}) \in \mathbf{T}$ удовлетворяющей уравнению (4.2.4) необходимым и достаточным условием является $A \in \mathbf{U}$.

Доказательство.

Необходимость.

$$\sum_{i,j \in \alpha} a_{ij} = \frac{1}{2} \left(\sum_{i,j \in \alpha} t_{ij} + \sum_{i,j \in \alpha} t_{ji} \right) = \sum_{i,j \in \alpha} t_{ij} = \sum_{i \in \alpha} \sum_{j \in \alpha} t_{ij} \leq \sum_{i,j \in \alpha} 1 = |\alpha|$$

Достаточность. Сначала докажем для крайних точек множества \mathbf{U} . Пусть $A \in \text{extr}\mathbf{U}$, тогда $a_{ii} = 0 \vee 1$, $a_{ij} = 0 \vee \frac{1}{2} \vee 1$

Пусть $a_{ij} = \frac{1}{2}$ (i, j – фиксированы). Рассмотрим следующие случаи

(I) Существует j_0 , такой, что $a_{ij_0} = 1$.

(II) Существует i_0 , такой, что $a_{i_0j} = 1$.

Следствие 2.1. Если V – б.к.о., то существуют матрицы $T_i \in \mathbf{T}$, такие, что

$$Vx = ((T_1x, x), (T_2x, x), \dots, (T_mx, x) \dots).$$

Следствие 2.2. Пусть $A \in \mathbf{U}$. Тогда выполняется следующее уравнение:

$$(Ax, x) \leq x_{[1]}, \forall x \in S \quad (2.7)$$

Доказательство. Сначала докажем, что

$$(Tx, x) \leq x_{[1]}, \forall x \in S, \quad (2.8)$$

где $T \in \mathbf{T}$. Действительно, так как

$$t_{ij} \geq 0 \text{ и } \sum_{j=1}^{\infty} t_{ij} \leq 1, \text{ то}$$

$$\sum_{j=1}^{\infty} t_{ij} x_j \leq x_{[1]}$$

для всех $x \in l_1$. В частности, так как $x \in S$, то

$$(Tx, x) = \sum_{i,j=1}^{\infty} t_{ij} x_i x_j = \sum_{i=1}^{\infty} x_i \sum_{j=1}^{\infty} t_{ij} x_j.$$

Учитывая $x_i \geq 0$, $\sum_{i=1}^{\infty} x_i = 1$ и последнее неравенство получаем (2.8).

Из теоремы (2.3) и неравенства (2.8), получаем (2.7).

Из доказанного следствия возникает вопрос: Для каких матриц A выполняется следующее неравенство.

$$(Ax, x) \leq x_{[1]} + \dots + x_{[k]} \quad (2.9)$$

для всех $x \in S$ где k – натуральное число. При $k = 1$, ответ на вопрос дается следствием

2.4.

Введем следующие множества

$$\mathbf{T}_k = \left\{ T = (t_{ij}), i, j \in N : 0 \leq t_{ij} \leq 1, \sum_{j=1}^m t_{ij} \leq k \quad \lim_{m \rightarrow \infty} \sum_{i,j=1}^m t_{ij} = \infty \vee 0 \right\}, \quad 1 \leq k \leq m.$$

$$\mathbf{U}_k = \left\{ A = (a_{ij}) : a_{ij} = a_{ji}, A = \frac{1}{2}(T + T'), T \in \mathbf{T}_k \right\}, \quad 1 \leq k \leq m.$$

Теорема 2.4. Для матрицы $A \in \mathbf{U}_k$ выполняется неравенство (2.9).

Доказательство. Пусть $x_{\downarrow} = (x_{[1]}, \dots, x_{[m]})$ – невозрастающая перестановка вектора x и

$\lambda_1, \dots, \lambda_m \dots$ произвольные числа, такие что $0 \leq \lambda_i \leq 1$, $\sum_{i=1}^{\infty} \lambda_i \leq k$. Рассмотрим следующую

сумму

$$\lambda_1 x_{[1]} + \lambda_2 x_{[2]} + \dots + \lambda_m x_{[m]} + \dots. \quad (2.10)$$

Пусть $i < j$. Замену коэффициентов $\lambda_1, \dots, \lambda_i, \dots, \lambda_j, \dots, \lambda_m \dots$ на $\lambda_1, \dots, \lambda_i - \varepsilon, \dots, \lambda_j + \varepsilon, \dots, \lambda_m \dots$ назовем сдвигом право, если $\varepsilon > 0$. Сдвиг называется допустимым, если сохраняется условие $0 \leq \lambda'_i$, где λ'_i – новые коэффициенты, полученные в результате сдвига.

Так как $x_{[i]} \geq x_{[j]}$, то при допустимых сдвигах в право, сумма (2.10) не возрастает. Также очевидно, что допустимый сдвиг возможен до получения набора $0, 0, \dots, 0, \dots, 1, 1, \dots, 1, r$ где

количество единиц равняется $l = \left[\sum_{i=1}^{\infty} \lambda_i \right]$ и $r = \left\{ \sum_{i=1}^{\infty} \lambda_i \right\}$. Здесь $[a]$ и $\{a\}$ соответственно

означают целую и дробную часть числа a . Заметим, что если $l = k$, то $r = 0$. Поэтому

$$\lambda_1 x_{[1]} + \lambda_2 x_{[2]} + \dots + \lambda_m x_{[m]} + \dots \leq x_{[1]} + \dots + x_{[l]} + r x_{[l+1]} \leq x_{[1]} + \dots + x_{[k]} \quad (2.11.)$$

для всех $x \in S$ и $0 \leq \lambda_i \leq 1$, $\sum_{i=1}^m \lambda_i \leq k$.

Пусть $x \in S$ и $A \in \mathbf{U}_k$.

Выберем $T \in \mathbf{T}_k$, так что

$$A = \frac{1}{2}(T + T')$$

Тогда

$$(Tx, x) = \sum_{i,j=1}^{\infty} t_{ij} x_i x_j = \sum_{i=1}^{\infty} x_i \left(\sum_{j=1}^{\infty} t_{ij} x_j \right)$$

Так как $0 \leq t_{ij} \leq 1$ и $\sum_{j=1}^m t_{ij} \leq k$, то согласно (2.11) получаем

$$\sum_{j=1}^{\infty} t_{ij} x_j \leq \sum_{i=1}^k x_{[i]}$$

В силу $x_i \geq 0$, $\sum_{i=1}^{\infty} x_i = 1$ получаем

$$(Tx, x) \leq \sum_{i=1}^k x_{[i]}$$

и

$$(Ax, x) \leq \sum_{i=1}^k x_{[i]}$$

Пусть \mathbf{B} – множество всех б.к.о. Тогда теорема 2.1 означает, что для $V \in \mathbf{B}$ условия

$$A_k \in \mathbf{U}_1, \quad k \in N, \quad (2.12)$$

необходимы.

Пусть $V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m | \dots)$ – б.к.о. Если

$$\forall |\alpha| < \infty \quad \alpha \subset N, \quad \sum_{k \in \alpha} A_k \in \mathbf{U}_{|\alpha|}, \quad (2.13)$$

то согласно теореме 2.4., выполняется неравенство (2.9). Поэтому выполняется $Vx \prec x$. Таким образом, условия (2.13) достаточны для бистохастичности оператора.

§ 3. Крайние точки множества бесконечномерных бистохастических операторов.

Этот параграф посвящен изучению крайних точек множества бесконечномерных бистохастических операторов.

Приведем простую лемму.

Лемма 3.1. Если для симметрической матрицы A имеем

$$(Ax, x) = \sum_{i,j=1}^{\infty} a_{ij,k} x_i x_j = 0, \quad \forall x \in S,$$

то $A = 0$.

Доказательство. Положим $x = \lambda e_i + (1 - \lambda)e_j$. Здесь, как прежде e_i, e_j – вершины симплекса и $0 < \lambda < 1$.

$$(a_{ij} + a_{ji})\lambda(1 - \lambda) = 0.$$

Согласно симметричности матрицы A получаем $A = 0$.

Обозначим $V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m | \dots)$. Из определения бистохастичности следует, что если $V \in \mathbf{B}$, то $V_{\pi} = (A_{\pi(1)} | A_{\pi(2)} | \dots | A_{\pi(m)} | \dots) \in \mathbf{B}$ для любой перестановки π множества индексов N .

Теорема 3.1. Пусть $V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m | \dots) \in \text{extr}\mathbf{B}$. Тогда $V_{\pi} = (A_{\pi(1)} | A_{\pi(2)} | \dots | A_{\pi(m)} | \dots) \in \text{extr}\mathbf{B}$ для любой перестановки π множества индексов N .

Доказательство. Доказательство аналогичен доказательству теоремы 2.1.

Теорема 3.2. Пусть, $V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m | \dots) \in \mathbf{B}$. Если $A_i \in \text{extr}\mathbf{U}$, $\forall i \in N$, тогда $V = (A_1 | A_2 | \dots | A_m | \dots) \in \text{extr}\mathbf{B}$.

Доказательство.

Предположим, что $V \notin \text{extr}\mathbf{B}$. Тогда $\exists V', V'' \in \mathbf{B}$, $V' \neq V''$ такие, что $2V = V' + V''$. Пусть, $V' = (A_1 | \dots | A_m | \dots)$, $V'' = (A_1 | \dots | A_m | \dots)$. Тогда

$$(2A_1 - A_1 - A_1 | \dots | 2A_m - A_m - A_m | \dots) = 0.$$

Поэтому $2A_i - A_i - A_i = 0 \quad \forall i \in N$. Так как $A_i \in \text{extr}\mathbf{U}$, $\forall i \in N$, то $A_i = A_i$, $\forall i \in N$. Итак $V' = V''$, что противоречит тому, что $V \notin \text{extr}\mathbf{B}$.

Напомним, что оператор $T : \ell^1 \rightarrow \ell^1$ перестановочным, если $Tx = Px$, где P – матрица перестановки.

Использованная литература:

1. Маркус М., Минк Х. Обзор по теории матриц и матричных неравенств. М., «Наука», 1972, 232 с.
2. Маршал А., Олкин И. Неравенства: теория мажоризации и ее приложения. М., «Мир», 1983, 575 с.
3. Ганиходжаев Р.Н. О неподвижных точках квадратичных операторов. Доклады АН УзССР, 1977, №8, с. 8 – 11.
4. Ганиходжаев Р.Н. Квадратичные стохастические операторы, функции Ляпунова и турниры. Мат. сб., 1992, №8 (183), с. 129 – 141.
5. Ганиходжаев Р.Н. К определению бистохастических квадратичных операторов. УМН, 1993, Т.4, с. 231 – 232.
6. Roy N. Extreme points and $\ell^1(\Gamma)$ spaces. Proc. Amer. Math. Soc. 1982, № 86, p. 216 – 218.
7. O.Bratelli, D.W.Robinson. Operator algebras and quantum statistical mechanics, I, New York, Heidelberg Berlin, Springer (1979).

Абдурахмонов Ҳасан (Тошкент Темир йўл муҳандислари институти
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мустақил изланувчиси (PhD)
**ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада жамият ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг ўзига хосликлари ҳамда инновацион тафаккур ва унга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган. Шунингдек, жамият аъзоларининг янгича тафаккур асосида моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган ижодий фаолияти ва унинг натижасида амалдаги тизимлар иш жараёнида янгиликларни жорий қилиш самарадорлигининг ошиши устувор аҳамият касб этиши каби масалалар ўрганилган.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются особенности социальных изменений в обществе, а также инновационное мышление и факторы, влияющие на него. В нем также рассматриваются такие вопросы, как творческая деятельность членов общества, направленная на создание материального и духовного богатства на основе нового мышления и, как следствие, повышение эффективности внедрения инноваций в работу существующих систем.*

***Annotation.** This article discusses the features of social changes in society, as well as innovative thinking and the factors that influence it. It also addresses issues such as the creative activities of members of society aimed at creating material and spiritual wealth based on new thinking and, as a result, increasing the efficiency of introducing innovations into the work of existing systems.*

***Калим сўзлар:** илмий-ижодий эркинлик, фикрлаш, инновацион тафаккур, маданий омиллар, инсон қобилияти, синергетика, ижтимоий-маънавий омиллар.*

***Ключевые слова:** научная и творческая свобода, мышление, инновационное мышление, культурные факторы, способности человека, синергетика, социально-духовные факторы.*

***Key words:** scientific and creative freedom, thinking, innovative thinking, cultural factors, human abilities, synergetic, social and spiritual factors.*

Ҳозирги даврда инновацион тафаккурнинг маҳсули бўлган илмий янгиликлар, ижодий ишланмалар, илмий тадқиқот натижаларининг жадаллик билан жамиятнинг ҳар бир жабҳасига татбиқ қилиш жараёни тобора кучаймоқда ва дунёнинг илмий жамоатчилиги томонидан кишиларда инновацион тафаккурни шакллантириш каби масалалар чуқур тадқиқ этилмоқда. Бу борада ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш ва инновацияларни қабул қилишдаги илмий-ижодий эркинлик масаласи муҳим эҳтиёж ва заруриятлардан бири бўлиб қолмоқда. Инсоннинг фикрлаш тарзи бир қатор омилларга – туғма интеллектуал қобилиятга, болаликда олган таълим ва тарбиясига, меҳнат ва ижтимоий фаолиятининг характериға, миллий ва умуминсоний маданият меъёрларини ўзлаштириш даражасига боғлиқ бўлади.

Шарқ файласуфи Ал-Фаробий фикрича, фаол ақл инсон тафаккурининг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитдир. Бундай шарт-шароитсиз тафаккурнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Фаол ақл туфайли инсон буюкликка: донишманд, файласуф даражасига кўтарилади.¹

Шарқ мутафаккирларидан яна бири Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, инсоннинг ақлий қобилиятлари: фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш – хотира, идрок, ирода билан чамбарчас боғлиқдир. Тафаккур фикрлар асосида шаклланади ва ривожланади. Инсон қобилиятлари мулоҳаза ва ақлга бўлинади. Масалан, немис файласуфи И.Кант фикрича, “Бизнинг барча билимимиз хиссидан (сезгилар)дан бошланади, кейин мулоҳаза юритишга ўтиб, ақл билан тугайди. Бундан юқорида биз учун мушоҳада далилларни ўрганиш ва уни олий тафаккурға тўплаш учун бошқа ҳеч нарса қолмайди. Мулоҳаза ҳукм туза олиш қобилияти, ҳукм чиқариш қобилияти эса тафаккурдан бошқа нарса эмас. Мулоҳаза қоидаларни шакллантира олиш қобилиятидир, ундан фарқли равишда, ақл маълум тушунча ва хулосаларнинг манбаидир”.²

И.Кант тушунтиришича, фаҳм-фаросат, зехн, аста-секин тафаккур томон силжиб боради. Инсон тафаккури худди шу силжишға асосланиб, ҳодиса, воқеа, нарсаларнинг моҳиятини тушу-

¹ Аль-Фараби. О разуме и науке. М., 1975, с. 315 – 316.

² Кант И. Сочинение. В 6 т., М., 1996, т. 3, с. 340.

ниб етишга қодир бўлади. Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири туйғулар восита-сида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир,¹ деган юнон файласуфи Демокрит. Италиялик файласуф Ж.Брунонинг фикрича, сезги тасаввурга, тасаввур тафаккурга, тафаккур – ақл-идроққа, ақл-идроқ фикрга эврилади.²

Маълумки, «Тафаккур» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилган ва у билишнинг юқори босқичи ҳисобланади. Яъни, жамиятдаги инновацион янгиланиш ва туб ислохотлар жараёни ҳеч вақт бирданга амалга ошмаган, чунки бу инсон онги, тафаккури ва дунёқараши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Инсон онги аста-секинлик билан шаклланиб борар экан, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган инновацион янгиланиш ва стратегик ислохотлар жараёни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Янгиланиб бораётган Ўзбекистон сиёсатида ижодий ва инновацион фикрлаш ва тафаккур қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инновацион ғояларни акс эттирувчи кўплаб дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда ва умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинмоқда ҳамда “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш”³ каби муҳим вазифалар белгиландики, бу ижтимоий соҳада қатор илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда амалиётга жорий қилишни талаб этади. Албатта, булар инновацион тафаккурни шакллантириш орқалигина амалга ошади. Инновацион тафаккур бу жамият аъзоларининг янгича тафаккур асосида моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган ижодий фаолияти бўлиб, унинг натижасида амалдаги тизимлар иш жараёнида янгиланган жорий қилиш самарадорлигининг ошиши устувор аҳамият касб этади. Инновацион тафаккур имкониятларини чуқур англаш, тушуниш ва тушунтириш билан, унинг муҳим ва долзарб жиҳатларини тегишли соҳаларга қўллаш олиш, инновацияларни тартибга солиш, тўғри бошқариш муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳақда Президент Ш.М.Мирзиёев: “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимишга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз”⁴, дея таъкидлайди.

Инновацион тафаккур ривожланиши оддийдан мураккабга томон борадиган ва синергетик тарзда амалга ошадиган жараёндир. Чунки ҳар қандай тизимда ўз-ўзини ташкиллаштириш механизми мавжуд бўлиб, эски нарса ёки ҳодисанинг ўрнини янгиланган эгаллаб бориши ҳамда тизим таркибий қисмларининг мунтазам янгиланиб бориши каби синергетик тараққиёт манзарасини ўзида акс эттиради. Бунда инновацион тафаккур соҳиблари мавжуд тизимнинг ўзгартирувчилари бўлиб, улар жамият ҳаётига янгиланган олиб кириш орқали ижтимоий тараққиётга хизмат қиладилар. Инновациялар инсон фаолиятининг мезонига айланиб, замонавий моддий ва маънавий кадриятлар асосини ташкил этади. Инновация объектив жараён бўлиш билан бирга, субъектларнинг ақлий меҳнат фаолиятига асосланади ва улар томонидан такомиллаштирилиб борилади. Инновацион тафаккур соҳиблари новатор, инноватор, дастлабки фойдаланувчилар ва бошқа жараёнга алоқадор шахслар ҳисобланади. Инновациялар тараққиёти натижасида инновацион муҳит, онг, маданият, мақсад ва танловларнинг юзага келиши, улар асосида фаолиятнинг амалга ошиши ва инновацион гуруҳлар фаолиятининг кўллаб-қувватланиши тобора долзарб аҳамият касб этади. “Маданият, бугунги кунда инновация ва жамият ривожланишининг калити сифатида тавсия этилади, у янги техниканинг киритилиши ва жамият томонидан “тан олиниши”ни енгиллаштиради, халқаро тажриба алмашинув ва бир-бирини тушунишга ёрдам беради. Маданият барча ижтимоий индикаторлар ва

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф (тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар). Т., 2002, 68-бет.

² Ўша асар. 240-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

⁴ Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018, 508-бет.

жамият тараққийетининг ўсиш мезонлари оралиғида бўлиши лозим,¹ – деб ёзади рус олими П.Козловски. Инновацион жамиятнинг фаол субъекти – ёшлар бўлиб, ҳозирги босқичда унинг тимсолида инновацион шахсни тарбиялаш муҳим ҳисобланади. «Инновацион шахс» тушунчасини америкалик файласуф Эверетт Хаген илмий муомаллага киритган.² Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15–17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт».³

Бундай инновацион ёндашувлар жамият ижтимоий-маданий тараққийетнинг асоси бўлиб, ёшларда инновацион тафаккурни юксалтириш кўп жиҳатдан инсон капиталига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мамлакатимиз олимларидан бири А.Бегматов инновацион тафаккур маҳсули бўлган инновацион фаолиятни қуйидагича тавсифлайди: «Инновацион фаолият» атамаси ишлаб чиқаришда янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратиш бўйича хизматлар бажаришни, янги такомиллаштирилган технологик жараённи англади. Инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- янги маҳсулотни яратиш бўйича фаолият;
- янги оригинал ғояларни тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқариш;
- янги оригинал ғояларни такомиллаштириш ва ҳ.к.»⁴

Эндиликда инновациянинг ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаси билан бир қаторда, таълим, маданият, кундалик турмуш тарзига ҳам кириб келаётганлиги кузатилмоқда. Россиялик файласуф олим М.Молостованинг фикрича, «шахс фаолиятида инновациялар ва уларни ўзлаштиришга муносабат қуйидагилар асосида амалга ошади: фаолиятнинг мақсадга йўналганлиги ва натижани олдиндан англаб етиш, юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишга йўналганлик, тез ўзгариши мумкин бўлган ҳолатларга мослаша олиш; кутилмаганда юзага келган вазиятда ҳаракат қила олиш, қатъиятлилик, муваффақиятга йўналганлик ва муваффақиятсизликдан чўчимаслик – яратувчанлик ва ижтимоий йўналганлик».⁵

Бундай мураккаб жараён инновацион тафаккур соҳибидан кучли билим ва қатъий ҳаётий позицияни талаб қилади. Инновация тизимнинг муҳим бўлаги бўлган инновацион тафаккур, инновацион фаолият жамият тараққийети учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Жамиятдаги маънавий-интеллектуал эҳтиёжлар англаниши ҳам кишиларнинг инновацион тафаккури, яъни интеллектуал даражаси етуклиги билан боғлиқ. Инсон ҳаётида инновацион тафаккурни қарор топтириш уни кенг ва ҳар томонлама чуқур ўйлашга, эркин ижодий фикрлашга ўргатади.

Демак, инновацион тафаккур янги асосга эга бўлган кадриятлар, кўникмалар, янгича йўналтирилган ва кўпроқ янгиликка интилаётган дунёқараш асосида тараққий этади, креативликни ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини юксалтиришни талаб этади. Инновацион тафаккур – фундаментал билимларни ўзида акс эттирган, жамиятда амалга ошаётган инновацион жараёнларни англаб етган шахсни тафаккур имконияти ҳисобланади. Унинг таркибий қисми инновацион онг, билим, ижодий хулқ-атвор, ижодий тафаккур, фаолият ва инновацион салоҳиятдан иборатдир.

**Мардонов Равшан Субханович (фалсафа фанлари номзоди,
ТАТУ Самарқанд филиали Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси доценти)
ҒАРБДА ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИНИНГ ЯНГИ БИЛИМ СОҲАСИ СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ**

Аннотация. Мақолада фалсафий ва педагогик адабиётларни таҳлили асосида таълим фалсафасинининг илмий билимларнинг бир соҳаси сифатида (предмети, вазифаси, методологияси)

¹ Козловский П. Культура постмодерна. М., “Республика”, 1997, 217 с.

² Gerasimova V., Mokichev S. Nano-economics in a National System of Innovation. Procedia Economics and Finance 5, 2013, p. 288 – 297.

³ <https://president.uz/uz/lists/view/2228> - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

⁴ Бегматов А.С. Инновацион онг: моҳияти, функциялари ва шаклланиш шартлари. Тошкент, 2017, 3-бет.

⁵ Молостова М.Ю. Теоретико-методологические основания понятия «инновационное поведение». Известия Самарского научного центра Российской академии наук, т. 12, 2010, № 5, с. 134.

институт мақомини олиши жараёни, унинг инсон ва жамият ривожланишининг ҳозирги босқичидаги аҳамияти кўриб чиқилади, эришилган натижалар таҳлил қилинади.

Аннотация. В статье на основе анализа философской и педагогической литературы рассматривается процесс институционализации философии образования как отрасли научного знания (предмет, функции, методология), ее значение на современном этапе развития человека и общества, анализируются достигнутые результаты.

Annotation. Based on the analysis of philosophical and pedagogical literature, the article examines the process of institutionalization of the philosophy of education as a branch of scientific knowledge (subject, functions, methodology), its significance at the present stage of human and society development, analyzes the results achieved.

Калим сўзлар: фалсафа, педагогика, эдукология, таълим фалсафаси, таълим фалсафаси пайдо бўлиши ва тарихи.

Ключевые слова: философия, педагогика, эдукология, философия образования, возникновение и история философии образования.

Key words: philosophy, pedagogy, ecology, philosophy of education, origin and history of the philosophy of education.

Таълимнинг асосий муаммолари азалдан кўплаб билим соҳалари диққат-этиборини ўзига тортиб келади. Жумладан, таълим фалсафа (Ж.Деви, Д.О'Коннор, П.Хёрст, Г.Феллер, Т.Буфорд, К.Лукас, М.Эпл, А.Рорти, Р.Куррен, Б.С.Гершунский, В.С.Грехнев, Э.Н.Гусинский, О.В.Долженко, А.О.Огурцов, В.В.Платонов, М.В.Розин, Ю.И.Турчанинова ва бошқалар), шунингдек, кўплаб махсус фанлар, масалан, социология (И.В.Бестужев-Лада, Э.Д.Днепров, В.И.Добреньков, А.С.Запесоцкий, Л.Н.Коган ва бошқалар), психология (А.А.Асмолов, И.В. Дубровина, Ю.М.Забродин, В.П.Зинченко), педагогика (В.В.Краевский, А.М.Новиков, В.В.Кумарин ва бошқалар), тарих ва бошқа фанларнинг ҳам ўрганиш предмети ҳисобланади. Шу билан бирга, В.Н.Никитенконинг таъкидлашича, ҳозиргача таълимнинг кенг намоён бўлишини ўзининг илмий тадқиқот предмети деб ҳисоблайдиган фан мавжуд эмас.¹ Унинг фикрича, ЮНЕСКОнинг таълим бўйича комиссиясининг ташаббуси билан фанлар тизимида киритилган эдукологияни шунга бир қанча яқинроқ фан деб назарда тутиш мумкин. И.И.Головконинг фикрига кўра, эдукология—“бу, бир томондан илмий инсонни шакллантириш тамойиллари ва инсоният маданиятининг бир қисми сифатида фундаментал билимларни белгилаш тўғрисидаги, бошқа томондан эса касбий тайёргарликнинг асоси бўлган фан” ҳисобланади.²

В.В.Краевский кенг маънода таълим тўғрисидаги фан “педагогик фалсафа” бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бу фан, айниқса, олам, жамият ва унда инсоннинг ўрни тўғрисидаги кенг тушунчаларнинг педагогик воқелик билан алоқасини очиб беради.³

Узоқ вақт давомида педагогика таълим (тарбия ва ўқитиш) ҳақидаги фан деб ҳисобланган. Эндиликда педагогик билимлар таълим сатҳидаги муаммолар ва зиддиятларнинг бутун мажмуасини қамраб ололмайди. “Таълим фанлари бутун мажмуасининг предмет соҳасини” қайта кўриб чиқиш зарурлиги, фан методологиясининг таниқли тадқиқотчиси академик А.М.Новиковнинг асарларида қайд этилган. Унинг сўзларига кўра, бу соҳа педагогикага қараганда анча кенгдир”.⁴

XXI асрга келиб таълимни нафақат ижтимоий ёки педагогик нуқтаи назардан эмас, балки яна-да кенгроқ доирада кўриб чиқадиган фанга эҳтиёж туғилди. В.Н.Никитенконинг фикрига кўра, “бундай фаннинг пайдо бўлиши мувофиқлик тамойилига зид бўлмас эди. Бунга биноан, эҳтисобга қараганда кенг соҳага қўллашни даъво қилувчи янги назария уни имконият даражасида ўз ичига олиши керак”.⁵

¹Никитенко В.Н. Таълим ижтимоий-педагогик ва фанлараро категория сифатида. Таълим фалсафаси. 2010, 4-сон, 61-бет.

² Никитенко В.Н. Ўша асар. 62-бет.

³ Краевский В.В. Таълим тўғрисида фанлар ва таълим тўғрисида фан (замонавий педагогиканинг методологияси муаммолари). Фалсафа муаммолари. 2009, 3-сон, 77–82-бетлар.

⁴ Новиков А.М. Миллий таълимнинг ривожланиши. Муаммоли фикрлар. Москва, “Эгвес”, 2005.

⁵ Никитенко В.Н. Ўша асар. 57–62-бетлар.

В.Р.Имакаевнинг фикрига кўра, таълим соҳасининг мазмун жиҳатидан бугунги кундаги чуқур инкирози, уни барча даражаларда ҳал қила оладиган приципиал жаҳатдан янги илмий билимлар соҳасининг вужудга келишига ёрдам бериши керак.¹

Ҳозирги даврда таълимнинг мазмун жиҳатидан инкирозини аллақачон илмий билимларнинг мустақил соҳасига айланган таълим фалсафаси ҳал қилиши мумкинлиги кўрсатилмоқда. Ғарбда ярим асрдан кўпроқ ва Россияда бир неча ўн йиллар давомида таълим фалсафасининг фанлар тизимидаги мавқеи ва аҳамияти тўғрисида тортишувлар бўлган. Бугун нафақат янги таълим фанининг пайдо бўлиши, балки ушбу илмий йўналишни мустақил (ўзини ўзи таъминлайдиган), ўзига хос яхлитлик (интеграл) сифатида ривожланиши ҳақида бемалол гапириш мумкин.

Агар XX асрнинг охирида таълимни уни махсус ўрганадиган фан (педагогика) ва фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ўртасидаги чегара ҳали аниқ эмас эди.²[7]. Аммо бугунги кунда бу чегара жуда аниқ бўлди. Биз бу мақолада Ғарбда таълим фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини ёритишга, унинг замонавий илмий билимлар тизимидаги ҳақиқий мақомини таърифлашга, изчиллигини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Фалсафий таҳлил ҳар доим таълим соҳасидаги янгиликлардан олдин бўлган. Таълим фалсафаси таълим жараёнларини тубдан қайта кўриб чиқишга имконият яратади. Демак, бир неча ўн йиллар давомида таълим тўғрисидаги ҳақиқатни фалсафий англаш натижаси анъанавий парадигманинг (“БМК (билим, малака, кўникма) – натижа парадигмаси”) “таълим натижаси парадигмаси – компетенциялар тизими орқали” ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда “чуқур билимга асосланган ёндашув” мавзуси – бу олий таълим дидактикаси, кадрларни менежменти ва бошқалар объекти бўлса ҳам, аммо тарихни ёдга олиб, биз ушбу парадигманинг ривожланишида таълим фалсафасининг устувор ўрни ҳақида ишонч билан гапиришимиз мумкин. 1970-йилларда компетенция (малака билим)га асосланган таълимни биринчи марта америкалик назариётчи файласуф ва тилшунос Ноам Хомский (Массачусет университети) тавсифлаб берган. Жон Равен (Шотландия, Эдинбург университети) юқори даражадаги компетенциялар диагностикаси ва тадқиқоти соҳаси, уларнинг моҳияти, ривожланиши, баҳоланиши ва амалга оширишида катта ҳисса қўшди.

XXI асрга келиб таълим фалсафаси таълимга янгича нуқтаи назар билан қарашга имконият яратди. Ўзаро алоқадорликда бўлган иккита тамойилга асосланган таълим энг истиқболли деб эътироф этилди. Булар, биринчидан, тез суръатлар билан ўсиб бораётган ахборот оқимида тезкор ҳаракат қилиш, иккинчидан, керакли масалани топиш ва олинган маълумотларни қўллаш қобилиятидир. Таълим фаолиятининг мақсади “билим, кўникма ва малакалар” учлиги эмас, балки ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, менежерлар ва қайсидир тарзда таълим фаолияти маконига алоқадор бўлганларнинг маданий эҳтиёжлари ва ижодий қобилиятлари эканлиги одат ва аниқ бўлиб қолди. XXI аср таълими бўйича халқаро комиссияда Жак Делор “Таълим: яширин хазина” мавзусида қилган маърузасида таълим асосланадиган тўртта устун (билиш, бажариш, ҳамжиҳатликда яшаш, яшашни ўрганиш)ни тавсифлади, аслида, таянч глобал компетенлик (малака билимга эгаллик)ни белгилаб берди. Делорнинг фикрига кўра, таълимнинг энг муҳим тамойили “нафақат турли вазибаларга дош бериш ва гуруҳда ишлашга имкон берадиган касбий малакаларни эгаллашгина эмас, балки кенг маънода компетенцияни эгаллаш учун ўрганишни билишдир”.³

Таълим фалсафасининг мустақил билим соҳаси сифатида шаклланиши узоқ тарихга эга. Таълим фалсафаси илк бор АҚШда пайдо бўлди. Унинг пайдо бўлган санаси 1941 йил бўлиб, Колумбия университетида Америка Таълим фалсафаси жамияти ташкил этилган вақт билан боғлиқдир. Ушбу жамиятнинг мақсади таълимнинг фалсафий муаммоларини ўрганиш, файласуфлар ва педагогика назариётчилари ўртасида конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш, коллеж ва университетларда таълим фалсафаси бўйича ўқув курсларини тайёрлаш, ушбу мутахассислик бўйича курсларни, мутахассис кадрларни тайёрлаш ва ўқув дастурларини фалсафий экспертизадан ўтказиш эди. Жамият мунтазам равишда таълим муаммоларига бағишланган турли мавзулардаги конференциялар ташкил қилди ва ўтказди. Шу билан бирга, таълим фалсафаси ғоялари Европа, айниқса, Буюк Британияда қўллаб-қувватланди. Буюк Британияда 1965 йилда таълим фалсафаси бў-

¹ Таълимнинг семантик инкирози таълим тизими ўаётининг учта даражасида содир бўлапти: макро даражада (жамият ва таълим тизимининг ўзаро таъсири), мезо даражасида (профессионал жамоаларнинг ўзаро алоқаси), микро даражада (тўғридан-тўғри таълимнинг ўзаро таъсири).

² Зиков М.Б. Таълим фалсафаси. Реферат. В.В.Краевский. Таълим фалсафаси нима? Магистр. 1994, 3, 22-бет.

³ Делор Ж. Таълим: яширин хазина. UNESCO, 1996, 37-бет.

йича жамият пайдо бўлди. 1990 йил июнь ойида Прагада ЮНЕСКОнинг “XXI аср истикболида таълим фалсафаси” илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида Чехия-Совет симпозиуми бўлиб ўтди. Бу симпозиум Европа бўш вақт ва таълим маркази (Прага), СССР Давлат таълими Илмий Маркази томонидан ташкил этилди. 1990 йилнинг августида Таълимни демократлаштириш бўйича Халқаро конференцияда “Таълим файласуфлари халқаро тармоғи” деб номланган уюшма ташкил этилди. М.А.Лукацкийнинг таъкидлашича, XX асрда таълим фалсафасининг умумий фалсафадан ажралиши ҳақиқий ва динамик характерга эга бўлди.¹ Бутунжаҳон фалсафа конгресси “Пайдеёя (юнон. – таълим): Инсон тарбиясида фалсафа” (Бостон, 1998) доирасида таълим фалсафаси билан боғлиқ муаммолар бўйича бир қатор ялпи сессиялар, симпозиумлар ва коллоквиумлар ўтказилди. 2002 йилда Австрияда (Вена) “Пайдеёя XXI аср учун?”, 2003 йилда Бостонда “Пайдеёя ва дин: таълим демократия учун?” Халқаро конференциялари ташкил этилди.

Илмий жамоатчилик учун қимматли классикага айланган китоблар яратилди Ж.Дьюининг “Демократия ва таълим: таълим фалсафасига кириш” (1916); Д.О.Коннорнинг “Таълим фалсафасига кириш” (1957); П.Хёрстнинг “Таълим фалсафаси ва назарияси (1963); Т.Буфорднинг “Таълим фалсафаси” (1969) шулар жумласидандир.

Бутун дунёда таълим фалсафаси муаммоларига бағишлаб ёзилган китоблардан ташқари журналлар (“Таълим асослари”, “Таълим назарияси”, “Таълим ишлари”, “Таълим фалсафаси”) нашр этилади, кўплаб хорижий университетларда (биринчи навбатда, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда) таълим фалсафаси кафедралари яратилмоқда. Булардан энг машҳурларидан бири Лондон университетининг Таълим институтида жойлашган. Ҳозирги кунда ушбу кафедра ўқув психологияси кафедраси билан биргаликда ишлайди.

Бироқ илм-фаннинг бошқа соҳалари каби, таълим фалсафаси ҳам пайдо бўлганида бир қатор тарафдорлари ва муҳолифларини (шубҳа, танқид қиладиган, бефарқ қарайдиган мутахассислар) топди. Шу билан бирга, муҳолифларнинг сони анча кўп бўлиб, улар ўз ғояларини ҳимоя қилишда фаолроқ бўлишди.

Ж.Дьюи “Таълим тўғрисидаги фанлар манбалари” (1929) китобида “таълим тўғрисидаги фанлар мазмуни сифатида ажратиб кўрсатиладиган, айтилик, белги (тамға) бўладиган материал мавжуд эмас. Бу ерда ўқитиш ва педагогик қўлланмалар муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган ҳар қандай фандан олинган ҳар қандай усуллар, ҳар қандай далиллар ва тамойиллар фойдали бўлади”, деб ёзади.² Мазмунан, худди шундай фикрни анча кейин П.Хёрст ўзининг “Фалсафа ва таълим назарияси” (1963) мақоласида баён қилган. Хёрст таълим тўғрисидаги фанлар мустақил фан соҳаси сифатида мавжуд эмас, фалсафа ҳам бир нечта фанлардан фақат биттасидир, уларнинг ҳар бири таълим тамойиллари билан алоҳида боғлиқдир, деб ҳисоблайди. 1989 америкалик олим М.Эпл кўплаб Ғарб мамлакатларида таълим фалсафаси деярли фойдасиз бўлиб қолганлигини таъкидлашни муҳим, деб билди. Бу фан шунчалик техник икир-чикирларга берилиб кетдики, охири оқибат у ва умуман ўқитувчилар жамоатчилигининг ташвишлари ва фаолияти ўртасидаги алоқалар энг яхши даражада заифлашди, энг ёмони деярли кўринмас бўлиб қолди.³

XIX ва XX асрнинг бошларида файласуфлар ва педагоглар П.Наторп, Ф.Паульсен, Г. Кершенштейнерлар ҳам таълим тўғрисидаги махсус фанни алоҳида ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини инкор қилиб, педагогиканинг амалий фалсафа статусида бўлиши мумкинлигини эътироф этдилар. Уларнинг фикрича, педагогика ўзига хос амалий фалсафадан бошқа нарса эмас. Яъни, улар ягона фан мавжудлиги имконияти ва мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фактлар, қонуниятлар, таълим тамойиллари, ёки айтганимиздек, педагогик воқеликнинг яхлит ва тизимлилигини, уларнинг алоқадорлиги, иерархияси орқали ўрганиш мумкинлигини инкор этдилар. Аммо бу ҳолда таълим фалсафаси ҳам, шубҳасиз, фақатгина алоҳида олинган фалсафий билимлар, муаммолар, категорияларни таълим ҳодисаларига татбиқ этишнинг эклектик майдони сифатида ҳаракат қилиши мумкин ва ҳеч қандай ягона парадигмага муҳтож бўлмайди.

Россиялик олимлар орасида ҳам таълим фалсафасининг муҳолифлари бўлган. В.В.Краевский ва В.В.Кумаринлар таълим жараёнларини фалсафий ўрганиш педагогикага нисбатан суиқасд

¹ Лукацкий М.А. Таълим фалсафаси: шаклланиш тарихи ва ривожланиш қийинчиликлари. Таълим ва жамият. 2004, 2-сон, 76–80-бетлар.

² Краевский В.В. Ўша асар. 77–82-бетлар.

³ Зиков М.Б. Ўша асар. 19–27-бетлар.

деб ҳисобладилар.¹ В.В.Краевский ўзининг бир қатор мақолаларини айнан шу масалага бағишлаган.²

Аммо, яқинда бу ғояларнинг аксариятига юз йиллар бўлганлигини таъкидлашимиз керак ва уларни таълим фалсафасининг мустақил илмий соҳаси сифатида шаклланишининг машаққатли йўли тарихидаги саҳифалар деб ҳисоблашимиз мумкин.

Россияда таълим фалсафасига бўлган қизиқишнинг кучайиши XX асрнинг охирига тўғри келади. Г.Л.Ильин “Таълим фалсафаси” (2002) китобида Россия фанида таълим фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган қуйидаги сабабларни кўрсатади:³

1. Миллий таълимдаги жараёнлар инқироз характерига эга бўлди.

2. Миллий таълим муаммолари дунё муаммолари доирасида кўриб чиқиладиган бўлди.

3. Таълим инқирози таълим соҳасининг ички иши бўлмай қолди ва бутун тизимдаги ижтимоий инқирознинг бир қисмига айланди.

4. Узлуксиз таълимга ижтимоий эҳтиёж вужудга келди.

Г. Л.Ильин томонидан кўрсатилган сабабларга яна қуйидагиларни қўшиш мумкин:

5. Таълим соҳасини ўзгартириш зарурати туғилди (тизим, жараён, натижа сифатида).

6. Таълимнинг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлиги зарурати туғилди.

7. Мулоҳаза ва ҳал қилишни талаб қиладиган қарама-қаршиликлар пайдо бўлди.

8. Педагогик ваколатлар доирасидан ташқарига чиқадиган муаммолар пайдо бўлди.⁴

XIX асрнинг ўрталарида Герберт Спенсер “таълим фалсафаси илмий мўлжал, ҳаётий координатлар бўлиши керак. Таълим тизими фалсафасининг муҳим пойдевори – бу маънавий соҳада бўлгани каби, педагогик соҳада ҳам, умуман, универсал, “бошидан охиригача” бўлиши, таълим жараёнининг барча таркибий қисмларини қамраб олиши, универсал алоқалар, тенденциялар, зиддиятлар ва ривожланиш шакллари таълим жараёнига кириши керак”, деб айтди.⁵ Британиялик файласуф ва социолог фалсафа педагогика, социология, биология ва бошқа фанларга ўтган асрлар тубига “қараш”, таълим мазмуни, мониторинг усуллари ва натижаларини конюктурга ёки ўрнатилган ақидалар билан эмас, балки доимо ривожланиб бораётган универсум билан таққослаш имконини беради, деб ҳисоблаган.

Юқорида таъкидланганидек, Россияда таълим фалсафасининг илмий билимлар алоҳида соҳаси сифатида шаклланиши Ғарбга қараганда анча кеч содир бўлди. Таълим фалсафаси бўйича Спенсер ва бошқа Ғарб апологетларининг ғоялари атиги йигирма йил олдин маҳаллий илмий жамоатчиликда ҳаққоний кўринишга эга бўла бошлади. Я.С.Турбовскийнинг фикрига кўра, таълим дунёсига ўз фалсафасини тақдим этиш (таклиф қилиш) керак. “Маълумки, агар фалсафа доноликка муҳаббат деб талқин қилинган бўлса, демак, таълим фалсафаси дастлаб, шубҳасиз, доноликнинг намоён бўлиши сифатида кўриб чиқилиши ва изоҳланиши учун мўлжалланган. Аммо у ўзига хос бўлиб, таълим дунёсининг энг оқилона умумий тававурларида мавжуд бўлмаган ва кўпинча уларга зид бўлган моҳияти ва унинг қонуниятларини англашни талаб қиладиган. Фақат шу ўзига хослик, жамият (социум)га боғлиқ ва хусусан унга ўхшаш бўлмаганлиги туфайли зудлик билан махсус таълим фалсафасини ишлаб чиқиш зарурлигини тушуниш мумкин”.⁶

Россияда узоқ вақтдан бери таълим муаммоларини ўрганишда нуфузли фалсафий аъёнлар мавжуд эди. Аммо XXI асрнинг бошларига қадар таълим фалсафасида на махсус тадқиқот йўналиши, на ихтисослик бор эди. Ҳозирги кунда вазият ўзгарди.

Россия Таълим академияси президиуми ҳузурида муаммоли илмий кенгаш тузилди, Россия Таълим академиясининг Педагогик инновациялар институтида таълим фалсафаси бўйича семинар бошланди, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. Ҳар йили таълим фалсафаси бўйича тобора кўпроқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда. “Фалсафа муаммолари”, “Фалсафа фанлари”, “Таълим олами” ва “Таълим ва жамият” журналлари

¹ Ильин Г.Л. Таълим фалсафаси (давомийлик ғояси). Москва, Олий ўқув юрти китоби, 2002, 12-бет.

² Краевский В.В. Ўша асар. Краевский В.В. Ижтимоий амалиёт шароитида педагогиканинг илмий мақоми. Фан, таълим, инновациялар. Тузувчи А.Э.Анисимова ва бошқ., Москва, МДПУ, 2009, 181–199-бетлар.

³ Ильин Г.Л. Ўша асар. 13–14-бетлар.

⁴ Веселова В.С. Инсон тарбияси муаммоларини ижтимоий-фалсафий таҳлили. Волга минтақасининг аспирантура бюллетени. 2009, 1–2-сонлар, 16–19-бетлар.

⁵ Инсонларвар педагогика антологияси. 9-нашр. Тузувчилар Н.Н.Дорофеева, А.Г.Шишкина. Москва, Ш. Амонашвили нашриёт уйи, 2004, 33-бет.

⁶ Турбовской Я.С. Таълим оламига ўзига хос фалсафа. “Таълим ва жамият”, 2003, 2-сон, 19–36-бетлар.

саҳифаларида таълимнинг фалсафий ва педагогик муаммоларига бағишланган нашрлар, рубрикалар ва давра суҳбатлари материаллари мавжуд. 2001 йилда “Таълим фалсафаси” журнали пайдо бўлди, унда таълимнинг миллий ғояси, таълим фалсафасининг фанлараро томони, таълим фалсафасининг Ғарб ва маҳаллий илмий назарияларда ривожланиши ва бошқа мавзулар кўриб чиқилди. Ҳар йили ўтказиладиган “Ломоносов” ёшлар илмий форуми доирасида “таълим фалсафаси” бўлими фаолият кўрсатмоқда, таълим фалсафаси муаммоларига бағишланган илмий-услубий конференциялар ўтказилмоқда, бакалаврлар ва магистрлар учун “Талим фалсафаси” номдаги маъруза курслари очилмоқда (ишлаб чиқарилмоқда). 2008 йилда Ломоносов номидаги Москва давлат университети фалсафа факультетида Таълим фалсафаси кафедраси очилди. 2012 йил январь ойида МДПУ қошидаги пойтахт Таълим илмий тадқиқот институтида таълим фалсафаси лабораторияси яратилди. 2012 йилнинг ёзида Нижний Новгородда бўлиб ўтган Бутунроссия фалсафий конгресси доирасида “Таълим фалсафаси” секцияси ташкил этилди, унда 40 дан ортиқ академик фан вакиллари қатнашдилар.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, илмий жамоатчилик таълим фалсафасини нафақат Ғарбдан келиб чиққан замонавий илм-фан соҳаси, деб тан олди, балки уни мослаштиришга, ўзининг миллий таълим фалсафасини яратишга тўлиқ тайёр бўлди.

Таъкидлаш жоизки, миллий таълим фалсафаси Ғарбдан келган таълим фалсафасидан фарқ қилади. Бундай фарқлардан бири бу янги илмий билим соҳасининг асосларидир. Ғарбда таълим фалсафасидаги тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси кенг педагогик амалиёт, унинг катта ҳажмдаги маълумотлари ва олинган натижаларнинг тавсифи, тегишли хулосалар ҳисобланади. Муҳокама қилинадиган мавзулар: ўзгарадиган жамият шароитида таълим; мактаб таълимида эркинлик нима, билиш жараёнида ҳокимиятнинг ўрни ва роли. Асосий ёндашув – “факт асосида” тавсиф, “нима борлиги”ни таҳлил қилишдан иборат.¹ Россияда қуйидаги мавзулар оммабоп: таълим қандай бўлиши керак, замонавий таълимга эга бўлган инсоннинг идеали қандай, мактаб ва олий таълимнинг вазифалари нималардан иборат бўлиши керак. Яъни, маҳаллий таълим фалсафаси ўзига хос миллий руҳга эга бўлиб, у келажакни моделлаштириш ёки лойиҳалаштириш соҳасида кўпроқ эътибор қаратади.

Оралиқ натижани сарҳисоб қилиб, фан сифатида таълим фалсафаси мазмунини қуйидаги босқичларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. 1940-йиллар – Қўшма Штатларда таълим фалсафасининг пайдо бўлиши.
2. 1960-йиллар – Ғарбий Европада таълим фалсафасининг ривожланиши.
3. 1990-йилларнинг бошлари – Россияда таълим фалсафасининг шаклланиши.
4. 2000-йиллар – таълим фалсафаси ривожланишининг ҳозирги босқичи.

Таълим фалсафаси анъанавий фалсафа доирасидан чиқиб, ўз ўрганиш мавзуси, вазифаси, функцияларини топишга ҳаракат қилди.

Таълим фалсафасини фан сифатида шаклланишидаги қийинчиликлар, аввало, “таълим фалсафаси” таърифининг мураккаблиги ва хилма-хиллигидан келиб чиқади. Фақатгина таълим фалсафаси концепцияси тўғрисида бир нечта мисоллар келтирамиз. Британика энциклопедиясидаги таъриф: “Таълим фалсафаси – бу ўрганиш, тадқиқ этиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳаси бўлиб, унда фалсафий усуллар таълимнинг муаммолари, мавзулари ва моҳиятини ўрганишда қўлланилади...” В.А.Караковский XX–XXI аср чегарасида таълим фалсафасини замонавий фалсафанинг бир қисми деб таърифлаган. В.В.Краевский таълим фалсафасини маълум фалсафий билимлар, муаммолар ва категорияларни педагогик воқеликка тадбиқ этишнинг эклектик соҳаси деб билди, таълим фалсафасини амалий фалсафа билан тенглаштирди. Г.Л.Ильиннинг фикрига кўра, таълим фалсафаси муайян фикрлаш тарзини мўлжаллайдиган тарихий ва ижтимоий шароитда (иктисодий, сиёсий, технологик, педагогик, психологик, ахлоқий) замонавий таълим жараёнларининг энг умумий ва муҳим қонуниятлари, уларнинг боғлиқликларини ўрганадиган илмий йўналишдир. О.Е.Крашнева томонидан таълим фалсафаси фалсафий метафизика сифатида ижтимоий фалсафа ва фалсафий антропология билан таққосланиб, фалсафий билимларнинг кенг доираси сифатида тақдим этилган.

¹Федотова Т.Ю. Таълим фалсафаси ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида (муаммонинг қўйилиши). Таълим ва фуқаролик жамияти: давра суҳбати материаллари, 15 ноябр 2002 й. «Узлуксиз гуманитар таълим (илмий тадқиқотлар)» туркуми. 1-нашр. Ю.Н.Солонин таҳрири остида. Санкт-Петербург: Санкт-Петербург фалсафа жамияти, 2002, 28–29-бетлар.

Д.И.Корнющенко таълим фалсафасини замонавий педагогиканинг тушунарси тузилиши деб ҳисоблайди.

Таълим фалсафаси – бу XX–XXI асрларда вужудга келган қарама-қаршиликлар, таълим муаммолари ва истикболларини ўрганишнинг илмий соҳаси бўлиб, у файласуфлар, ўқитувчилар, социологлар, антропологларнинг ғояларини ўзига жалб қилади, замонавий дунёда инсон ва жамиятнинг таълим ҳақиқий ҳолати тўғрисида ўзининг “калейдоскопик” манзарасини яратади. В.А.Глуздовнинг фикрича, концептуал нуқтаи назардан олганда таълим фалсафаси предмети таълим ҳақиқий ҳолати манзарасининг энг умумий асослари ҳисобланади. Таълим фалсафасининг вазифаси иккита асосий масалани ҳал қилишдан иборат:

- 1) таълимнинг инсон фаолиятидаги ўрни ва ролини аниқлаш;
- 2) таълимнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини аниқлаш.¹

Таълим фалсафаси тарихини илмий фан сифатида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда ушбу фан соҳасининг аниқ тузилиши аллақачон шаклланган. Булар таълим онтологияси, таълим эпистемологияси, таълим мантиғи, таълим аксиологияси, таълим методологияси, таълим этикаси ва эстетикаси, ҳамда таълим тарихидир.

Қуйидагиларни таълим фалсафасининг функциялари деб ҳисоблаш мумкин: онтологик, эпистемологик, аксиологик, психологик, мафкуравий, ўзгарувчанлик, тартибга солувчи, прогностик.

Юқорида айтиб ўтилганлар Россия таълим фалсафасини билимлар тизими сифатида тасвирлашга имкон беради. Таълим фалсафасининг пайдо бўлиши интеграл хусусиятга эга, чунки биз унинг пайдо бўлишида фалсафа, педагогика, социология, тарихдан миннатдормиз. Таълим фалсафаси педагогикага бориб тақалмаслигини таъкидлаймиз, чунки педагогика тарбиянинг моҳияти, унинг қонуниятлари, тенденциялари ва ривожланиш истикболларини ўрганишга мўлжалланган, унинг тамойиллари, мазмуни, шакллари ва усулларини аниқлайди ва ривожлантиради ва буларнинг барчасини амалда қўллайди. Педагогика амалий характерга эга. Фундаментал бўлган ва тарбиянинг онтологик ва эпистемологик асосларини ўрганадиган, тарбиянинг олий мақсадлари ва қадриятлари тўғрисида энг умумий қоидаларни шакллантирган фалсафадан фарқли ўларок, таълим фалсафаси таълим муаммоларига назарий ёндашишдан мутлақо ташқарига чиқади. Фалсафа ва педагогиканинг фарзанди бўлган таълим фалсафаси назарий ва амалий даражаларга асосланади. Бу унинг ўзига хослиги, афзаллигидир.

Бугунги кунда таълим фалсафаси ўзига хос методологияни шакллантириш йўлидадир. Масалан, В.Р.Имакаевнинг фикрига кўра, таълим соҳасини айрим фанлар (педагогика, психология, социология) доирасида ўрганиш маҳаллий, хусусан, фалсафа нуқтаи назаридан муаммоли-тадқиқот вазифалари доирасида натижалар беради. Мумтоз таълим методологиясининг ўзи замонавий таълимнинг субъекти мазмуни муаммоларини ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқа олмайди, чунки бу методология олдиндан белгиланган семантик маданий майдон, таълим мазмунининг тўлиқ қонунийлиги доирасида қурилган. В.Р.Имакаев томонидан замонавий таълимнинг мазмуни инқирози муаммосини ҳал қилишда мумтоз педагогика фани методологиясининг етарли эмаслиги очиқ берилган.² Замонавий ижтимоий-маданий вазиятда таълим реаллиги (воқелиги) тузилиши концептида таълим тўғрисида макроижтимоий тасаввурлар ва таълим субъектларининг индивидуал муаммолари мазмуни бирлаштиришга имкон берадиган тадқиқот методологиясини қўллаш зарурлиги тўғрисидаги муаллифнинг фикрларига қўшиламиз. Бундай методологияни В.Р.Имакаев таълим фалсафаси методологияси, деб атайд.

Бугунги кунда барча кўрсаткичлар асосида, таълим фалсафаси мустақил билим соҳаси деб қаралиши мумкин. У ўз ўрганиш мавзусини эгаллади, тўплаган билимлари тизимли хусусиятга эга ва энг муҳими, у тадқиқот предметининг моҳияти билан боғлиқ бўлган аниқ билиш усуллари мажмуасини шакллантирди.

Бугунги кунда қуйидаги феноменларни таълим фалсафаси ривожланишининг ҳақиқий натижаси деб ҳисоблаш мумкин:

- 1) БМК (билим, маҳорат, кўникма) таълим парадигмасидан компетентлик (малакавий билим) парадигмасига ўтиш;

¹ Глуздов В.А. Таълим фалсафаси. Нижний Новгород, НДПУ, 2003, 10-бет.

² Имакаев В.Р. Таълим ҳақиқати: ижтимоий-маданий лойиҳалаштириш тажрибаси. Ижтимоий фалсафа мутахассислиги бўйича фалсафа фанлари доктори диссертациясининг автореферати, Уфа, 2009, 6–8-бетлар.

2) ўқитишнинг мазмунини қайта кўриб чиқиш: ўқув адабиётларидаги амалиётга унчалик алоқадор бўлмаган мавҳум назарий маълумотлардан, ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва малакали амалий фаолиятига хизмат қиладиган асосли тизимга ўтиш;

3) ўқитувчи ва педагог фаолиятининг моҳиятини қайта кўриб чиқиш: ўқув материалининг монологик тақдиротидан – ижодий ҳамкорлик ва диалог педагогикасига ўтиш;

4) таълим жараёнининг технологик таъминотини қайта кўриб чиқиш: анъанавий “мулоқот” усулларида – когнитив, тадқиқот ва келажакда бўладиган амалий фаолиятларнинг бирлигини амалга оширадиган инновацион педагогик технологияларни қўллаш;

5) инсоннинг ҳаёти давомида узлуксиз ўқиши зарурлигини англаши (расмий, норасмий ва информал таълимнинг органик мувофиқлиги);

6) таълимдаги сохта кадриятларни фож этиш (дипломлар, унвонлар, раҳбарлик лавозимлари орқасидан “қувиш”);

7) инсонни билимга интилаётган ўқимишли жонзод сифатида концептуал тушуниш.

Ушбу ғоялар ва концепцияларни амалий жиҳатдан амалга оширишга йўналтирилган ҳолда миллий таълимни ривожлантириш энг муҳим вазифадир. Кун тартибда таълим фалсафасининг билимларнинг бошқа соҳалари бўлган педагогика, социология, сиёсатшунослик билан конструктив мулоқот ташкил қилиш масаласи турибди.

Таълим фалсафасини ўрганиш тўлақонли касбий таълимни ташкил қилиш учун муҳимдир. Бугунги кунда таълим фалсафаси ҳам файласуфларга, ҳам педагогларга керак. Таълим фалсафаси педагогга нафақат фан тарихи ва назарияси, балки ҳозирги даврда педагогиканинг ўрни ёки ўқитаётган мавзу тўғрисида тушунча берадиган дунёқарашни шакллантира олади.¹ “Ўқитувчи ўз фалсафасини ишлаб чиқиши ва унга амал қилиши, бу такрорланиш ёки маълум бўлган адабиётлар комбинацияси бўлиши мумкин ёки ўзига хос оригинал бўлиши мумкин. Аммо гап бунда эмас. Шахсий таълим фалсафангиз қандай бўлишидан қатъий назар, агар сиз ўзингизда таълим жараёнининг моҳиятини ўйлаб кўриш учун муаммо туғдирсангиз, ўқитишингиз сифати доимо яхшиланади”.²

**Худайберганов Равшонбек Худайберган ўғли (ф.ф.н.,
Тошкент Давлат Транспорт университети доценти)**

ТИЛ ВА КОММУНИКАЦИЯ ИЖТИМОЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада фалсафа ва фаннинг фундаментал муаммоларидан ҳисобланган тил ва коммуникация мутаносиблигининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, фанда тил ва коммуникация масаласи ижтимоий онгнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье рассматриваются социально-философские аспекты баланса языка и общения, что является одной из фундаментальных проблем философии и науки. В науке также анализируется мнение, что проблема языка и общения играет важную роль в развитии общественного сознания.

Annotation. The article describes the socio-philosophical aspects of the balance of language and communication, which is one of the fundamental problems of philosophy and science. It is also analyzed in science that the issue of language and communication plays an important role in the development of social consciousness.

Калим сўзлар: тил, коммуникация, антропология, теология, этнография, эксперимент, фоноцентрик гипотеза, конвенция, мультимедиа, ахборот.

Ключевые слова: язык, коммуникация, антропология, теология, этнография, эксперимент, фоноцентрическая гипотеза, конвенция, мультимедиа, информация.

Key words: language, communication, anthropology, theology, ethnography, experiment, phonocentric hypothesis, convention, multimedia, information.

¹ Ильин Г.Л. Ўша асар. 13-бет.

² Гусинский Э.Н., Турчанинова Ю.И. Таълим фалсафасига кириш. Москва, “Логос”, 2003.

Фалсафа фанининг фундаментал муаммоларида тил ва коммуникация муаммоси масалалари ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Тил ва коммуникация ҳақида тафаккур қилиш, у ҳақидаги илмий қарашларнинг шаклланиши узоқ тарихга эга. Фанда тил ва коммуникация масаласи энг мураккаб ва чигал илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки тил ва коммуникациялар ривожининг муайян жиҳатларини ўрганувчи ҳар бир соҳа мутахассиси – тилшунос, психолог, социолог, этнограф, филолог, тарихчи, теолог унга ўз билимларидан келиб чиққан ҳолда, таъриф, уларнинг фалсафий билимлар соҳасида тутган ўрнига қараб, унинг моҳият-мазмунини ҳақида илмий хулосалар шаклланади.

Тил – инсонлар орасидаги алоқа воситаси, ижтимоий ҳодиса, жамият аъзоларининг фикр ифодаланиши ва ўзаро фикр алмашилиши учун хизмат қиладиган восита. Тил ҳозирги кўриниш даражасига етгунча жуда узоқ эволюцион жараёнларни, яъни инсоннинг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнлари билан тенг даврни босиб ўтган.¹

Инсон қай даражада юксак ташкилланган бўлмасин, экспериментда уни инсон нутқи сигнал товушлар беришга ўргатиш, ҳар ҳолда, ҳозирча бўлса-да, ҳали бирор натижа бергани йўқ. Улардан фарқли равишда, инсон нутқи эволюция жараёнида мулоқот қилиш, ҳаракатларни ифодалаш, фикрлар, хоҳишлар ва баҳоларни ифодаланишнинг ихтиёрий ва сунъий воситалар тўпламига айланди. Бунга инсоннинг эволюцион – генетик сабаблардан ташқари, инсон шаклланишининг антропологик, ижтимоий ва маданий омилларлари ҳам улкан ёрдам берди.

Маълумки, тилнинг келиб чиқишига доир барча гипотезалар муаммолидир. Фақат инсонларни тил қобилиятлари ажратиб турувчи оралик жуда катта. Уларнинг орасидаги фарқ муаммоси инсон тил қобилиятининг ўзига хослигини исботлаш учун нимани асос қилиб олишга бориб тақалади. Агар инсон нутқи ва мулоқотнинг бошланиш ирмоқлари инсон танасида деб фарз қилинса, у ҳолда унинг белги хоссаларига ифода этилади.

Хусусан, инсон миясининг тузилиши, нутқ артикуляция аппаратининг физиологик спецификаси, мия структуралари функцияларининг юксак даражада хусусийлиги одамлар психик тузилишининг хусусиятларининг ниҳоятда нафис тузилганлиги маълум. Ҳар ҳолда, инсоннинг мияси унинг нутқ функцияларининг потенциалини ҳам, жисмий ҳаракатлари ва имо-ишораларнинг имкониятини ҳам белгилаб беради.

Тил келиб чиқишини инсоннинг талаффуз қилиш қобилиятига катта аҳамият берадиган гипотезаси фоноцентрик гипотеза номини олган. Бу гипотезага кўра, нутқий мулоқотнинг товуш шакли узоқ тараққиёт даври анча давоми бўлган ва бир неча фазаларни ўтган. Бошланғич фазаларда товуш жисмий (танавий) имо-ишоралар кўринишида бўлган. Бундан ташқари, гуруҳлар ичида ва гуруҳлараро инсонларнинг ўзаро муносабатлари координация ва ўзаро тушунишни талаб қилди. Бу, ўз навбатида, товушнинг товуш бирикмалари, турли-туман сўзларнинг нутқий жамғармасининг бойишига олиб келди.

Тараққиётнинг кейинги босқичида нутқ шакллари сўзлар бирикмалари ва синтаксис нутқини назаридан энг оддий нутқ ифодаларида қатнашади. Инсоннинг нутқий қобилияти ўзининг қўлланиш соҳасини тобора кенгайтира бориб, тажриба, билим, малакаларни тўплаш, сақлаш ва узатишнинг оптимал воситаларидан бирига айланди. Нутқнинг тасвирий характери аста-секин символик характер касб эта бошлади. Ўзининг символик хоссаларига кўра, нутқ инсоннинг атроф дунёда мослашиши ва яшаб қолишининг таъсирчан қуроли бўлиб қолди. Унинг ёрдамида бир авлод бошидан кечирган барча нарсани кейинги авлодага ўтказишнинг оғзаки воситаси пайдо бўлди, маданий анъана шакллана бошлади.

Тил ва коммуникациялар нутқ мулоқотнинг дифференциаллашган шакллари мақомига эга бўлади. Фикрлар, хоҳишлар, баҳолар ва информация алмашилишнинг турли жиҳатларини ифодалайди. Тил ривожини тараққиётининг бу даврда унинг фонологик, синтаксис, семантик ва прогматик усулларида нутқнинг шартномавий, конвенционал табиати тўла намоён бўла бошлади. Тана инсоннинг нутқ қобилиятини тараққиётда мислсиз хизмат кўрсатган бўлса-да, бу қобилият ўз моҳиятига кўра, ундан мулоқотнинг мустақил бўлган инструменти бўлиб қолди – конвенциялари, ўзаро таъсирлари, мувофиқлашганлиги, ўзаро тушунишлари воситаси бўлиб қолди. Тил ва нутқ инсон коммуникациянинг самарали усулига айланди.

Тилнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритганда икки муҳим жиҳат – инсон тили, нутқининг пайдо бўлиши ва аниқ тилларнинг келиб чиқиши масаласини фарқлаш лозим бўлади. Айтиш жоизки, фан тараққиёти тарихи давомида ҳар доим ҳам тил билан нутқ бир-биридан фарқланавер-

¹ Фалсафа. Қомусий луғат. Т., “Шарқ”, 2004, 399-бет.

майди. Шунинг учун, кўпинча, нутққа хос ҳодисалар тил ҳодисаси сифатида талқин қилинади. Натижада тил атамаси кўп маънолилиқ табиатига эга бўлганлиги сабабли, айрим чалкашликларни келтириб чиқаради, чунки инсоннинг нутқ сўзлаш қобилияти ҳам, нутқи ҳам шу атама билан юритилади. Атамаларга эса бир маънолилиқ хосдир.

Тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш масаласини, дастлаб, Ф.Д.Соссюр таъкидлаган. Унинг фикрича, “Тил билан нутқ ўзаро боғлиқдир. Тил бир пайтнинг ўзида нутқнинг асосий воситаси ва материали ҳисобланади. Лекин мазкур ҳолат, тил билан нутқнинг бир-биридан фарқ қилувчи икки хил тушунча эканлигини инкор эта олмайди”.¹ Инсониятнинг нутқи умумий муштарак нутқий тажрибаси сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, аввало, оғзаки, кейинчалик, ёзма кўриниш касб этган. Бироқ тил, оғзаки ва ёзма нутқ сифатида тўла шакллангач, у инсоннинг ҳам жисман ва ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда тез таракқий этишини таъминлади.

Бу борада тилшунос олим О.Азизов, “Ҳозир дунёда мавжуд бўлган жонли тилларнинг ҳам, баъзи бир ўлик тилларнинг ҳам келиб чиқиш тарихини ўрганиш у қадар қийин масала эмас. Анчагина тилларнинг қачон пайдо бўлганлиги, қачон таркиб топганлиги аниқланган. Бироқ Ер юзиде, умуман, инсониятга хос тилнинг қачон пайдо бўлганлиги, ...ҳал қилинган эмас ва ҳал қилиниши ҳам мумкин эмас”,² дея таъкидлайди.

Тил ва коммуникация мутаносиблигининг ривожланиши жараёнида ижтимоий онгнинг индивидуал хусусиятлари шаклланди. Тилнинг ижтимоий вазифаси нутқий фаолиятда, яъни нутқ сифатида кишилар ўртасида алоқа, фикрлашиш, сўзлашишни амалга оширишда яққол кўринади. Нутқий фаолият кишиларнинг бир-бирига тушунарли бўлган тил ва коммуникация воситаларида ижтимоий онг ва ўзаро фикр алмашинивуда яққол намоён бўлади. Тафаккур фақат инсонларга хосдир. У кишининг меҳнат ва нутқ фаолияти билан боғлиқ ҳолда мавжуд. Инсон тафаккури нутқ билан юзага чиқади ва унинг натижалари тилда қайд этилади.

Ахборот алоқаси шакллари инсоният тарихининг илк даврларидан бошланган. Дастлаб, шакли белгилар, кейин товуш белгилари шакллана бошлаган. Кейинчалик, инсоният онгининг ижтимоийлашувида тил, нутқ ва ўзаро коммуникациялар пайдо бўлган. Нутқ, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар, табиат ҳодисалари, теварак-атроф ҳақида муайян тасаввур бериб, ўзига хос алоқа коммуникация воситасини бажарган.

Ҳозирги кунда таракқийнинг дастлабки уч босқичи (оғзаки нутқ, ёзув шакллари, матнни техникавий воситалар, тасвирни товуш ва видео орқали кўпайтириш)дан кейин, тўртинчи босқич-электрон компьютер воситалар босқичига – рақамлар ёзувига, ахборотни тола-оптик кабель ва коммуникация орқали узатиш, етказиш босқичига навбат етди. Multimedia замони келди, яъни ахборот “истеъмолчиси” компьютер базасидаги ягона коммуникацион қурилмага эга бўлди, қурилма телевизор, радиоприёмник, телефон, электро почта, факс, фото, видеокамеранинг хусусиятларини ўзида мужассам этган китоб шаклидаги антиқа мосламадир.

Тил ва коммуникациялар тўғрисидаги қарашларни ривожланиши натижасида унинг формал жиҳатларини мантиқий-гносеологик жиҳатдан таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунга мисол сифатида немис математиги ва мантиқшуноси Г.Фрегеннинг қарашларини келтиришимиз мумкин.

Г.Фреге формаллашган тил ғоясини ишлаб чиқади. Г.Фреге бу ғоясини “Нафақат математикларга, балки табиий тил вакиллари ва файласуфларга ҳам тушунарли бўлиши керак”,³ деб ёзади. У формаллашган тил учун икки тамойил характерли, деб кўрсатди: булардан, биринчиси, бир маънолилиқ принципи бўлса, иккинчиси, предметлик принциpidир. Олим формаллашган тилни эътиборли жиҳати ҳақида шундай ёзади: “Куёш сўзи қайси тилда ифодаланмасин, куёш предметини ифодалайди.

Бунда гап жонли сўзлашув тилини ислоҳ қилиш тўғрисида кетаётгани йўқ. Балки, бир маъноли, предметлик принципи илмий тил учун қўл келади. Бу принцип зиддиятсиз, мантиқий изчил илмий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Масалан, «доира квадрат» мантиққа зид, демак, мавжуд бўлиши мумкин эмас”.⁴ Бироқ, олим тилнинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда универсал томонларини эътибордан четда қолдиради. Чунки В.Гумбольдт айтганидек, “Тил ўзига хос реаллик

¹ Соссюр Ф.Д. Труды по языкознанию. М., 1977, с. 57.

² Азизов О. Тилшуносликка кириш. Т., “Ўқитувчи”, 1995, 130-бет.

³ Фреге Г. Смысл и значение. Избранные работы. М., ДИК, 1997, с. 25 – 49.

⁴ Фреге Г. Письма. Г.Фреге Э. Гуссерлю. Фреге Г. Избранные работы, М., изд-во «ДИК», 1997, с. 157.

бўлиб, ўзини-ўзи ривожлантиради, ўзини-ўзи ишлаб чиқаради”.¹ Бу ҳолат тилда ҳам бунёдкорлик руҳи мавжуд эканлигидан далолат беради. М.Шлик эса “Тилдан мантикка тўғри келмайдиган, икки маъноли сўзларни чиқариб ташлаш керак”,² дея таъкидлайди.

Энди коммуникация тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

Коммуникация – лотинча communicatio, communicare деган сўзларидан олинган бўлиб, умумийлаштирмак, боғламок, хабар йўллаш усули, алоқа шакли маъноларни англатади. Кишилик жамияти пайдо бўлгандан бери инсоният алоқа ва коммуникациянинг турли шаклларида фойдаланиб келади. Кенг маънода эса ўзаро мулоқотга киришиш, таъсир этиш жараёни, шунингдек, турли ахборотни яратиш, узатиш ва қабул қилиш имкониятини берувчи алоқа усуллари тушунилади. Коммуникация, шунингдек, алоқа, янгилик, ўзаро таъсир, жамиятда ахборот алмашиш, алоқалар демакдир. Бундан ташқари, ушбу атама ҳар қандай объектнинг ўзаро моддий ва маънавий алоқалари маъносини ҳам ифода этади.

Жамоатчилик коммуникациясини амалга ошириш учун муайян масофадаги одамлар билан муомалага киришишда алоқа воситалари эҳтиёж сезади. Бу вазифани бажаришда, дастлаб, отлардан фойдаланилган. Отлик чопарлар бир жойдан иккинчи жойга хабарларни етказганлар. Ёилдиракнинг пайдо бўлиши ва унга қурилма сифатида араванинг қўшилиши ташқи коммуникация иштирокчилари (субъектлари) сонини кўпайтирган. Кейинчалик, бошқа техник воситалар: китоб чоп этила бошлаши, телеграф, темирйўл, машина, учуш аппаратлари, сунъий йўлдошнинг кашф этилиши жамоатчилик коммуникациясининг ривожини таъминлади. Субъектлар сонининг кўпайиши натижада коммуникация муҳити юзага келди. Бу муҳит нафақат ахборот алмашишни, балки моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари алмашишига ҳам хизмат қилди.

Социология фанлари доктори, профессор Феликс Шарков “Коммуникация назарияси асослари” китобида ёзишича, дастлаб, жамоатчилик коммуникацияси (отлар ва отликлар, байроқлар, олов, бурғу, карнайлар), яқка тартибдаги коммуникация воситалари (чопарлар, кабуларлар), кейинчалик, масофавий коммуникация эҳтиёжларини қондирувчи техник воситалар (телеграф, темир йўл, транспорт, телефон) оммавий коммуникацияни юзага келтирди.³

Тадқиқотчининг ёзишича, биргина телеграф коммуникациясининг юзага келиши ахборот алмашиш тезлигини минг баробарга кўпайтириб, ўзаро коммуникатив алоқаларни йўлга қўювчилар – коммуникантлар сонини кескин оширди. Радио ихтироси ва унинг глобал коммуникатив алоқага айланиши туфайли ахборот тезлиги ёруғлик тезлиги даражасига етди. Энг муҳими, ахборот ва уни узатувчи воситалар оммавийлашди. Телевидениенинг пайдо бўлиши ахборот алмашиш жараёнини телеграфга нисбатан 550 минг баробарга тезлаштирди. Коммуникация тизимида коммуникация манбасидан реципиентга юбориладиган хабарларнинг турлари ҳам кескин ортди. Реципиентдан қайтадиган алоқа – хат, телеграмма, телефон алоқаси, факс тизим орқали амалга оша бошлади.

Коммуникациянинг ривожланиши тарихи уч инкилобни бошдан кечирди:

1. Ёзувнинг ихтиро қилиниши.
2. Босма дастгоҳнинг яратилиши.
3. Электрон оммавий алоқанинг кириб келиши.

Бугунга келиб коммуникация мулоқот воситаси, бир одамдан иккинчисига, бир тизимдан иккинчи тизимга ахборот узатиш воситаси сифатида тасаввур уйғотади.

Эндиликда коммуникация икки хил маънода қўлланилади:

1. Бир жойдан бошқа жойга хабар узатиш, бир жой билан бошқа жойни боғлаш усули (масалан, транспорт коммуникацияси, ер ости коммуникациялари).
2. Мулоқот, ахборотни бир одам (гурух)дан бошқасига узатиш; уларнинг ҳаётий фаолият жараёнида тил ва алоқанинг бошқа сигналли турлари ёрдамида ўзаро таъсир этиш.⁴

Илмий адабиётларда коммуникация тушунча сифатида XX аср бошларида пайдо бўлди. Америкалик социолог Чарльз Кулининг фикрича, коммуникация деганда, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги ва ривожланиши учун шароит яратувчи ақл тимсоллари ҳамда улар-

¹ Вильгельм фон Гумбольдт. Язык и философия культуры. “Прогресс”, 1985, с. 456.

² Шлик М. Поворот в философии. О фундаменте познания. В кн. Грязнов А.Ф. (сост.) Аналитическая философия: избранные тексты. М., изд-во МГУ, 1993.

³ Шарков Ф. Основы теории коммуникации. www.iub.at.ua

⁴ Шарков Ф. Основы теории коммуникации. www.iub.at.ua

ни муайян макон бўйлаб тарқатиш механизми тушунилади.¹ Коммуникация тушунчаси ўзига мулоқот, сўзлар, ёзма нутқ, босма нашрлар, темир йўл, телеграф, телефон, телевизор, компьютер, турли тўлқин тутгичлар, сунъий йўлдош, интернет ва бошқа воситаларни қамраб олади.

Америкалик олимлар Ф.Дэнс ва К.Ларсон “коммуникация” атамасига 126 хил таъриф беришган. Ҳозирги пайтда коммуникация тушунчаси, асосан, уч маънони:

◆биринчидан, моддий ва маънавий олам объектларининг ўзаро алоқа воситаси, яъни муайян тизимни;

◆иккинчидан, инсонларнинг ахборот алмашиш воситаси, яъни мулоқотни;

◆учинчидан, жамият ва унинг таркибий компонентларига таъсир кўрсатиш мақсадида ахборотни оммавий узатиш ва алмашиш жараёнини ифодалайди.

Хуллас, жамиятда тил ва коммуникацияларнинг ривожини инсонлар орасидаги алоқа воситаси, ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Ўз навбатида, тил жамият аъзоларининг фикр ифодалашини ва ўзаро фикр алмашилиши учун хизмат қилади. Шунингдек, ахборот коммуникацияларнинг илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш инсонларда ижтимоий онг муносабатларини шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Жамолов Давронбек (Қарши ДУ тадқиқотчиси) МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ: ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация. Мақолада XXI асрда кишилик жамиятининг турли соҳаларига жиддий таъсир кўрсатадиган омиллар ва тенденциялар кўпайгани, бу омиллар миллий маданият табиатида салмоқли из қолдираётгани таъкидланади. Шу муносабат билан, миллий маданият мазмуни ва таркибини, ривожланиш хусусиятларини муфассалроқ тадқиқ қилиш зарурияти юзага келмоқда. Муаллиф таъкидига кўра, миллий маданият деганда муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, шунингдек, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакаси тушунилади. Унинг таркиби миллий маданият, миллий тил, миллий анъана, миллий урф-одат, миллий маросим, миллий қадрият, маданий мерос, миллий адабиёт, миллий санъат, миллий тарбия каби элементларни ўзида мужассам қилади.

Аннотация. В статье автор утверждает, что в XXI веке в современном обществе появился ряд новых факторов и тенденций, которые заметно влияют на различные сферы жизни общества и меняют природу национальных культур. В связи с этим возникает необходимость скрупулезного исследования содержания и структуры, особенностей развития национальной культуры. По утверждению автора, под национальной культурой понимается совокупность материальных и духовных ценностей, созданных представителями нации в процессе исторического развития, а также способы создания этих ценностей, умение их использования для национального и общечеловеческого прогресса, трансляции последующим поколениям. Ее структура включает в себя национальный язык, национальные традиции, национальные обряды, национальные обычаи, национальные ценности, культурное наследие, национальную литературу, национальное искусство, национальное воспитание.

Annotation. In the article, the author argues that in the 21st century, a number of new factors and trends have appeared in modern society, which noticeably affect various spheres of society and change the nature of national cultures. In this regard, there is a need for a scrupulous study of the content and structure, features of the development of national culture. According to the author, national culture is understood as the totality of material and spiritual values created by representatives of the nation in the process of historical development, as well as ways to create these values, the ability to use them for national and human progress, and broadcast to future generations. Its structure includes the national language, national traditions, national rituals, national customs, national values, cultural heritage, national literature, national art, national education.

Калим сўзлар: миллий маданият, миллий тил, миллий анъана, миллий урф-одат, миллий маросим, миллий қадрият, маданий мерос, миллий адабиёт, миллий санъат, миллий тарбия.

¹Шу манба.

Ключевые слова: национальная культура, национальный язык, национальная традиция, национальный обряд, национальный обычай, национальная ценность, культурное наследие, национальная литература, национальное искусство, национальное воспитание.

Key words: national culture, national language, national tradition, national rite, national custom, national value, cultural heritage, national literature, national art, national education.

Йигирма биринчи аср кишилик жамиятининг турли сохаларига жиддий таъсир кўрсатадиган омиллар ва тенденцияларни кўпайтиргандан-кўпайтирди. Бу омиллар турли феноменлар қатори, миллий маданият табиатида ҳам салмоқли из қолдираётгани мутахассислар томонидан бот-бот қайд қилинмоқда. Шу муносабат билан, миллий маданиятнинг мазмуни, унинг таркибий элементлари, бу элементларнинг такомиллашиш қонуниятлари тўғрисидаги назарий мулохазаларни янги босқичга кўтариш зарурияти юзага келмоқда.

Миллий маданият деганда муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси, шунингдек, мазкур қадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан-авлодларга етказиш малакаси тушунилади. Унинг моддий ва маънавий шакллари мавжуд. Миллий маданиятнинг моддий жиҳати, биринчи навбатда, ижтимоий борлиқ таркибидан жой олган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат объектларини ўз ичига олади. У миллат томонидан табиатни амалий ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичидир. Миллий маданиятнинг маънавий жиҳати эса фан, унинг ютуқларини ишлаб чиқариш ва кундалиқ ҳаётга татбиқ этилиши, таълим даражаси, миллат маърифатининг ҳолати, тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, санъат, жамият аъзоларининг ҳулқ-атвори, кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатлари характери ҳамда ривожланганлиги даражасидан таркиб топади.

Барча ижтимоий феноменлар каби миллий маданият ҳам ўз таркибий қисмларига эга. Хусусан, бу таркибда миллий тилнинг алоҳида ўрни бор. Миллий тил миллий маданият тизимидан жой олган марказий элемент бўлиб, миллатнинг асосий муомала воситасини англатади. У миллат борлигининг асоси, ҳаётини фаолияти натижасидир. Айни пайтда, миллий тил миллий маданиятнинг ривожланганлиги даражасини намоён қилувчи муҳим мезон вазифасини ҳам ўтайди. Ҳар қандай миллий тил қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, у, албатта, ўзининг адабий шаклига эга бўлади. Миллий-маданий тараққиётининг барча ютуқлари айнан ана шу адабий тилда ифодаланиб боради. Иккинчидан, у ёзма ва оғзаки тарзда ривож топа боради. Ёзма тил интеллектуал аҳамиятга молик маълумотларни қайд қилиш имконини берса, оғзаки кўпроқ миллатнинг кайфияти ва кечинмаларини ифодалайди. Учинчидан, у миллат борлиғи, тарихий тажрибасини ўзида мужассам қилади, тарихий тараққиёт давомида содир бўлган ҳар қандай жараёнлар, миллат вакиллари яратган артефактлар тилда ўз номини ва ифодасини топади. Тўртинчидан, у миллатнинг ягона этнос сифатида мавжуд бўлиши манбаи саналади, тилнинг мавжудлиги ва ривожини миллатнинг ҳам ижтимоий тараққиётини таъминлайди. Бешинчидан, унинг ривожини миллий маданият тараққиётини таъминлайди, инқирози эса миллий маданият таназзулига сабаб бўлади. Олтинчидан, мақоми қонунан белгиланган ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланилиши мажбурий бўлган миллий тил давлат тили даражасига кўтарилади.

Одатда, ҳар қандай миллат бир миллий тилга эга бўлади. Бироқ ушбу қоидадан чекиниш ҳоллари ҳам бор. Масалан, Люксембургда неча асрдан буён люксембург тили қаторида француз ва немис тиллари ҳам миллий тил сифатида ривожланиб бормоқдалар. АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландияда эса инглиз тилининг миллий вариантлари миллий тил даражасига кўтарилган.¹ Лекин қай тарзда ва миқдорда мавжуд бўлмасин, ҳар қандай жамиятда миллий тил миллий маданиятнинг марказий элементи бўлиб қолаверади.

Миллий тил миллатнинг ижтимоий ривожини суръатларига монанд равишда тараққий топади. Миллат борлигининг ривожланиши унинг тилида ҳам акс этади. Аксинча, миллат тарихининг таназзулга юз тугган босқичларида унинг тили ҳам ривожланишдан тўхтади.

Миллий маданият таркибида миллий анъана, урф-одат ва маросимларнинг алоҳида ўрни бор. Миллий анъана миллатнинг тарихий тараққиёти давомида объектив равишда шаклланган ва аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган норма ва тасаввурлар, қоида ва намуналар йиғиндисидир. У миллий маданиятнинг барқарорлигини ифодаловчи, унинг артефактларининг ворисийлигини

¹Национальный язык. Большая Российская энциклопедия. <https://w.histrf.ru>.

таъминловчи таркибий қисмдир. Миллий анъаналар ўз ривожланиш мантиғига эга: тарихий тараққиёт давомида замон талабларига жавоб берган анъаналаргина мустаҳкамланиб ва ривожланиб боради. Замон ўзгариши билан ўз долзарблигини йўқотган анъаналар аста-секинлик билан тарих сахнидан тушади. Бироқ сақланиб қолган миллий анъаналар бир неча авлод давомида миллат вакилларининг менталитети ва хулқ-атворини белгилаб боради.

Миллий анъаналар миллий маданиятга дахлдор бўлган барча ҳодисалар, жараёнларни камраб олса, миллий урф-одатлар, улардан фарқли ўларок, нукул миллат вакилларининг хулқ-атворида доир стереотипларни ифодалайди. Миллий урф-одатлар бир неча авлод ҳаёти давомида ҳукм суриб келган хулқ моделларига амал қилишни талаб этади. Лекин миллий урф-одатларни қотиб қолган ва мутлақо ўзгармайдиган стереотиплар сифатида тасаввур қилиш унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур урф-одатлар ҳам замон тенденцияларига монанд равишда ўзгариб боради, бироқ бунда шакл ўзгариши мазмун ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади.

Айрим ҳолларда “миллий урф-одат” ва “миллий маросим” тушунчалари бир маънода ишлатилади. Бундай ҳолларни илмий манбаларда камроқ, кундалик турмушдаги суҳбатларда кўпроқ учратиш мумкин. Аслида, бундай эмас. Маросим миллий урф-одатларнинг муайян кўринишларидан, унинг таркибидан жой олган кўплаб элементлардан бири, холос. Мавзуни махсус ўрганган мутахассислардан бири В.Пропп улар ўртасидаги тафовутни, айниқса, ёрқин ифодалаб берган: “Маросим ва урф-одат, – деб ёзади у,– бир хил ҳодисалар эмас. Масалан, марҳумларни ўтда ёқиш урф-одат бўлиши мумкин, лекин бу маросим эмас. Бироқ ушбу урф-одат турли маросимлардан таркиб топади”.¹

Миллий маданиятнинг яна бир таркибий қисми миллий қадриятлар билан боғлиқ. Ҳар қандай маданият, шу жумладан, миллий маданият ҳам моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидан таркиб топишини таъкидлаб ўтдик. “Кундалик ҳаётда, кўпчилик назарида нарсалар (масалан, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқлар), табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошқалар қадрият сифатида тушунилади. Бундан ташқари, одамлар ўзлари ишониб, гоҳида интилиб, қизиқиб ёки орзу қилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларига ҳам “қадрият” тушунчасини қўллайдилар”.² Профессор Қ.Назаровнинг ушбу мулоҳазаси “миллий қадрият” тушунчасининг мазмуни ва таркибини аниқ тасаввур этишда назарий асос вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, миллий қадриятлар – миллатнинг тарихий фаолияти давомида юзага келган ва муайян кадр-қимматга эга бўлган моддий ва маънавий неъматлар йиғиндисидир. Унинг таркибидан, асосан, қуйидагилар ўрин олади:

- а) миллат истиқомат қилаётган ҳудуд табиати билан боғлиқ хусусиятлар, ҳодисалар, ёдгорликлар;
- б) миллат тарихи билан боғлиқ шонли жараёнлар, воқеалар;
- в) миллат турмуши билан боғлиқ нормалар, хулқ-атвор моделлари;
- г) маданий бойликлар;
- д) миллат орзу-умидлари ва идеалларини ўзида мужассам қилган ғоялар.

Миллий қадриятларнинг аҳамияти шундаки, у миллат вакилларини турли жараёнлар ва воқеалар, нарсалар ва предметларни миллат эҳтиёж ва манфаатлари, мақсад ва идеаллари нуқтаи назаридан баҳолашга одатлантиради. Зотан, миллий қадрият миллат вакилларининг хулқ-атвори ва онгини белгилаб берувчи мўлжаллар тизимидир.

Маданий мероснинг миллий маданият таркибидаги ўрни ҳам алоҳида диққатга сазовор. Маданий мерос аждодларнинг ҳаётий фаолиятини ифодаловчи ҳамда ўтмишда муайян кадр-қимматга эга бўлган ёдгорликлар, иншоотлар, бинолар, одатлар, нормалар, идеаллардан таркиб топади. У мураккаб ижтимоий-маданий тизим бўлиб, миллатнинг асрлар давомида тўпланган тажрибаси, билим ва маълумотларини ўзида мужассам қилади. Одатда, уни моддий ва номоддий маданий меросга таснифлайдилар. ЮНЕСКО томонидан 1972 йилда қабул қилинган “Умумжаҳон маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция”нинг 1-моддасида моддий маънавий мерос сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

●ёдгорликлар: архитектура иншоотлари, монументал ҳайкалтарошлик ёки тасвирий санъат асарлари, археологик топилмалар, тошлардаги ёзувлар, ғорлар, шунингдек, ушбу хусусиятларни

¹Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. М., “Рипол классик”, 2013, с. 235.

² Назаров К. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари. Т., 1994, 9-бет.

мужассам этган ва тарих, санъат ёхуд фан нуктаи назаридан универсал кадр-қимматга эга бўлган объектлар;

- иншоотлар мажмуи: ўз архитектураси, гомогенлиги ёки ландшафтдаги жойлашувига кўра универсал кадр-қимматга эга бўлган алоҳида иншоотлар ёки ўзаро боғлиқ бинолардан таркиб топган мажмуалар;

- объектлар: инсон томонидан яратилган ёки табиат ва инсон иштирокида вужудга келган объектлар, шунингдек, тарихий, архитектуравий, этнологик ва антропологик нуктаи назардан алоҳида кадр-қимматга эга бўлган археологик объектлар жойлашган ҳудудлар.

Бундан ташқари, ҳар қандай миллат номоддий маданий меросга ҳам эга бўлади. ЮНЕСКО томонидан 2003 йилда қабул қилинган “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенцияси”да эътироф қилинишича, номоддий маданий мерос деганда ажодлардан-авлодларга ўтиб келаётган билимлар, малакалар, идеаллар тушунилади. Мазкур мерос миллатнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалайди, ажодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлайди. Шунингдек, номоддий маданий мерос маълум авлод вакилларининг барқарор турмуши ва ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлайди, уларни муайян ғоя атрофида бирлаштириш ва тараққиёт мақсадларига сафарбар қилиш имконини яратади.

Миллий маданиятнинг яна бир таркибий элементи миллий адабиётдир. Тўғри, “адабиёт” тушунчаси мазмунан ва ҳажман кенг тушунчалар сирасига киради. Бироқ “миллий адабиёт” деганда одатда миллат руҳияти, орзу-умидлари, ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини ифодалаган бадиий адабиётлар йиғиндиси тушунилади. Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида глобаллашув жараёнининг миллий адабиётга таъсири ҳақида кўп гапирилмоқда. Дарҳақиқат, глобаллашув бир миллатнинг бадиий адабиётига хос бўлган мавзу, сюжет, муаммонинг бошқа миллат адабиётидан жой олишига, миллий адабиётларга хос айрим атрибутларнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бироқ, бундан қатъий назар, миллий адабиёт миллий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолаверади. Худди шунинг учун ҳам Чўлпон “Адабиёт яшаса – миллат яшар”, деб таъкидлаган эди.

Бугунги кунда миллий адабиёт миллий маданият элементи сифатида қатор аҳамиятли функцияларни бажармоқда. Биринчидан, миллат ахлоқини асровчи қудратли манба сифатида қолмоқда. Иккинчидан, у миллат вакилларининг гўзаллик, гармония ҳақидаги тасаввурларини шакллантирадиган қудратли манба вазифасини ўтамоқда. Учинчидан, барча замонларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам миллий адабиёт миллатга ўзлигини намоён қилиш имконини яратмоқда. Тўртинчидан, миллий адабиёт миллат тафаккури, орзу-умидлари, идеалларини ифодалашда қўл келмоқда. Бешинчидан, миллий адабиётнинг миллат вакилларига тарбиявий таъсири чексизлигича қолмоқда. Шу боисдан ҳам барча мамлакатларда миллий адабиёт ривожини давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил қилади, мафкуравий-тарбиявий фаолиятда унинг имкониятларидан кенг фойдаланилади, унга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид миллатнинг маънавий хавфсизлигига қилинган таҳдид сифатида баҳоланади.

Миллий санъат ҳам миллий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Сирасини айтганда, санъатнинг ўзи умумбашарий характерга эга бўлиб, воқеликни бадиий тимсоллар ёрдамида ифодалаб беришга қаратилган маданий фаолият турини англатади. Бир қарашда, унинг миллий жиҳати йўқдек туюлади. Бироқ ҳар қандай миллат айрича руҳиятга эга, у воқеликни ўзига хос тарзда тасаввур этади, бу воқелик хусусида бошқалардан фарқли шаклда фикр юритади. Бу тасаввур ва тафаккур миллатнинг ўзигагина хос бўлган, унинг томонидан “кашф қилинган” тимсолларни юзага келтиради. Айнан ана шу тимсолларнинг юзага келиши ва ифодаланиши жараёни миллий санъатда намоён бўлади. Бошқача айтганда, миллий санъат – реал воқеликни миллат руҳиятига мос равишда, миллат тафаккури ва тасаввурларига ҳамоҳанг бўлган тимсолларда ифодалашдан иборат маданий фаолият туридир.

Миллий санъатнинг таркиби бирмунча мураккаб характерга эга. У миллий тасвирий санъат турларидан (миллий расмчилик, миллий графика, миллий амалий санъат, миллий ҳайкалтарошлик, миллий фотосанъат, миллий граффити ва шу кабилар), миллий томоша турларидан (миллий театр, миллий опера, миллий эстрада, миллий цирк, миллий кинематография), миллий ифодали санъат турларидан (миллий архитектура, миллий бадиий адабиёт, миллий мусиқа, миллий хореография, миллий балет) таркиб топади. Тўғри, муайян миллий маданият таркибида уларнинг айримлари муфассал тараққий топган, бошқалари нисбатан соддароқ кўринишга эга, учинчи бирлари эса мутлақо шаклланмаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин миллий санъат таркибини назарий жиҳатдан тасаввур қилганда, айнан ана шу элементларни қайд этиш зарур бўлади.

Миллий санъатнинг айрим турлари (масалан, миллий ифодали санъат) миллатнинг руҳиятини, ички дунёсини ифодалаб берса, бошқалари (масалан, миллий тасвирий санъат ёхуд миллий томоша санъати) унинг воқеликка муносабатини акс эттиради. Бироқ, бундан қатъий назар, тарихий тараққиёт давомида миллий санъатнинг барча турлари ўзга миллатларнинг санъати билан уйғунликда ривожлана боради.

Миллий маданият таркиби ҳақида гапирганда, миллий тарбияни ҳам тилга олиб ўтмоқ даркор. Миллий тарбия тарбиянинг махсус бир йўналиши ёки соҳаси эмас, у ижтимоий тарбия тизимининг характерини белгиловчи тушунчадир. Ушбу тушунча орқали жамиятда амалга оширилаётган тарбиявий-мафкуравий ишлар қайси кадриятлар, анъаналар, ғояларга таянгани, қайси манфаатларга бўсундирилгани ифодаланади. Айнан ана шунинг учун ҳам уни миллий маданиятнинг таркибий элементи, дея эътироф этиш мумкин. Бу ўринда мавзуни махсус тадқиқ қилган М.Қуронов мулоҳазаларига эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. “Миллий тарбия” тушунчаси, – деб ёзади у, – кўп қиррали тушунчадир. Унинг:

- миллий кадриятлар асосида олиб борилувчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият;
- умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли;
- халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш (ЮНЕСКО тамойили) воситаси;
- турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи;
- ўқувчиларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили;
- ◆ миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварона йўли ва воситаси;
- ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғунлигининг педагогик шарти;
- инсониятни умумбашарий уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли;
- ижтимоий-маънавий жабҳада миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик объекти ва воситаси;
- ўқувчиларда миллий (авто ва гетеро) стереотипларни мақсадли шакллантириш, маънавий бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради”¹.

Кўриниб турибдики, миллий маданият анча мураккаб ва ўзига хос таркибга эга. Лекин бу масаланинг бир томони, холос. Иккинчи томони шундан иборатки, миллий маданиятнинг турли элементлари ўзаро алоқадорликда ривожланади. Элементлардан бирининг ривожини, албатта, бошқаларида ўз ифодасини топади, уларнинг ҳам тараққий топишига, мазмунан бойишига замин яратади.

Хуллас, миллий маданият – муайян миллат вакиллари томонидан тарихий тараққиёт давомида яратилган моддий ва маънавий кадриятлар йиғиндисини, мазкур кадриятларни бунёд этиш йўллари, улардан миллий ва умуминсоний тараққиёт йўлида фойдаланиш, аждодлардан авлодларга етказиш малакасини ифодаловчи тушунчадир. У ўзигагина хос бўлган хусусиятлар ва таркибга эга бўлиб, ўз таркибий элементлари орасидаги ўзаро алоқадорлик шарофати билан такомиллаша боради.

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович
(Фарғона Давлат университети, фалсафа фанлари номзоди, доцент)
ҚАДРИЯТЛАР ТАДҚИҚИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
БОСҚИЧЛАРИ

***Аннотация.** Мазкур мақолада қадриятларнинг миллат маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда қадриятларнинг концептуал асослари ва ривожланиши, шунингдек, антик давр, ўрта аср, уйғонинг даври файласуф олимларининг қадриятлар тадқиқига бўлган муносабати таҳлил қилинади.*

***Аннотация.** В статье освещается влияние ценностей на концептуальные основы и развитие национальной культуры и мировой цивилизации, о также осуществлен анализ отношения философов античного периода средних веков периода(ренессанса) пробуждения.*

¹Қуронов М. Миллий тарбия. Т., “Маънавият”, 2007, 6 – 7-бетлар.

Annotation. The article highlights the influence of values on the conceptual foundations and development of national culture and world civilization, and also analyzes the relationship of the philosopher of the ancient period of the Middle Ages to the Renaissance period.

Калим сўзлар: илмий мерос, маданият, маънавият, қадрият, қадр-қиммат, қадриятли муносабат, бахт, бахтиёрлик, жамият, атроф-муҳит, бойлик, фаровонлик, интеллектуал онг.

Ключевые слова: научное наследие, культура, духовность, достоинство, ценность, ценностное отношение, счастье, счастливый, общество, окружающая среда атмосфера, благосостояние, интеллектуальное сознание.

Key words: scientific heritage, culture, dignity, value, value attitude, happiness, happy, society, atmosphere, welfare, intellectual consciousness.

Инсон маънавиятини юксалтириш, ажодларимиз илмий меросини, кенг тарғиб этиш, ёшлар орқалигина тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллат ва муаммоларни бартараф этиш мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар чуқурлашуви барча соҳаларга, шу жумладан, шахс маънавиятини яна-да юксалтиришга қаратилгандир.

Қадриятлар миллатнинг маданияти ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси натижасида вужудга келган моддий бойлик ва маънавий меросининг ифодасидир. Шу билан бирга, улар ўзбек миллатининг қадр-қиммати, дунёдаги ўрни ва салоҳиятини ҳам намоеъ қилади. Миллий қадриятларни кўз қорачиғидек сақлаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш миллатга мансуб ҳар бир киши ва авлод учун устивор вазифага айланди.

Қадриятлар масаласини назарий жиҳатдан идрок этиш тарихан фалсафий онг жараёни ривожланиши билан бир вақтда вужудга келган. Фалсафий онг бутун оламнинг ички алоқаларини билиш билан бирга, инсоннинг атроф-муҳит, жамиятга қадриятли муносабати йўналишларини белгилайди.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ўзларининг фалсафий асарларида реал оламни ва тасаввурлар оламини шарафлаш билан бирга жамиятдаги камчиликларни танқид ҳам қилганлар, жумладан, атроф-муҳитга қадриятли муносабатда бўлганлар, уни муайян тарзда ифода этганлар.

“Қадрият” фалсафий тушунча сифатида узил-кесил қарор топгунга қадар турли тарихий даврларда у “бойлик”, “фаровонлик”, “бахи”, “бахтиёрлик” тушунчалари орқали ифодаланганлар. Шунингдек, ҳозирги даврда тилимизда қўлланиб келаётган “Саломатлик–туман бойлик”, “Соғлигинг – бойлигинг” ёки “Ота-она – ғанимат” сингари мақол ва ҳикматлардаги “бойлик” – қадрият маъносида қўлланилган.

Буюк файласуф олимлар, улуғ мутафаккирлар қадрият моҳиятини ва мазмунини турлича талқин этганлар. Ана шу турлича фалсафий қарашлар силсиласида қадриятлар умуминсоний моҳияти, ривожланиш босқичлари ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, қадрият ижтимоий-тарихий ва фалсафий тушунча бўлиб, жамият тараққиёти ва инсоният маънавияти юксалиб бориши билан тобора такомиллашиб бораверади.

Инсоннинг оламга бўлган муносабати, дастлаб, синкретик (қоришиқ) характерга эга бўлиб, қадриятли муносабат турларини бир-биридан ажратиш, эстетик муносабатини ақлий муносабатдан, ахлоқий муносабатни диний муносабатдан фарқлаш ғоят мушкул бўлган. Ҳатто ҳозир ҳам гўзалликни соф эстетик маънода эмас, балки яхшиликнинг синоними сифатида тушуниш, идрок этиш, қўллаш ва гўзалликни “илоҳий” дейиш ҳоллари учраб туради. Демак, оламни қадриятли идрок этиш илгариги жамиятда яхлит ҳолда идрок этганлар, тушунганлар. Узоқ тарихга эга бўлган жамиятга қадриятли муносабат XIX асрнинг ўрталарига келиб, “Қадриятлар фалсафаси” деб атала бошланган

Атроф-муҳитга, жамиятга қадриятли муносабат узоқ эволюцион жараёни бошдан кечирган. У дастлаб синкретик характерга эга бўлган бўлса, кейинчалик унинг қатор турлари, яъни этика, эстетика, илоҳиёт, сиёсат, фан, фалсафа сингари алоҳида бўлимларга ажралади, ниҳоят, инсон фалсияти учун муҳим бўлган фалсафий категория сифатида “Қадрият” тушунчаси вужудга келади.

Қадимги ҳиндларнинг эраמידан аввалги IV асрларга мансуб бўлган “Артхашастра” асарида “Қадриятлар тўғрисидаги фан” ҳақида қуйидагича фикр юритилади: “Бойлик, қадриятлар инсон ҳаётини таъминлайди. Одамлар яшаётган ер қадриятлидир. Биз қадриятли фан деб атаётган ҳақиқий фангина бундай ерга эга бўлиш ва уни сақлаш учун восита бўлиб хизмат қилади”.¹ Санск-

¹ Артхашастра или Наука политики. М., 1959, 492-бет.

рит тилида “артха” – “бойлик”, “қадрият”; артхашастра эса қадриятлар тўғрисидаги, бойлик ҳақидаги фан деган маънони англатган.

Қадимги Хитой фалсафий таълимотида ҳам қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар ва тушунчалар оламнинг бирламчи элементлари (осмон, ер, сув, олов ва ҳ.к.)нинг қадриятли талқин этилишида кўзга ташланади.

Эраמידан аввалги 551–479 йилларда яшаган Конфуций томонидан тузилган ва қайта ишланган, концептуал аҳамиятга эга бўлган “Шу цзин”(“Тарих китоби” ёки “Хужжатлар китоби”)да инсоннинг беш қобилияти: ташқи қиёфа – бу фазилат, у хулқ-атворни қатъийлаштиради, нутқ – ҳақиқатга, адолат тамойилларига амал қилишга ва сўзининг устидан чиқишга имкон беради, кўриш хоссаси – назокатли ва эҳтиёткор, тафаккур хоссаси – донишманд бўлишга имкон беради. Шу асосда беш хил бахт (узок умр кўриш, махнавий ва моддий бойлик, тана соғлиги, руҳ хотиржамлиги, донишмандликка интилиш, умр кўриш ва осойишта вафот этиш) ва бахтсизликнинг олти тури (фалокат туфайли умрнинг қисқариши, касаллик, мусибат, қашшоқлик, тананинг мажруҳлиги, ақл ожизлиги) алоҳида таъкидланади.¹ Шу билан бирга, Конфуций таълимотидаги “Жэнь” – инсонпарварлик, инсонга муҳаббат, одамийлик, меҳрибонлик, фозиллик, ҳамдардлик, садоқат, ижтимоий ҳикмат сингари маъноларни англатган. Бу фалсафий мазмундаги тушунчалар заминида икки ярим минг йилдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қадриятли сифат тушунчалар тизими назарда тутилади.

Қадимги хитой фалсафасида “Қадрият” фалсафий категория сифатида эмас, балки кундалик ижтимоий турмушда қандай бўлса, шундай маънода, мазмунда қўлланилган. Бироқ шунга қарамай, ижтимоий хурсандчилик ёки дўстликнинг қандай тури фойда ёки зарар етказди тарзида кўйилиши, мушоҳада этилиши унинг аксиологик муаммо эканлигидан далолат беради. Конфуцийнинг шогирдларидан бири бўлган Ю-цзининг фикрича, “Урф-одатлардан фойдаланиш шунинг учун қадрили, у кишиларни муроасага келтиради”.² Кўришиб турибдики, унинг сўзларида аксиологик ёндашув ўз ифодасини топган.

Қадимги Хитой мутафаккирлари Конфуций (мил. ав. 551–479), Лао-Цзи (мил.ав. VI аср иккинчи ярмида яшаган) қадриятларнинг нисбийлигини таъкидлайдилар, бироқ уларнинг ўртасида мазмунан тенглик аломатини кўймайдилар, релятивизм чексиз эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг илмий хулосаси аҳамияти шунда эдики, мутафаккир субъектив баҳонинг нисбийлигини таъкидлабгина қолмай, қадриятларнинг ўзи ҳам объектив, нисбий характерга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Аристотель ўзининг “Метафизика” асарида ёзишича, “Протагор инсон ҳамма нарсанинг ўлчовидир дейиши билан фақат қуйидагиларни назарда тутган: ҳар бир одам нима, қандай туюлса ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмасдир, у яхши ва ёмондир; бошқа қарама-қарши фикрлар ҳам тўғридир, чунки бир нарса чиройли бўлса, бошқаси аксинчадир: ҳар бир одамга нимаики қандай туюлса, у ўлчовдир”.³ Умуман олганда, “Инсон ҳамма нарсанинг ўлчовидир” деган концептуал ғояни илгари сурилиши антик гуманизмнинг қарор топиши учун, оламни гуманистик – қадриятли тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга.

Аристотель қадрият ва гўзалликни бир-бири билан қориштиради, балки қадриятнинг ўзига хос хусусиятларини очишга ҳаракат қилади. У ўзининг “Риторика” асарида гўзалликни фойдалиликка қарши кўйди. Унинг фикрича: “Фойдали нарса ҳар бир одамнинг ўзи учун қадриятдир, гўзаллик эса дахлсиз қадриятдир”.⁴

Қадрланишнинг концептуал асослари антик дунё мутафаккирлари томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, қадриятларнинг объективлигини таъкидлаш билан бир қаторда, қадрлашнинг бутунлай субъективлиги ва нисбийлигини ҳимоя қилувчи фалсафий концепциялар, ёндашувлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шу муносабат билан, қайд этиш лозимки, антик фалсафа эллинизмнинг сўнгги даврида субъект ва объектнинг энг умумий тарзда айнийлигини англаш орқали оламни глобал – қадриятли тушунишга эришди.

Қадимги цивилизациялар (Ҳиндистон, Хитой, Греция) фалсафий тафаккурида илк назарий-қадриятли тасаввурлар, илмий-фалсафий ғоялар вужудга келди. Қадимги фалсафа аксиология-

¹ 100 мумтоз файласуф. Т., 2015, 105-бет.

² Древнекитайская философия. Собрания текстов. В 2-х т. М., “Мысль”, 1972, с. 142.

³ Аристотель. Сочинение в 4х т. М., “Мысль”, 1976, с. 281.

⁴ Шу манба. 98 с.

нинг, жамиятнинг бундан кейинги тараққиётида ўзига хос андоза бўлиб қолди. Қадимги дунё фалсафаси қадрият категорияларини талқин этишнинг хилма-хил шакллари яратди, жамиятда ижтимоий табақаланиш бошланиши билан уларга бўлган ижтимоий эҳтиёж ортиб борди.

Антик дунё қаърида шаклланган ва унинг муносиб ўрнини эгаллаган янги давр ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онгнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар қилишни, илгари барча қадриятларни қайтадан идрок этишни талаб этди. Буни аввало, диний қарашларнинг тубдан алмашилишида тасаввур қилиш мумкин. Ҳиндистонда шаклланган буддизм Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқни қамраб олди. Бир неча асрдан кейин эса Яқин Шарқда ислом дини вужудга келди.

Ижтимоий онг антик давр ва ўрта асрларда илоҳиёт руҳи билан суғорилган бўлиб, Худо ахлоқий, умуман, бутун маънавий қадриятнинг манбаи ва моҳияти сифатида тушунилган.

Ўрта аср мутафаккирлари инсон идрокининг субъективлигини теран англаганлар. Инсон қарашлари субъектив ва нисбий бўлганлиги учун ҳам қадриятнинг объектив ва мутлақ мезони мавжуд бўлиши зарурияти шаклланган. Шунинг учун ҳам Ўрта аср файласуфлари маънавий қадриятларнинг моддий қадриятлардан муайян устиворлигини таъкидлайдилар.

Агар мазкур фалсафий масалага инсониятнинг қадриятли онг ва уни назарий идрок этиши нуқтаи назардан ёндашадиган бўлса, маънавий қадриятлар устуворлигининг таъкидланиши, қайд этилиши муҳим ижобий ижтимоий ҳодиса эканлиги аён бўлади. Шу билан бир қаторда, ислом дини руҳи билан суғорилган ахлоқий қадриятлар борлиқ ва онгнинг муайян шакллари илмий амалиётга келтирдик, улар антик дунё фалсафаси учун номаълум эди. Ислом олами иймон, сабр-тоқат, меҳр-шафқат, биродарлик сингари инсоний хислатларни кашф этдики, улар инсониятга қадриятли муносабатда бўлишда муҳим аҳамият касб этди ва уларнинг ўзи маънавий қадриятлар тизими сифатида ижтимоий ҳаётда намоён бўлди.

Файласуф тадқиқотчилар ўрта асрлар учун символлик онгнинг характерли эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Бундай муносабат символизм диний, фалсафий ва адабий оқим бўлган сўфизмда, ренессанс даври мутасаввуфларнинг асарларида яққол намоён бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Бобораҳим Машраб, Ҳувайдо каби улуг тасаввуфчилар ўз асарларида Оллоҳни “ёр”, “нигор”, “дўст”, “маъшуқа” сингари образлар тимсолида тасвирлайдилар. Сўфийлар назарида ҳақиқатга, адолатга эришиш йўли Оллоҳнинг васлига етишиш, ўзликни маънавиятга тўла бағишлаш билан боғлиқдир.

Уйғониш босқичи бежиз гуманизм даври деб аталмаган, чунки ана шу вақтда инсон олий қадрият эканлиги, унинг яратувчилик, баъзан салбий фаолият мазмуни теран англаган. Бу давр мутафаккирлари инсонни буюк мўъжиза, ҳар қанча мақтовга лойиқ мавжудот сифатида шарафлайдилар. Натижада қадрият тушунчасининг мазмуни, моҳиятини фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилиш, излаш, таҳлил этишда янгича ёндашув бошланганлигини англаган.

Италиялик гуманист Лоренцо Валла (1407–1457 йиллар)нинг “Ҳақиқий ва ёлғон қадрият тўғрисида”ги диалоги аксиологияга бағишланган эди.¹ Валланинг аксиологик ёндашуви шунда намоён бўлдики, у “нарса” ва унинг “қадрияти”ни бир-биридан фарқлади. Жумладан, “Ташқи нарсалар ўз ҳолича ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, бироқ ташқи нарсаларнинг қадрияти шундаки, улар бизнинг қалбимизга ва танамизга роҳат берадилар”, деб таъкидлайди.²

Ўрта Осиё мутафаккирлари орасида қадрият масаласини олға сурганлардан бири Абу Наср Форобий ўрта асрлар шароитида таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, эътиқод, адолатпарварлик, ижтимоий ҳимоя, тинчлик ва меҳнат сингари умуминсоний қадриятларни улуғлаган.

Форобий атроф-муҳитни билишни буюк бахт – қадрият деб эълон қилди. Унинг ёзишича, инсон ақл ва тафаккурсиз бахтга эриша олмайди. Ҳар бир киши бахтли бўлиш имкониятига эгадир, бироқ бу имкониятни юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган, нарсалар моҳиятини билишга бутун кучини бағишлаган кишиларгина рўёбга чиқара оладилар.³

Ўрта асрнинг буюк алломаларидан бири бўлган Абу Райҳон Беруний илм-маърифат, она-Ватанга муҳаббат, унга садоқат ва миллий қадриятларга ҳурмат сингари умумбашарий қадриятларнинг мамлакат равнақи ва ободончилиги йўлидаги амалий аҳамиятини таъкидлайди: “Ҳар бир ин-

¹ Лоренцо Валла. Об истинном и ложном благе. О свободе вали. М., “Наука”, 1989, с. 65.

² Шу манба. 102 с.

³ Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата, 1973, с. 172.

соннинг кадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётганлиги билан ўлчанади. Инсоннинг тилак ва хо- хишлари меҳнати натижалари туфайлигина амалга оширилиши мумкин”.¹

Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида кадриятлар ўз табиатига кўра, хурмат, моҳиятига кў- ра муҳаббат уйғотишини, ўзига хос гўзаллик билан кишини жалб этишини қайд этади: “Илм ўз зо- ти билан матлубдир, ҳақиқатан ҳам, у барча нарсадан лаззатли. Илмдан бошқа қандай нарсада манфаат зоҳирроқ ва ҳолатда фойда кўпроқ бўлади. Фақат илм билангина ҳам дин, ҳам дунё учун хайрли ишларни бошқариш ва уларга зарар келтиришдан сақланиш мумкин. Агар (илм) бўлмаган- нида (бизни) жалб қилаётган (нарса) ёмонлик эмаслигига ва четланаётган (нарса) яхшилик эмас- лигига ишонч бўлмас эди”.²

Ўрта аср мутафаккирлари томонидан билишнинг кадрият сифатида эътироф этилиши ва уни инсон фаолиятининг олий мақсади деб эълон қилинишини ренесанс давр фалсафий тафаккури- нинг юксак чўққиси эди.

Ўрта осиелик буюк ҳаким, комусий олим ва файласуф Абу Али ибн Сино ўз асарларида ах- лоқий кадриятларни улуғлайди ва жаҳон миқёсида уларнинг аҳамияти ҳақида тарғибот, тушун- тириш ишларини олиб боради. Мутафаккир кишилар кундалик турмушидаги энг зарурий муноса- батларга: камтарлик, иззат-хурмат, тўғрилиқ, ҳалоллик, софдиллик, одиллик, ахлоқий поклик, маънавий комиллик сингари кадриятларга урғу беради. Унинг илмий-фалсафий ва маданий тарақ- қиётига оид битилган асарлари жамият маънавий ҳаётининг юксалишига катта таъсир кўрсатди. Ўзининг ақл даражаси, билимининг кенг тармоқчилиги билан Ибн Сино уйғониш даври тафаккури даҳоларига яқин эди.³

Ибн Синонинг фикрича, диний ва дунёвий фанлар кадрият сифатида инсониятга хизмат қи- лиши, олимлар табиат қонуниятларини очишлари ва ўз билимларини келажак авлодга мерос қилиб қолдиришлари керак. Улуғ мутафаккир кишиларни фан ва маданият, билим ва маърифат оловини кишига, илм йўлида оғишмай камолот ҳосил қилишга, ҳар бир масалага кадрият нуқтаи назардан ёндашишга, ростгўй, виждонли бўлишга чақиради.

Улуғ мутафаккир, давлат раҳбари, файласуф шоир Алишер Навоий ўзининг бутун онгли ҳа- ёти ва ижодий фаолиятини инсоннинг бахт-саодати, фаровонлиги ва баркамоллигини таъминлаш- га бағишлаган бўлиб, у иймон-эътиқод, ижтимоий адолат, дўстлик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, ватанпарварлик сингари кадриятларни тарғиб қилишга ҳаракат қилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар тўғрисида қайғуриш ва уларга ғамхўрлик қилиш фази- лати ва фозил кишилар, халқлар учун хос бўлган кадриятдир. Бундай умуминсоний кадриятлар Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги бош қаҳрамонлар тимсолида ўз ифодасини топди. Алишер Навоий асарларида илгари сурилган концептуал ғоялар янги ривожланиш босқичи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккирнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида халқ бай- рамлари ва миллий анъаналарга садоқат ва эҳтиром билан қараш каби фазилатлар улуғланади. Мирзо Улуғбек, Муқимий, Фурқат каби мутафаккирлар ҳам ўзларининг бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятларида умуминсоний кадриятларга юқори баҳо берганлар ва миллий кадриятларни эъзоз- лаганлар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, рус фалсафий тафаккурида Ғарбий Европа фалсафий тадқиқотларидаги каби кадриятли муносабатнинг субъектив жиҳатларига ва бу муносабат объек- тининг кадриятли аҳамиятининг мазмуни таҳлилига эътибор кучайди.

Таниқли рус мутафаккири Александр Николаевич Радищевнинг фалсафий қарашлари эъти- борга лойиқдир. Файласуф ахлоқий кадриятлар моҳиятини талқин этишда уларнинг ижтимоий объективлигига эътиборни қаратди.

Александр Радищевнинг ҳамфикр ҳамкори Ф.М.Ушаков “Эзгулик” (кадрият) ижтимоий- субъектив ҳодиса деб ҳисоблаган бўлса, ўзининг инсон тўғрисидаги рисоласида “Ижтимоий тур- муш” инсонда ахлоқий “камолот”ни вужудга келтиради, деб ёзади.

Александр Радищев томонидан инсон озодлиги кадриятининг англаниши унинг рус аксио- логик тафаккури ривожига қўшган муҳим ҳиссаси бўлди. Александр Радищев қасидаларида озод- ликка бўлган кадриятли муносабатнинг ифодаланиши ўзига хос бўлиб, у назорат – кадриятли му- носабатга ўтади. Бу ерда Александр Радищев озодликни “бебеҳа туҳфа”, деб аташи бежиз эмас.

¹ Беруний. Танланган асарлар. 5 томлик, Т., “Фан”, 1982, 88-бет.

² Шу манба. 61–62 с.

³ Быховский Б.Э. Философское наследие Ибн Сины. “Вопросы философии”, 1955, с. 138.

Мутафаккир озодлик қадриятинигина эмас, балки озодликнинг қадрият манбаи сифатидаги мохиятини очишга, фалсафий мохиятини тушунтиришга ҳаракат қилди.

XIX аср ижтимоий-маънавий жараёнларини тадқиқ этишда самарали восита бўлган қадрият тушунчасини у даврларда назарий жиҳатдан англолмаган қадриятли муносабатларнинг реал мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Субъектив равишда ифода этиладиган ва объектив тарзда намоён бўладиган қадриятли муносабатлар ҳамиша кишилик жамиятида мавжуд бўлади, бироқ ҳозиргача мавжуд бўлган қадриятларни баҳолашни талаб этадиган ижтимоий-маънавий ривожланишнинг жадаллашуви ва ижтимоий-маънавий ўзгаришлар даврида қадриятли муносабатларнинг ўзи ҳам назарий жиҳатдан ўз-ўзини англаш ва билишга эҳтиёж сеза бошлайди. XIX асрда ҳам, XX асрда ҳам, айниқса, ҳозирги даврда ҳам қадрият муаммоларига бўлган эътиборнинг кучайиши бежиз эмас.

Таникли рус файласуфи Владимир Сергеевич Соловьёв ўзининг “Мавжуд ибтидони танқид” мавзусидаги докторлик диссертациясида инсон фаолияти барча турларнинг қадриятли муносабати ва қадриятли аҳамияти масаласини тадқиқ қилган. У “мутлақ қадрият” сифатидаги “олий қадрият”ни тадқиқ этишга эътибор берди. Унинг фикрича, “мутлақ ибтидо”нинг ўзи қадриятли маънода борлиқнинг ижобий кучи сифатида қарор топади. Мавжудот реаллик сифатида эмас, балки қадриятнинг эҳтимол тугиладиган соҳиби сифатида қадриятдир. У шартсиз қадрият, шартли қадрият ва салбий қадриятларни бир-биридан фарқлади.

Файласуф В.Соловьёв қадриятни кишилар, реал ҳодисалар борлигининг маъносини кўрсатувчи “шартсиз қадрият” сифатида таърифлади. Бироқ файласуф ўзининг этикага оид рисолаларида қадриятни тавсифлаш учун “кадр-қиммат” тушунчасини қўллади. Чунки у “қадрият” тушунчасининг эквивалентидир.

Файласуф инсоннинг “нисбий” ва “шартсиз кадр-қиммат”ини бир-биридан фарқлади. У инсоннинг шартсиз кадр-қиммати деганда унинг “идеал баркамоллиги”ни тушунади. “Инсон кадр-қиммати принципи ҳар бир шахснинг, шак-шубҳасиз, белгиси” сифатида таърифлади.¹

Хуллас, кишилар инсоният таракқиётида “Абадий” деб ҳисоблаб келган қадриятларнинг емирилиши даврида ҳам Ғарб ва Шарқ аксиологик тафаккури барқарор қадриятлар тизими мавжудлигига астойдил ишондилар ва уни сабот билан изладилар. Агар XIX асрда қадрият ғояси ва қадрият категорияси аста-секин қарор топган ва ривожланган бўлса, XX асрда бунинг бутунлай акси бўлди: “қадрият” тушунчасини кенг қўллаш урф бўлди, қадрият концепциясининг энг муҳимларини аниқлашда қатор кийинчиликлар пайдо бўлди. Ҳозирги замон фалсафасида қадриятга интилиш масаласи кишиларда қадриятли онг ва дунёқарашни шакллантириш зарурлигини илгари сурди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам қадриятларга алоҳида эътибор бериш, маънавий қадриятлар тизимида диний ва илмий қадриятлар мақомини юксалтириш зарурияти мавжуд, долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Қадриятли онг ва унинг мазмунига алоқадор ғоялар нафақат ҳар бир давр ижтимоий-фалсафий фикри, балки маънавий-ахлоқий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асрлар давомида шаклланиб ва ривож топиб келган қадриятли онг инсоннинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий мохияти ва амалларини маънавий баҳолашнинг мезони ҳисобланган. Демократик ислохотлар туфайли қадриятли онг ва дунёқарашни концептуал асослари шаклланиб бормоқда ва бу эса ҳар бир фуқаронинг фуқаролик жамиятини юксалтириб, ривожлантириб боришига бўлган манфаатдорлигига туртки бўлмоқда. Табиийки, бу жараёнда диний ва илмий қадриятлар мақомини мустаҳкамлаш нафақат маънавий, балки жамият бутун соҳаларини ривожлантиришнинг интеллектуал асосини ташкил этади.

¹ Соловьёв В.С. Сочинение в 2 х т, М., “Мысль”, Т. 1, 1988, с. 347.

Отабоева Мазмуна Рахимовна
(ўқитувчи, Қўқон Давлат Педагогика институти; e-mail: mazmuna.rahimovna@gmail.com)
СЎЗ ТУРКУМЛАРИДА ГРАДУОНИМИЯ ҲОДИСАСИ

Аннотация. Ушбу мақолада градуонимия ҳодисасини морфологик сатҳда тадқиқ этилганлигини ўрганилган ва сўз туркумларида градуонимия ҳодисасини ўрганилишига бағишланган. Шунингдек, мақолада ушбу масалани тадқиқ этган илмий тадқиқотлар ўрганилган ва таҳлил этилган.

Аннотация. В статье исследуется морфологическое исследование феномена градуонимии. Данная статья посвящается изучению феномена градуонимии в частях речи. В статье также исследуются и анализируются научные исследования, посвященные этой проблеме.

Annotation. In this article, the phenomenon of graduonymy has been studied at the morphological level. This article is dedicated to study the phenomenon of graduonymy in speech patterns. The article, also, examines and analyses researchers who studied this issue.

Калим сўзлар: градуонимия, морфологик сатҳ, сўз туркумлари, от, сифат, сон, феъл, олмош, лексема, луғавий бирлик, услубий восита, сўз маънолари, ёрдамчи сўз туркумлари.

Ключевые слова: градуонимия, морфологическое поле, части речи, имя существительное, имя прилагательное, имя числительное, глагол, лексема, местоимение, словарная единица, стилистическая фигура, значения слова, вспомогательные части речи.

Key words: graduonymy, morphological level, speech patterns, noun, adjective, numerals, verb, pronoun, lexeme, lexical unit, stylistic figure, word meanings, auxiliary speech patterns.

Градуонимия – лексемаларнинг маъно гуруҳлари аъзоларида у ёки бу белгининг даражаланиши. Бундай даражаланиш оппозиция (зидланиш)нинг бир тури деб қаралади. Градуонимия ҳодисасини ўз вақтида Алишер Навоий ҳам пайқаган ва уни туркий (ўзбек) тилининг бойлик кўрсаткичларидан бири сифатида изоҳлаган эди. У ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида *йигламоқ* маъноли сўзлар гуруҳини айни шу даражаланиш аспектида талкин қилади: *йигламосинграмоқ – ўкурмоқ – ҳой-ҳой йигламоқ* каби. Демак, Алишер Навоий шу ҳодисанинг илк тадқиқотчиси, десак бўлади.

Лексемаларнинг маъно муносабатларида даражаланиш ҳодисасининг ўрганилиши кўп жиҳатдан аҳамиятлидир: луғат бойлигининг тизим сифатидаги тавсифини беришда, синонимлар ва антонимлар луғатини тузишда луғавий бирликларнинг услубий восита сифатидаги қийматини белгилашда градуонимик тадқиқотлар натижасидан фойдаланиш мумкин.¹

Биламизки, сўз туркумлари, одатда, семантик, морфологик ва синтактик белгиларга кўра тасниф этилади. Профессор О.Бозоров ўзининг “Ўзбек тилида даражаланиш” номли докторлик ишида сўз туркумларида даражаланишларни юқорида саналган уч белгининг ҳар бири асосида ўрганиш мумкинлигини айтиб ўтади.²

Семантик белги бўйича олиб қаралса, хукмрон мавкени от сўз туркуми эгаллайди. От лексик-семантик кўлам жиҳатдан сўз туркумлари тизимида алоҳида ўрин тутди. Отнинг категориал семантик типи ниҳоятда мураккаб семантик ранг-барангликка эга. Чунки от моддий ва тафаккур олами нарсаларининг номини ҳам инъикос эттиради. Отлар анъанага кўра, конкрет, абстракт, якка жамловчи, атоқли, турдош каби зидланувчиларда ўрганилади.³

Профессор О.Бозоров ўзининг “Ўзбек тилида даражаланиш” номли тадқиқотида юқоридаги оппозициялар ўртасида ҳам учинчи оралиқ бор деб ҳисоблаб: а) “конкретлик белгисининг камайиб (абстрактлик белгисининг ошиб) боришида: китоб (конкрет) – мамлакат (конкрет/абстракт) – севги/орзу (абстракт); б) “яккаликдан кўплик томон бориш белгисида: китоб (якка) – этик (жуфт) – халк/армия (чегараланган, жамлик) – кум (беҳисоб кўплик).⁴

¹ Ҳ.Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, “Талкин”, 2005, 186-бет.

² О.Бозоров. Ўзбек тилида даражаланиш. Ф.ф.доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация, Тошкент, 1997, 160-бет.

³ Шу манба. 169-бет.

⁴ Шу манба.

Албатта, бу оппозицияларда кўрсатилган мисоллар билан даражаланиш қаторини ҳосил қилиб бўлмайди, балки бу турларнинг ўзида, яъни қарама-қарши зидлашувлар ва учинчи ораликлар ёрдамида даражаланиш қаторини кузатиш мумкин.

От сўз туркуми категорияларида ҳам даражаланишни кузатиб ўтамыз.

1. Сон категориясида даражаланиш. Ўзбек тилида сон категорияси бирлик ва кўпликни ташкил этади. О.Бозоровнинг фикрича, “Ўзбек тилида “бирлик тушунчаси қуйидаги зидланувларда иштирок этиши мумкин: бирлик – бирлик эмаслик, бирлик – иккилик, бирлик – жуфтлик, бирлик – кўплик” каби.¹

Агарда бу от сўз туркумига оид саналадиган бир сўзни мисол тариқасида олиб, унга бир, икки, уч... деб сонларни қўшиб кўпайтириб борганимиз билан сўздаги сема оттенкаси кучайиб, аксинча, кўпайиб қолмайди.

2. Эгалик категориясида ҳам эгалик қўшимчаларини олиш орқали, эгалик қилинишининг узоклашиб бориш даражаси кўзга ташланади: *китобим – китобинг – китоби*. Олим О.Бозоров, предметнинг маълум шахсга мансублик мазмуни ўзбек тилининг хилма-хил синтактик конструкцияларида турлича ифода формаларига эгадир, деб ҳисоблайди. *Китоб менга қарашли, китоб мен учун олинган, китоб меники, китобим*. Бунда қарашлилик маъносининг ифода кучини пасайиб боришини ифодалаб бермоқда.

3. Келишиқларда даражаланиш. О.Бозоров келишиқларнинг даражаланишлари, бир томондан, уларнинг бош ёки иккинчи даражали бўлақлар боғланиши учун хизмат қилаётганлигида кўринса, иккинчи томондан, ҳар бир келишиқ турли функционал кўламларига эгалиқларида кўринади.²

Олима Ж.Джумабаеванинг “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия” номли монографиясида предмет ёки предметлик маънолари (отлар)да даражаланиш ходисасини қуйидагича мисоллар асосида таҳлил қилади: ҳажм белгиси семасида *томчи – кўлмак – ҳовуз – сув омбори – кўл – денгиз – океан*. Ушбу даражаланиш қаторини муаллиф томчини айнан суюқликнинг зарраси деб олиб, сувнинг тўпланишидан ҳосил бўлган жой номларини ҳажм жиҳатида кетма-кетликда кўрсатиб ўтган.³

Шу ўринда, биз ҳам отларда даражаланишига қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: сувнинг оқиш йўналиши ҳажмининг катталашиб боришига кўра: *жилга – ариқ – сой/анҳор – канал – дарё*.

Белги-ҳолат англатувчи лексемалар (сифатлар)да даражаланиш. О.Бозоров ўз тадқиқотида сифат даражаси категориясининг шаклланиш асосида таққослашнинг яққолликдан мавҳумликка (яқинликдан узокликка, муҳимликдан номуҳимликка) йўналган даражаланишлар мавжуд деб, қуйидаги даражаланиш қаторини келтиради: *яққол қиёс – нотўлиқ яққол қиёс – ноаяққол қиёс*.⁴

Сифатлар даражаланиш қаторларини ҳосил қилишда имконияти бирмунча кенг лексемаларни ўз ичига олган сўз туркуми ҳисобланади. Ушбу сўз туркумида даражаланиш ранг белгисидаги келтирилган қаторларни барча ранг оттенкалари билан кўпайтириб уларнинг номлари билан, масалан, қизил – қирмиз каби қаторни кенгайтириш мумкин. Шунингдек, баъзи бир белги, ҳолат англатувчи сўзларга шевага ёки оғзаки нутққа хос бўлган лексемаларни ҳам олиб, даражаланиш қаторини ҳосил қилиш мумкин: *эртанги – чилги – кечки*.⁵

Ж.Джумабаева ўз монографиясида “Даражаланиш, айниқса, сифатларда даражаланиш хусусида сўз борганда, сифат даражалари, яъни оддий, қиёсий ва орттирма даражаларни назарда тутиш мумкин эмас. Бунда умумий грамматик маъносида “белги даражаси” деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳақида М.Абузалова “Фақат аслий сифатлар ўзгара оладиган мазкур шакллар учга ажратилади: оддий, орттирма, озайтирма” дея таъкидлаб, уларга муносабат билдирган. Яъни, “оддий даража “белгининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш” тарзида хусусийлашади” деб фикр билдир-

¹ Шу манба. 170-бет.

² Шу манба. 174-бет.

³ Ж.Джумабаева. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. Монография, Т., “Мумтоз сўз”, 2014, 13-бет.

⁴ О.Бозоров. 179-бет.

⁵ Ж.Джумабаева. 15-бет.

ган. Бундан кўриниб турибдики, сифатларда даража ва сифатларнинг даражаланиши бир ҳодиса эмас.¹

Санолувчи миқдорини англатувчи лексама (сон)ларда даражаналиш. О.Бозоровнинг фикрича, сон сўз туркумининг лексик маъно тизим аниқ даражаланишга (санов бирликларининг изчил ошиб боришиги) асосланган. Сон сўз туркумининг форма ясалишларида турлича санаш мазмунлари йўналишларига оид градуонимик қаторлар ҳосил қилинган. Хусусан, тартиб сонлар қатори сонларнинг сифатловчилик белгиларига эга бўлган. Биринчи тоифа – иккинчи тоифа – учинчи тоифа...; биринчи боб – иккинчи боб ...каби.²

Сонларда даражаланиш борасида Ж.Джумабаеванинг фикри эса, аксинча, "...санок сонлар ҳар бир ижтимоий, илмий ва бошқа соҳаларда ҳам қўлланилиши, сонларнинг кетма-кет келиши ҳар доим бир хил ва уни даражаланиш қатори сифатида кўрсатишнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблаймиз..."³

Сонларда даражаланишга бурчаклар сонининг ортиб боришига кўра: *учбурчак – тўртбурчак...* ва ҳоказо. Масофани англатувчи бирликлар: *миллиметр – сантиметр – дециметр – метр – километр*; оғирлик ўлчов бирликлари: *миллиграмм – грамм – килограмм – центнер – тонна*; миқдор жиҳатдан қисм ва бўлақларни ифодаловчи отлар билан ишлатиладиган сўзларда даражаланиш: *нимчорак – чорак – ярим – бутун*; сон миқдори ифодаловчи сўзларда: *оз – меъёрида – кўп; сиқим – ҳовуч – кучоқ*.

Ҳаракат англатувчи лексемаларда даражланиш. О.Бозоров ўз илмий ишида феълларнинг грамматик категориялари ва функционал формаларида даражаланиш мавжуд деб, уларнинг ўзаро градуонимик қаторларини тузиб чиқади.⁴

Ж.Джумабоева эса феълларда улардан анланган семалар бўйича гуруҳларга ажратиб: ҳаракат феъллари, нутқ феъллари, ҳолат феъллари, натижали фаолият феъллари, тафаккур феъллари ва муносабат феълларига ажратиб, уларда даражаланиш қаторлари тузишни мақбул деб билади: *юрмоқ – югурмоқ – елмоқ* (ҳаракат феъллари).

Кўрсатув (ишора) лексемалари (олмошлар)да даражаланиш у қадар кенг қармовни ўз ичига олмайди. Сабаби олмошлар луғавий маъноларида реал борликни акс этгирмайди. Градуонимия ҳодисалари кўрсатиш маъноларида бу – шу – ана у; нутқ иштирокчиларининг маконий яқин – узоқлигида: *мен – сен – у; биз – сиз – улар*; миқдорий белгиларни ифодаловчи семаларда: *барча/бари/ҳамма – баъзилар/айримлар – ҳар ким – ҳеч ким*.⁵

Д.Джумабоева ўз ишида олмошлардан қуйидагича градуонимик қаторларни тузишни таклиф этади: кўрсатишнинг узоқ-яқинлигига кўра: *бу – шу – ўша; мана – ана – ана у – ҳов ана у*; белгилашнинг кўплигидан камайиб боришига кўра: *ҳамма – барча – баъзи – ҳеч ким*. Шунингдек, "белгилашнинг" ўрнига "шахслар сонининг кўпликдан камайиб боришига" кўра: *ҳамма/барча – баъзи кимсалар/бировлар – кимдир – ҳеч ким*.

Профессор О.Бозоров равишлардаги морфологик даражаланиш сифатлардаги каби намоён бўлади, деб ҳисоблайди.⁶

Ҳаракат белгисини ифодаловчи лексемалар (равишлар)да даражаланишни у билдирган бир неча турлар бўйича алоҳида белгилаш мумкин. Масалан, пайтни ифодалашда *кеча – бугун – эрта*; вақт ўлчов бирликларини ифодалашда: *кунлаб – ҳафталаб – ойлаб – йиллаб*.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, предметнинг номини, сифатини, ҳаракатини ифодаладиган бой маъно оттенкаларига эга сўз туркумларида даражаланиш қаторларини тузиш имкони кенгроқ ҳисобланади. Шунингдек, сўз туркумларининг ўз грамматик сатҳларидаги категориялари, даражалари, функционал формалари орасида ўзаро градуонимик қаторларни ҳосил қилингандан кўра улар англатган айнан маълум бир туркумга оид сўзлар орасида даражаланишнинг ифодаланишида градуонимия ҳодисаси яққол кўзга ташланади.

¹ Шу манба. 16-бет.

² О.Бозоров. 181-бет.

³ Ж.Джумабаева. 16-бет.

⁴ О.Бозоров. 183–186-бетлар.

⁵ Шу манба. 182-бет.

⁶ Шу манба. 183-бет.

**Жумаев Турсунали (Қарши Давлат университети
Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти; tjumayev@qarshudu.uz)
ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚЛИДЛАРДАН ЮЗАГА КЕЛГАН СЎЗЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-
ЭТИМОЛОГИК ТАЛҚИНИ ҲАҚИДА**

Аннотация. Мақолада ундовлар асосида бошқа сўз туркумига оид сўзларнинг юзага келишидаги лингвистик асослар, уларда содир бўлган фонетик ўзгаришлар, сўзларнинг диахроник ва синхроник талқиндаги формал-семантик қиёслари туркий тиллар миқёсида татбиқ этилиши баён этилган.

Аннотация. В статье рассмотрены лингвистические основы образования слов, принадлежащих к подражательным словам, происходящие в них фонетические изменения, формально-семантические сопоставления слов в диахронической и синхронной интерпретации применительно к тюркским языкам.

Annotation. The article examines the linguistic foundations of the formation of words belonging to imitative words, phonetic changes occurring in them, formal-semantic comparisons of words in diachronic and synchronous interpretation, the use of Turkic languages.

Калим сўзлар: ундов сўз, сўз туркуми, сўз ясалиши, этимология, тарихийлик, туркийшунослик, унли, ундош, чўзиқлик, ассимиляция, диссимиляция, товуш алмашинуви, товуш ўтиши.

Ключевые слова: восклицание, часть речи, словообразование, этимология, историография, тюркология, гласный, согласный, долгота, ассимиляция, диссимиляция, чередование, звуковой переход.

Key words: imitative word, noun, education noun, word formation, etymology, historiography, turkology, vowel, consonant, longitude, assimilation, desimilation, alternation, sound transition.

Тақлид сўзлар тилда ёлғиз ҳолда маъно англатмаса-да, муайян сўроққа жавоб бўлиб, гапда маълум вазифа бажариш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам уни баъзи тилшунослар ёрдамчи сўз туркумлари сирасига, баъзилари эса мустақил сўз туркумлари қаторига киритишади. Аксарият тақлид сўзлар ҳозирги ўзбек тилда бошқа туркумлардан яққол ажралиб туради: *тақ-тақ*, *ялт-юлт*, *чирт-чирт*, *ба-бу*, *чу-чу* сингари. Лекин тилимизда шундай тақлидий сўзлар борки, уларнинг бугунги кунда фаол қўлланишларига қарамай, айрим олиб таҳлил қилиш, ҳатто тақлидий сўз эканлигини ҳам англаб олиш мушкул. Уларнинг асл моҳиятини диахроник аспектда, тарихий лингвистиканинг текшириш имкониятларига таянган ҳолда тадқиқ этгандагина англаб олиш мумкин. Қуйида шу ҳақда баҳс олиб борамиз.

Ўзбек тилида *бақир*- сўзи фаол феъл ҳисобланиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да унинг тўртта маъноси берилган:

БАҚИРМОҚ 1 Бор овоз билан қичқирмоқ, шовқин солмоқ. *Катта дарё ҳайқирмас, ақлли киши бақирмас* («Қанотли сўзлар»). *Олахўжа товушининг борича бақиради: –А!? Тарғил хўкиз ўлиб қолди? Нима? Нега ўлар экан?* (П.Турсун. Ўқитувчи). *Бектемир кўкрагига сигмаган ҳаяжон ва меҳрни ифодалагандек, зайришуурий равишида бақириб юборди* (Ойбек. Қуёш қораймас).

2 Оғриқдан ёки кўркувдан дод солмоқ, дод-фарёд кўтармоқ (Салимбойвачча). *Ҳар он, ҳар лаҳза фалокатни кутди. Гўё Гулнор ҳозир ошани ичади-да, дарров бақиради* (Ойбек. Танланган асарлар). *Лаъли бехосдан: «Дод, ўламан», деб бақириб юборди* (Ҳ.Ғулом. Машғал). «*Войдод!*» *деб бақирмоқчи бўламан, овозим чиқмайди* (Ҳ.Назир. Ёнар дарё).

3 Овози борича бақириб дағдаға қилмоқ, дўқ урмоқ, пўписа қилмоқ.– *Бақирманг, – деди хўм-райиб Йўлчи, – шу вақтга давр эшитдим, чидадим, энди-чи? Йўқ!* (Ойбек. Танланган асарлар). (*Мўлтон Муталга:*) *Бақиргингиз келса, хотинингизга бақиринг!* (О.Ёкубов. Ларза). *Унинг бировга бақирганини, стол муштлаганини Зумрад кўрган эмас* (С.Сиёев. Отлиқ аёл).

4 кўчма Чиранмоқ, гердаймоқ. *Бор – бақирар, йўқ – чақирар* (Мақол).¹

Профессор Ш.Раҳматуллаев “Ўзбек тилининг этимологик луғати” китобида бу сўзнинг келиб чиқиш жараёнини қуйдагича жўн изоҳ билан талқин этган:

БАҚИР– «овозининг борича шанғилла-», «қичқир-». *Мунча бақирасан, қулоғи қар эмас-ку!* Бу феъл қадимги туркий тилда кучли товушни билдирувчи *ба:ғ* тақлид сўзидан (Бу тақлид сўзи

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2006, 187-бет.

Ўзбек тилида *баг-буғ* шаклида мавжуд) *-(ы)р* кўшимчаси билан ясалган, кейинроқ *г* ундоши *қ* ундошига алмашган, *а*: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон. III, 202), ўзбек тилида *а* унлиси *а* унлисига алмашган, *ы* унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *ба:г+ыр=ба:гыр->бақыр->бақир*”.¹

Замонавий ўзбек тилида туб сўз сифатида қаралаётган *бақир*- феъли ҳозирги шакл ва кўринишга келгунча узоқ тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Туркий тиллар тарихини ёритган адабиётларда унинг ибтидоси қадимги уйғур тилида товушга тақлид сўз сифатида *ба:гыр*- шаклида бўлганлигини кўрсатади, фонетик вариантлари эски туркий тил ёзма ёдгорликлари – “Қиссас ул-анбийе”нинг 174-бетида *банг эт*-, XIV асрда битилган “Искандарнома”нинг 127-бетларида *банг+ла*- тарзида учрайди. XI аср туркий тилшунослигининг юксак чўққиларга кўтарилган тилшуноси Маҳмуд Кошғарий ҳам ўз “Девон”ида *банг сыгта*- тарзида талқин этган.²

Шунингдек, тақлид сўздан иборат бўлган асосга *-ыр~-ил* модификаторини кўшиш билан бу сўзнинг аналогик формаси ҳосил қилинган. Масалан, турк тилида *bang-ır bang-ır, bang-ır* ҳамда *bang-ırda~bang-ırda*,³ бошқа туркий тилларда эса мазкур феълнинг *вақ-ыл-да~вақ-ыл-ла~вақ-ыр-ла~в ақ-ыр-да* вариантлари мавжуд.

Туркий тилларда сўз бошидаги *б* ва *м* ундошларининг ўрин алмашилиши азалдан қонуният сифатида мавжуд бўлган. Масалан, *бән>мен, бундог>бундог, бунча>мунча* каби. Бу қонуният *бақир*- феълнинг вариантларини ҳосил қилишда муайян таъсирга эга.

Қадимги туркий тилда, аниқроғи, қадимги уйғур тилининг шеваларида *бақир*- феълнинг *м* ли шакли *müñr-a* тарзида қўлланганлигини кўриш мумкин.⁴ Унинг лабланган унлили ҳаракат номи шакли *müñra-ǰ*,⁵ нисбат шаклли кўриниши *müñrā-t*⁶ сингари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Таҳлил этилаётган лексик бирликнинг танглай уйғунли шакллари турк тилининг диалектларида ҳозирги пайтда ҳам *beñir-, begur-, beğur-, bêr-, bögir-, bogür-* кўринишларида яшаб келади.⁷

А.Габен, Броккелман, Рясененларнинг⁸ қайд қилишича, *бақир*- шакли, кейинчалик, юзага келган, бу феълнинг шаклланиши учун *баң->баг->бақ*- кўринишдаги тараққиёт йўли асос бўлган. У *шивирла~пичирла~мингирла~сўзла~ганир~бақир~чақир~хайқир*- парадигматик қаторининг доминанта сўзи бўлганлиги сабабли туркий тилларнинг деярли барчасида ва жабҳанинг барча тараққиёт даврларида фонетик ҳамда семантик фарқлар билан фаол қўлланиб келган.

Бақир- сўзининг ўзаги *ба~ма*- тақлиди бўлишига асос кўпроқ бўлиши мумкин. Чунки машҳур турколог-олим А.Зайончковский ҳам, аслида, бу феълнинг асосини *ба*-, *ма*- мимемалари ташкил этишини тасдиқлайди. Маълумки, ўзбек тилида тақлид сўздан ҳосил бўлган *бақа, биқирла*-, *бўқир*-, *қурбақа, вағилла*-, *вақир(ла)*-, *вағир(ла)*- сингари феълларнинг мавжуд. Уларнинг барчасининг биринчи бўғини *би*-, *ба*-, *бў*-, *ваг*-, *вақ*- тарзида овозга тақлидни англатиб турибди. Н.Гаджиева ва А.Кокляновалар *бай* ундов сўзи асос бўлганлигини ёзишган.⁹

Бақа отининг юзага келиши жараёни ҳам *ба*- тақлидий сўз билан боғланади, хусусан, турк тилида *чивчив* “қуш”, “жўжа”, *куку ёки гугук* “какку” номланиши учун асос бўлган. *Бақа* сўзининг ҳам шу жараён билан боғлиқлигини А.М.Щербак исботлаб берган эди.¹⁰ Бу сўзларнинг тақлид сўз билан боғлиқлиги ўзбек тилида айрим мустақил сўзларнинг маъноли қисмларга бўлинмайдиган таркибий қисмларида ҳам сақланган. Хусусан, *қуш* сўзининг биринчи бўғинаги *қу*- ҳамда *какку* сўзининг ҳар икки бўғини ҳам қушнинг овозига тақлид эканлигини илмий изоҳларсиз ҳам англаш қийин эмас. *Жўжа* ўзбек адабий тилида бир қадар фонетик ўзгаришлар истеъмол этилади, яъни шеваларда унинг *чўжа* тарзида талаффуз этилишини кўриш мумкин. Бу эса ҳали вояга етмаган то-вуқ полапонларининг чиқарадиган товушининг нутққа кўчган шаклидир.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 1-том, 41-бет.

² Маҳмуд Кошғарий. Дувону луғат ит-турк. I т, 599-бет.

³ DS Türkiye'de halk ağzından derleme sözlüğü, I – III, Ankara, 1963–1968-бетлар.

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат ит-турк. III т., 402-бет.

⁵ Келтирилган манба. 398-бет.

⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат ит-турк. III т., 353-бет.

⁷ Türkiye'de halk ağzından derleme sözlüğü, I – III. Ankara, 1963–1968, 597-бет.

⁸ Gaben A. II, Alttürkische Grammtik. 2 Aufl. Leipzig, 1950, p. 30.

⁹ Щербак А.М. Истрическое развитие лексики тюркских языков. М., 1961, с. 433.

¹⁰ Щербак А.М. Ўша жойда.

Биқирла-//вақирла- феълларининг биринчи бўғинидаги *би-//ва-* ҳам шу сўзларнинг модефикатори бўлиб, тақлидий уйғунликни ўзида сақлаб қолган. Чунки тил сатҳлари орасида фонетика энг ўзгаручан ярус ҳисобланиб, ён товушларнинг таъсирида натижасида сўз формаси турли-туман кўринишлар касб этиши аллақачон тилшуносликда исбот этилган жараёнدير. Ундан кейин келадиган *-қ, -з, -р-* ундошлари тақлид сўздан тарихий от ҳосил қилувчи морфологик унсур бўлиб, *-илла* ҳозирги ўзбек тилидаги тақлид сўздан феъл ҳосил қилади,¹ *-ирла* шу ясовчи кўшимчанинг тарихий варианты ҳисобланади.

Бўқир-//чақир- феълларининг морфемик таркибидаги ўзак *биқирла-//вақирла-* сўзлари билан бир хил қолипти, яъни *бў-* ҳамда *ча-* бўғинлари модал сўз учун тақлидий асос, *-к-, -қ-* эса тақлид сўзга номинатив вазифа юкловчи унсур, *-ир* феъл ясовчи кўшимча ҳисобланади. *Биқирла-//вақирла-* сўзларида ясовчи аффиксал қийматга эга бўлса, *бўқир-//чақир-* сўзларидаги ясовчи *ган+ир>ган+ур* қолипидаги сўзлардаги каби *бў+к+ур>бў+қ+ур>бўқир* ҳамда *ча+қ+ур>ча+қ+ир>чақир*, яъни ясовчи *ур-* феълнинг кўшимча морфемага кўчган шакли орқали юзага келган.

Бақа ҳозирги ўзбек тилининг меъёрларига кўра, от сўз туркумига мансуб туб сўз ва бошқа лексик ёки грамматик маъноли қисмларга бўлинмайди. Унинг моддий таркибини диахроник ва этимологик жиҳатдан олиб қаралганда, бутунлай бошқа манзара касб этишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Юқорида қайд этилганидек, сўзнининг ўзаги *ба-* тақлид сўз морфемасига тўғри келади, *-қ-* тақлид сўзига аташ семасини юкловчи архиморфема, *-а* жараён давомийлигини англатадиган от ясовчи кўшимча ҳисобланади.² Ҳозирги ўзбек тили меъёрларида *-а* нинг грамматик маъноси унинг сифатдошлик хусусиятини намоён қилишга ўтган. Демак, бу отнинг ясалиш структураси *ба-+қ+а>бақ+а>бақа* шаклига тенг бўлади.

Қурбақа сўзи ясалиш формаси жиҳатидан бошқа ундов сўзларидан ўз мураккаб таркиби билан фаркланади, чунки унда иккита ундов: *қур-* ҳамда *-ба-* мужассамлашган. Бу хусусият денотатининг белги-хусусиятини яна-да муайянлаштириш қийматини зоҳир қилиш вазифасини бажаради.

Қурбақа отининг этимологик асоси борасида икки хил қараш мавжуд: а) А.И.Севортян бу сўзни икки ундов сўздан ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди;³ б) Н.А.Баскаков ва М.Я.Ҳамзаевлар 1956 йилда нашр қилдирга луғатда *қур* – куруклик, *бақа* – бақаси, яъни “куруклик бақаси” маъносини англатиши белгилаб қўйилган.⁴ 1958 йилда Қозонда нашр этилган луғатда эса *қурбақа* – *қир* ва *бақа* ўзак морфемаларидан композиция усули билан юзага келганлиги қайд этилган – “қир бақаси” тарзида.⁵ Бундай этимологик талқинлардаги турли-туманликлар сўзларнинг ареал имкониятлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлганлигини ҳисобга олинадиган бўлса, уларнинг барчаида левгвистик асослар у ёки бу қадар борлигини кўриш мумкин. Демак, сўзнинг юзага келишидаги ибтидоий асослар ижтимоийлик, тарихийлик ва худудий мансублик билан чамбарчас боғлиқлик натижасида бунёд бўлганлигини қайд этиш мумкин.

Вагилла-//ваққилла-//вағирла- тақлидий сўзларининг юзага келишида ҳам юқоридаги этимологик талқинларни асос қилиб кўрсатган ҳолда, бир қанча фонетик жараёнлар иштирок этганлигини қайд этса бўлади. Маълумки, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида товушлар уйғунлиги, ассиляция, диссимиляция, товушлар аламашинуви, товуш ўтиши, товуш тушиши ва бошқа фонетик жараёнлар кўплаб учрайди. Шунинг учун ҳам сўз ташқи томондан – формал жиҳатда ўзгарса ҳам, унинг семантик структурасида қатъийлик, маъно яқинлиги сақланиб қолаверади. *Ваққилла-//вагилла-//вағирла-* типдаги сўзларининг биринчи бўғинида ҳам *-б->-в-* ўтиши кўзга ташланади, иккинчи бўғиндаги *қ>ғ* алмашинуви туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳи учун қонуният. Яъни, ўзбек тилида *қ* ва *к* ундошлари билан битган ўзакларга форма ҳосил қилувчи кўшимчалар кўшилганда (интервокал ҳолатда) улар *ғ* ёки *г* га алмашинади: *бутуқ>бутуғи, қулоқ>қулоғи* ёки *юрақ >юрағи, тилақ>тилағи* сингари. Бу ерда ҳам шу қонуният сақланиб қолганлигини эътироф этиш мумкин.

Демак, ҳозирги ўзбек тилида туб саналувчи айрим сўзларни тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этганда, уларнинг моддий таркибида қадимги унсурларнинг сақланиб турганлиги аён бўлади. Хусусан, шундай лексик бирликларнинг ўзагида бир бўғин кўринишида мавжуд бўлган ун-

¹ Ҳожиев А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 200-бет.

² Севортян А.И. Аффиксы именного образования в азербайджанском языке. Опыт сравнительного образования. М., 1966, с. 264.

³ Келтирилган манба. 264-бет.

⁴ Русско-туркменский словарь. Под общ. ред. Н.А.Баскакова, М.Я.Хамзаева. М., 1956, с. 312.

⁵ Диалектологик сўздек. Казан, 1958, 163-бет.

сурлар тилимиз тарихининг ўтмишида мустақил сўз мақомига эга бўлиб, муайян семани ифодалаш имкониятига эга бўлган. Бундай лисоний бирликлар ҳозирги туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам турли фонетик ўзгаришларни бошидан кечирган бўлса-да, ҳамон қадимги маъноларнинг қолдиқларини сақлаган ҳолда истеъмол этилмоқда.

**Azimova Iroda Alisherovna (Toshkent davlat
O'zbek tili va adabiyoti universiteti dotsenti, iazimova@gmail.com)
O'ZBEK TILIDAGI AGRAMMATIK AFAZIYADA FE'LLARNING TUSHUNILISHI**

***Annotatsiya.** Maqolada o'zbek tilidagi agrammatik afaziyada fe'lning tushunilishi tajribaviy tadqiq qilinadi. Tajriba agrammatik afaziyaga chalingan kishilar uchun fe'llarni tushunishda fe'lning ot hamda asbob nomi bilan aloqadorligi muhim omil ekanligi kuzatilgan.*

***Аннотация.** В статье анализируется понимание глагола в узбекской аграмматической афазии. Результаты эксперимента показали, что связь глагола с существительным и инструментальность глаголов являются важными факторами в понимании глагола.*

***Annotation.** Verb comprehension in Uzbek agrammatic aphasia was analyzed with the verb comprehension test for Uzbek. Name relation and instrumentality had positive effect on verb comprehension.*

***Kalit so'zlar:** afaziya, fe'llarning tushunilishi, fe'l kategoriyalari, o'zbek tili, agrammatizm.*

***Ключевые слова:** афазия, понимания глагола, категории глагола, узбекский язык, аграмматизм.*

***Keywords:** aphasia, verb comprehension, verb categories, Uzbek, agrammatism.*

Hozirgi kunda o'zbek tilshunosligida o'zbek tili grammatikasini tushuntirishda turli yondashuvlar qo'llanib kelinmoqda. O'zbekzabon afazik bemorlar nutqini o'rganish o'zbek tilining ichki tuzilishi haqida dalillarga asoslangan ma'lumot berishi bilan birga, tilning inson ongida voqelanishi, inson miyasidagi tilning biologik asoslari kabi umumnazariy masalalarga ham munosabat bildirishga imkon beradi.

Afazik bemorlarning o'qish, yozish, tushunish bilan bog'liq testlardagi ko'rsatkichlari tahlili asosida inson ongida leksikonning tuzilishi, so'zni o'qish, yozish, tushunish, takrorlashning umumiy modeli yaratilgan.

Inson ongida leksikonning tuzilishi, semantika, morfosintaksisni afazik bemorlar nutqi asosida tadqiq qilingan.¹ Shuningdek, fe'llarning o'timli-o'timsizligi, otlarning jonli yoki jonsiz predmetlarni anglatishi, gapning odatdagi tartibi va o'zgargan tartibi, fe'llardagi zamon va aspekt, shaxs va son kabi lingvistik kategoriyalar ingliz, italyan, nemis, golland, turk, rus va boshqa tillar misolida o'rganilgan².

Turli tillarda afaziyani o'rganish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, miyasi shikastlangan shaxslar o'tni qayta ishlash (aytish, tushunish)dan ko'ra fe'lni qayta ishlashda ko'proq qiynalishadi.³ Mazkur holat nazariy jihatdan turlicha izohlangan. Ma'lum guruh olimlar buning sababi tub kognitiv va semantik universalialar bilan bog'liq, ya'ni otlar bu obyektlar, fe'llar esa harakat demakdir, degan fikrni ilgari suradilar.⁴ Boshqa guruh olimlar esa ot va fe'l dissotsiatsiyasi asosida ularning semantik xususiyatlaridagi farqda, deb tushuntiradilar. Xususan, otlar hissiy-vizual semantik xususiyatlarni o'zida jamlaydi, fe'llar esa funksional semantik xususiyatlarga egadir. Fe'l va otlarning bu kabi semantik xususiyatlari ularning inson ongida tasavvur qilinish darajasi bir-biridan farq qilishiga olib keladi. Fe'llarni

¹ Dell G.S. (1986). A spreading-activation theory of retrieval in sentence production. *Psychological Review*, 93, 283–321; Goldrick, M., & Rapp B. (2007). Lexical and post-lexical phonological representations in spoken production. *Cognition*, 102, 219–260. Caplan D., Waters G., Kennedy D., Alpert N., Makris N., Dede G., Michaud J., Reddy A. (2007). A study of syntactic processing in aphasia II: neurological aspects. *Brain Lang.* 101, 151–177.10.1016/j.bandl.2006.06.226; Dickey, M.W., Choy, J.W.J., Thompson, C.K. (2007) Real-time comprehension of wh-movement in aphasia: Evidence from eyetracking while listening. *Brain and Language*. 100, 1, p. 1–22.

² Capitani E., Laiacona M., Mahon B., & Caramazza A. (2003). What are the facts of semantic category-specific deficits? A critical review of the clinical evidence. *Cognitive Neuropsychology*, 20, p. 213–261.

³ Caramazza A., & Hillis A.E. (1990). Where do semantic errors come from? *Cortex*, 26, 95–122.

⁴ Bastiaanse R. & Jonkers R. (1998) Verb retrieval in action naming and spontaneous speech in agrammatic and anomic aphasia. *Aphasiology*, 12, 951–969; Crepaldi D., Ingnoli C., Verga R., Contardi A., Semenza C., & Luzzatti C. (2011). On nouns, verbs, lexemes, and lemmas: evidence from the spontaneous speech of seven aphasic patients. *Aphasiology*, 25, p. 71–92.

tasavvur qilish otlarni tasavvur qilishga nisbatan qiyinroq kechadi.¹ Tasavvur qilishning osonligi ot turkumiga oid soʻzlarni aytishda va qabul qilishda bajariladigan aqliy vazifani birmuncha yengillashtiradi.

Afaziya chalingan kishilar bilan oʻtkazilgan bir qator tadqiqotlar feʼl chastotasining ham feʼlni tushunish va aytishda muhim rol oʻynashini qayd etganlar. S.Bredin, R.Berndt kabi olimlar yuqori chastotali feʼllar chastotasi past feʼllarga nisbatan qiyinroq ifodalanishi va tushunilishini qayd etganlar.² Maʼlumki, yuqori chastotali feʼllar turli kontekstlarda keng qoʻllanadi, buning natijasida esa ular koʻp maʼnolilik xususiyatga ega boʻladi. Inson ongida lisoniy birliklarning aks etishida koʻpmaʼnolilik semantik toʻrning koʻptarmoqliligi va murakkabligi bilan xarakterlanadi. Aynan shu murakkablik tufayli bunday feʼllarni aytish va tushunish afaziya chalingan kishilar uchun qiyinlik qiladi.

D.Kemmerer va D.Tranel miyasi shikastlangan 53 bemor bilan harakatni nomlash boʻyicha tajriba oʻtkazgan. Tajribada ishtirokchilarga 100 ta harakatning rasmi koʻrsatilgan va ularni nomlash soʻralgan. Tajribani oʻtkazishdan maqsad stimol omili, leksik omil va konseptual omillarning feʼl turkumiga oid soʻzlarning miyada qayta ishlanishiga qanday taʼsir qilishini aniqlash boʻlgan. Stimul omillariga vizual murakkablik darajasi, harakatning tajriba ishtirokchisiga tanishligi, rasmning mosligi kabilar kiritilgan boʻlsa, leksik omillarga harakatning ishtirokchilar tomonidan bir xil nomlanishi foizi, feʼlning qoʻllanish chastotasi, feʼlning ot bilan omofonligi kabilar kiritilgan. Konseptual omillar sifatida harakatning qoʻl yoki tana yordamida bajarilishi, harakat nechta ishtirokchini talab qilishi, harakatni bajaruvchining ichki holati oʻzgarish-oʻzgarimasligi, harakatni bajaruvchi makonini oʻzgartirish-oʻzgartirmasligi, harakat biror asbob yordamida bajarilishi kabi belgilar hisobga olingan. Tajriba natijalariga koʻra harakatning tajriba ishtirokchisiga tanishligi, rasmning mosligi, harakatning ishtirokchilar tomonidan bir xil nomlanishi, feʼlning ot bilan omofonligi, harakatni bajaruvchi makonini oʻzgartirish-oʻzgartirmasligi kabi omillarning afazik soʻzlovchilarning harakatni nomlashlariga taʼsir qilishi aniqlangan. Feʼlning qoʻllanish chastotasi tajriba ishtirokchilarining oltitasi uchun ahamiyatli boʻlgan. Ulardan ikkitasi chastotasi past boʻlgan feʼllarni yaxshi ayta olganlar, toʻrttasi esa, aksincha, chastotasi yuqori feʼllarni chastotasi past feʼllarga nisbatan yaxshiroq ayta olganlar. Mualliflar tajriba natijasini tushuntirishda oʻzidan avvalgi tadqiqotlar xulosasiga toʻliq qoʻshilmaydilar. Tadqiqotlar tayangan feʼllarning chastotali lugʻati yozma matn asosida tuzilganini, afaziya chalingan kishilarning nutqiy imkoniyatlarini baholashda feʼllarning ogʻzaki nutqda qoʻllanish chastotasiga asoslanish kerakligini taʼkidlaydilar.³

Feʼllarning afaziya chalingan kishilar uchun qiyinchilik tugʻdirishi feʼllarning lisoniy xususiyatlari, jumladan, argument strukturasi (yaʼni feʼlning nechta argument olishi), oʻtimli-oʻtimsizligi, otdan yasalgan-yasalmaganligi bilan ham bogʻliqligi tajribaviy tadqiqotlarda isbotlangan. Masalan, feʼl kamroq argument olsa, uni qoʻllash afazik bemor uchun osonroq kechadi, ikki yoki undan ortiq argumentli feʼllar afaziklar uchun qiyin boʻladi.⁴ Bastiansi va Yonkers oʻz tajribalarida afaziklar harakatni nomlash topshirigʻini bajarishda feʼlning oʻtimli-oʻtimsizligi natijaga taʼsir qilganini kuzatishgan.⁵ Bemorlar oʻtimli feʼlni oʻtimsiz feʼlga nisbatan tezroq ayta olganlar. Bastiansi va van Zonnevild gap aytish topshirigʻida ham oʻtimli, ham oʻtimsiz boʻla oladigan feʼllar (Pete breaks the glass – Pit stakanni sindirdi, the glass breaks – stakan sindi kabi) qoʻllaganda agrammatik afaziklar uchun feʼl oʻtimli boʻlgan kontekstda gapni osonroq ayta olganlarini qayd etganlar. Olimlar buni oʻtimsiz feʼllarning argumentlar soni kam boʻlsa-da, argument strukturasi murakkabligi bilan izohlashgan. Xususan, oʻtimsiz feʼllarda subyekt ham, obyekt ham bitta predmet ekanligi afaziklar uchun qiyinchilik tugʻdiradi, deb xulosa qilganlar.⁶

R.Bastiansi va R.Yonkers oʻz tadqiqotlari davomida feʼlning biror asbob bilan bogʻliqligi (instrumentality) anomik afaziya chalingan kishilar uchun muhim ekanligini kuzatganlar. Harakat ifodalangan

¹ Bird H., Howard D., & Franklin S. (2001) Noun-Verb Differences? A Question of Semantics: A Response to Shapiro and Caramazza. *Brain and Language*, 76, p. 213–222.

² Berndt R.S., Mitchum C.C., Haendiges A.N., & Sandson J. (1997). Verb retrieval in aphasia: 1. Characterizing single word impairments. *Brain and Language*, 56, 68–106; Bredin, S.D., & Martin R.C. (1996). Patterns of verb impairment in aphasia: An analysis of four cases. *Cognitive Neuropsychology*, 13, p. 51–91.

³ Kemmerer D., & Tranel D. (2000). Verb retrieval in brain-damaged subjects: 1. Analysis of stimulus, lexical, and conceptual factors. *Brain and Language*, 73, 347–392.

⁴ Thompson C. (2003). Unaccusative verb production in agrammatic aphasia: The argument structure complexity hypothesis. *Journal of Neurolinguistics* 16(2-3), p. 151–167.

⁵ Jonkers R., & Bastiaanse R. (1996). The influence of instrumentality and transitivity on action naming in Broca's and anomic aphasia. *Brain and Language*, 55, p. 37–39.

⁶ Bastiaanse R., & van Zonneveld R. (2005). Sentence production with verbs of alternating transitivity in agrammatic Broca's aphasia. *Journal of Neurolinguistics*, 18, p. 57–66.

rasmlarni nomlashda anomik afaziyaga chalingan tajriba ishtirokchilari asbob nomi bilan bog'liq fe'llarni (masalan, arralamoq, dazmollamoq) asbob nomi bilan bog'liq bo'lmagan fe'llarga nisbatan (masalan, yurmoq, o'qimoq) osonroq ayta olganlar. Ammo bu holat afaziyaning agrammatik turiga chalingan ishtirokchilarda kuzatilmagan. Anomik afaziyaga chalinganlar uchun fe'llarning ot turkumidagi so'z bilan aloqador ekanligi fe'llar bilan bog'liq nutqiy jarayonlarni osonlashtirgan. Agrammatik afaziyaga chalingan kishilarda asosiy lisoniy yetishmovchilik fe'llar bilan bog'liq bo'lganligi sababli ularga mazkur holat yordam bermagan.

Fe'llarning tushunilishi bo'yicha o'tkazilgan tajribada esa agrammatik afaziyaga chalingan ishtirokchilar asbob bilan bajariladigan, ammo asbob nomi bilan bog'liq bo'lmagan fe'llarni nisbatan yaxshiroq tushunganlar.¹ Masalan, *tuyish, kesish* kabi fe'llar hovoncha, pichoq yo qaychi kabi asboblar yordami-da amalga oshiriladigan harakatlarni ifodalaydi, biroq ularda *arralash* fe'lidagi kabi asbob nomi bilan be-vosita bog'liqlik yo'q. R.Yonkers va R.Bastiaansi tadqiqotida *arralash* kabi fe'llar anomik afaziya va Vernike afaziyasiga chalinganlar uchun tushunish eng qiyin fe'llar ekanligi aniqlangan. Agrammatik afaziklarda asbob bilan bajariladigan fe'llarda ongda asbob haqidagi tushunchaning faollashishi fe'lining fa-ollashishiga ham yordam bergan. Anomik va Vernike afaziyasiga chalinganlarda esa *arralash* kabi ot bi-lan bog'liq fe'llarda arra otining faollashishi *arralash* fe'lining faollashishiga xalal bergan.

G'arb afaziologiyasi fe'llarning afaziyada ifodalanishi bo'yicha yuqoridagi kabi qator ahamiyatli natijalarga ega. Ushbu natijalarni o'zbek tili misolida tadqiq qilish jahon neyrolingvistikasiga shu vaqtgacha bu yo'nalishda tadqiq qilinmagan til materiallari misolida yangilik olib kirs, o'zbek tilshunosligi uchun yangicha yondashuvni olib kirishi bilan ahamiyatlidir.

Biz ushbu tadqiqotimizda fe'llarning tushunilishi bo'yicha neyrolingvistik tajriba o'tkazdik. Tajribada 6 ta sog'lom va 6 ta afaziyaga chalingan kishilar ishtirok etishdi. Ularga har bir betiga 4 tadan oq-qora rangda chizilgan rasm ko'rsatildi va bitta fe'l aytili. Ishtirokchilardan fe'l anglatgan harakat aks etgan rasmni ko'rsatish so'raldi. Fe'lni tushunish testi 30 betdan iborat bo'lib, har bir betda to'g'ri javob aks etgan tasvir (masalan, hidlash fe'lini ifodalagan rasm), o'sha harakatga aloqador narsa (gul), to'g'ri javob bo'lishi kerak bo'lgan fe'lga aloqador fe'l (ayni o'rinda yalash) va unga aloqador bo'lgan jism (muzqaymoq) aks etgan. Tanlab olingan fe'llarning har biri chastotasi, o'timli-o'timsizligi, asbob nomi bilan bog'liqligi, ot turkumidagi so'zga aloqadorligi kabi jihatlari nazorat qilingan. Mazkur tajribada sog'lom ishtirokchilarning uchtasi 100% to'g'ri javob berganlar. Qolgan uchtasida bittadan xato va ularning bari "yo'talish" fe'lga mos rasmni ko'rsatishda adashganlar.

Agrammatik ishtirokchilarning javoblari 17–29 ta oralig'ida. Bitta ishtirokchi 17 ta javob bergan bo'lsa, qolganlarniki 26–29 tagacha bo'lib, afaziya fe'lni tushunish qobiliyatiga sezilarli ta'sir qilmaganligini bildiradi. Eng past natijani ko'rsatgan ishtirokchining to'g'ri javoblari va xatolarini batafsil tahlil qilamiz. Mazkur ishtirokchi quyidagi fe'llar aytilganda ularga mos rasmni to'g'ri ko'rsatgan:

shaxmat o'ynash, chang'i uchish, kashta tikish, yugurish, ukol qilish, supurish, arralash, svarka qilish, o'tlash, bo'yash, kulish, qirg'ichdan o'tkazish, to'g'rash, sakrash, hushtak chalish, soch olish, piano chalish.

Bu fe'llarning xususiyatlariga yaqinroq razm solsak, ularning aksariyati ot bilan aloqador bo'lib, biror asbob bilan bajariladigan harakatni ifodalaydi. R.Bastiaansi va R.Yonkersning tajribaviy tadqiqotida xuddi shunday holat niderland tilida so'zlashuvchi agrammatik afaziklarda kuzatilgan. Ular otga aloqador bo'lgan va asbob nomi bilan bog'liq fe'llarni boshqa fe'llarga nisbatan yaxshiroq tushunishgan.² Ular bu holatni Dellning faollikning tarqalishi modeliga asosan, fe'l va otning birgalikda faollashuvi natijasidir deb talqin qilganlar.³ Dellning nazariyasiga ko'ra, inson ongida bir so'z faollashar ekan, mazkur faollashuv o'sha so'z bilan aloqasi bo'lgan boshqa so'zlarga ham tarqaladi. Ot yoki asbob nomi bilan bog'liq fe'llar qabul qilinganda ham ot, ham fe'l faollashadi. Masalan, *arralash* fe'lini eshitganda ham arra so'zi, ham *arralash* so'zi faollashadi. Ikkalasi shakl jihatdan ham bir-biriga yaqin bo'lgani uchun baravar ikkita so'zning faollashuvi ro'y beradi. Fe'lda harakatning ot bilan bog'liqligi aks etmagan holatlarda eshitilgan so'zning o'zi faollashadi, keyin unga bog'liq so'zlar faollashadi. Afaziyaga chalinganlarda aynan faolla-

¹ Jonekers R., Bastiaanse R. (2006). The influence of instrumentality and name-relation to a noun on verb comprehension in Dutch aphasic speakers. *Aphasiology*, 2006, p. 3–16.

² O'sha manba.

³ Dell G.S. (1986). A spreading-activation theory of retrieval in sentence production. *Psychological Review*, 93, p. 283–321.

shuvning risoladagiday kechmasligi nutqiy muammolarga sababdir. Shuning uchun harakatning ot bilan aloqadorligi aks etgan fe'llarda baravar ikkita so'zning faollashuvi lisoniy amallarning yaxshiroq bajari-lishiga sabab bo'ladi.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич (УрДУ)
НЕМИС, РУС, ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ДИПЛОМАТИК
ТЕРМИНЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳозирги немис, рус ва ўзбек тиллари изоҳли, электрон ва этимологик луғатларида “меморандум” терминининг тақдимот қилиниши борасида муфассал маълумот берилган. Мазкур терминнинг имло, талаффуз, маъно, лексик-грамматик ва этимологик хусусиятлари қиёсий аспектда таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье представлена подробная информация о представлении термина «меморандум» в толковых, электронных и этимологических словарях современного немецкого, русского и узбекского языков. В сравнительном аспекте проанализированы орфография, произношение, значение, морфологические и этимологические особенности этого термина.

Annotation. The article provides detailed information on the presentation of the term “memorandum” in explanatory, electronic and etymological dictionaries of modern German, Russian and Uzbek languages. Spelling, pronunciation, meaning, morphological and etymological features are analyzed of this term in a comparative aspect.

Калим сўзлар: лексика, термин, луғат, дипломатик термин, дипломатик лексик бирлик, меморандум, изоҳли луғат, электрон луғат, имло, талаффуз, морфология, маъно, этимология.

Ключевые слова: лексика, термин, словарь, дипломатический термин, дипломатическая лексическая единица, меморандум, толковый словарь, электронный словарь, орфография, произношение, морфология, значение, этимология.

Key words: vocabulary, term, dictionary, diplomatic term, diplomatic lexical unit, memorandum, diplomatic neologism, borrowed neologism, dictionary, dictionary with definitions, electronic dictionary, spelling, pronunciation, morphology, meaning, etymology.

Маълумки, халқлар, миллатлар ва давлатлар ўртасида ўзаро муносабатлар ривожланар экан, илм-фан, техника, sanoat, айниқса, жамият ривожга юз тутди. Ана шу жараёнда тилнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Зеро, барча жараёнлар тил воситасида юзага чиқади. Ўзаро алоқага киришишда сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий алоқалар ва савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйишда ўзаро мурося ва келишувга эришиш ҳамда уларни расмийлаштириш масалалари муайян тил бирликлари, сўз ва иборалар, тушунчалар доирасида амалга оширилади. Булар тилшуносликда дипломатия соҳаси ҳамда шунга алоқадор равишда дипломатик муносабатларда кенг қўлланиладиган дипломатик терминлар сифатида қайд қилинади. Шундай экан, ушбу жараёнда энг муҳим бўлган муносабатларнинг ижобий ёки салбий бўлишини таъминлайдиган махсус лексика, хусусан, дипломатик терминларнинг тиллараро маъно, имло, оҳанг мутаносиблиги ниҳоятда муҳим саналади.

Мазкур ишда биз немис, рус, ўзбек тилларининг изоҳли, чет сўзлар ҳамда электрон луғатлари асосида дипломатик терминларнинг изоҳларини қиёсий-чоғиштира аспектда кўриб чиқишни ва ана шу изоҳлар бўйича ўз қарашларимизни илм аҳли эътиборига ҳавола қилишни лозим деб топдик.

Зеро, таржимашуносликда «Таржимоннинг сохта дўстлари» борки, булар таржимонни чалғитиши ёки мурося қилаётган икки тил вакилининг бир-бирларини нотўғри тушунишлари ҳамда қалтис хулоса ёки қарорга келишларига олиб келади. Шу маънода, дипломатик терминлар, асосан, транслитерация, транскрипция ва уларнинг маъноси изоҳ орқали ифодаланар экан, буни тадқиқ қилинаётган тиллар доирасида ўрганиш, ўзаро ўхшаш ҳамда тафовутли, эквивалент ёки ноэквивалент жиҳатларини аниқлаш тилшунослик, таржимашунослик, хусусан, терминология ҳамда дипломатия соҳаларида ниҳоятда долзарб масалалардан саналади. Ана шу масалага ойдинлик киришиш мақсадида биз, авваламбор, дипломатия соҳасида, умуман, ўзаро ҳамкорлик муносабатлариди ниҳоятда кўп фойдаланиладиган “меморандум” сўзининг немис, рус ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатларда ифодаланиши бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик ва биринчи галда

мазкур сўзнинг немис, рус ва ўзбек тиллари луғатларидаги тақдимоти, яъни имлоси, талаффузи ва морфологик хусусиятларини қиёсий-чоғиштирма аспектда ўрганиб чиқдик.

№	Луғатлар		Орфографик хусусиятлари	Фонетик хусусиятлари	Морфологик хусусиятлари		
1	Немисча луғатлар	Изоҳли Луғат (7;746)	Memoran-dum	-	Das Memorandum; s, Memoranden/Memoranda;		
		Электрон луғат (12)	Memoran-dum	Me·mo·ran·dum [memo'van·dom]	Plural 1: Me·mo·ran·da, Plural 2: Me·mo·ran·den		
2	Русча луғатлар	Изоҳли луғат (3)	Меморан-дум	-	Меморандум, -а, м.		
		Электрон Луғат (11)	Меморан-дум	[m'ime'randum]	<u>Пад.</u>	<u>Ед. ч.</u>	<u>Мн. ч.</u>
		<u>Им.</u>	меморáндум	меморáндумы			
		<u>Р.</u>	меморáндума	меморáндумов			
		<u>Д.</u>	меморáндуму	меморáндумам			
		<u>В.</u>	меморáндум	меморáндумы			
		<u>Тв.</u>	меморáндум □ м	меморáндумами			
<u>Пр.</u>	меморáндуме	меморáндумах					
3	Ўзбекча луғатлар	Изоҳли лу-ғат	Меморан-дум	-	-		
		Электрон луғат	Меморан-дум	-	-		

Тадқиқ қилинаётган тилларнинг изоҳли ва электрон луғатларида “меморандум” сўзининг келиб чиқиши, маъно ўзгаришлари ҳамда мисоллар асосида тақдимот қилинишини қўйидаги жадвал асосида ўзаро муқояса қилдик.

№	Луғатлар		Этимологияси	Семантик хусусиятлари	Мисоллар
1	Немисча луғатлар	Изоҳли луғат	-	kurze Zusammenfassung wichtiger Punkte	-
		Элек-трон луғат (12)	zu lateinisch me-morandus = erwähnenswert, Gerundiv von: memorare, memorieren	Bezeichnung für eine Denkschrift, die hauptsächlich zum Ziel hat, Tatsachen festzuhalten, die sich auf ein internationales Problem beziehen	„Es kann kaum ein Zweifel daran bestehen, daß Staatssekretär Pacelli an der Ausarbeitung der Enzyklika beteiligt war und die Empörung Pius' XI. über die Maßnahmen des NS-Regimes teilte. Höchstwahrscheinlich in diesem Kontext übergab Pacelli im April 1938 dem US-Botschafter in London [...] bei einer Begegnung in Rom ein vertrauliches <i>Memorandum</i> .
2	Русча луғатлар	Изоҳли луғат	[нем. Memorandum <лат. Memorandum достойное упоминания<memogāге упоминать; сообщать].	1. Дипломатический документ с детальным изложением взглядов правительства на какой-н. вопрос. <i>Вручить</i> м. Со-нота, нотификация (в 1-м знач.). 2. <i>ком.</i> Письмо с напо-	-

				минанием о чем-н., напр. о задолженности. 3. <i>устар.</i> Докладная записка, служебная справка по какому-н вопросу. 4. <i>фин.</i> Перечисление в <i>полисах</i> опасностей, страхование от которых не производится.	
		Электрон лугат	Происходит от лат. <i>memorandum</i> «памятная записка», форма ср. рода прил. <i>memorandus</i> «достойный упоминания, достопамятный», далее из <i>memo</i> «напоминать», далее из <i>memor</i> «помнящий; памятный», далее из праиндоевр. * <i>men-</i> «думать».	1. дипломатический <i>док</i> умент с изложением взглядов правительства на какой-либо вопрос 2. <i>устар.</i> <i>справка</i> или докладная <i>записка</i> , разъясняющая что-либо или напоминающая о чём-либо 3. <i>фин.</i> в страховании — список видов риска в страховых полисах, страхование от которых не производится 4. <i>фин.</i> в страховании — используемые страховщиком франшизы, сведённые для удобства пользования в общую таблицу	1. Подписан меморандум между правительством Ленинградской области и информационным бюро «Российская наука».
3	Ўзбекча лугатлар	Изохли лугат	(лот. <i>memorandum</i> -эслашга арзийдиган, эслаш керак бўлган нарса)	1. хук. Бирор давлатнинг дипломатик ёзишмалар орқали ҳал қилинадиган масалалар моҳиятини ўз нуқтаи назаридан батафсил баён қилиб ёзган дипломатик хужжати. 2. Бирор масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси.	Меморандумда таъкидланишича, бу ҳол аварияларга ҳамда кемаларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин. Газетадан
		Электрон лугат	-	-	-

Қиёсий-чоғиштирма аспектдаги кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, “меморандум” сўзи ҳар учала тилда ҳам бир хил имлога (фақат немис тилида турдош отлар катта ёзилади, ва артикль билан қўлланилади) ҳамда деярли бир хил талаффузга (“r” ҳарфи “r” шаклида талаффуз қилинади) эга. Тадқиқ қилинаётган тиллар бир оила (немис, ўзбек) ва бир гуруҳ (немис, рус)га кирмаганликлари боис тилларнинг грамматик қурилишидаги фарқлар кўзга ташланади, жумладан, бирлик, кўplik ва келишик қўшимчаларидаги фарқларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Сўзларнинг этимологиясида ҳам муайян фарқлар бор, жумладан, немис тилининг изоҳли лугатида “Меморандум” сўзининг келиб чиқиши ҳақида маълумот йўқ.¹ Бироқ немисча электрон лугатда келтирилган.² Русча лугатларда эса ушбу сўзнинг келиб чиқиши тўғрисида маълумот берилган.³ Ўзбек тилида эса “меморандум” сўзининг келиб чиқиши ҳақида фақатгина ўзбек тилининг изоҳли лугат маълумот беради.⁴ Умуман, сўзнинг этимологияси бўйича берилётган маълумотлар немисча электрон ҳамда русча изоҳли ва электрон лугатларда мукамаллик касб этади. Зеро, уларда нафақат сўзнинг келиб чиқиши, балки қайси туб сўзга бориб тақалиши ва ясаилиши тўғрисида ҳам етарли маълумот келтирилган. Ҳар учала тилдаги “меморандум” сўзининг этимологик маъносини таҳлилга тортадиган бўлинса, мазкур сўзнинг, авваломбор, лотин тилидан немис тили-

¹ Dieter G. und andere. Langenscheidt. Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache. Langenscheidt. Berlin, 2006, s. 746.

² <https://de.wiktionary.org/wiki/Memorandum>

³ Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. М., “Эксмо”, 2007, 475 с.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Мадвалиев таҳрири остида. 5-жилдлик, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006–2008, 579-бет.

га, немис тилидан рус тилига, кейинчалик, рус тилидан ўзбек тилига (авваламбор, лотинча терминларнинг ўзбек тилига рус тили орқали кириб келганлигини, қолаверса терминнинг русча ва ўзбекча изоҳи деярли бир хил бўлганлигини бунга асос сифатида келтириш мумкин) кириб келганлиги тўғрисида хулосага келишимиз мумкин.

Ушбу сўзнинг тиллараро маънолари баҳс ва мулоҳалаб масалаларни келтириб чиқаради. Чунки маънолар ўзаро мутаносиб эмас. Фақатгина ушбу сўзнинг немис тилида биринчи, рус ва ўзбек тилларидаги иккинчи маънолари ҳар учала тилда бир-бирига қисман мувофиқ келади. Жумладан, немис тилининг Лангеншайдт луғати “kurze Zusammenfassung wichtiger Punkte” – “муҳим масалаларнинг қисқа хулосаси”. Понс луғати эса унинг немис тилидаги “Denkschrift” – “эслатма ёзув” тарзидаги синонимини берган. Яъни, ўзаро келишувдан сўнг муайян муддат ўтгандан кейин келишув бўлганлигини, унга рия қилиш зарурлигини эслатиш учун расмийлаштирилган ҳужжат, деган мазмунда немисча вариант лотинча (лот. мардоновор тан олиш)га яқин маънони сақлаб қолган. Швейцария ташқи ишлар бўйича федерал департаментининг “ABC der Diplomatie” деб номланган луғатида немисча электрон луғат билан бир хил изоҳ берилганлигини кўриш мумкин.¹

Бугунги кунга келиб, “меморандум” сўзи немис тилида фақат сиёсий мазмун касб этади ва шунга алоқадор равишда кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган сўзлар қаторига кирмайди. Унинг ўрнида ҳозирда Vereinbarung, Kooperation, Vertrag каби сўзлар ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида фаол қўлланилиб келмоқда. Мазкур сўз немис тилидан рус тилига ўзлашиб, ўзига хос семантик трансформацияга учраган. Бунда немис тилидаги ушбу сўзнинг маъноси рус тилида иккинчи фонга тушиб қолган. Жумладан, русча изоҳли ҳамда электрон луғатларнинг ҳар бирида тўрттадан маънолари келтирилган, немис тилига қўшимча равишда яна учта янги маъно орттирган.²

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “меморандум” сўзининг иккита маъноси келтирилган бўлиб, уларнинг иккинчиси немис тили изоҳига ва рус тилидаги П.Л.Крысин луғатидаги биринчи ва иккинчи маъноларга маълум ва муайян маънода мос келади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “меморандум” сўзи “(лот. memorandum – эса тутмоқлик): 1) дипломатик ҳужжат; бирор давлатнинг дипломатик йўл билан муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилиб ёзган номаси. Одатда, нотага илова қилинади ёки бошқа мамлакат вакилига шахсан топширилади; 2) савдо тизимида ҳисоб-китоб, қарздорлик билан боғлиқ бўлган хат; 3) бирон масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси” тарзида келтирилган.³

Бундан кўриш мумкинки, “меморандум” сўзи ўзбек тилида ҳам семантик трансформацияга учраган ва рус тилидаги тўртта маънодан фарқли янги бир учинчи “савдо тизимида ҳисоб-китоб, қарздорлик билан боғлиқ бўлган хат” маъносини касб этган. Бундан ташқари ушбу сўз Л.Абдуллаева, Г.Юлдашевлар томонидан тузилган “Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи бўйича русча-ўзбекча терминологик изоҳли луғат”да ҳам берилган бўлиб, бунда терминнинг русча ва ўзбекча изоҳли луғатлардаги биринчи маъноси нисбатан кенгроқ тушунтириб берилган.⁴

Тадқиқ қилинаётган луғатларда мазкур терминнинг бадиий асар ёки публицистикада акс эттирилиши бўйича ҳам мисоллар ва матнлардан парчаларни учратиш мумкин. Булар фақатгина немис ва рус тилларининг электрон ва ўзбек тилининг изоҳли луғатларида қайд қилинган. Ўзбек тилининг изоҳли электрон луғати эса ҳали-ҳанузгача ишланмаган. Ушбу сўзнинг изоҳли ва электрон луғатларда қайд қилиниши масаласини тадқиқ қилиш жараёнида немисча луғатларда нисбатан қисқа ва аниқ, русча луғатларда кенг ва кўпроқ маъно вариантлари, ўзбекча луғатда эса русча манбаларга таянилганлиги кузатилади. Ҳар учала тилда “меморандум” сўзи тақдироти таҳлил қилинганда, асосан, электрон луғат (немисча ва русча)ларда сўзнинг орфографияси, талаффузи, морфологияси, семантикаси, этимологияси, синонимияси, қўлланилиши ва материал олинган манбаларга доир мукамал маълумотларга эгаллиги билан бошқа луғатлардан устун эканлиги кузатилади.

¹ ABC der Diplomatie. Eidgenössisches Department für auswärtige Angelegenheiten (EDA). Bern, Cavelti AG, Gossau 2008, s. 22.

² Крысин Л.П. 11 с.

³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. М ҳарфи, 2002, 412-бет.

⁴ Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Русско-узбекский терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. Т., Тошкентский государственный юридический институт, 2005, 57–58 стр.

Рўзиев Яраш Бозорович

(БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси, PhD; e-mail: varasch@mail.ru)

НЕМИС ТИЛИ ЗАМОН ШАКЛЛАРИНИНГ ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРДА ПРАГМАТИК МАҚСАДДА ҚЎЛЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада немис тили замон шаклларининг публицистик матнлардаги прагматик хусусиятлари газеталардан олинган мисоллар асосида таҳлил қилинган. Замон шаклларининг публицистик матнда қўлланиши уларнинг услубий хусусиятлари ва мақолаларнинг турига боғлиқдир.

Аннотация. В статье анализируются прагматические особенности временных форм глагола в немецком языке на примерах публицистических текстов. Употребление временных форм глагола в публицистическом тексте зависит от их стилистических особенностей и типа статей.

Annotation. The article analyzes the pragmatic features of the tense forms of the verb in German using examples of journalistic texts. The use of tense forms of the verb in a publicistic text depends on their stylistic characteristics and the type of articles.

Калим сўзлар: публицистик матн, услуб, жанр, замон шакллари, прагматик имконият, эмоционал таъсир, парадигматик маъно, таксис.

Ключевые слова: публицистический текст, стиль, жанр, временные формы, прагматическая возможность, эмоциональное воздействие, парадигматическое значение, таксис.

Key words: publicistic text, style, genre, tense forms, pragmatic opportunity, emotional action, paradigmatic meaning, taxis.

Немис тили замон тизимини ҳар томонлама тадқиқ қилган Х.Вайнрих претерит шакли вақт-ли матбуот матнларида жуда кам миқдорда учрашини қайд этган эди.¹ Лекин биз танлаган материал ушбу замон шакли газетада эълон қилинган мақолалар матнида бирмунча кенг миқёсда қўлланишидан дарак беради. Авваламбор, айтиш керакки, газета ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг тил хусусиятлари ўзига хосдир. Тобора такомиллашиб бораётган матбуот тили тизими, бир томондан, жамиятда амалда бўлган нутқий фаолият турларининг қарийб барчасини қамраб олса, иккинчи томондан, муаллиф матни таҳрирдан ўтказилиб, нашр талабларига мослаштирилади. Бундан ташқари, ОАВнинг барча турларида алоҳида услубий белгилар мавжудлиги билан бир қаторда, уларнинг барчаси учун умумий бўлган нутқий хусусиятлар ажратилади. Бинобарин, газета матнининг лексик-грамматик тузилиши унинг ўқувчи томонидан осонроқ тушунилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун матн таркибидаги гаплар у қадар узун бўлмаслиги, тушуниш қийин бўлган сўзлар кам қўлланилиши ва ҳоказолар талаб қилинади. Шунга биноан баён услуби, матн структураси, жанрлар вариантлашуви каби белгиланади.²

Газета-публицистик услубининг бошқа функционал стиллардан фарқли жиҳатлари, унинг лисоний тузилиши, ифода имкониятлари тадқиқотчилар эътиборини тортиб келмоқда.³ Публицистика, бир томондан, ҳукмрон сиёсий муҳит қамровида ривожланиб, ўз лисоний қиёфасини шакллантирса, иккинчи томондан, ижтимоий жараёнларга таъсир ўтказувчи муҳим воситадир. Таъсир кўрсатиш вазифасининг амалга ошиши эса, ўз навбатида, тил тизимининг барча қатламларида силжишлар юзага келишига, янги бирликлар гуруҳлари шаклланишига туртки беради. Газета-публицистик услуби, шунингдек, ўзига хос матн тузиш хусусиятига эга ва бундан матн композицияси ишонтириш, бахслашиш, тарғибот қилиш каби нутқий таъсир вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур вазифалар лисоний бирликлардан прагматик мақсадда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда бажарилса, тил қатламларидаги силжишлар ҳақида гап кетганида эса грамматик категориялар таркибидаги ўзгаришлар, грамматик шаклларнинг ўзаро муносабати, уларнинг маъновий ва функционал мослашуви билан боғлиқ ҳодисалар ҳам назарда тутилади. Қуйида биз шу йўлдан бориб,

¹ Weinrich H. Tempus. Besprochene und erzählte Welt. Stuttgart, Franz Steiner Verlag, 1995, s. 120.

² Marschall M. Textfunktionen der deutschen Tempora. Geneve, Editions Slatkine, 1995, s. 173.

³ Клушина Н.И. Стилистика публицистического текста. М., "Медиа Мир", 2008, с.77 (<http://www.gramota.ru/mag-arch.html>. Id=80).

немис тилидаги газета-публицистик матнларида замон шаклларининг прагматик мақсадда қўлланиш кўламини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Газета матнлари хусусиятларига кўра бир хил эмас. Биринчидан, мақолалар турига (бош мақола, репортаж, шарҳ, қисқа хабар ва б.) қараб матн турлари ўзгариб боради. Иккинчидан, газета бўлимларининг мақсад-моҳиятига кўра, матнда турли лисоний унсурлар қўлланади. Жумладан, сиёсат бўлимидаги матн структураси молия-иқтисод ёки спорт бўлими матнидан тубдан фарқ қилади. Айнан мана шу икки мезон асосида публицистик матнларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.¹

Публицистика мураккаб жанр тури бўлиб, ушбу жанрда битилган матнлар мазмун жиҳатдан турли гуруҳларга тақсимланади. Шундай таснифлардан бирини ўтган асрнинг 70-йилларида И.Р. Гальперин таклиф қилиб, публицистик матнларни уч асосий турга ажратган эди: а) ахборий мақолалар (интервью, хабар, ҳисобот, репортаж); б) таҳлилий мақолалар (мақола, изоҳ, очиқ хат, умумлаштирувчи маълумот, журналист текшируви); в) бадиий-публицистик мақолалар (суҳбат, лавҳа, очерк, памфлет, пародия, эпиграмма).² Биз феъл замон шаклларининг публицистик жанрда прагматик аспектда қўлланишини ўрганиш жараёнида Spiegel журнали ва Süddeutsche Zeitung, Frankfurter Allgemeine Zeitung каби газеталардан олинган матнларни олти гуруҳга тақсимладик. Булар қуйидагилар: 1) бош мақола; 2) изоҳ; 3) хабарлар ва янгиликлар; 4) фельетон; 5) илмий публицистика; 6) ҳикоя.

Бош мақола матнида энг кам қўлланиладиган шакл перфектдир, чунки ушбу шакл субъектив муносабат прагматик мўлжалини ифодалашнинг фаол воситаси ҳисобланади. Қиёсланг:

Auch in Berlin hat der Senat entschieden, die von Bund und Ländern verabredeten Lockerungen bei den Kontaktbeschränkungen für private Treffen über die Feiertage in Berlin nicht umzusetzen.

Erwartungsgemäß haben die Gesundheitsämter dem Robert Koch-Institut (RKI) am Montagmorgen vergleichsweise wenig neue Corona-Infektionen gemeldet. Innerhalb eines Tages sind 11 169 neue Fälle übermittelt worden, wie das RKI auf seiner Webseite bekanntgab.

Шунингдек, перфект шаклининг плюсквамперфект билан таксис муносабатига киришуви кузатилади: Das Urteil ist gesprochen. Hussein K. ist seinem Prozeß mit wenig mehr sichtbaren Reaktionen gefolgt als gähnender Müdigkeit. Der psychiatrische Gutachter hatte ihn als manipulativ und auffällig gefühllos gegenüber seinen Opfern bezeichnet. K. sei weder alkohol- noch drogensüchtig, nicht depressiv oder traumatisiert.

Кўринадики, бош мақолада перфект, кўпинча, кечаётган муҳим воқеаларни қайд қилади. Худди шу прагматик вазифани претерит ҳам бажариши кузатилади. Қиёсланг:

Die deutschen Gesundheitsämter meldeten binnen 24 Stunden zudem 125 neue Todesfälle. In der Tendenz war die Zahl der täglichen Todesfälle zuletzt nach oben gegangen, was nach dem steilen Anstieg bei den Neuinfektionen auch erwartet worden war. Die Gesamtzahl der Menschen, die an oder unter Beteiligung einer nachgewiesenen Infektion mit Sars-CoV-2 gestorben sind, stieg auf insgesamt 16 248.

Газеталарда нашр қилинадиган бош мақолаларда, изоҳ берувчи матнлардагидек, презенс шакли қўлланади, бироқ бу турдаги матнларда футурум II шаклини биз ўрганган материалда учратмадик. Кондиционалис I ва футурум II шакллари эса баъзан учраб туради:

Der bayerische Wissenschaftsminister Zeschmeier würde, wie er sagt, entgegen der Gesetzlage in Bayern über Studiengebühren mit sich reden lassen.

Das Haus werde ein vertrauter Anblick und ein weiterer Blickfang Berlins werden.

Изоҳ туридаги матнларда ўқувчига таъсир ўтказиш мақсади кескин қўйилмайди, шунинг учун ҳам бетарафлик прагматик мўлжалини амалга ошириш учун, кўпинча, перфект шаклига мурожаат қилинади. Кейинги даврда гендер соҳасида олиб борилган тадқиқотлар гувоҳлик беришича, ушбу вазиятларда эркаклар кўпроқ перфект шаклидан фойдаланишса, аёллар эса претеритни маъқул кўрадилар. Қиёсланг: Unter ihrer Führung ist die Gesellschaft auf dem Weg in die Sprachnorme, glaubenslos und herkunftsblinde Zukunft gut vorangekommen. Nur mit der natürlichsten von allen Differenzen, dem Anstand zwischen den Generationen, sind die Egalisierer nicht fertig geworden. Er ist geblieben, was er immer war.

Қизиғи, ушбу турдаги матнларда перфект абсолют замон мазмунда қўлланса, плюсквамперфект эса нисбий хусусиятга эга.

¹Marschall M. Textfunktionen der deutschen Tempora. Geneve, Editions Slatkine, 1995, s. 167.

² Гальперин И.Р. Стилистика английского языка. М., “Высшая школа”, 1977, с. 128.

Мышление как способность мыслить и рассуждать, делать умозаключения и давать оценки может быть образным, техническим и логическим. Образное мышление предполагает живость восприятия, единство представления, понятия и оценки. Оно находит свое выражение в поэтической речи, в художественных произведениях живописи, музыки, архитектуры, в кинофильмах, телеспектаклях и телефильмах. Техническое мышление соединяет образ в понятие с техническим их воплощением. Логическое мышление построено на строгом соблюдении правил употребления понятий и построения суждения.

Язык является средством и орудием всех видов мышления, он материализует и выражает сознание – прежде всего словарным составом. Слова обращены к миру вещей и миру понятий. Слова называют предметы и выражают знания.¹

Язык, будучи орудием общения и мышления, связан не только с мыслительной познавательной деятельностью отдельного человека, но и с производственной и духовной деятельностью людей, с базисом и надстройкой, т.е. с общественным бытием и общественным сознанием. Их соотношение является существенным для философского изучения общества, его структуры и исторического развития. Философское рассмотрение связи языка с обществом и доказательство этой связи служит основанием для развития идеалистических и материалистических взглядов на язык.

Идеалистическое понимание общественной природы языка состоит в том, что язык обособляется от общества, рассматривается как имманентная структура, изучаемая сама в себе и для себя, как внутриязыковая система отношений единиц языка. При таком подходе язык не является ни орудием общения и орудием мышления, так как, по словам Ф.де Соссюра, «в противоположность часто встречающемуся ошибочному представлению язык не есть механизм, созданный и приспособленный для выражения понятий».² Идеалистической по своей философской основе является также гипотеза Уорфа – Сепира, которая преувеличивает роль языка в познавательной деятельности людей:

«Мы видим, слышим и воспринимаем так или иначе те или другие явления, цитирует Э.Сепира Б.Уорф, – главным образом благодаря тому, что языковые нормы нашего общества предполагают данную форму выражения».³

¹ Кодухов В.И. Введение в языкознание, М., 1987, с. 34

² Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. М., 1977, с. 118.

³ Уорф Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку. Новое в лингвистике. Вып. 1, М., 1960, с. 135.

Диалектический и исторический материал не отрицает влияния общественного сознания на развитие общества, на самую познавательную деятельность людей, которая порождается общественной практикой и корректирует ее, так как практика есть источник и критерии истины. Те знания, которые закрепились в словах и конструкциях языка, есть результат мышления многих людей, будучи закрепленными в языке, они используются как инструмент дальнейшего познания

Общественное сознание выражается в различных формах, они включают в себя политические, правовые, нравственные, религиозные, художественные, философские и иные общественные взгляды и научные знания, причем сама наука является одной из форм общественного сознания. Формы общественного сознания, как и сферы использования языка, оказывают влияние на язык, порождая и особую терминологию, стилистические особенности языка. Однако язык остается единым для всех форм общественного сознания, для всех сфер его использования. Впрочем, религия и наука нередко набирают своим языком не язык народа, а чужой язык. Так, в России для этих нужд использовались церковнославянский и латинский языки. Проникновение национального языка в сферу высшего образования обязано росту национального самосознания. Французский язык введен в науку Р.Декартом (1586–1650), английский Дж.Локком (1632–1704), за науку на русском языке боролся М.В.Ломоносов в 1768 г. «Московские ведомости» сообщали о том, что в Московском университете «для лучшего распространения в России наук начались лекции во всех трех факультетах на российском языке».¹

В истории и современном языкознании выделяется проблема связи языка и культура, учение о языке как форме культуры. Культура – это совокупность достижений человеческого общества в производственной, общественной и духовной жизни, различают культуру материальную и духовную. Чаще термин «культура» относится к духовной жизни народа, говорят об античной культуре, буржуазной культуре, социалистической и т.д. Отдельный человек различно представляет культуру своего народа, она проявляется в культуре труда и быта, культуре поведения, культуре речи.

Язык связан прежде всего с духовной культурой – с художественной и научной жизнью общества с философией и другими формами общественной надстройки. Более того, язык сам по себе является частью духовной культуры народа.

Язык непосредственнее других форм общественного сознания связан с фольклором, литературой. Когда говорят о языке как форме национальной культуры, имеют в виду прежде всего художественную литературу. Однако язык связан и с другим формам общественного сознания, он является их органом словесным выражением.

В языке как форме национальной культуры отражается интернациональное и национальное общенародное и классовое.

Конечно, мышление как процесс отражения объективного мира является функцией головного мозга, однако мыслитель на процесс не может состояться без логических операций без языка, который является материей и непосредственной действительностью мысли.

Зависимость сознания от общественного бытия подтверждается на протяжении всей истории человечества. Язык так же древен, как сознание, язык возникает из потребности сообщить какую-то мысль, какое-то приказание.

**Байжанова Окила (преподаватель УзГУМЯ, Переводческий факультет)
ДИПЛОМАТИЧЕСКАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ И ЕЁ ОСОБЕННОСТИ В
РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ**

***Аннотация.** Ushbu maqola taqqoslangan tillarda diplomatik atamalar va terminologiyani o'rganishda terminologiyaning ishlashi va uning o'ziga xos jihatlari muammosiga bag'ishlangan. Diplomati atamalar tilshunoslikda alohida o'rin tutadi. Uzbek tilida diplomatiya va siyosat terminosferasi faol rivojlanmoqda, shuning uchun odamning diplomatiya va tashqi davlat aloqalari bilan bog'liq bo'lgan aqliy faoliyati natijalari bir-biriga bog'liq deb taxmin qilish mantiqan to'g'ri keladi. Ushbu ishdan diplomatlar, filologiya yo'nalishi talabalari va aspirantlari foydalanishlari mumkin.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена проблеме функционирования терминологии и ее специфическим аспектам в изучении дипломатических терминов и терминологии в сопоставляемых языках. Дипломатические термины занимают особое место в лингвистике. В узбекском языке*

¹ Кодухов В.И. Введение в языкознание, М., 1987, с. 37.

терминосфера дипломатии и политики активно развивается, поэтому логично предположить, что, таким образом, результаты мыслительной деятельности человека, связанные с дипломатией и внешнегосударственными сношениями, закрепляются в терминах. Данная работа может быть использована дипломатами, студентами и аспирантами филологического направления.

Annotation. The article dwells on the problem of terminology functioning and its specific aspects revealed through the studies of diplomatic terms in correlated languages. Diplomatic terminology occupies a special place in linguistics. The terminology of diplomacy and politics is in the process of active development in Uzbekistan at the present stage and it stands to reason that the results of men's thinking activity pertaining to this realm of outward state relations are fixed in terms. The work in question can be used by diplomats, students and postgraduates of a philological trend.

Калум со'злар: atama, tadqiqot, muammo, xalqaro, siyosat, aspekt, ko'p tizimli tillar, semantika, ta'rif.

Ключевые слова: термин, исследование, проблема, международный, политика, аспект, разнотемные языки, семантика, определение.

Key words: term, research, problem, international policy, aspect, multy-system languages, typological structure.

Прежде чем раскрыть суть и значение дипломатических и политических терминов, хотелось бы сделать краткий экскурс в саму суть и значение слов «термин» и «терминология» с точки зрения других источников.

Термин (от латинского terminus – «предел, граница») – слово или словосочетание, точно и однозначно именуемое понятие и его соотношение с другими понятиями в пределах специальной сферы. Термины служат специализирующими, ограничительными обозначениями характерных для этой сферы предметов, явлений, их свойств и отношений. В отличие от слов общей лексики, которые зачастую многозначны и несут эмоциональную окраску, термины в пределах сферы применения однозначны и лишены экспрессии. Терминология как специальная область знания привлекает все большее внимание исследователей. Это объясняется международным характером современных научных знаний, вызванным процессами интеграции и, как следствие, стремлением к унификации терминов как пути преодоления языковых барьеров в разных сферах социально-экономической деятельности.

По мнению современных исследователей (Н.В.Подольской, А.В.Суперанской, Г.П.Немца, Н.В.Васильевой, В.П.Даниленко, В.М.Грязновой, Т.Л.Канделаки и др.), терминология настоящего времени – это искусственно формируемый лексический пласт, каждая единица которого имеет определенные ограничения для употребления и оптимальные условия для существования и развития.

Необходимо отметить, что дипломатические термины создаются в своем большинстве на латыни, английском, французском языках или заимствуются через английский и французский язык как языки-посредники. В узбекском языке терминосфера дипломатии и политики активно развивается, поэтому логично предположить, что, таким образом, результаты мыслительной деятельности человека, связанные с дипломатией и внешне – государственными сношениями, закрепляются в терминах.

Терминам, как и общелитературной лексике, присущи многозначность, омонимия, синонимия, что в определенной степени ограничивает точность и однозначность терминов. Однако наряду со сходными чертами имеется и существенное различие. Прежде всего, это специфический характер термина, который заметно проявляется на уровне семантики, а также в том, что терминология охватывает замкнутый словарный контекст.¹

При определении понятия «термин» с семантической точки зрения учитывается зависимость соответствующих языковых единиц от их лексического значения, а также возможность терминологического использования (наряду с отдельными словами) и словосочетаний, что особенно характерно для новых терминологий.

При создании нового термина идет поиск необходимой знаковой информации на основе имеющегося языкового опыта, закрепление ее в особой «информационно-терминологической сфере языка» и прогнозирование новых достижений в данном направлении. Семантическая опреде-

¹ Даниленко В.П. Терминологизация разных частей речи (термины-глаголы). Проблемы языка науки и техники. М., «Наука», 1970, с. 86–89.

ленность нового термина базируется на однозначном соотношении языкового знака и передаваемого им факта, появляется обоснованность привлечения аппарата иностранных языков, особенно стран с развитой индустриальной базой. На образование нового термина оказывает значительное влияние экстралингвистический фактор, связанный с процессами возникновения новых наук и других достижений. В ряде случаев экстралингвистические факторы являются определяющими, что способствует заимствованию термина вместе с понятием из языка-источника. Например:

● **депозитарий** (depository) – «Институт хранения международных документов при ООН Bir-lashgan Millatlar Tashkiloti huzuridagi Xalqaro hujjatlarni saqlash instituti»;

● **персона нон грата** (persona non grata) – «лицо, обладающее дипломатическим рангом, пребывающее в другой стране, но при этом по определенным причинам ставшее нежелательным в данной стране»; diplomatik darajaga ega bo'lgan, boshqa mamlakatda qolgan, lekin, shu bilan birga, ma'lum sabablarga ko'ra ushbu mamlakatda nomaqbul odam bo'lgan»;

● **ратификация** (ratification) – «подписание и принятие договора (международного) на высшем уровне (Президент, парламент, сенат), который будет иметь характер обязательного выполнения»; («majburiy xarakterga ega bo'lgan (Prezident, parlament, Senat) eng yuqori darajadagi (xalqaro) shartnomani imzolash va qabul qilish»;

● **конвенция** (convention) – «документ, составленный и имеющий обязательный характер выполнения его условий подписавшими участниками и другими новыми членами» (конвенция) – imzolaganlar va boshqa yangi a'zolar tomonidan tuzilgan va uning shartlarini bajarish uchun majburiy bo'lgan hujjat»;

● **декларация** (declaration) – «документ, составленный и имеющий рекомендательный характер при выполнении его условий и положений подписавшими участниками и другими новыми членами» imzolaganlar va boshqa yangi a'zolar tomonidan uning shartlari va shartlarini bajarishda tavsiya etilgan xususiyatga ega bo'lgan hujjat.

Исследование дипломатической и политической терминологии в английском и таджикском языках представляет большой лингвистический интерес. В связи с усилением темпов глобализации в мире в течение последних нескольких веков, во многих странах мира появилась необходимость выработать или усовершенствовать дипломатическую и политическую терминологию своего языка, чтобы наиболее четко выразить свою позицию во время переговоров. Со временем появились стандарты в дипломатическом политическом лексиконе, которые являются наиболее приближенными к единым («Венская конвенция о дипломатических сношениях – 1961 г.»). В настоящее время возрастает внимание к изучению дипломатической и политической терминологии в мировой лингвистике, так как сам эффект глобализации вынуждает на это все мировое сообщество. События последнего времени показывают, что многогранность самой науки дипломатии, сталкиваясь со сложностями лингводидактики, порождает некие казусные моменты в ведении международных дел. Эта проблема особенно ярко выражена в нашей стране, так как Узбекистан является относительно молодым государством. Несмотря на большое количество трудов, разнообразие тематики и областей исследования в области дипломатической терминологии, ряд задач остается нерешенным. Так, достоверность переводов с английского и французского языков и узкая исследовательская база по данной тематике в нашей республике нуждаются в дальнейшей разработке.

Термины существуют в рамках определённой терминологии, то есть входят в конкретную лексическую систему языка, но лишь через посредство конкретной терминологической системы. В отличие от слов общего языка, термины не связаны с контекстом. В пределах данной системы понятий термин в идеале должен быть однозначным, систематичным, стилистически нейтральным (например, «агреман», «экзекватура», «денонсация»).

В дипломатической терминологии, как и в терминологии любой другой ветви науки, в лингвистическом аспекте встречаются в основном две разновидности терминов:

1. Однословные термины: Ambassador – посол – elchi, consul – консул – консул, statement – заявление – bayonot, agreement – соглашение – шартнома, аккламация – acclamation – аккламатсия, agent – агент – агент, dragoman – драгоман – драгоман и т.д.

2. Составные (двухсловные и многословные) термины: Diplomatic channel – дипломатический канал – diplomatik kanal, international relations – международные отношения – xalqaro munosabat, official persons – официальные лица – mansabdor shaxslar и т.д.

Дипломатия, будучи наукой политической, точнее выражаясь, ветвью политических наук, сильно переплетена с другой, не менее знаменитой и важной наукой – юриспруденцией, конкрет-

нее, с такой ее ветвью, как международное право. Используемую дипломатическую терминологию, можно разделить на две разновидности:

1) термины политического, дипломатического и общеправового характера, которым придана специфическая интерпретация;

2) международно-правовые термины.

К первой группе относятся термины политические – суверенитет, самоопределение народов и наций, мир, безопасность, война, агрессия; дипломатические – дипломатические отношения, дипломатические иммунитеты, консульский округ, международные организации;

Ко второй группе относятся термины юридические - общеправовые – правовая норма, источник права, правосубъектность, юридическая ответственность и т.д. Их международно-правовая интерпретация породила производные словосочетания: принцип суверенного равенства государств, договаривающиеся государства, право международной безопасности, определение агрессии как международного преступления и ответственность за агрессию, дипломатическое и консульское право, международно-правовая норма, источник международного права, международная правосубъектность и т.д. Возможны ситуации, когда один термин имеет во внутригосударственном и в международном праве неоднозначный смысл (так, различные качественные характеристики свойственны термину «договор», в конституционном, трудовом или гражданском праве, а с другой – и в международном праве).

Термины, относящиеся к обеим группам, зафиксированы в конституциях многих государств, в том числе в Конституции Великобритании, Франции, Российской Федерации и Республики Узбекистан (общепризнанные принципы и нормы международного права, межгосударственные объединения, ратификация, верительные грамоты, территориальное море, двойное гражд-данство, выдача), они широко используются в законодательстве и правоприменительных актах. Этот аспект имеет существенное значение при изучении международного права, при ознакомлении с международными договорами, в процессе их толкования и исполнения.

Во-вторых, в международном праве один и тот же дипломатический термин может использоваться и в качестве родового понятия, и для обозначения более конкретной категории. Так, «международный договор» – это и обобщающее понятие для всех международных актов с идентичными формальными признаками (договор, соглашение, конвенция, протокол, пакт), именно в этом смысле употребляемое в названии Венской конвенции о праве международных договоров, и в названии одной из отраслей международного права, и в наименовании одной из разновидностей таких актов (Договор о всеобъемлющем запрещении ядерных испытаний, Договор между Российской Федерацией и Китайской Народной Республикой о правовой помощи по гражданским и уголовным делам). «Международная конференция» как родовое понятие охватывает наряду с многосторонними встречами, имеющими такое название, совещания и конгрессы.

В-третьих, известны случаи употребления одного термина для обозначения различных явлений, например, «протоколом» могут именоваться: а) самостоятельный договор; б) приложение к договору или конвенции; в) процедура, порядок определенных официальных действий (дипломатический протокол). Следует сказать и о применении в международно-правовых актах и дипломатических документах отдельных терминов и выражений непосредственно на латинском языке. Касательно таких терминов надо отметить, что они создаются путем деривации. Хотя такие термины имеют достоверный перевод с аналогичной семантикой, но все же в международной практике они используются в оригинале. Такими терминами являются: “*jus cogens*” (общая императивная норма, “неоспоримое право”), “*opinio juris*” (“правовое мнение|, признанное в качестве правовой нормы), “*pacta sunt servanda*” (“договоры должны соблюдаться”), “*persona non grata*” (“лицо нежелательное” – в дипломатическом праве)

В заключение хотелось бы отметить, что дипломатическая терминология имеет очень широкий спектр лингвистических особенностей. Например, дипломатические документы имеют специфический характер в такой отрасли как перевод документа с использованием дипломатических терминов – аутентичность перевода, имеет свой собственный стиль и категорию терминов вежливости, официальности и т.д. В силу такой особенности как краткость статьи мы не можем раскрыть другие приведенные лингвистические особенности.

Ҳамдамов Улуғбек (филология фанлари доктори, доцент)
АСҚАД МУХТОР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада XX асрнинг забардаст ижодкорларидан бўлмиш Асқад Мухтор шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилиб, бу шеърят ўз даврининг муносиб овозларидан бири эканлигига урғу берилди.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности поэзии Аскада Мухтара, одного из великих художников XX века, подчеркивается то, что его поэзия является одним из достойных голосов своего времени.

Annotation. The article examines the features of the poetry of Askad Mukhtar, one of the great artists of the 20th century, emphasizes that his poetry is one of the worthy voices of his time.

Калим сўзлар: XX аср шеърятини, шеърят ҳақидаги таъриф, омма ва хослар шеърятини, шакл ва мазмун, давр манзараси, бармоқ, туроқланиш.

Ключевые слова: поэзия XX века, описание поэзии, массовая и элитарная поэзия, форма и содержание, пейзаж эпохи, бармоқ, турок.

Key words: poetry of the 20th century, description of poetry, mass and elite poetry, form and content, landscape of the era, barmok, turok.

Асқад Мухтор шеърятини, шубҳасиз, юксак поэзия намуналаридир. Унинг шеърятига хос асосий хусусиятлардан бири ноанъанавийликдир. Аммо ноанъанавийлик фақат шаклда эмас, балки А.Мухтор поэзияси мазмун-моҳиятининг совуқ мулоҳазакорлигида, вазмин муҳокамасию, нозик донишмандлигида ҳамдир.

Сир эмас, XX аср ўзбек шеърятининг вазни бармоқ ва сарбаст билан бойиши Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Авлоний каби миллий уйғониш даври шоирлари номи билан боғлиқ. Бас, шундай экан, Асқад Мухтор яна қандай шаклий ўзгаришлар ясай олди экан? Гап шундаки, Асқад Мухтор на назмда ва на насрда инқилобий ўзгаришлар ясаган эмас. Нафсиламинини айтганда, ундаги совуқ мулоҳазакорлик ва вазмин донишмандлик ҳар қандай кескин бурилишларни кўтармас ҳам эди. Шоирнинг шаклдаги янгиллиги шундан иборатки, у, аввало, биз кўниккан бармоқ ёки сарбаст вазнига мухторона оҳанг олиб кирди. Табиий, бу оҳангни ўқувчи бирданига қабул қилмаслиги, оҳанг ҳатто ўқувчининг ғашига тегиши мумкин. Шоир буни жуда яхши билади, бироқ ўз услубидан воз кечмайди.

Энди орзулардан хотиралар кўп,
 Энди ўтмишигина мен учун ҳадсиз.
 Мен учун тобора оғирдир сукут,
 Саволлар тобора шафқатсиз.
 Ҳа, ошни ошадик, ёшни яшадик,
 Қошгача қаҳратон қирови инди.
 Бир қарашда: беш кунингни ўйла,
 Эртанинг қайғуси қолдими энди...
 Аммо, о, келажак, таҳликаларинг
 Акс этар юракнинг «қилиқ»ларида
 Чақмоқдай чақилар кардиограмманинг
 Дарддан чил-чил синган чизиқларида.

Шеър бармоқ вазнида, 6+5 туроқли қилиб ёзилган, бўғинлар сони 11 га тенг. Фақат юқорида айтганимиздек, Асқад Мухторга хос бўлган истисно мавжуд: еттинчи сатр (Бир қарашда: беш кунингни ўйла) юқоридаги ўлчамга тушмайди. Шакл нуктаи назаридан, ушбу сатр қолганларидан худди уммон ўртасидаги оролдек ажралиб қолган. Биринчидан, у тўққиз бўғинли, қолаверса, туроқларга 3хб тарзида бўлинадики, ушбу ҳол шеърнинг умумий вазнига – интонацион бутунлигига жиддий таъсир кўрсатган. Натижада шеър оҳанги беланчагида бир маромда тебранаётган ўқувчининг эстетик завқи бир силкиниб тушади, аввалги “лаззат”ни – интонацион яхлитлик айтаётган “алла”ни қўлдан бой бериб, хушёр тортади. Назаримизда, шоирга айнан шу хушёрлик лозимга ўхшайди. Токи, ўқувчи оҳанг лаззатига фарқ бўлиб, шеър мазмунига бепарво қолмасин. Нима бўлганда ҳам, Асқад Мухтор шеърятига ғоят хос бўлган юқорида хусусият шоир томонидан махсус қи-

линмайди, балки табиий равишда туғилади. Шоир ана шу табиийликнинг сайқаллар остида йўқолиб кетишини истамайди-да, фикр ва туйғу оқими қандай келса, шундайлигича шеърга солади. Яъни, у бўғинлар ва туроқлар сонини бир хил қилиб, оҳанг бутунлигига эришаман, дея ўзини овора қилиб ўтирмайди, ўринли сўзни оҳангдан устун қўяди ва ўшани қўллайди. “Йилларим” деб номланган шеърдан парча:

*Бирингиз боқийсиз, бирингиз – балки пуч,
Бирингиз шодликсиз, бирингиз – ўкинч,
Бирингиз бахтлисиз, бирингиз – бахтсиз.
Бирингиз ярадор, ўлгансиз вақтсиз,
О, орқада қолган менинг йилларим.*

Бу ўринда бор-йўғи битта бўғиннинг ортиқчалиги (биз кўниккан, анъанавий бармоқ вазидаги шеърга қиёсан) гўё шеърга соя солиб тургандек. Эътибор беринг, биринчи мисра 6+6 шаклида туроқланади-да, қолганлари 6+5 тарзида кетади. Нима, шоирнинг илк сатрни 6+5 шаклида туроқлашга имкони етмасмиди? Ахир «Бирингиз боқийсиз, бирингиз – балки пуч» ўрнига «Бирингиз боқийсиз, бирингиз-чи, – пуч» ўлароқ ҳам ёзса, бас, оҳангга путур етмас эди. Бор-йўғи бир бўғин, битта ортиқча нота! Бироқ шоир билгани ҳолда бу тавсия этаётган йўлдан бормайди. Унинг учун кўнгли дардининг ҳақиқатга энг яқин суврати акс этган шеър шакли муҳим. Юқоридаги мисрада шоир йилларнинг баъзилари унумли ўтганига ишончи комил, баъзиларининг эса пучдир, дейди. Бироқ бундан кўнгли тўлмагани учун «куч»нинг олдига «балки» сўзини қўяди. Яъни, шоир «баъзи йилларим пуч ўтди» дея ишонч билан гапиролмайди. Шунинг учун ҳам «балки пуч»дир дейди. Чунки шоир ўз ботинида – онгостида йилларининг пуч ўтганига ишонгиси келмайди, умид қиладики, улар пуч бўлмагандир.

Асқад Мухтор шеърлари шакл жиҳатидан шундай қурилганки, улар ортиқча безаклардан, оҳанг учун қулоғидан тортиб келтирилган қофиялардан, зўрланган туроқланишлардан ва ҳоказо кўпгина сунъийликдан анчайин холидир. Бунинг натижасида шоир шеър мазмунининг табиий ва эркин ифодаланишига эришган. Айни чоғда, шуни эслаб ўтиш жоизки, шоир шеърятти кўп ҳолларда ўқувчига бадиий завқ берувчи компонентлардан бири – муסיқийликни бой берган. Мана, унинг шеър ҳақида ёзган бир иқрорномаси: «Ўттиз йил давомида шеър ҳақида ўйладим, унинг ифода шакллари, воситалари, принциплари, руҳи ҳақидаги фикрлар жуда кўп марта ўзгарди: шеър турмуш ўчоғидан олинган лаҳча чўғ, ҳаётий эпизодга асосланган, сюжетли бўлиши керак, деб шеърнинг бўлак турларини тан олмай анча йил юрдим; шеър ялт этган оний туйғу, завқ-шавқ туғёни, уни фақат музика жанрлари билан қиёс қилиш мумкин, деган руҳда ҳам анча вақт ишладим; шеър ҳаёт фалсафасининг эссенцияси, фикр, фикр, фикр! Фикрсиз поэзия йўқ деб, анчагина бирёқлама рационалистик шеърлар ёздим...»

Дарҳақиқат, шоир ижодидан уни ўзи таъкидлаган ана шу уч хил шеърятга ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, улардан биринчиси сюжет асосига қурилган шеър, воқеабанд шеърга мисол:

*Қамишдан най қилди чўпон. Етим, ёлғиз,
Най навоси янграр йироқ йироқда.
Шундан бери ҳар тонг кўза тутган қиз
Келадиган бўлди булоққа.
Кўп асрлар ўтди, нуради харсанглар,
Энди йўқ, албатта, дунёда чўпон.
Най ҳам чириб кетди... наво эса янграр
Ва қиз ҳануз келар булоққа ҳар тонг.¹*

“Наво” деб номланади юқоридаги шеър. У турли халқларнинг ривоятлар ва эртақларида тез-тез учраб турадиган сюжетларга ўхшаш кичик бир ҳаётий лавҳа асосига қурилган. Шу билан бирга, чуқур фалсафий, мажозий маъноларни ўз бағрида яшириб турибди. Айни маънолар шоирга тегишли, унинг шеърга юклаган бадиий ҳақиқати ҳам шу ерда – навонинг, санъатнинг ўлмаслиги ва унга бўлган эҳтиёжнинг мангулигини айтишда.

Иккинчиси – шеърнинг ялт этган оний туйғуга тенглаштириш истаги. Асқад Мухторнинг «99 миниатюра» тўпламига киритилган «Тонг» деб номланган ёхуд «Икков ёлғиз эдик...», «Кузги еллар...», «Эслаб ёшлигимни...» деб бошланувчи ўнлаб шеърлари шу истак-ишонч мевасидир:

¹ Мухтор А. Йилларим. Тошкент, “Ёзувчи”, 1990, 184-бет.

Эслаб ёшлигимни – шеър илҳомчисин,
Уйда ўлтирардим хаёлчан. Бироқ,
Деразамни чертди ёмғир томчисин,
Ер-кўкни титратди момақалди роқ.
Ҳовлида болалар шўх қичқирарди:

Ўтанова Сирдарёхон (ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими)
ИСКАНДАР – АДОЛАТ ВА ДОНИШМАНДЛИК ТИМСОЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада Алишер Навоий ижодидаги етакчи мавзулардан бири – адолат, шунингдек, одил шоҳ, маърифатли арбоб, комил шахс ҳақидаги айрим мулоҳазалар, фикр-қарашлар тадқиқ этилган. Хусусан, унда Искандар образи мисолида шоир идеалидаги қаҳрамонларга диққат қилинган. Шунингдек, Алишер Навоий яратган адолатли Искандар тимсолининг шу тилдаги бошқа образлардан алоҳида жиҳатлари муаллиф томонидан изчиллик билан очиб берилган.

Аннотация. В данной статье исследуются некоторые из ведущих тем в творчестве Алишера Навои, а именно – справедливость, а также некоторые мысли и мнения о справедливом правителе, просвещенном деятеле, идеальной личности, совершенном человеке. В частности, внимание акцентируется на героях идеалов поэта на примере образа Александра. Также автор последовательно выявляет отличительные особенности образа справедливого Александра, созданного Алишером Навои, от других образов этого типа.

Annotation. This article examines one of the leading themes in Alisher Navoi's work – justice, as well as some comments and opinions about a fair king, an enlightened man, a perfect person. In particular, it focuses on the heroes of the poet's ideal in the example of the image of Alexander. The author has also consistently revealed the distinctive features of the image of the fair Alexander created by Alisher Navoi from other images of this type.

Калим сўзлар: образ, идеал образ, шоир, шоҳ, Искандар, Навоий, достон, адолат, инсоф, арбоб, маърифат, комил инсон.

Ключевые слова: образ, идеальный образ, поэт, король, Александр, Навои, поэма, справедливость, поскольку, государственный деятель, просветление, совершенный человек.

Key words: image, ideal image, poet, shah, Iskandar, Navoi, epic poem, justice, conscientiously, prominent figure, enlightenment, perfect man.

Муайян ижодкор асарларига қайси мезон билан ёндашилмасин, магарам, унда умуминсоний қадриятлар, ҳаёт ҳақиқатларидан чекинилмаган бўлса, демак, унинг мероси ҳамма даврларда бирдек ўқишли бўлиб қолаверади. Улуғ сўз заргари Навоий тизган жамики назм ва наср дурларида айна шу жиҳат бор ва ўтган ҳар бир авлод вакиллари ўз тарозилари билан ўлчашлари асносида унга берилган баҳолар бунинг аниқ далиллари дидир. Демак, бугун Навоий тафаккури билан яшамок, унинг кечинмаларини ҳис этмоқ, унинг армонларидан сабоқ чиқармоқ, шоир орзулари рўёби билан машғуллик жамиятимизнинг фақат ривожига хизмат қилади.

Беш асрдан зиёд муддат давомида Навоий шахси, асарлари ва хизматлари энг кўп ва хўп ўрганилган экан, айниқса, адиб бадиий маҳоратининг ҳар турли қирралари ёритиб келинаётир. У қаламга олган мавзулар, яратган адабий қаҳрамонлар, бадиий топилмалар, гўзал тасвирлар, беқиёс тимсоллар орасида адолат тушунчаси, донишманд шоҳ образи, комил инсон қиёфаси ҳақида бирмунча тўхталиб ўтмоқчимиз. Хусусан, Навоий тасавурида жонлантирилган, катта маърифий юк берилган Искандар образи тасвирларида инсоният тарихида бутунлик, мукамаллик, гўзаллик, Ҳақ ва ҳақиқат истаб ўтган йирик сиймо шундоқ бўй кўрсатади.

Биз сўз юритаётган образ шоир ижодининг илк йилларидан тортиб сўнгги асарларида ҳам у ёки бу шаклда, алоҳида мақсадларда жуда кўплаб ўринларда учрайди. Масалан, “Бадоеъ ул-васат” девонидан жой олган ғазалларнинг биридаги мана бу байтда эса Искандар доно, тадбиркор, устуманд шахс сифатида гавдаланади. Аммо гўзал маъшуқа ундан ҳам устароқ, ундан ҳам донороқ. Шунингдек, ушбу мисраларда ривоятларга кўра, Искандарнинг “оби ҳайвон” (“Ҳаёт суви”)ни кўп қийинчиликлар чекиб топганида, ича олмай қуруқ қайтишига ишора ҳам мавжуд.

Хизрваш хат бирла чун ҳуснунг самандин сургасен,

*Юз Скандарни суза элтиб, сусиз келтургасен.*¹

“Фарход ва Ширин” достонида Навоий “Искандар” сўзини нур, зиё, жамол маъноларида қўллаб, оригинал “қуёш Искандари”, “Искандар тилсими” каби тимсолларни яратади:

Чу зулмат раъяти бўлди нигунсор,

Қуёш Искандари кўргузди рухсор.

Безалди гунбази ахзар тилисми,

Тамом андоққи Искандар тилисми.

“Садди Искандарий” даги мана бу байтда ҳам “қуёш” маъносида ишлатилган:

Қилиб жилва ой меҳри ховар киби,

Улусни ёрутти Искандар киби.

Шоир томонидан “Искандар” исмининг қуёш маъносида қўлланилишида катта маъно яширин турибди. Искандарнинг ниҳоятда адолатли подшоҳ бўлганлиги унинг беқиёс қудрат соҳиби, сахий, юртпарвар раҳбар сифатида етти иқлимни забот этишига қувватлантирган. Оқибатда, унинг исми кириб борган уй нурга, зиёга тўлган. Қуёш ер юзасининг энг чекка, қоронғу пучмоқларини ҳам ёритгани каби адолат ҳам мазлум, ёрдамга муҳтож, уқубат чеккан кўп сонли инсонларнинг қалбини чароғон этган. Ўз ўрнида у Султон Ҳусайн Бойқарони ҳам адолатли, соҳибқарамлик, жасорат каби яхши фазилатлар эгаси бўлишга ундаган ва асарларида уни “Искандарни Соний”, “Искандари замон” сингари унвонлар билан ҳам улуғлаган.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»да «...ва Искандар Зулқарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғлидур Рус наслидин...»лиги айтилса, «Тарихи мулуки Ажам»да «нисбатида (насабида) ихтилоф кўп экани, баъзилар уни Доро ўғли, айрим тарихчилар Искандар – Хурмуси Румий ўғли эканлигини ёзишган», дейилади. Шу асарида Искандарнинг нега Зулқарнайн аталгани, ёшлиқдан ҳикмат ўргангани, подшоҳ бўлгани, «секиз минг шоҳ ва шаҳзода хидматини» қилгани, «оламнинг баҳру барин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотқа киргани» «ва анинг била кирган мулозимлардин бири Хизр, бири Илёс алайҳумассалом» экани ва «ул сув аларға насиб бўлуб, Скандар маҳрум ёнгани» ва ҳоказолар ҳақида маълумот беради.

Дарҳақиқат, Навоий ўтмишда яшаб ўтган Искандар тарихини ҳам мукамал ўзлаштирган. Гарчи “Садди Искандарий”да кейин ёзилган бўлса-да (1488), “Тарихи мулуки Ажам”да унинг ҳукмрон шоҳ сифатидаги фаолиятига юқори баҳо бериб, “*Ҳар тақдир била Искандар подшоҳ эрдиким, андин бўрунги ва сўнги салотин бу кунгача ул қилгон ишни қилмадилар*”,² дейди. Йирик олим Иззат Султон айтганидек, “Тарихи мулуки Ажам”нинг асосий ғоявий пафоси – одил подшоҳларни улуғлаш ва замона ҳукмдорларини ана шу подшоҳлардан намуна олишга чақириш”.³ Бундан кўринадики, ижодкор Искандар образининг характер даражасига кўтарилиши учун замин бўлувчи прототипни топа билган. Бадий маҳорат ва гўзал тасвирлар ёрдамида у Искандарни донишманд ва тадбиркор, одил ва элпарвар сифатида характерлаган.

Аммо Қуръони каримда зикр этилган Зулқарнайн муфассирларнинг гапига қараганда, пайғамбарлик мақомига эришган одил шоҳнинг лақабидир.

Навоий ўз асарларида Қуръон маълумотлари асос қилиб олингани ҳисобга олинса, дostonда Искандарнинг идеал образини яратиб, уни пайғамбар, вали ва адолатли шоҳ сифатида талқин этган.

Аммо таъкидлаш лозимки, Искандар номи билан боғлиқ айрим тарихий ва асос ҳолатда эса, тўқима воқеа ва ҳодисаларни, кўплаб ривоят ва афсоналарни, ҳатто фантастик тушунча ва мифология элементларни ўзида жамловчи бу мавзу, аслида, Навоийнинг ўз ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-дидактик қарашларини, замонаси, ўша жамият ва жорий ахлоқий-ҳуқуқий нормалар юзасидан фикр-хулосаларини ифодалаш воситаси бўлган, реал ҳукмдор ва валиаҳд шаҳзодаларга давлат ва жамиятни бошқариш, элу юртни тутиш, фуқаро ва кўшин аҳлига муносабат, уруш ва тинчлик, мамлакатлар ўртасида тотувлик ва марказлашган давлат каби муҳим масалалар бўйича ўз тавсияномалари, панд-ўғитлари, орзу-умидларини олға суради, ҳар бир давлат бошлиғи адолат ва ақл-идрокни ўзига дўст тутиб, илм аҳли билан ҳамкор фаолият кўрсатиш зарурлиги ғоясини тарғиб қилади. Худди шунинг учун ҳам дostonнинг Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Мирзо Бадиуззамон-

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 3-ж, Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011 (Бундан кейинги мисоллар мазкур кўпжилдликдан олинди).

² Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-ж, Т., 2011.

³ Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т., 1982, 347-бет.

га бағишланиши ҳам асло оддий тасодиф эмас. Инсонпарвар шоирнииг ўз олдига қўйган ана шу ғоявий мақсадига кўра, дostonда Искандарни шахзода-валиахд, давлат арбоби, одил ҳукмрон сифатидаги фаолиятини кўрсатиш ҳамда донишманд, илму фан ва ақл-идрок қудратини тан олувчи маърифатли шахс сифатидаги табиатини ёритиш биринчи ўринда туради.

Асар валиахд Искандарнинг ўзини нолайиқ ва тайёр эмас ҳисоблаб, аввалига тахтни эгаллашдан бош тортиши, халойиқ талабига кўра шоҳликни қабул этиши, халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириши, адолат куёши билан жаҳонни ёритиб, зулм аҳлини ер юзидан улоқтириши тафсилотидан иборат. Кейин эса адолат муаммоси қўйилади. Унда ҳам аввалида адолат ҳақида умуман фалсафий-ҳуқуқий категория сифатида сўз юритилади, айниқса, ҳукмдорлар учун адолатнинг зарурлиги, улар фаолиятини баҳолашда ягона мезон экани таъкидланади. Айтиш керакки, худди шу бобни ташкил этувчи қисмларда Навоий бутун ижодида олға сурилган илғор ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-дидактик қарашларнинг адолат категорияси билан боғлиқ қатор муҳим нуқталарини равшан кузатиш мумкин. Жумладан, мамлакат ҳукмронларининг қайси динга мансублигига қараб эмас, балки ўз фаолиятида адолатли ёки адолатсиз эканлигига қарабгина баҳоланади, деган муҳим хулоса бобнинг биринчи қисмида олға сурилган: «Анушурвон гарчи кофир бўлган» эса-да, мамлакатни адолат билан бошқаргани учун ҳар қандай художўй шоҳлардан юқори туради, чексиз таҳсин ва мактовга лойиқ ва, аксинча:

Вале, кимсаким, зулм анга камдур,

Бу оламда мардуду баджомдур!

Бу илғор ғоя адолатли қилмишлари учун “у дунё”да мангу роҳат, иззатга сазовор бўлган шоҳ Маҳмуд ҳикоятида яна бир бор “далиллар»да намоиш этилади:

Адолат тариқин шиор айлади,

Ато буйруғин ихтиёр айлади.

Искандарнинг адолат орқали ҳукмдор қандай натижаларга эришиши мумкин, деган саволига донишманд «адл натижаси жаҳонгирлик эканини» «одилга жаҳон саодати» етишажагини уқдиради:

Шаҳиким, анга адл бунёд ўлур

Натижа буким – мулки обод ўлур!

Адолатни ўзига «шиор айлаган» Искандар ўз мулкин ораста қилди, сўнгра эса бутун ер юзини, ҳатто сув сатҳини ҳам қўлга киритди. Навоий шоҳнинг ана шундай адолатли юришларига ва эришган зафарларига яққол мисол сифатида унинг Дорога қарши чиқиши тафсилотини баён этади. У, биринчи навбатда, диёнатли, фуқаро ва мамлакат тақдири устида тинмай қайғурувчи, ўзини «оддий банда»лар билан тенг билиб, золимларни жазолаб, ҳар қандай зўравонликка барҳам берувчи, юртида қатъий интизом ва осойишталик, жамият аъзолари ўртасида эса ҳалоллик ва инсоф барқарор эта олган адолатли ҳукмрон, идеал шоҳ каби гавдаланади. У ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, чуқур билим ва тажрибага эга тадбиркор, илму фан қудратига ишониб, донишмандларни ўзига ҳамроҳ тутган, ҳунар аҳлига ҳомийлик қилган баркамол шахс. Шунга қарамай, дostonда таъкидланишича, у тинмай изланишда бўлиб, ўз билимини оширишга катта аҳамият беради:

Жаҳон аҳлига илму донолиги,

Хирад қуватидин товонолиги.

Бўлуб қисми ҳам ҳикмату ҳам билик,

Яна чекмайин ўрганурдин илик...

У кетма-кет буюк зафарларга эришган жасоратли ва топқир, сипоҳига нисбатан ғамхўр саркарда. «Баҳру бар»ни эгаллашга киришган Искандар, асло, босқинчилик қилиш, шуни уюштириш, талон-тарож орқали бойлик орттиришни мақсад қилмай, аксинча, унинг Кашмир фатҳидан кейинги ишлари ҳақида шундай мисралар битилган:

Ёмонлардан офоқни пок этиб,

Вале, яхшилариш тарабнок этиб,

Этиб даштни адлидин бўстон,

Анга тегруким мулки Ҳиндустон.

Ҳиндистон таслим бўлганида эса икки йиллик солиқларни бекор қилганини эълон қилади:

Халойиқ, бошидин олиб эҳтиёж

Маоф айладук икки йиллик ҳирож.

Халқ хоҳишига кўра вафот этган отаси ўрнига тахтга ўтирган Искандар давлат ва мамлакат ишларини адолат билан юргизади, иккинчи куниёқ «бобмом» – халқ учун умумий қабул эълон қи-

лади, кимнинг қандай дарду талаби бўлса, ҳеч тап тортмай баён қилиш ҳуқуқини беради, ҳар мушкулотни одилона ҳал этишга ваъда беради:

*... Аён айласун реши дарду гамин,
Ёқай дод бермак била марҳамин!*

У зўравонларни қаттиқ жазолайди, юртда тартиб-интизом ўрнатади, фуқарони солиқдан озод қилади, бозор нарх-навосини, тож-тарозусини тартибга солади, савдо қарвонларини қароқчилар хавфидан қутқаради, жумладан, халойиққа озор этадиган ҳар навъ ишни бартараф этади:

*Тамомин улус бошидин қилди дафъ
Етушсун, деб ондин халойиққа нафъ.*

Бундай раиятпарварлик ва адолатли сиёсат тез орада ўзининг ажойиб меваларини беради:

*Бу янглиг чу оз вақт тузди русум,
Ғаний бўлди дар адлидин аҳли Рум.*

Идрокли ёш ҳукмрон ўз саройига Арасту, Сукрот, Лукмон, Афлотун каби машҳур донишмандлар бош бўлган неча юзлаб олим-ҳақимларни, фозиллар ва ҳунар аҳлини тўплайди, улар шахсиятига ғамхўрлик ва фаолиятига ҳомийлик қилади, ҳар бир муҳим масалада кенгашиб, бамаслаҳат иш юритади. Кейинроқ, бу донишмандлар гуруҳи, ҳунар аҳли Искандарнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида бир неча йирик кашфиётлар қилдилар, денгиз сатҳи ва сув остида илмий ишларни бажарадилар.

Бу образнинг бизнинг кўзи олдимизда идеал сифатида гавдаланишида унинг онаизорига ёзган мактуби эътиборли. Унда Искандар шахсиятининг яна бир муҳим фазилати – одамийлиги, оддийлиги, юксак одоб-ахлоқи онага чексиз ҳурмати орқали намоён бўлади. Чиндан ҳам, мактуб “мен”и бу ўринда бутун оламни ўзига тобе этган дабдабали ва салобатли фотиҳ сифатида эмас, балки муштипар волида олдида ўз фарзандлик бурчини тўла ўтай олмаган ва шу боисдан ҳам ўзини гуноҳкор билиб узрхоҳлик этаётган ризоғў ўғил, ҳар қандай ғурур ва киборликдан холи оддий инсон каби намоён бўлади.

Бевосита дoston воқеаси азадор онага Искандарнинг доимий ҳамроҳи бўлган етти ҳақим (Афлотун, Сукрот, Балинос, Букрот, Хурмул, Фарфуннос, Арасту)нинг таъзия-таскини ва панду насихати баёни билан яқунланади. Кейин яна илова боблар бошланиб, уларда Султон Ҳусайн Бойқаро ва валиаҳд-шаҳзода Бадиуззамон мадҳ этилади, қадимги Юнон донишмандларининг қисқа-қисқа «хирадноmaları» келтирилади. Бевосита Бадиуззамонга қаратилган бу “хираднома”ларни умуман давр шоҳ-шаҳзодаларига давлат ва мамлакатни идора этиш низоми дейиш мумкин. Жумладан, Арасту шундай таъкидлайди:

*Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзунга раво кўрмаганни раво!*

Сукрот «хираднома»сида мана буларни ўқиймиз:

*Улус ранжсида эҳтимол айлама,
Ўзунга бу отни ҳаром айлама.*

Раиятни адлингдин осуда тут!

Донишманд Асқалинус эса тахт ворисини қуйидагича огоҳлантиради:

Қаю шаҳки, йўқ адл ила дод анга,

Улус бирла мулк ўлмас обод анга.

Чу шоҳ зулм сори узотти илик

Очилди улуг зулм ўйига эшик.

...Керак шаҳ адолат шиор айлағай,

Ки, зулм аҳлини хоксор айлағай.

Халқ ўртасида катта обрў ва ишончга эга бўлган машҳур донишмандлар тилидан айтилган, аслида эса, йирик давлат ва жамоат арбоби, улуг мутафаккир Навоийнинг ХУ аср тарихий шароити ва аниқ воқеалари асосида шаклланган тугал ижтимоий-сиёсий дастурини лўнда ифодаловчи бу “хираднома”лар дostonнинг хулосаси, «қиссадан ҳисса» каби, адолатли ҳукмрон Искандар ҳаёти ва фаолияти тажрибасининг бош ибрати, асосий сабоқлари каби ўқилади.

Искандарнинг устози Арасту сўзлари билан айтганда: “Баркамолликка эришган одам барча жонзотлардан юқори туради; аммо агар у қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир. Дарҳақиқат, адолатсизликни қурол қилиб олишдан кўра ҳам даҳшатлироқ нарса йўқ”.

– *Найкамалак, шойи палак, чиқ!*

*Мени гўё ёшлик чақирарди,
Мени чорлаб янграрди қўшиқ.
Мен бошланг чиқдим шошилиб,
Унинг иссиқ кафтин сезарди елкам.
Хотирада эмас экан ёшлик,
Ёшлик – шу ҳаётнинг ўзида экан.¹*

Уйда ёшлигини эслаб, хаёлчан ўтирган шоир эътиборини деразани чертиб ёққан ёмғиру кўк-да гулдираган момақалди роқ ўзига жалб этади. Шу чоғ ташқаридаги болаларнинг қий-чуви унинг ёдига болалигини туширади ва шоир худди бола мисол, ҳатто бола бўлиб ташқарига отилади. Шу лаҳзада у ўзини ҳақиқатан ҳам боладек ҳис этади. Шеър айна лаҳзада туғилади ва уни олий қадрият ўлароқ тараннум этади.

*Учинчиси – бу фикрга асосланган, у ёки бу фикрни айтиб қолишга ошиққан шеърятдир:
Инсонликнинг маъноси ўзгарди.
Оламнинг жозоба қонуни янглиг:
Қўшиллар умрини қисқартар дардинг,
Бахтинг ҳам бировнинг бахтига боғлиқ.*

*Ҳар бир аза қисман менинг азам,
Кимники, деб сўраб бўлмайди!
Ёлғиз яшамайди дунёда одам,
Ўлса ҳам бир ўзи ўлмайди.²*

Инсон – табиатнинг бир қисми, деган аксиоманома гап бор. Қолаверса, биз жамиятнинг ҳам ажралмас бир бўлагимиз. Аслида, мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етиш ва уни, ҳақиқатан ҳам, тушуниб етганчасига яшашнинг ўзи, нафсиларини айтганда, улкан қаҳрамонлик, зиёилиқдир. Шоир юқоридаги саккиз қаторда ана шундан баҳс этаётир: мен табиату жамиятнинг, атрофда яшаётган одамларнинг бир парчасиман. Уларнинг азаси ҳам, тўйи ҳам айланиб келиб, алалоқибат, менинг ҳаётимда акс этади, деган фикрни илгари сураётир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, Асқад Мухтор шеърга мана шундай алоҳида-алоҳида кайфиятнинг ифодачиси холос, деб эмас, балки поэзия бир вақтнинг ўзида юқоридагиларнинг ҳаммасини ўзида жамлаши мумкин, деб ҳам анча шеърлар қоралаган. Назаримизда, кўпинча, айнан шундай бўлади: туйғу ва фикрнинг ўсиб, кечинмани ҳосил қилган шеърлар баланд савияда жаранглаши мумкин.

Мана бу шеърда эса шоир бошқача ифодадаги ўз таржимаи ҳолини битади. Уни ўқиб туриб, беихтиёр: “Мана, сизга шоирни ҳаракатга келтирган қудратнинг ёзувдаги энг умумий суврати! Мана, сизга изҳори дил, аччиқ иқрорнома”, деб ўйлайсиз. Дарҳақиқат, шоир ўз ўтмишига, демак, “XX асрни менинг асрим!” дегувчи ҳар бир инсон кечмишига, асрдош, замондош тарихига мардона туриб назар солмоқда, энг муҳими, кўрганини борича қоғозга туширмоқда:

*Барин кўрдим, севдим асримни –
Бутун фожиаси, даҳшати билан,
Бутун гўзаллиги, қудрати билан,
Севдим мен замондош наслимни.
Курашиши, емириши, яратиши, қуриши,
Мана шундай бўлди асримизда бахт.
Сизда қандай бўлар – билмадим,
Бизда шундай бўлди ҳамма вақт.³*

Шоир ўз асрининг фожиасию даҳшатидан тониб, унинг гўзаллигию қудратини ажратиб алкаётгани йўқ, балки у қандай бўлса, шундайлигича севапти – бор фазилатию нуқсонини билан.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Асқад Мухтор XX аср ўзбек шеърятини тарихида, энг аввало, тасаввуримиздаги, яъни биз кўниккан шеърят сарҳадларини кенгайтиришга уринган ва бунга баҳоли қудрат муваффақ бўлган забардаст шоирларимиздан бири бўлиб қолади.

¹ Шу манба.

² Шу манба.

³ Мухтор А. Йилларим. Тошкент, “Ёзувчи”, 1990, 184-бет.

Абдуллаева Саломат Равшановна
(UrDU Xorijiy filologiya fakulteti xorijiy til va adabiyot kafedrası o'qituvchisi)
КОМИЛ АВАЗ ШЕЪРЛАРИДА ИШҚ ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада шоир Комил Аваз шеъриятидаги ишқ ва маънавият масалалари таҳлил этилади. Шоир шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг ишқ-муҳаббатдаги садоқати, вафодорлиги, барқарорлиги ва маънавий қиёфасини очиб беради. Шоир маҳоратига муносабат билдирилади.

Аннотация. В статье анализируются проблемы любви и духовности в поэзии поэта Камил Аваза. Лирический герой стихов поэта раскрывает через любовь свою преданность, верность, устойчивость и духовный образ. Выражено отношение к мастерству поэта.

Annotation. The article analyzes the problems of love and spirituality in the poetry of the poet Kamil Avaz. The lyrical hero of the poet's poems reveals in love his devotion, loyalty, stability and spiritual image. The attitude towards the poet's skill is expressed.

Калим сўзлар: Комил Аваз, маънавият, шеърият, ишқ-муҳаббат, газал, маҳорат.

Ключевые слова: Камил Аваз, духовность, поэзия, любовь, газель, мастерство.

Key words: Kamil Avaz, spirituality, poetry, love, gazelle, skill.

Адабиёт энг таъсирчан тарбия воситаларидан биридир. Айниқса, шеърият киши қалбига чакмоқдай чақин билан ўз таъсирини ўтказди, шеъриятдаги пандномаларни тингловчи бутун вужуди билан идрок қилади. Истеъдодли онахон шоирамиз Зулфияхонимнинг таъкидлашича, суҳбатдошинга узундан-узок насиҳат қилишинг, лекин сўзларинг унга таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Аммо кишига бир неча сатр яхши шеър ўқиб бериш билан унинг қалбига энг яқин йўлни топиб олса бўлади.¹

Шу сабабли маънавият ижтимоий категория сифатида жуда қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, у асрлар оша авлоддан-авлодга кишиларнинг ахлоқий-руҳий покликка бўлган интилишини намойиш қилиб келган. Барча халқларда маънавий қадриятларга бўлган интилиши замонлар ўтиши билан тобора ўсиб борган.² Аслида, маънавият, одоб-ахлоқ оҳанглари оналаримиз аллаларидан бошланади. Мумтоз адабиётимиз намояндалари халқ ижодидан илҳом олиб, бу мавзуда кўплаб асарлар ижод қилишган. Комил Аваз ҳаёт тўлқинларида товланиб мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Шу боисдан унинг шеърияти инсон қалбида инсоф, диёнат, адолат туйғусини уйғотишга қаратилган руҳият манзараларини ўз ичига қамраб олади. Истиқлол йилларига келиб, шоирнинг жамиятга, ижтимоий ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди. Эндиликда шоир лирикасида “Инсон-шахснинг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги фаолиятини ўз измига солган жамият сиёсатиға қарши исён”³ оҳанглари мавж ура бошлади:

*Юрт қаддин ростлади, гоҳо қоқилди,
Тенгсиз истибдодда бағри ёқилди,
Нони миннат бўлди, дарддан чақилди,*

*Табассуминг қотди нимжон юзингда,
Ўзбекистон бор бўл жаҳон юзинда!*

*Халқим, сабринг сабаб, қаноат сабаб,
Пахтага бандивор не тоғлар ясаб,
Бир рўшнолик кўрмай дунёсиз яшаб,
Табассуминг бўлди фигон юзингда,
Ўзбекистон бор бўл жаҳон юзинда!*⁴

Шоирнинг ушбу шеъри 47 банддан иборат бўлиб, баллада жанрига мос келади. Бундай шеърлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Эркин Самандар каби шоирлар ижодида ҳам учрайди. Шоирларимиз ҳамиша ўз элининг ўтмиш тарихини варақлаб, ғалабали дамларни эслаганда фаҳрга, аянчли дамларни эслаганда қаҳрга тўлиб сўз юритишади. Шеърларда тоталитар тузум давридаги

¹ Зулфия. Адабий ўйлар. Т., “Фан”, 1985, 44-бет.

² Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеъриятида маънавият масаласи. НДА. Т., 1994, 8-бет.

³ Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати. Т., “Фан”, 2004, 253-бет.

⁴ Комил Аваз. Ўтаётган вақт. Т., “Янги аср авлоди, 2006, 84-бет.

моддий бойликларнинг талон-торож қилиниши, маънавий кадриятларнинг оёқости этилиши, инсон кадр-қимматининг ерга урилиши, она табиатга завоқ келтирилиши каби миллий фожиаларга баҳо берилади. Албатта, бундай дард-аламларни илгари ошқора айтиш ҳар қандай ижодкорни фожиага етаклаб келар эди.

Комил Авазнинг “Ўтаётган вақт” мажмуасида 57 ғазал берилган бўлиб, уларнинг мавзу доираси анча кенг. Тадқиқотчи олим О.Носиров устозлар фикрига таяниб, ғазалларни 1. Ошиқнома. 2. Орифона. 3. Риндона. 4. Ҳажвий. 5. Ахлоқий-таълимий. 6. Пейзаж. 7. Публицистик турларга бўлиб ўрганишни тавсия қилади.¹

Комил Аваз ижодида ушбу тоифа ғазалларнинг барчаси учрайди. Шоир ишқ ҳақида гўзал, ошиқона ғазаллар битган. Унинг наздида ишқ ва ахлоқ, ишқ ва садоқат, ишқ ва фасоҳат бир бутунликда бўлиши лозим. Ғазалларида турли ҳодисаларга мурожаат қилади, турли воқеаларга муносабат билдиради ва охир-оқибат инсоннинг маънавий гўзаллиги сифатида ишқни уларнинг барчасидан устувор санайди:

*Таъзим гулбаҳорларга, зеб бермиши маъволарга,
Тўлдириб садоларга, соз айтгум саболарга.
Бўлди фараҳбахш боғлар, нозланиб гул, япроқлар,
Қалбларни ишққа чоғлар, чулғаб шўх наволарга.
Тилсимий сималаклар ё балки семалаклар,
Бу асрий сумалаклар, айланмиши даволарга.
Каломим ишқли ваъздур, қолган бари абасдур,
Ёзган Комил Аваздур гўзал гул, баҳорларга. (“Ўтаётган вақт”. 105-бет)*

Ғазалда мустажаъ услуби устуворлик қилиб, оҳангдор қофиявий жипслик таъминланган, гўзал фонопоэтика кашф этилган. Семалак – (уч фаришта), сималак (ўттиз фаришта), сумалак (таом) сўзлари келтирилиб, чиройли сўз ўйини ҳосил қилинган ва оҳангдорлик рўёбга чиқарилган.

Шоир ишқ шаробига қониш, жомни ошиқона сипқоришни фахр деб билувчи лирик қаҳрамон киёфасини яратади:

*Тут бода паймо тутгил паймона,
Тутгил паймона, топмай баҳона,
Ишқ жомин ичгум ман ошиқона,
Ман ошиқона, ҳам қона-қона.
Ёр васлин куйлаб айтгум ғазаллар,
Айтгум ғазаллар ман ёна-ёна.
Бахшида этгум, жонни жонона,
Жонни, жонона солмиши фиғона.
Комил Аваз ким, ишқни йўлинда,
Ишқни йўлинда ёзар фасона. (“Ўтаётган вақт”. 107-бет)*

Шоир лирик қаҳрамон тилидан ишқ жомини нўш этиб, дoston ёзмокчи эканини таъкидлайди. Шуни қайд қилиш зарурки, Комил Аваз аруз қонун-қоидаларини яхши идрок қилади. Мазкур ғазални тақрир санъатининг раддул-арўз ил-ал-ибтидо (биринчи мисра охиридаги сўзнинг кейинги мисра бошида қайтарилиши) усулида ёзган.²

Маънавият билан руҳият узвий боғлиқдир. Маънавияти юксак инсоннинг руҳи соғлом бўлади. Комил Авазнинг ошиқона ғазалларининг лирик қаҳрамони руҳияти ишқ изтиробларига тўла, бироқ ёрини ўйлаб кўнглига таскин беради. Шоир ошиқ қалбини зиддиятлар гирдобидида тасвирлайди. Чунки садоқатга йўғрилган ишқ жафо ва сафо оралиғида бўлиб, муҳаббат иши текис ва осон кечмайди. Ғазалнавис ошиқ қалбидаги руҳий кечинмаларини гўзал мисралар орқали ифодага тортади. Ҳар бир байт бизга халқона ташбеҳларнинг гўзал намуналарини намоиш этади:

*Эй дилрабо оромим йўқ, сени ўйлаб, сени ўйлаб,
Бирон оромим шомим йўқ, сени ўйлаб, сени ўйлаб,
Қалбу дилим парвонадур, хаёлларим ҳайронадур,
Гаҳи шод, гоҳ вайронадур, сени ўйлаб, сени ўйлаб.
Қошинг камон ёя мангзар, юзинг қамар оя мангзар,
Дилим жўшар соя мангзар, сени ўйла, сени ўйлаб.*

¹ Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. Т., “Адабиёт ва санъат”, 1972, 78–79-бетлар.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т., “Zarqalam”, 102-бет.

*Кел, эй маҳбуб садқанг кетай, асов дилим бахшиши этай,
Ахир, адо бўлдим нетай, сени ўйлаб, сени ўйлаб.* (Ўтаётган вақт”. 112-бет)

Ғазали мустажаъ усулида битилган ушбу ғазал ўзининг ўйноқи ва равонлиги, ошиқона илтижолари билан эътиборни тортади. Лирик қаҳрамоннинг чексиз садоқатини, маънавий поклигини ифода этади.

Шоир ошиқона ғазалларида меҳру вафони мадҳ этади, зулму жафони рад қилади. Руҳи баланд, хулқи хуш инсонларни улуғлайди, кадрлайди:

*Меҳру вафо хувайдоси умрнинг
Зулму жафо сувайдоси умрнинг.*

Шоир эзгулик ва ёвузликни меҳр-муҳаббатга боғлаган ҳолда қофияларда тазод усулини қўлайди: хувайдо-равшанлик; сувайдо-қоронгулик. Кейинги мисраларда ҳам ғазалнавис ўша тамоийилни давом эттиради:

*Руҳи баланд ҳам хулқи хуш, дили пок,
Қилмас нидо, ким шайдоси умрнинг.
Кимки порсо азиз икки дунёси,
Анго якто ҳамд, сипоси умрнинг.
Ҳалол дўстлик садоқатдан оқибат,
Топгай раво ки адоси умрнинг.
Комил Аваз гар яшасанг ҳалол, пок,
Бўлгай раво муддаоси умрнинг.* (“Ўтаётган вақт”. 117-бет)

Ғазалнинг лирик қаҳрамони киёфасида юксак хулқ эгаси, маданияли ва маънавияти пок инсон сиймоси намоён бўлади. Ғазалнавис севги-муҳаббат ҳақида ёзар экан, унинг қўшиқбоп чиқиши учун энгил вазнларни танлайди, сажъ усулидаги ички қофияларга сўзларни жойлаб, ўйноқи мисралар кашф этади:

*Рухсори раъногул пари, оқишомда осмон хулқари
Эй бари гуллар сарвари, сан сан кўзимни жавҳари.*
- V - - - V - - - V - - - V - - -

Байт фоилотун рукнининг айнан такрорланиши асосида рамали мусаммани солим баҳрига тўғри келади. Арузнинг рамал баҳри қўшиқ оҳангига энг мос усуллардан бири бўлиб, елмоқ маъносини англатади. Ғазалнинг сўнгги байтларида лирик қаҳрамоннинг қалб нидолари таъсирчан мисраларга сингдирилган:

*Куйингда ман кўп куйларам, куйласам ҳам хўб куйларам,
Етгайми сенга куйларим, бўлмадимми ё таъсири.
Сани ўйлашдир ишларим, тонгга уланди кечларим,
Ҳолимни кўриб хешларим, кулмакка айланди бари.
Умр нечунким кам сийлов, бир кўриб қалбда олов,
Қолмиши ягона бежилов, ҳис-ҳаёжоним асплари.*

*Ишқдан бўлакни дил демас, токай яшар диққинафас,
Маъжур тутинг метин эмас, Комил Аваз асаблари,* (“Ўтаётган вақт”. 122-бет)

Ғазалдаги лирик қаҳрамон нутқини баён этар экан, шоир унинг қалбидаги изтиробли оҳангларни таъсирчан ва ўйноқи сўзлар орқали ифодага тортади. Лирик қаҳрамон севги бобидаги ҳаракатларидан уялгандай бўлади, чунки унинг аҳволи мажнунсифат бўлганлигидан “хешлари” кула бошлашган, натижада асаблари ўйнаб ҳоли паришон бўлган, асаблар эса метин эмас, шу боис у маъшуқадан илтифот ва мурувват талаб қилади.

Ғазалнавис муболағавий ифодаларнинг энг оригинал шакллари топишга ҳаракат қилган. “Бежилов ҳис-ҳаёжоним асплари” бирикмаси унинг гўзал кашфиёти бўлиб, ўқувчида завқ-шавқ уйғотади.

Комил Аваз ғазалларида миллий ўзликни англаш, миллий либос, миллий пардоз омихталигини улуғлаш ҳислари ҳамиша барқ уриб туради. У гўзал кизларни “қирқ ўрим соч”да, “атлас, шоҳи куйлақда” товланиб қадам ташлашларини орзу қилади:

*Жуфт ниятим бор юракда аста мендан сўрсалар,
Қиз-жувонлар сочини қирқ ўрим этиб ўрсалар.*

Шоҳи куйлақлар кийиб, гулгун ироқи таҳяда

Кўчаларни тўлдириб, саллониб хандон юрсалар.

Қиз-жувонларнинг қайсидир бир халқ қиёфасига кириб, турли-туман соч шаклларини “кўз-кўз” қилиб юрган ҳозирги шиддатли давримизда шоирнинг ушбу хитоби миллий ўзликка интизорликнинг бир кўринишидир. Шоир даъвати ушбу шиддатли оқимни тўхтата олмаса-да, қалбда иштиёқ, ҳавас уйғотади, томирларда жўш урган аждодлар қонидаги истакларни жунбишга келтиради.

Ғазалдаги ҳар бир байт қадимги қадриятларимизнинг бир лавҳасини кўз олдимизда жиллантиради. Шоир Наврўз байрами аргумчоқ учиш, терма, лапарлар ижро қилиш, қовуз чалиш каби қадимий маънавий-маъданий тадбирларнинг қайта амалга ошишини кўмсайди:

Куйлаган ҳилпиратиб, учиб аргумчоқ баҳсма-бас,

Қийқириб дил тафтини беқарор елга берсалар.

Сумалак оқшоми шодликдан юраклар ҳапқириб,

Кўнгил армонларин тўкиб, завқли терма терсалар.

Нағма соз мафтунда бир гуруҳ қавузчилар,

Тебратиб лабларини тилсим наво изласалар.

Шоирнинг қадимги қадриятларни тиклаш орзуси ҳам истиқлол неъматидир. Ушбу ғазал байтларидаги ҳар бир лавҳа ҳозирда ҳеч бўлмаганда Наврўз байрами кунлари намойиш этилмоқда. Шунинг ўзи бир бахт! Чунки тоталитар тузум даврида маданий-маиший урф-одатларимизнинг аксарияти таназзулга юз бурди, унутилиб кетди. Шоир ўз орзусининг яна бир асосий қисмини ғазал мактабсида беради:

Ва, ниҳоят, ниятим иккинчиси Комил Аваз,

Восил бўлгондин муродим мени шодон кўрсалар. (“Ўтаётган вақт”. 149-бет)

Ғазалнавис ўзининг ёр васлига етишиш онларини ҳам ўша қадриятлар оғушида амалга ошишини орзу қилади.

Ғазалда навбахор байрами лавҳалари-ишқ билан узвий боғлиқ ҳолда берилади. Чунки ёшлик, баҳор, севги ҳамиша бир-бирига ёндаш тушунчалардир.

Бинобарин, Комил Аваз ғазалларида ишқ-муҳаббат тушунчаси лирик қаҳрамоннинг маънавий поклигини намоеън қилишда асосий роль ўйнайди. Шоир севгини муқаддас билади унинг лирик қаҳрамони ахлоқий жиҳатдан барқарор, маънавий камолот томонидан юксак шахсдир. Унинг наздида муҳаббат, садоқат, маънавият ажралмас тушунчалардир.

Жумаева Нилуфар (Қарши ДУ) УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР ИЖОДИДА “ОНГ ОҚИМИ”

Аннотация. “Онг оқими” техникаси орқали ҳикоя воқеаларини сўзлаб бериши – бу йигирманчи асрда адабий тадқиқотлар ривожланиши ва натижаси ҳисобланади. “Онг оқими” – бу ёзувчи худди ўз образлари ҳаёлот ичидан туриб ёзгандек ҳис қиладиган техникадир. Гарчи ушбу техникадан фойдаланишининг шарафи Ж.Жойс ва В.Вульфга бориб тақалса-да, бу техника Фолкнер қалами орқали ўз чўққисига эришади.

Аннотация. Рассказывание историй с помощью техники «потока сознания» – это развитие и результат литературных исследований двадцатого века. «Поток сознания» – это техника, в которой писатель чувствует, что пишет изнутри воображения своих образов. Хотя честь использовать эту технику в большинстве принадлежит Дж.Джойсу и В.Вульф, эта техника достигает своего пика благодаря творчеству Фолкнера.

Annotation. Telling stories through the “stream of consciousness” technique is the development and result of literary research in the 20th century. “Stream of consciousness” is a technique in which the writer feels as if he is writing from within the imagination of his images. Although the honor of using this technique goes back to J. Joyce and W. Wolf, this technique reaches its peak through Faulkner’s pen.

Калим сўзлар: онг оқими, Америка, услуб, персонаж, роман, қаҳрамон, муқофот, йўналиш.

Ключевые слова: поток сознания, Америка, стиль, персонаж, роман, герой, награда, направление.

Key words: stream of consciousness, America, style, character, novel, hero, reward, direction.

Уильям Фолкнер ўзининг роман, қисса ва сценарийлари билан машҳур бўлган буюк инглиз ижодкори, Нобел муқофоти совриндори. У ўз образларини Америка жанубининг тарихи, оиласи, ирқи, синфи, жинси муносабатлари каби омилларга асосланиб яратди. Уильям Фолкнер, ўзининг

тажрибаларида кўп қўллаган “онг оқими” (the stream-of-consciousness)дан ҳикоя услубида фойдаланган. Жеймс Жойснинг “Улисс” (Ulysses. 1923), Дороти Ричардсоннинг “Зиёрат” (Pilgrimage, 1915–1938) ва Виржиния Вулфнинг “Маёқ сари” (To the Lighthouse, 1927) асарлари таъсирида Фолкнер ўз романларида онг оқими техникасини қўллаган ва адабиётнинг асосий танқидчилари буни “ички монолог” деб таърифлаган.

Амалдаги услубни ўрганиш потенциали асосан Фолкнер услубининг батафсил бўлинишига тўғри келади. Унинг ёрқин ҳикоя услубини талқин қилиши қийин кечади, чунки у ўз қаҳрамонларига берилган майдонда уларга тортишувларини, кечинмаларини намоён қилиш учун барчага баробар вазиятларни беради.

Романдаги марказий ҳақиқат, уларнинг макон ва замонидан қатъий назар, уларнинг атрофида айланади. Асарда ушбу услубнинг мохирона қўлланилганлиги китобхонларни романга боғлаб қўяди ва унинг ёрқинлиги яна-да муҳим кадриятларга эга бўлади.

Онг оқими – бу Уильям Жеймснинг “Психология асослари” (1890) асарида баён қилиш усуллари тавсифловчи ибора бўлиб, Фолкнер ўз қаҳрамонларининг айтилмаган фикрларини ўрганиш ва очиб бериш учун уни “онг оқими” деб номлаган ҳамда адабий техника сифатида фойдаланган. У ўқувчиларга ўз замонасининг энг яхши бадиий асарларини яратиб бериш учун ундан ҳаддан ташқари кўп фойдаланган.

Адабиётшуносликда онг оқими – бу ҳикоя қилиш услуби бўлиб, у персонажларнинг реакциялари билан боғлиқ ҳолда, ноаниқ ички монологда ёки қаҳрамонларнинг фикрлари жараёнини кузатиб боришнинг ёзма эквиваленти билан тасвирлашга интилади. Бу ички монологнинг махсус шакли бўлиб, кўпинча, матнни тушунишга ёки ўқувчилар томонидан таъқиб қилишни қийинлаштирадиган синтаксис, тиниш белгилари ва ҳикоя сюжетлари билан боғлиқлиги билан тавсифланади. Онг оқими ёзувчиларга учинчи шахснинг нутқи ва драматик монологи билан сахнага мурожат қилишларига имкон беради.

Бу атама Александр Бейн (Alexander Bain. 1818–1903) томонидан 1855 йилда ёзилган “Туйғулар ва ақл” (“The Senses and the Intellect”)нинг биринчи нашрида шундай деб ёзади: “Ҳиссиётларнинг бир умумий онг оқимида (бир хил мия трактида) бирлашиши турли хил ҳиссиётларга имкон беради, худди шу туйғу ҳиссиётлар каби осонлик билан боғланади”.¹ Бироқ онг оқимидан 1890 йилда фойдаланган Уильям Жеймс (William James) ўзининг “Психология тамойиллари”да: “...ҳеч нарса қўшилмайди; у оқади. “Дарё” ёки “оқим” бу метафора бўлиб, у энг табиий равишда тасвирланган. Бу ҳақда бундан кейин гапирганда, уни фикр, онг ёки субъектив ҳаёт оқими деб атаيمиз”.² 1918 йилда романнавис ёзувчи Май Синклер (May Sinclair. 1863–1946) уни бадиий контекстда биринчи марта ишлатган. У Дороти Ричардсон (Dorothy Richardson)нинг романларини муҳокама қилаётганида буни айтиб ўтган.

Адабиёт тарихида онг оқимидан фойдаланишнинг энг таниқли намунаси бу Жеймс Жойснинг “Улисс” (1922) романида Леополд ва Молли Блум ҳамда Стивен Дедалус каби қаҳрамонларнинг ички ҳолатини ўта мураккаб ҳолда ёдга тушириши ҳисобланади. Шунингдек, австриялик адиб Артур Шницлер (Arthur Schnitzler. 1862–1931) томонидан ёзилган “Лейтенант Густл” (Leutnant Gustl. 1901) романида Биринчи жаҳон урушидан олдинги Вена атмосферасини қайта тиклаш учун онг оқимидан фойдаланган. Бундан ташқари, олтига қаҳрамоннинг болалигидан кексаликка қадар ҳаётини ҳикоя қиладиган мураккаб роман бўлган Виржиния Вулфнинг “Тўлқинлар” (The Waves. 1931) ва, албатта, Уильям Фолкнернинг “Шовқин ва ғазаб” (The Sound and the Fury. 1929) романларида онг оқимидан жуда юқори даражада фойдаланилган. Онгни ҳикоя қилиш услубида ёзилган китобда ўқишни бошлаганингизда, у эркин ёзувга ўхшаб кўриниши мумкин. Бироқ, улар умуман, бошқача. Эркин ёзиш фаолияти – бу ижодкорликдаги тақиқларни олиб ташлаш техникаси, бепул ёзиш, ёзувчини махсулотни таҳрир қилмасдан ёки ташвишланмасдан сўзларни қоғозга туширишга ундайди, чунки уларнинг аксарияти жуда қизиқ бўлиши шарт эмас. Бошқа томондан, онг оқими, бу биров “тасодифий” таассурот қолдирган ҳолда, сайқалланган ва мақсадга мувофиқ ёзишни кўрсатади. Онг оқими техникасидан фойдаланган муаллифлар буни қаҳрамонни бир жойдан иккинчисига ички томондан йўналтириш ва шунчаки персонажнинг фикрларини хаёлларга бериб юбормаслик ниятида қилишади. Онг оқими персонажнинг ўз ҳаёти ҳақидаги ўйларида нозик

¹ <https://www.cambridge.org/core/journals/journal-of-mental-science/article/the-senses-and-the-intellect-by-alexander-bain-m-a-professor-of-logic-in-the-university-of-aberdeen-second-edition-london-longman-and-co-1864>, p. 646.

² James William. The Principles of Psychology, New York, Dover Publications, 1950, p. 239.

ва баъзан тез ўтишларига тўғридан-тўғри қарашни беради. Бу эса ўқувчи ва қаҳрамон ўртасидаги жуда яқин муносабатларни таъминлайди.

Уильям Фолкнер адабиётга йўқотилган авлоднинг бошқа вакиллари сингари Биринчи жаҳон урушидан кейин кириб келди. У онг техникаси оқимининг ўзига хос энг таъсирчан ёзувчиси бўлди. Унинг “Шовқин ва ғазаб” ва “Мен ўлаётганимда” романларида ушбу услубдан фойдаланганлиги, эҳтимол, биз ҳозиргача қўлга киритган энг муваффақиятли ва самарали қўлланилишидир.

Бошқа америкалик назариётчилар ҳам ушбу фикрга қўшилишади. Жозеф Рид (Joseph W. Reed)нинг фикрича, Фолкнернинг ҳикоя услуби “кучли ва ўзаро таъсирли” деб ҳисоблайди, яъни:

1. Қаҳрамонлар ўртасида. 2. Қаҳрамонлар ва ҳикоя қилувчи ўртасида. 3. Қаҳрамонлар, ҳикоя қилувчи ва китобхон ўртасида.¹

Унинг “Шовқин ва ғазаб” романи онг оқими ва умуман, барча модернистик санъат романининг ўзига хос классик намунаси ҳисобланади. Ҳофман Фолкнер бу романини яратишда “онг оқими” техникаси имкониятларидан ниҳоятда юксак даражада, ҳамда онг остидан энг моҳирона фойдаланишни топа олган дейди.²

Ушбу романга Уильям Фолкнернинг энг сара асарларидан бири сифатида қаралади. У инсон онгини, фикрлаш жараёнини тиклаш қобилияти учун мактовга сазовор бўлди. Бундан ташқари, онг оқимининг адабий техникасида муҳим ривожланиш сифатида қаралади. Адабиётдаги аҳамияти билан бир қаторда, фуқаролар уруши ва қайта тикланишдан кейинги Америка Жанубининг муҳим муаммоларини ёритиб берди.

Роман тўрт қисмга бўлинган – 1928 йилдаги Пасхадан уч кун олдин ва Пасха куни биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмда тасвирланган, иккинчи қисмда эса яна ортга қайтиб, 1910 йилдаги кун тасвирланган. Роман АҚШнинг жанубида яшовчи Компсонлар оиласининг барбод бўлиш тарихига бағишланган. Ушбу ажойиб асарнинг тўрт қисми турли хил қаҳрамонларга бағишланган: аввал, ривоят аҳмоқ Бенжидан, кейин унинг укаларидан, ниҳоят, муаллифнинг ўзи, у қора хизматчи Дилсей томонидан гапиради. Ушбу нуктаи назарнинг ўзгариши туфайли биз персонажларни шу қадар яқиндан биламизки, воқеалар ичида ўзимизни ҳис қила бошлаймиз ва ўз оиламиз аъзолари сифатида қаҳрамонларга ҳамдард бўламиз.

Оиланинг парчаланиши ва ўлими мавзуси жаҳон адабиётида янги эмас, ҳатто реалистик жанр учун анъанавийдир. Фолкнернинг анъанавий мавзуси очишдаги янгиликлари бадиий қарашнинг янгилигида, мураккаб, дискрет, хаотик ҳақиқатни етарлича акс эттира оладиган янги бадиий тилни яратишда, замонавий одамларнинг онг ости тубига қарашга уринишда ва баъзи руҳий ўзгаришларни акс эттиришидадир. “Шовқин ва ғазаб” романининг бадиий ўзига хослиги бир қатор инновацион техникани қўллаш билан боғлиқ. Жойсдан бошланган “онг оқими” услуби Фолкнер томонидан романда структурани шакллантириш принципи сифатида ҳам, психологизм имкониятларини кенгайтириш тарафидан ҳам жуда зўр ишлатилган.

Бундан ташқари, ёзувчи ўз романида танқидчилар “икки томонлама кўриш” деб атаган нарсани қўллаган, гарчи романда ишлатилган образ принципини “кўп ўлчовли” деб аташ тўғри бўлса-да. Ушбу тамойил шундан иборатки, бир хил вазиятлар ва қаҳрамонлар турли дунёқарашга, турли хил психологик муносабатларга эга бўлган кишиларга тегишли бўлган бир неча нуктаи назардан пайдо бўлади.

«Вақт – бу мавжуд бўлмаган суюқлик у одамларда синдирилган ҳолатдан бошқача эмас, “бўлди, бор эди”, деган нарса йўқ, фақат “бўлади, бор”, дея таъкидлаган Фолкнер.³ Бунинг қийинчилиги шундаки, илк “онг оқими”нинг ишлатилиши туғма аҳмоқ Бенжаминга тегишли. Фолкнернинг ақлдан озган одамлари ўзларининг дунёқарашларига эга. Муаллифининг концепцияси учун аҳамиятли бўлган Бенжи “овози” роман номи билан ҳам тасдиқланган.

Фолкнер XX аср адабиёти назм ва насрини жасоратли тажрибалари билан бойитди, бадиий матнда вақт категориясини турли нуктаи назарларни ғайриоддий синтези билан янги талқин қилишни таклиф қилди. Жозеф Уоррен Бич (Joseph Warren Beach. 1880–1957) шундай дейди: “Онг оқими – бу инглиз тилидаги замонавий бадиий адабиётга ўз изини қолдирган эпидемиядир. Ушбу номувофиклик одатдаги ва ғайритабиий руҳий ҳолатимизни тавсифлайди. Ҳофманнинг та-

¹ Reed Joseph W. Faulkner's Narrative. New Haven, Yale UP, 1973.

² Hoffman Frederick J. William Faulkner. 2nd ed. rev. New York, Twayne, 1966.

³ Stream of Consciousness, a Literary Technique in William Faulkner's Fictions Ms.M.Parvathi and Dr.P.K. Harinath.

бий бирлашиши ниҳоятда ғалати. Бизнинг психикамиз шу қадар номукамал, бирлаштирилган хотиралар, ҳислар ва импульслар тўпламидир, чунки баъзи бир ҳукмрон мотивлар томонидан қаттиқ назорат қилинмаса, у ҳар қандай ғайритабиий тақлифлар шафқати остида қолиши мумкин”.¹

Роман муаллифининг асосий қизиқиши ички монологдан фойдаланиш орқали ҳар бир ҳикоячининг муҳим шахсиятини очиб беришда ётади. Фолкнер бизни ҳикоячининг юраги ва хаёлига тил қудрати ва қамрови ичида бўлганидек яқинлаштиради. Фақатгина бу эмас, роман Компсон оиласининг ўтмиши ва бугунини таққослаш орқали тафаккур қадрини олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, романнинг муваффақияти Фолкнерга тегишли “онг оқими” техникасидан уддабуронлик билан фойдаланишда кўзга ташланади. Шу сабабли у Нобел мукофотига лойиқ топилади. Фолкнер биргина ана шу дурдона асари туфайли авлодлар томонидан ҳам ёдда тутилади.

Умарова Махлиё (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети докторанти, ф.ф.н., доцент)
ВАЛЬТЕР СКОТТНИНГ “АЙВЕНГО” АСАРИДА ТАРИХИЙЛИК ПРИНЦИПИ

***Аннотация.** Мазкур мақола Шотланд адабиётининг машҳур вакилларида бири жаҳон адабиётини тарихий роман жанри асосчиси деб тан олинган адиб Вальтер Скоттнинг ижодида тарихий романларнинг ўрнига бағишланади. Мақолада унинг “Айвенго” асарида тарихийлик масалаларига алоҳида аҳамият берилган.*

***Аннотация.** Статья посвящена значению исторических романов в творчестве Вальтера Скотта, одного из самых известных представителей шотландской литературы, признанного основоположником жанра исторических романов в мировой литературе. В статье особое внимание уделяется историческим вопросам в его произведении «Айвенго».*

***Annotation.** The article is dedicated to the significance of historical novels in the creation of one of the most famous representatives of Scottish literature Walter Scott who recognized as the founder of the genre of historical novels in the world literature. The special attention is paid to historical issues in his work “Ivanhoe”.*

***Калим сўзлар:** тарихий роман, миллий қахрамон, жамият манфаатлари, тарихий тақдир, давр колорити, тарихий шахс, давр тафсилоти, реал воқеа.*

***Ключевые слова:** исторический роман, национальный герой, общественный интерес, историческая судьба, колорит периода, историческая личность, описание периода, реальное событие.*

***Key words:** historical novel, national hero, public interest, historical fate, flavor of the period, historical personality, description of the period, real event.*

Жаҳон адабиётини ўзининг тарихий асарлари билан шуҳрат қозонган шотланд ёзувчиси Вальтер Скотт, ҳақиқат ривожда, тарихий романнинг яратувчиси ҳисобланади. Тарихийлик концепцияси, ўз даври учун инновацион, миллий ўтмиш ҳақидаги энциклопедик билим, давр колоритини қайта тиклаш қобиляти бундан ташқари, мамлакат учун тарихий саналган даврларда инсонлар тақдири тасвири, миллий характерга эга бўлиш, унда ахлоқий идеални топишга уриниш – буларнинг барчаси Скоттнинг асарларига ҳос хусусиятлардир. Скоттнинг эпик ҳикоя қилиш иқтидори унга муносиб халқаро эътирофга сазовор бўлди. Америка адабиётини, жанр нуқтаи назаридан, унга энг яқин бўлган ёзувчиси Жеймс Фенимор Купер эди. Шунингдек, америкалик ёзувчи Вашингтон Ирвинг бутун умри давомида Скотт ижодидан илҳомланиб, асарлар яратди. Ирвинг учун Скотт даҳо эди ва у билан замондош, суҳбатдош бўлишни у ўзи учун тақдирнинг совғаси деб биларди. 1858 йил октябрь ойида ёзувчининг оила даврасида ўтирган 75 ёшли Ирвинг “Унинг хонадониди ўтиришдек бахтга муяссар бўлишдан ортиқ бахтни умрим давомида ҳис қилмаганман”,² дея эътироф этади.

Скоттнинг тарихий романларининг ўзига хослиги унинг дунёқараши билан белгиланади. У консерватив қарашларга содиқ қолиб, Тори ҳукуматини қўллаб-қувватлаб, конституциявий монархия тарафдори эди. Ёзувчи халқнинг ҳақ-ҳуқуқли бўлишини маъқуллагани билан, инқилобий ўзга-

¹ Joseph Warren Beach. The Twentieth Century Novel, Studies in Technique (New York: Appleton-Century-Crofts, Inc), 517.

² Irving P.M. The Life and Letters of Washington Irving: by His Nephew, Pierre M. Irving P.M. Irving. New York, G.P.Putnam. 441 Broadway, 1864, V. IV, p. 261 (452 p).

риш уни чўчитар эди. У ҳақиқий тарихий романни яратиш шартларидан энг асосийси тарихий аниқлик деб билган. Шунингдек, тарихий асарларини яратиш давомида тарихий ёдгорликларни, хужжатларни, урф-одатларни, ўша давр кийим-кечакларини диққат билан ўрганиб чиқди. “Биз Вальтер Скотт тарихий романларини ўқир эканмиз, асардаги воқеа даври замондоши, ўша мамлакат фуқаросига айланамиз ва ҳар қандай воқеа ҳақида бизга берадиган нарсалардан кўра кўпроқ тўғри тушунчага эга бўламиз”, деб ёзади рус олими В.Г.Белинский.¹ Скоттнинг романларида асосий тасвир ҳаёт ва мўъжизалар эмас, балки тарихни ҳаракати ва ривожланишидир.

Вальтер Скоттнинг тарихий ретроспективи салиб юришлари билан боғлиқ. Уларда ёзувчи бошқа шахсларни ва жамоатчиликнинг ўзаро боғлиқлигини тарихий жараёнда кўриш ва кўрсатиш имконига эга бўлди. Унинг “Граф Роберт Парижский” ва “Тумор” романларидаги воқеалар айнан биринчи (1095–1099) ва учинчи (1189–1192) салиб юриш вақтига мос тушади. Ушбу асарларда кўплаб ҳақиқий тарихий шахслар: Византия императори Алексей Комнин, унинг аёли Ирина Дукина, уларнинг тўнғич қизлари Анна Комнин (“Граф Роберт Парижский” асарида); биринчи салиб юришлари қатнашчилари Шер юрак Ричард, Филипп Август II, Конрад Монсерратский, Эрцгерцог Леопольд (“Тумор” асарида) кабиларни кўришимиз мумкин. Ёзувчи ўзининг асарларида тасвирланган ҳақиқий тарихий шахсларнинг тақдирини йўқотиш ҳуқуқига эга эмас, лекин у ўзининг тасаввурида ҳаётга олиб келинган оддий одамларнинг тақдирини ҳал қилишда эркин фикр юритади. Муаллифнинг дастлабки ва иккинчи ҳаракати орасидаги тафовут йўқолгандан кейингина, уларни ҳукм қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Яхшилик устидан ғалаба қозониш ҳар доим ҳам муқаррар эмас, буни аниқ далиллар билан исботлаш учун Вальтер Скотт, хронологиядан бироз четлашиб, тафсилотларни қўшишга эришган.

Унинг “Айвенго” (1819) асарида тасвирлаган Ўрта асрларнинг “классик” сурати ҳозирда бир мунча эскирган бўлиши мумкин. Аммо бир вақтнинг ўзида ҳам ҳақиқатни очиб берган замонавийликдан фарқли ўларок, воқеалар тасвири ўша давр адабиётида ҳали учрамаган эди. Бу янги давр адабиёти учун бир кашфиёт эди. Аммо Скоттнинг тарихийлиги бу ташқи, эмпирик томон билан чекланиб қолмайди. Унинг ҳар бир романи маълум бир даврдаги тарихий жараённинг маълум бир концепциясига асосланган. Масалан, унинг “Айвенго” романининг кириш қисмида ёзувчи тарихий асарда тарихий ўтмишни қайта тиклаш учун эски ўша давр тилидан фойдаланиш зарурати йўқ деб ёзган. Бу билан асар муаллифи ўз даврининг вакили сифатида тарихни тасвирлаш кераклигини таъкидлайди ва Вальтер Скотт ўзи ҳам бунга доим риоя қилган.

“Айвенго” романи воқеалари XII аср охири, яъни ўрта асрларда Англияда феодал муносабатлар авж олган даврини тасвирлайди. Бир неча асрлар давомида Англия худудида истикомат қилиб келаётган англ-сакслар ва Англияни XI аср охирида забт этган норман феодаллари ўртасидаги уруш айнан шу асарда яққол ёритиб берилган. Қирол Ричарднинг феодалларга қарши уруши ҳам шу даврда бўлиб ўтган.² Романдаги конфликт, ягона марказлашган давлат ғоясини ўзида мужассам этган қирол ҳокимиятига қарши, мамлакатнинг сиёсий парчаланишини саклаб қолишдан манфаатдор бўлган кўзғолончи феодал зодагонлар курашига бориб тақалади. Ушбу конфликт Ўрта асрларга хосдир. Феодаллар давлат ва жамият манфаатларидан фарқли ўларок, ўзларининг шахсий ҳукмронликларини тасдиқлашга интилдилар. Қирол ҳокимияти эса ўша пайтда Ғарбда шаклланиб келаётган давлатларнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшган ва бу жамоат манфаатларига, шу жумладан, жамиятнинг эзилган қисми манфаатларини ўзида акс эттирди. Вальтер Скоттнинг талқинида марказлашган қирол ҳокимияти ғоясини олиб борувчи шер юрак қирол Ричард Робин Гуд ўқлари билан Фрон де Боеуф калъасига бостириб киради. Халқ феодалларга қарши қирол билан бирга курашиши ушбу эпизоднинг ғоявий маъносини англатади.³ Шунингдек, Вальтер Скотт Англиядаги қайта қуришнинг мураккаб даврини, тарқоқ феодал мулкларни ягона шодликка айлантириш жараёнларини маҳорат билан тасвирлаган.

“Айвенго”, шубҳасиз, Вальтер Скоттнинг энг яхши романлари сирасига киради. Ёзувчи ўз иқтидорини жуда кўп жиҳатдан айнан ушбу романда намоён этган. Асарда ёзувчининг ватани бўлган Шотландиянинг ачинарли тарихи ва унинг оғриқли тақдири тасвирланади. Рус олими Реизовнинг ёзишича: “Асарнинг бош қаҳрамони Айвенго характер жихатидан замонавийлаштирилган бўлиб, кўпроқ XIX аср одами эслатади. Ёзувчининг ўзи англ-сакслар тарафдори бўлганлиги ту-

¹ Белинский В.Г. Собрание сочинений в трех томах. Т. II, М., 1948, с. 136.

² Реизов Б.Г. Творчество Вальтера Скотта. М.–Л., “Художественная литература”, 1965, 497 с.

³ Скотт Вальтер. Собрание сочинений в двадцати томах. Т. VIII, М., 1962, с. 717.

файли асарда бадиий фантастика ёрдамида шохнинг, маҳаллий феодаллар ва оддий халқнинг бирлигини кўрсатишни хоҳлади. Муаллиф асардаги саксон қаҳрамонларини жасорат, ҳалоллик, зукколикка эга бўлган энг яхши хусусиятларини алоҳида тилга олади”.¹ Асар қаҳрамонларидан Седрик Сакс, Этельстан, Айвенго шулар жумласидандир. Асарнинг ижобий қаҳрамонлари норман жангчиларига қарши бўлишган. Норманлар ўзларининг умумий мақсадларига эришиш учун энг паст ва энг ёмон ишларга қодир жирканч ва виждонсиз одамлар сифатида тасвирланади. Уларнинг бу хислатлари асар қаҳрамонларидан бўлмиш Ровенанинг ўғирланиши, Ревеканинг қамоққа олиниши, яҳудий Ишокни қийноққа солиш каби сахналарида намоён бўлади. Норманд одатлари қурбони бўлган Урфриднинг фожиали тақдири ҳам шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси XII асрда, аниқроғи, 1190-йилларда, Ричард Шер юракнинг ҳукмронлигининг охирида содир бўлган.

Романда тарих қуйидаги методлар ёрдамида яратилган:

- 1) тўғридан-тўғри тарихий шарҳ;
- 2) даврнинг тафсилоти (ички макон, кийим, анъаналар);
- 3) тарихий белгилар мавжудлиги.

Асар воқеалари Салиб юришлар, рицар турнирлари, тамплирлар ордени, мерганлар мусобақаси, Саксон Ровенанинг норманлар томонидан ўғирланиши, Яҳудий Исоқнинг қийнови, Ревета устидан суд иши, ўрмон қароқчилари. Инглиз шоирлари Лорд Байрон ва Шелли 1891 йилдаги Англия воқеаларини шеърӣй тарзда ўз шеърларида, Вальтер Скотт эса “Айвенго” тарихий романи орқали баён қилдилар.

Вальтер Скотт – кўплаб оммавий тарихий сахналарни тасвирлашнинг жуда моҳир устасидир. Бошқа романларида бўлгани каби, “Айвенго” романида ҳам ёзувчи шахсий тақдирларни тасвирлашни тарихий ҳодисалар билан бирлаштиради, ажабланарли саргузашт ва тарихнинг реал воқеаларини жонли тасвирлайди. Ўрта асрда Англиядаги китобхонлардан йироқ бўлган одамларнинг хулқ-атвори, ишлари ва ғоялар характерли хусусиятларини катта бадиий маҳорат билан жонлантиради. Вальтер Скоттнинг бу асари кўп тарихий воқеаларни ўрганишга, тушунишга ва ҳис қилишга ёрдам беради.²

Скотт асарларидаги кўп қаҳрамонлар реал тарихий қаҳрамонлар прототипидир. Уларнинг айримлари ёзувчи ҳаётида учратган образлардир. Тадқиқитчи О.Ю.Клоснинг эътироф этишича, “Айвенго” романидаги Ребекка образи Вашингтон Ирвингнинг америкалик таниши Ребекка Грацдан илҳомланиб яратилган образдир. Яҳудий миллатига мансуб бўлган қиз Ребекка Вашингтон Ирвингнинг севгилиси бўлган Матильда Хофманнинг яқин дугонаси эди. Ўз ҳаётини муҳтожларга ёрдам беришга бағишлаган Ребекка Грацнинг ҳақиқий, ғайриоддий тақдири ҳақида америкалик яҳудийлар тарихи бўйича мутахассис Стивен Бирмингемнинг китобида батафсилроқ тасвирланган.³

Вальтер Скоттнинг “Айвенго” романининг воқеалар кечими - инглиз қироли Ричард I Плантагенет ҳукмронлигининг сўнгги йиллари (1189 – 1199)га тўғри келади. Англия тарихидан маълумки, Англия қироли бўлган Генрих II ва герцогиня Алиенора Аквитанскаянинг ўғли бўлган Ричард I жангларда кўрсатган жасорати учун “Richard the Lionherat” – “шерюрак Ричард” номини олган. Унинг ҳукмронлик йиллари 6 июль 1189 йилдан – 6 апрель 1199 гача бўлган даврни ўз ичига олади. Ричард I золим Генрих II ни тахтдан ағдаради. Франция қироли Филипп ва Алиенора Муқаддас черковнинг марҳамати билан ушбу исёни қўллаб-қувватлади. Тахтга ўтирган Ричард зудлик билан инглиз қўшини ва хазинасини олиб, салиб юришларига йўл олди. Шундай қилиб, Англияда юз йилдан зиёд вақт мобайнида “норман маданияти” ривожланди. Норманлар, айниқса, қўрғонларининг тош деворларини тарқ этишни хоҳламадилар. Улар анча вақтгача ўзларини ғалаба қозонилган мамлакатда ғолиб деб билишди ва қирол ҳокимиятига эмас, балки ўз кучларига таянишди. Нормандлар гарчи улар шохлик столида зиёфат қилиш ва қироллик байроғи остида жанг қилишга қарши бўлишмаса-да, қироллик армияси ва саройи каби янги тенденцияларни қабул қилишмади. Вальтер Скоттнинг “Айвенго” асарида айнан ўша давр воқеаларини жонли тарзда тасвирлашга муваффақ бўлади.

¹ Pope-Hennessy U. Sir Walter Scott. London, Home a. Van Thal, 1948, 101 p.

² Вальтер Скотт. Собрание сочинений в 20 томах. М., “Художественная литература”, 1960–1965, с. 79.

³http://elib.psu.by:8080/bitstream/123456789/548/1/Klos_2012-2-p28.pdf 06.09.2020(Birmingham, S. The grande-es: America’s Sephardic elite/S. Birmingham. Syracuse University Press, 1997, p. 176 – 182 (368 p).

Ўтмишни қайта тиклаб, тарихни баён этиш билан бир қаторда, Вальтер Скотт асардаги воқеалар ўз замонасидаги ҳодисаларга айнан ўхшаб қолишидан чўчийди ва бундан узоқроқ туради. У ўтмишни замонавийлик манбаи сифатида кўрсатиб, ушбу алоқани қайта тиклайди. У ўз замондошлари учун одатий масалаларни эмас, балки бугунги кунда юз бераётган воқеаларнинг асл сабабларини синчковлик билан аниқлайди. Вальтер Скоттнинг бадиий кашфиётининг моҳияти шундан иборатки, роман сюжети тарихий реал ва ҳаёлий персонажларни ўзаро боғлайди Скоттнинг ўқувчиси шуни англаши мумкинки, агар “шер юрак” Ричарднинг содиқ рицари Айвенго бўлмаганида тарих бошқа тарафга бурилиб кетиши мумкин эди. Айвенго бўлмаганида тарих ҳақиқатдан ҳам бошқа йўлни босиб ўтган бўларди. Скотт биринчи марта ўзи ўйлаб топган “ҳаёлий қахрамон”ни тарихий жараёнга киритди ва у буни бадиий жиҳатдан ишончли ва тарихий жиҳатдан оқлади. Вальтер Скоттнинг бадиий кашфиётлари XIX аср эстетик онгига, айниқса унинг биринчи ярмига катта таъсир кўрсатди. Шу билан бир қаторда, ёзувчи адабиётшуносликка янги тарихий жанрни олиб кирган дастлабки ёзувчи деб тан олинди.

Сабирова Насиба Эргашевна (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))
БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ СЎНГГИ ТАРАҚҚИЁТИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада сўз бахшичилик санъатининг сўнгги тараққиёти ҳақида боради. Шунингдек, ўзбек дostonчилигининг илдизлари жуда қадимга бориб тақалса ҳам, унинг муайян сифат ўзгаришига учраши XIX–XX асрга келиб, янги ўзбек эпосига асос солиниши хусусида маълумотлар келтирилган. Жумладан, мақолада Муҳаммад Раҳимхон I даврида дostonчиликнинг фалоллигини, бахшичилик санъати ривожланишининг алоҳида бир босқичга кўтарилганлигини рус олимларнинг тадқиқотлари асосида таҳлил қилиб ўтилган.*

***Аннотация.** В данной статье речь идёт о последних достижениях в искусстве бахшии. Сообщается также, что, хотя корни узбекской эпической поэзии уходят в глубь веков, она претерпела определенные качественные изменения в XIX–XX веках, когда был основан новый узбекский эпос. В частности, в статье анализируется деятельность эпической поэзии во времена Мухаммада Рахимхана I, развитие искусства бахшии на особом этапе на основе исследований российских ученых.*

***Annotation.** This article is about the latest developments in the art of giving. It is also reported that although the roots of Uzbek epic poetry go back to ancient times, it underwent a certain qualitative change in the 19th-20th centuries, when a new Uzbek epic was founded. In particular, the article analyzes the activity of epic poetry in the time of Muhammad Rahimkhan I, the development of the art of baxshi on a special stage on the basis of research by Russian scholars.*

***Калим сўзлар:** бахшичилик санъати, жиров-бахши, қисса-дoston, шоир, жиров, оқин, санныовчи, охун, соқи, созчи, “Бахши китоби”.*

***Ключевые слова:** искусство бахшии, джиров-бахши, рассказ-эпос, поэт, жиров, акин, санныовчи, ахун, соки, созчи, книга бахшии.*

***Key words:** the art of baxshi, jirov-baxshi, short story, poet, jirov, aqin, sannovchi, akhun, soqi, sozchi, “Bakhshi book”.*

Эпос халқ ижодиётида энг мураккаб жанр ҳисобланади. Шу сабабли уни фақат профессионал ижрочигина қуйлай олади. Бинобарин, дostonлар ўз ижрочиси билан тирикдир. Уларни халққа етказиш бахшилар зиммасига тушади. Эпосни қуйлаш, бахшилар ижроси ҳақида ёзма манбалар жуда кам. Эпосшунос Тўра Мирзаевнинг таъкидлашича, Хоразм бахшичилик санъати илдизлари ҳам жуда қадимийлик касб этади.¹ Айрим тадқиқотларда бу анъананинг милоддан аввалги 6–5-асрларда пайдо бўлганлиги қайд қилинади.² Бу даврларда, асосан, “Авесто”нинг “Яшт” китобидаги Худолар ва қахрамонларга бағишланган алқовлар, дostonлар қуйланган. X–XI асрларга келиб, Хоразм шоҳлар саройида машшоқлар, созанда ва гўяндалар жуда кўп бўлган.³

“Хоразм пойтахти Кўҳна Урганч шаҳридаги маъмур ва обод замонларда Чингизхон ҳарб қилмасдан бурун бу шаҳарда сокин бўлгон, одамларнинг аксарияти мусикийни ўзларина бир ху-

¹ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. Т., с. 41–43.

² Матёкубов Б. Хоразм дoston ижрочиличининг зарҳат саҳифалари. Урганч, “Хоразм”, 1999, 8-бет.

³ Рўзимбоев С. Халқ ижодининг ноёб дурдоналари. “Ошиқнома”, 6-китоб, Урганч, “Хоразм”, 2013, 4-бет.

нар ва касб иттихос қилғонлар. Мунинг орқасида ўз оилаларининг ўнгишиқларини таъмин этган дурлар. Ҳатто мазкур асарларнинг муболаға билан кўрсатганларига қараганда, ёлғиз Кўҳна Урганч шаҳринда дотор созина эшак (ҳаррак) йўниб сотиб, ўнгишиқларини шул хунарлари бирла ўтқарадурғон кишиларнинг миқдори бир мингга етишди”.¹

Ушбу сатрлар ривоятга ўхшаб кетса-да, унинг замирида катта ҳақиқат ётади. Санъат ривожланган жойда адабиёт, шу жумладан, дostonчилик ҳам тараққий этади. Албатта, Хоразм санъати Чингиз босқинидан сўнг тушқунликка юз тутди. Муҳаммад Раҳимхон I даврига келиб, саройда мақомчилар, машшоқларни тўплаш анъанаси давом этди. Саройда Ниёзжон хўжа, Маҳдумжон қози, Муҳаммаджон Сандикчи деган мақом усталари етишиб чикди.² Ўша даврдан бошлаб хон саройида бахши сақлаш анъанаси яна давом этди.

1819 йилда Хивага рус зобити Н.Н.Муравьев ташриф буюради. Хон саройидаги бахшилар ижроси билан танишади. У бахшилар шахси ҳақида конкрет маълумот бермаса-да, уларнинг ижроси ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни билдирган. Жумладан, у бахшилар ҳақида шундай ёзади: “Куйловчилар овозлари, тана ҳаракатлари билан ўзларидан олдин ўтган авлодларнинг эпчилликларини, кўркмасликларини ғайрат ҳамда жасоратларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар... уларнинг кўшиқлари айрим ҳолларда тун бўйи давом этади. Улар баланд ва хириллаган овоз билан куйлашади.”³ Н.Н.Муравьевнинг берган маълумотига қараганда, у тинглаган бахшиларнинг жирова эканлиги сезилиб туради. Чунки ўша даврда хонликни Кўрғирот сулоласига мансуб ўзбеклар бошқарган ва улар жирова-бахшиларни ўзбеклар тоифасидан танлаб саройга келтиришган. Улар ўша даврларда жирова ва бахши санъатини биргаликда кўшиб давом эттиришган, кўбизда ҳам, доторда ҳам дoston кўшиқларини ижро этишган. Муравьев жирова ижросини тинглаган бўлса керакки, бахшиларнинг “баланд ва хириллаган овозда” куйлаганликларини айтиб ўтади. Н.Н.Муравьев хон саройида бўлиб, мақомчилар, турли хонандаларни ҳам тинглаган. Шу сабабли ўз асарида хиваликларнинг мусиқани жуда севишларини ва кадрлашларини, хонандалар кўшиқ матнларига алоҳида эътибор билан қараб, уларни энг талантли шоирлар ижодидан танлаб олишларини ёзиб қолдирган.⁴

Айниқса, дoston куйлаган бахшилар унда яхши таассурот қолдирган. Шу сабабли ижрочиларнинг мусиқа асбоблари хусусида ҳам айрим маълумотларни келтирган: “Уларнинг мусиқа асбоби икки торли балалайкадан иборат бўлиб, ярим ой шаклидаги қутига ўхшаб кетади. Уни нохун ёки қаламча билан чалишади. Улардаги яна бир чолғу асбоби тўрт торли, ниҳоятда ёқимсиз товуш чиқарадиган асбоб бўлиб, пастдан чикқан ўқини ерга тираб, скрипкага ўхшаб чалинади”. Рус миссионерининг тасвирига қараганда, биринчи чолғу асбоби танбур, иккинчиси эса кўбиздир. Демак, ўша пайтларда хон саройида кўбиз чалиб дoston куйлайдиган бахшилар бир эмас, бир неча бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I даврида дostonчиликнинг фаоллигини Муравьевнинг яна бир ёзувидан билиш мумкин. У Хивага келишда мамлакатнинг ғарбидаги “Шоҳсанам қальаси”га дуч келади ва маҳаллий аҳолидан ушбу жой ҳақидаги афсонани ёзиб олади. Унинг ёзиб олган тафсилотлари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг сюжетига мос келади. Унда Ғарибнинг етти йил дарбадар кезиши, онасининг кўр бўлиб қолиши, Шоҳсанамнинг тўйи устига келиши, ўз севгилисининг висолига етиши каби воқеалар тасвирланган бўлиб, ҳозирги сюжетдан бирмунча фарқ қилади. Албатта, давр ўтиши, ижтимоий тузум ўзгариши билан дoston воқеалари ҳам ўзгариши мумкин. Энг асосийси, дoston бор жойда бахши ҳам бўлади. Демак ўша даврда мазкур дoston талантли бахшилар томонидан ижро қилиб юрилган. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг Хоразмда машҳур бўлганлигини Муравьевнинг ушбу эсдаликлари яни бир бор исботлайди.

Хоразм бахшилари ҳақида айрим қайдлар Ҳ.Вамбери асарларида ҳам кўзга ташланади. Бироқ шарқшунос олим бирорта конкрет бахши ҳақида маълумот бермасдан, улар ҳақида юзаки тарзда сўз юритади. Масалан, У шундай ёзади: “...мазкур хрестоматияда, асосан, бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима қилган шимолий турк халқларининг барчасига таниш, улар севган, уларнинг тили, фикри ва ўйларини акс эттирувчи материаллар бор... Улар ўзбек халқи ва уларнинг хонликлари билан кўшни яшовчи кирғизлар орасида кенг тарқалган

¹ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқа тарихчиси. Т., “Ёзувчи”, 1998, 7-бет.

² Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Кўрсатилган асар. 7–8-бетлар.

³ Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819–1820. М., 1822, 122-бет.

⁴ Муравьев Н. Кўрсатилган асар. 131-бет.

ва ҳамма жойда дутор ёки қўбиз жўрлигида бир хил куйланади.¹ Ҳ.Вамбери хрестоматия китоби-га ёзган ушбу сўз бошисидаги фикрлари илмий жамоатчилик учун ниҳоятда қимматли бўлиши билан бирга, олимнинг айрим фикрларини тузатиб ўтишга тўғри келади. Чунончи, ушбу сўз бошида олим бахшилар ҳақида сўз юритиб, “бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима қилган... материаллар” деган иборани ишлатдики, бу фикр унинг ўзбек бахшилари ҳақида тўла тасаввурга бориб етмаганини кўрсатади. Негаки, энг аввало, бахшилар халқ ижодиётига мансуб бўлган терма ва дostonларни ижро қилишади. Уларнинг репертуаридаги асарлар, асосан, Устоздан шогирдга ўтади. Улар дostonни қардош халқлар бахшилари репертуаридан олганда ҳам, Ҳ.Вамбери айтгандай, “таржима қилиб” эмас, балки ижодий қайта ишлаш орқали ўзлаштирадilar. Шунингдек, унинг ўзбеклар орасида тарқалган дostonлар қўшни қирғиз ва бошқа халқлар орасида бир хил куйланади, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки дутор жўрлигида дoston куйлаш билан қўбиз жўрлигидаги ижро бир-биридан кескин фарқланади. Демак, Ҳ.Вамбери Хоразм дoston ижрочилари ҳақида сўз юритса-да, мазкур анъана ҳақида тўла илмий тавсиф бера олмаган. Бирок унинг қўнғиротлик Мулла Исҳоқ билан қўлёзма дostonлар тўплаши, “Бахши китоблари” ҳақида маълумот бериши, қўплаб дostonларни Ғарб китобхоналарига таржима орқали етказгани муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Ҳерман Вамбери Хивага келган даврда хонлик бўҳрон гирдобиди қолган, маданий-маърифий ишлар ривожини сустралашган эди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида тараққиёт сари юзланган санъат ва адабиёт Муҳаммад Аминхон даврига келиб яна-да ривожланиш босқичига кўтарилди. Бахшичилик, қиссахонлик фаоллашди. Мақом санъати эса гуллаб-яшнади. Уста Худойберган этикчи, ундан Паҳлавонниёз Мирзобоши Комиллар Шашмақом ниғмаларини тўла ўзлаштириб олишади. Бу мақом усталарининг обрўси шу қадар ёйиладики, ҳатто Қўқон хони Муҳаммад Умархон сарой созандаларига мақом ўргатиш учун Хивадан Худойберган этикчини ўз саройига чақиртириб олади. Кейинги ҳукмдор Мадалихон эса Худойберган устознинг маслаҳати билан унинг шогирдлари Солиҳбек ва Мўминбекларни ҳам Қўқонга олдиради ва бу санъаткорлар ўша жойда муқим бўлиб қолишади.

Бинобарин, Муҳаммад Аминхон давридаги маданий ҳаётнинг юксалиши бахшичилик санъатига ҳам ижобий таъсир ўтказганлиги, табиий. Аммо Муҳаммад Аминхоннинг фожиали ўлимидан сўнг хонликда юксалаётган маданий-маърифий ҳаёт тушкунликка юз тута бошлади. Кейинги Хива хонлиги тахтига ўтирган Абдуллахон ва Қутлимуродхонларнинг ҳар иккаласи 6 ойдан тахтада ўтириб, фожиали тарзда ҳалок бўлишди. 1855 йилда тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон даврида маданий ҳаёт яна изга туша бошлади. Хоннинг ўзи ҳам мусиқага иштиёқ қўйган бўлиб, дутор, ғижжак каби созларни усталик билан чалиш қобилятига эга эди. Шу сабабли саройга яна санъаткорларни, хос бахшиларни йиға бошлади. Бирок адабиёт, санъат илгарига авжда давом этиши қийин эди. Бу даврда китобхонлик негизида қиссахонлик муайян даражада ривожланди. Худди шу даврда воҳага Ҳерман Вамбери ташриф буюрган эди. Уни Саййид Муҳаммадхон яхши кутиб олиб, хонлик худудида бемалол юришга руҳсат берди. Ҳ.Вамбери юқорида қайд қилганимиз мулла Исҳоқ билан хонлик худудида юриб, дostonлар йиға бошлайдилар. Улар Амударё орқали Қўнғирот шаҳрига йўл олишади. Қўнғирот яқинига келганда, зиёлилар билан суҳбатлашиб, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг насрий баёнини ёзиб олишади. Мулла Исҳоқнинг қуйидаги шеърий парчалари уларнинг бахши ва қиссахонлар билан учрашиб, катта материаллар тўплаганликларини исботлайди.

*Насиб тортиб, бизлар бу эла келдик,
Элу халқнинг иззат-ҳурматин кўрдик,
Қисса, дoston йиғнаб, уйга жўнадик,
Бизларни сийлади Мўйтан элинда.*

*Сафарда йўлдошим бул Рашид ҳожси,
Анинг Қўнғиротда битди муҳтожси,
Пайтонга юк бўлди китоблар, важи,
Қисса, дoston совға қилганлар, хўш энди.²*

Ушбу тўртликлардаги “қисса-дoston” сўзларига разм солинса, ўша даврда китобат қилинган қисса-дostonларнинг ниҳоятда қўплигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Ҳ.Вамберининг “Чигатой

¹ Вамбери Ҳ. Чигатой тили дарслиги. Лейпциг, 1867, 43-бет.

² Рўзимбоев С. Мулла Исҳоқ. Урганч, УрДУ, 2005, 58-бет.

тили дарслиги” асари таркибига кирган фольклор намуналари айниқса, қимматлидир. Унинг “Хрестоматия” қисмига биринчи марта “Юсуф Аҳмад”, “Ойсанам-Шоҳсанам”, “Хурлиқо-Ҳамро”, “Ошиқ Ойдин”, “Хирмондали” каби Хоразм дostonлари киритилган. Мазкур асарга киритилган “Бахши китоби” бизга ўша даврдаги дoston-ижрочилари ҳақида муайян даражада маълумотлар бера олади. Бу ҳақда Вамберининг ўзи шундай ёзади: “У ўзига хос шеърлар тўплами бўлиб, ўргатувчи шогирд-бахшиларнинг ёнида олиб юриладиган кичик китобчадир. Бу тўпландаги шеърларнинг мазмуни аудиторияга, эл-улус дидига, савиясига қараб ўзгаришга учраб туради. Лозим пайтда бахшилар унга ўзгартишлар киритиб қўйлашади. Менинг қўлимдаги нусха энг оммавий, ҳаммага тушунарли шеърлардан ташкил топган. Уларни мен ўзбеклар ва туркманлар орасида кўп тингладим. Бироқ бу шеърлар услуб жиҳатдан содда бўлса-да, уларни кўпчилик киши билмайди. Шу сабабли улар ашула ёки декламация тарзида айтилиши нуктаи назаридан Ғарбий Осиё халқларига нотанишдир. Ижро оҳангига қараганда, уларнинг эронийлар ижодидан олинганлик эҳтимоли бор. Аммо ҳозирда Эронда қуйланадиган қўшиқларга уларнинг алоқаси йўқ”. Ҳ.Вамберининг “Бахши китоби”га берган ушбу тавсифи ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Чунки Хоразм бахшиларида кейинги даврларда ҳам дoston ва қўшиқ матнларидан иборат махсус қўлёзмалар бўлган. Муҳаммад Раҳимхон – Феруз даврига келиб, дoston матнларини ўзгартирмасдан ижро қилиш ҳақида фармойиш берилган. Ҳатто бир куни Ферузхон Суяв бахшига “Тўрўғли” дostonини қуйлашни буюрган ва ўзи дostonнинг китоб қилинган шаклига қараб ўтирган. Суяв бахши бирорта сўзда ҳам янглишмай, “имтиҳон”дан муваффақиятли ўтган.¹

Ҳ.Вамберининг “Бахши китоби”даги “декламация” шаклидаги ижро ҳақида маълумот бериб, бу усул Хоразмга Эрондан ўтган, деган фарази ҳам қизиқиш туғдиради. Бу ерда Ҳ.Вамбери ижрочиларнинг қироат оҳангида ўқилган шеърларни назарда тутган. Венгер олими “декламация” тарзидаги ижрони қиссаҳонлар орқали тинглаган бўлса керак. Чунки илгариги даврларда шеърӣ асарлар тўла равишда қироат билан қўшиқ оҳангида ижро этилган. Бунинг асосий сабабларидан бири “Ибтидий даврнинг вокал мусиқаси ритм ва речитативдан иборат бўлган. Куй эса анча кейинроқ пайдо бўлган.

Маълумки, бахшичилик санъатида анъанавийлик барқарор сақланиб келган. Шу сабабли қироатхонлик XX аср бошларигача ўз кучини йўқотмаган. Қироатхонлик халқалар ижросида ҳалигача давом этиб келмоқда. Хуллас, Вамберининг нигоҳи тушган “Бахши китоби” фақат Хоразм бахши, халфа ва қиссаҳонларигагина хос бўлган алоҳида бир анъанадир. Ҳ.Вамбери “Бахши китоби”даги бир қанча шеърларни “Хрестоматия”сига киритган. Унда “Санобар” дostonидан олинган 5 бандлик шеърӣ парча бор. Бу тўртликлар дostonнинг бизгача етиб келган қўлёзма вариантыдаги муқобилига солиштирганда жузъий ўзгаришларгина кўзга ташланади. Чунки ёзма нусхалар орқали етиб келган дoston матнлари барқарор сақланиш хусусиятига эга. Фақат уларни қайта қўчирган котиб ёки хаттотлар матнга айрим ўзгаришлар киритганини кузатиш мумкин. “Бахши китоби”да “Ойсанам-Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин”, “Хурилиқо-Ҳамро”, “Темим саҳоба”, “Кўрўғли”, “Хирмондали”, “Зарқум шоҳ”, “Юсуф Аҳмад” ва бошқа қатор дostonлардан парчалар берилган.

Бизга маълум бўлган “Авесто” шаклланиб, унинг гоҳлари мутахассис қоҳинлар томонидан ижро этилган. Улар эзгу ғояларни ишонтириш усули билан оммага етказишган. Қоҳинлар шомонларнинг дастлабки кўринишларидир. Қоҳин ва шомонлар қадимданок илоҳий шахслар сифатида тасаввур қилинган. Уларга кўп ҳолларда ақл-идроқ, талант тушида ато этилган. Хоразмда тарқалган парихон-пўрхонлар ҳам шомонларнинг бир кўринишидир. Шомонлик эса бахшичилик санъатининг шаклланишида дастлабки босқичлардан ҳисобланади. Соз ва сўз устаси бўлган бахшиларда, дастлаб, табиблик, афсунгарлик касблари ҳам синтезлашган. Ҳатто Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам “қўшқочлик” вазифасини бажарган. Алишер Навоӣ яшаган даврда бахши атамаси котиб, мирзо маъноларида ҳам қўлланган. Бу атаманинг Республиканинг турли ҳудудларида “шоир”, “жиров”, “оқин”, “санновчи”, “оҳун”, “соқи”, “созчи” тарзида қўлланилиши ҳам унинг синкретик маънога эғалиги билан изоҳланади. Бахши атамасининг келиб чиқишида турли фикрлар мавжуд бўлиб, В.В.Бартольд уни санскритча “бҳикшу” сўзидан келиб чиққанлигини таъкидлайди. А.Н. Самойлович ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди ва бу сўз негизида “муаллим” маъноси мавжудлигини тасдиқлайди.

¹ Айымбетов Қ. Халық даналығы. Нөкис, “Қарақалпақстан”, 1988, 132-бет.

Исматова Шахноза Мирахматовна
 (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллар университети таянч докторанти)
ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮТУҚЛАРИНИ БАҲОЛАШДА БАЛЛ-РЕЙТИНГ ТИЗИМИ
КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

***Аннотация.** Мақоланинг асосий мазмуни таълим жараёнини ташкил этишининг асоси модулли ўқитиш технологиялари бўлиб, у кредит-модуль тизимига асослангандир. Ушбу модель доирасида талабаларнинг таълим фаолияти натижаларини ҳар томонлама дифференциал баҳолаш учун балл-рейтинг тизими (БРС) қўлланилади, улардан фойдаланиш талабаларнинг ютуқларини баҳолашнинг объективлигини оширишга, талаба томонидан ҳар бир фан учун маълум стандарт ва дастурнинг қай даражада ўзлаштирилганини аниқлашга, талабаларнинг мотивацияси ва уларнинг фаолиятини кучайтиришга ёрдам беради.*

***Аннотация.** В статье подчеркивается важность основы организации учебного процесса по модульным технологиям обучения, в основе которых лежит кредитно-модульная система. В этой модели используется балльно-рейтинговая система (БРС) оценок для всесторонней дифференциации результатов обучения учащихся, которая используется для повышения объективности оценки достижений учащихся, определения того, насколько хорошо учащийся усвоил определенный стандарт и программу по каждому предмету, а также для мотивации учащихся и поможет в их успеваемости.*

***Annotation.** The main content of the article is the basis of the organization of the educational process modular learning technologies, which are based on the credit module system. This model uses a point-rating system (BRS) to comprehensively differentiate student learning outcomes, which is used to increase the objectivity of student achievement assessment, to determine how well a student has mastered a particular standard and program for each subject, and to motivate students and their academic achievements.*

***Калим сўлар:** кредит, модуль, тизим, балл, рейтинг, шкала.*

***Ключевые слова:** кредит, модуль, система, балл, рейтинг, шкала.*

***Key words:** credit, module, system, score, rating, scale.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий ва таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра, мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган.¹ Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча ОТМлар кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашдан дарак беради.

Кредит-модуль тизимининг ўқув жараёнига жорий этилиши таълим олиш хусусиятини сезиларли даражада ўзгартиради ва Ўзбекистон таълим тизимини халқаро миқёсида ҳамкорлигини яна-да очиқ қилади. Бу тизим талабанинг ўқув жараёнидаги фаоллигини ошириб, унга таълим объекти сифатида эмас, балки, шу тизим билан бевосита боғлиқлигини кўрсатиб туради. Кредит-модуль тизими талабаларга анъанавий ўқитиш усулидидаги мажбурий фанлардан ташқари, қизиқишга қараб ўқув дастур тузилиши имконини беради.

Кредит-модуль тизимининг таркибий қисмларидан бири бу, талабаларнинг таълим ютуқларини баҳолаш учун кенг маънода ишлатиладиган балл-рейтинг тизимидир. Талаба томонидан ҳар бир фаннинг ривожланишини назорат қилиш балл-рейтинг тизими (БРТ), шу жумладан, маълум муддатли ва жорий аттестациядан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Баҳолаш ахборот тизимининг намоёнидир. Ушбу тизим талабанинг баҳосини сақлаш, қайта тиклаш ва олиш каби жарёнларни ўз ичига олади. Қўшимча равишда шуни яна таъкидлаб ўтиш керакки, баҳолаш объектив ва адолатли бўлиши керак. Таълим соҳасида иш юритиб келаётган барча ўқитувчилар, профессорлар талабалар билимини баҳолаш билан боғлиқ саволлар ўртасида, кўпинча низолар келиб чиқади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. 1-илова, 9-банд.

Талаба билимини баҳолашнинг тархий шартлари Квинтилиананинг ”риторик мактаби” (I–II асрлар), В.де Филтер мактабида (XIV–XV асрлар) “кувонч уйи” номи остида, “чех биродарлар” мактабида Я.А.Коменский (XVI–XVII асрлар), Песталлоци мактабида (XVIII–XI–X асрлар), Дис-тервега (XIX аср) ўқитувчилик фаолияти давомиди, Л.Н.Яснополян мактабида, Толстой (XIX–XX асрлар) ”тиник ҳаёт” мактабида, С.Т.Шацкий томонидан ташкил этилган бўлиб, А.С. Макаренко раҳбарлигидаги болалар колонияларида, В.А.Сухомлинский бошчилигидаги Павлик мактабида кузатилади.¹

XVIII асрнинг иккинчи ярмида педагогик йўналиш авж олиб борарди, болаларни қатъий ушаш ва уларни кўрқув билан ўргатишга ишонадиган йўналиш тарафдорлари – бу ўспиринларни тарбиялашнинг энг ишончли усули деб билишган.² Ўрта асрларда, айнан, шу мак-абларда баҳолаш балл тизими таълим олувчиларга жамоатчилик таъсирини ошириш усули сифатида (биринчи навбатда ота-оналарни) жорий этилган. XVIII асрда Германия, айнан шу ерда 12 балли баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилиб педагогик янгиликларни таъминловчи “инкубатори” ҳисобланган ва Европада педагогик фикрнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Унинг шаклланишида атоқли филантроп ўқитувчиси Иоганн-Бернард Базедов (1724–1790) асосий роль тутганлиги – 1774 йилда биринчи тубдан янги таълим муассасаси-филантропин кашф этган, бунда ўқувчиларни рағбатлантиришнинг қуйидаги тизими қўлланилди: доскада талабала фамилиясининг тўғрисида, муваффақият ва тегишли имтиёзлар сонлар аниқланадиган нуқта қўйилди. Ўқувчи ҳар қандай олган белги учун маълум миқдордаги рақамлар ёки ширинликлар билан тақдирланган. Баллар сони ўн иккита билан чекланган эди. Кейинчалик, нуқталар рақамлар билан сифатига қараб алоҳида жавоб учун ҳам белгиланади. Базедов ғояларининг таъсири Германиянинг узок ташқарисида ҳам сезилар эди.

Таснифларга таянган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, талабаларнинг ютуқларини фақатгина билмига эмас, балки кўникма ва малакаларига изоҳ берган ҳолда баҳолашиб келинган. Келтирилган тарихий маълумотларнинг барчаси баҳолаш турлари қадимдан мавжуд бўлган ва кенг тарқалганлигидан далолат беради. Бу даврларда ҳам рақобатбардош, истеъдодли, қобилиятли, малакали, зеҳни ўткир етук мутахассисларни тарбиялаш мақсади сари олға сурилган.

Балли тизим тарафдорларининг фикрини инобатга олган ҳолда, талабаларнинг эришган ютуқларини баҳолашда мотивация ва рағбатлантириш омиллари ижобий белгиси тусга киради. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш натижасида уларнинг хулқ-атворида ҳам ижобий фаол таъсир қилади ва мустақил таълим олишига ундайди. Биринчиси анъанавий усул бўлиб, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўқув жараёнида эришган ютуқлари балл ёрдамида баҳоланади. Ҳар бир бажарган вазифаси учун баҳоланади. Иккинчи ёндашув ҳақида гапирилар экан, унда талабаларнинг шахсий ривожланишини назорати ҳисобга олган ҳолда, мустақил ўқув жараёнига тарғиб қилиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, талабаларнинг ўқув жараёнидаги муваффақиятларини баҳолаш учун ушбу модулли рейтинг тизимининг қуйидаги афзалликлари мавжуд бўлиб, тизимда “аълочи”, “иккичи” талабалар йўқ, аммо ўқув натижаларига кўра, биринчи, иккинчи, ўнинчи даражали талабалар мавжуд; талабаларнинг ўзлари ўзларининг балларини аниқлаб, ўқув натижаларини баҳолашлари мумкин; таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини кузатиб бориш мумкин; ўқув дастурини тарғиб қилишнинг индивидуал тўлқинини пайдо қилиб, бу тизим билимларни ўзлаштиришнинг парчаланишини йўқ қилади ва талабаларни курсда мунтазам ишлашга ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли ”Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уланинг мамлакатда амалга ошираётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган ”Олий таълим муассасаларида талабалар би-

¹ Ниязова А.М. Научно-методические основы современной системы оценки учебных достижений учащихся общеобразовательных школ (на примере предметов русский язык и литература). Дисс. ...кан.пед. наук, Бишкек, 2018, 13 с.

² Лещинский В.И., Мозгарев Л.В., Неделина С.В., Седова Е.Е. Краткий справочник по курсу «История образования и педагогической мысли». М., 2004 г. Теория обучения: учеб.пособие для студ.высш.учеб. заведений. И.П.Андриади С.Н. Ромашова С.Ю.Темина Е.Б. Куракина; под ред. И.П.Андриади, М., издательский центр «Академия», 2010, с. 189–191.

лимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида“ги низомга асосан, олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.¹

Талабаларнинг оралиқ назорат бўйича ўзлаштирган баллари куйидаги жадвал асосида кредит балларга ва ҳарфли тизимга ўгирилади.

Ҳарфли тизимдаги баҳо	Балларнинг рақамли эквиваленти	Фоиз кўрсаткичи	Анъанавий усулдаги баҳо
A	4,0	95–100	Аъло
A-	3,67	90–94	
B+	3,33	85–89	
B	3,0	80–84	Яхши
B-	2,67	75–79	
C+	2,33	70–74	
C	2,0	65–69	Қониқарли
C-	1,67	60–64	
D+	1,33	55–59	Қониқарсиз
D	1,0	50–54	
F	0	0–49	

Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларда талабалар билимлари турли йўллар билан баҳоланмоқда. Англия ва Польшада – олти балли тизим, Францияда – йигирма балли, Молдова ва Украина – ўн икки, Беларуссия ва Латвияда – ўн балли, АҚШ – юз баллидир.

Амалий жиҳатдан назар ташланадиган бўлсак, ўн балли тизим анъанавий беш балли “плюс“ ёки ”минус“ томонлари билан унчалик фарқланмайди. У кўпроқ дифференциаллашган бўлиб, ҳар бир баллнинг вазибаларни бажариш даражасига қараб тавсифлашнинг мувофиқлигидадир. Аниқ балл шкаласининг ўлчовлар таркиби таълим стандартлари ва ишчи фан дастурларининг талабларига қараб белгиланади. Бундай тизимни бошқа даражадиги шкала билан мослаштириш қийин эмасдир

Баллар рейтинг тизимининг асосий мақсади ҳар бир фан ва умуман ўқув дастурининг кредит бирликларига ўлчанадиган мураккаблиги билан балл ва рейтинг орқали талабаларнинг академик фанларни ўзлаштиришдаги муваффақияти ва сифатини аниқлашдир.

Балли-рейтинг баҳолаш тизими. Талабалар билимини рейтингли баҳолаш – бу тизим, аниқлаб билиш нуқтаи назаридан тўплашга ўтишни таъминлаб, барча турдаги ўқув фаолияти натижалари интеграл баҳога асосланиб, ўқув режасида кўзга тутилган ва куйидагилардан иборатдир:

- ўқув дастури фанларини ўзлаштириш;
- барча турдаги амалиётларни ўтказиш;
- битирув малакавий ишларини бажариш ва ҳимоя қилиш.

Рейтинг тизимининг кўп баллик бўлиши зарурий шартларидан бир бўлиб, талабаларнинг фаоллигини рейтингли баҳолаши объектив шароитларга имкон беради.

Турли хил олимларнинг фикр юритишлари ва изланишларини инобатга олган ҳолда, хулоса қилиб куйидагиларни келтиришимиз мақсадга мувофиқ. Билим, кўникма ва малакаларни балл-рейтинг тизимида ишни баҳолашнинг етакчи воситаси эканлигига асосланилди. Айнан балл-рейтинг тизимида талабаларнинг ўқув фанларидаги муваффақиятини балл ва рейтинглари орқали ўзлаштириши аниқланиб, ҳар бир фан ва ўқув дастурининг меҳнат мушкуллигига қараб кредит бирликлар билан ўлчанилади. Қўшимча қилиб айтилганда, баҳолашнинг балл-рейтинг технологияси талабаларга йўналтирилган таълим бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг дифференциацияси мақсадида талабаларнинг мунтазам ва самарали ишларини рағбатлантириб, ижодкорлик қобилиятларини очиқ бериш йўлида фойдаланилади. Таълим бериш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни балл-рейтинг тизимида баҳолашнинг объективлиги ва ишончлигини ошириш учун мўлжаллангандир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга ошираётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ПҚ-3775-сонли қарори. 2018 йил 5 июнь.

**Жуманазаров Умид Умрзокович (ЖДПИ, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))
“ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ” МОБИЛЬ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада таълимни рақамлаштириши муҳитига мобиль ва ахборот технологияларни жорий қилиши, мобиль қурилмалардан самарали фойдаланишнинг етакчи қурилмалари ва улар бажарадиган функционал вазифалар, модели тизимга ўтишнинг мақсадлари, шунингдек, замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг истиқболлари ҳақида сўз юритилган.

Аннотация. В данной статье речь идёт о внедрении в цифровую образовательную среду мобильных и информационных технологий, функциональных задачах ведущих мобильных сооружений, их эффективном использовании, задачах перехода к системе моделей, о приоритетах использования цифровых технологий в современной системе образования.

Annotation. This article discusses the introduction of mobile and information technologies in the digital environment of education, the leading devices for effective use of mobile devices and the functional functions they perform, the objectives of the transition to a model system, as well as prospects for digital technology in modern education.

Калим сўзлар: “таълимни рақамлаштириши”, мобиль таълим, “рақамли таълим”, таълимда интеграция тамойили, “рақамли технологиялар”, миллий таълим, ахборот технологиялари.

Ключевые слова: «цифровизация образования», мобильное образование, «цифровое образование», интеграционные процессы в образовании, «цифровые технологии» национальное образование, информационные технологии.

Key words: “digitization of education”, mobile education, “digital education”, the principle of integration in education, “digital technologies”, national education, information technology.

Дунё педагогик таълими ҳамжа миятида чех педагоги Ян Амос Коменский асос солган синф-дарс тизимининг асосий (маъруза, амалий ва лаборатория) методлари узок муддатдаги таълимнинг классик методлари сифатида такомиллаштирилиб келинганлиги ҳақиқат. Лекин асримизнинг бошларида истеъдодли педагоглар томонидан кашф этилган таълимнинг замонавий методлари, масалан, “Лойиха методи”, “Кейстехнологиялари”, “Гейнификация” ва “МООС” каби ўндан ортиқ янги-янги методлар бугунги кундаги педагогик кадрлар орасида истиқболли ёндашув сифатида алоҳида эътибор қилинмоқда ва таълимда фаол қўлланилмоқда.

Дунё педагогик таълимида таълим олувчиларнинг ахборот саводхонлигини ошириш бўйича олимлар томонидан қатор илмий тадқиқотлар яратилган. Бу борада рақамли таълим доирасида, хусусан, информатика фанига дахлдор Web технологиялар, интернет технологиялар ва Web дастурлаш бўйича муайян мавзуларни ўқитиш самарадорлигини ошириш борасидаги изланишлар эътиборга молик.

Таълимни рақамлаштириш муҳитига мобиль технологияларни жорий этиш “таълим олувчилар” ва “таълим берувчилар” учун қуйидаги бир қатор афзалликларга эга эканлигини бугунги кун яна бир тасдиқламоқда:

- хоҳлаган вақтда, ихтиёрий жойда ўқиш ва ўрганиш имконияти мавжуд, фақат мобиллик орқали амалга оширилади;

- ўқув материалларини хилма-хил кўринишларда, масалан, аудио, видео, расм, графика каби мультимедик имкониятларга эга визуал тарзда тақдим этиш имконияти мавжудлиги, яъни мультимедиа тарзда амалга ошириш мумкинлиги;

- мобиль таълим, кўпинча, ўйин шаклида амалга оширилганлиги боис улар геймификацион характерга эгаллиги билан ажралиб туриши;

- ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида тегишли ахборот алмашувини жадаллаштириш имкониятига эга эканлиги;

- ўқув жараёнига иштирок этишни назорат қилиш ва у орқали мониторинг олиб бориш имкониятининг мавжудлиги;

- “таълим олувчилар”нинг шахсий психологик ва физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашишда мобиль қурилмаларнинг мослашувчанлиги, яъни индивидуал ёндашувининг етакчилиги қилиши.

Таълимни рақамлаштириш муҳитида мобил таълим имкониятларидан фойдаланиш бир қатор илмий-методик ва ташкилий асосларни ўз ичига олади. Масалан, педагогика олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари “таълим олувчи”лар учун таълимнинг анъанавий шаклидаги ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда рақамли таълимдаги мобил технологиялардан фойдаланиш жараёнида хилма-хил ёндашиш мумкин. Хусусан, ўқув жараёнида мобил курилмалардан самарали фойдаланишнинг етакчи усуллари қуйидагилардан иборат, десак бўлади:

а) муайян мавзу мазмунига дахлдор аудио файллар, видеофильмлар, графика, харита ва тасвирларни намойиш этиш усули;

б) ўқув сайтлари, электрон ва рақамли ресурслар, хилма-хил мазмундаги маълумотномалар, икки ёкки уч тилли лўғатларга тезкор киришни таъминлаш усули;

в) рақамли таълим жараёнидаги муайян мулоқотни таъминлаш мақсадида СМС хабарлар, телеграм, Web-семинарлар ва бошқалардан фойдаланиш усули каби.

Бу ўринда шуни ҳисобга олиш зарурки, рақамли таълим муҳитида мобил курилмалардан “таълим бериш” ёки “таълим олиш” мақсадларида фойдаланишнинг бир неча педагогик омиллари ҳам мавжудки, биз уларнинг айримларини таъкидлашни ва муаллифлик ёндашув асосида қисқача изоҳлашни ўринли, деб билдик:

1. Мобил таълим технологиялари асосида бир қатор умумпедагогик тамойиллар, хусусан, лисоний матнлардан фойдаланишнинг қулайлиги ва соддалиги, интерактив ҳамда ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини баҳолаш имконини берувчи махсус иловалар ётади. Айни шу омил “таълим олувчилар” учун қулайлик туғдиради ва мустақил таълим олиш имкониятини яратади.

2. Мобил таълим технологияларининг ғоялари таълимнинг барча босқичларида, айниқса, олий таълим муассасаларидаги анъанавий ўқув жараёнида ҳам бирдек қўлланилиши мумкин.

3. Мобил таълим масофавий ёки корпоратив ўқув курсларига самарали тўлдирувчи вазифасини бажариши мумкин.

Таълимни рақамлаштириш муҳитида ва электрон таълимни ривожлантиришда мобил таълимнинг кундалик ҳаётдаги амалий аҳамияти бекиёс. Мобил таълим – мобил ҳисоблаш ва электрон ўқув муҳитларини кесиш нуктаси бўлиб, у ҳар қандай жойда рақамли таълим амалиётига олиб келади ва бир қатор функционал хусусиятларга эга, улардан айримларини муаллифлик ёндашуви асосида қисқача таъкидлаймиз ва таснифлаймиз:

а) *мобил таълимни ўрганишнинг динамиклиги*. У моҳиятига кўра, эскирган янгликларни эмас, бугунги энг сўнгги янги-янги ахборот материалларини “таълим олувчилар”га тақдим эта олади. Бу таълим орқали талабалар ўзига зарур бўлган маълумотларни қабул қила олади ва бошқа шерикларига улашиши ҳам мумкин. Талабаларни фан ўқитувчилари билан профессионал даражада боғлашга хизмат қилади, шу боисдан мобил таълимни индивидуал даражада ўрганиш ҳам мумкин. Ҳар бир талабанинг ҳозирги вақтда ўз билими даражасига мос бўлган хилма-хил тарздаги барча материалларни олиш имкониятлари мавжуд, улар менюдан исталган фаолият турини танлай олади;

б) *мобил таълимнинг кўп қирралиги*. Талабалар ўзларига тегишли фанлардан назарий ва амалий аҳамиятга эга маълумотни ёки ўқув усули ёки ўқув жараёнини ташкил этувчи муҳим таълим мутахассисини танлаб олиш имкониятни берадиган кўплаб манбалардан таълим фаолияти учун шуғулланади. Мазкур таълимни ўрганиш агрессив тарзда олдинга силжийдиган таълим жамиятларини яратади. Унинг яна бир кучли томони шундаки, талабаларда тегишли муаммо бўйича муайян фикр-мулоҳазаларни дархол шакллантиради, фикрлаш қобилиятини яна-да ривожлантиришга хизмат қилади. Масалан, бирор ихтисосликдан фан машғулотларини олиб борувчи инновацион устоз профессор-ўқитувчи муайян мустақил ишларни бажартириш мақсадида шахсийлаштирилган мобил веб-сайтлар яратиш вазифасини топшириқ сифатида берсалар, талабалар ўзлари ёзиш, таҳрир қилиш, кўриб чиқиш ва нашр этишда иштирок этадиган ахборот материаллари билан ишлайдилар. Айни ҳол, талабаларда рақамли таълим муҳитида мустақил ишлашига қизиқишини яна-да кучайтиради, ўзига хос “янгилик” кашф этишга ҳаракат қилади.

Мобил таълим ўз вазифасига кўра, талабаларга махсус ўқув машғулотнинг ягона тўғри усулини аниқламайди, балки у мустақил ўрганиш учун бир неча мумкин бўлган усулларни тақдим этиб, муваффақиятли эришиш имконини оширади. Шу сабабли ҳам мобил таълим аудиториядаги таълимнинг ўрнини боса олмаса-да, унинг бажарган вазифасини муайян фаннинг мустақил таълимни ташкиллаштиришда энг қўл келадиган технология сифатида қараш мумкин.

Янги Ўзбекистон таълимида, дастлаб, *таълимни рақамлаштириш муҳитини* яратиш ва сўнгра *“рақамли таълим”* босқичини изчиллик билан ривожлантириш, модулли тизимга ўтиш ва ундаги ўқув жараёнини ташкиллаштириш, “таълим олувчи” ва “таълим берувчи”ларнинг ахборот ва компьютер саводхонлигини такомиллаштиришнинг ўрни ниҳоятда катта.

2020–2021 ўқув йилида барча олий таълим муассасаларининг Moodle тизимга ўтишдан асосий мақсад профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасида таълимга оид хилма-хил электрон ресурсларнинг алмашишини ташкил қилиш, тегишли вазифа ва топшириқларни Moodle тизимида жойлаштириш орқали мавжуд таълим бериш самарасини оширишдан иборат.

Moodle тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ундаги қатнашувчиларнинг бир қатор вазифалари борлигини таъкидлаш лозим. Биз назарда тутаяётган вазифаларни муаллифлик ёндашув асосида қуйидаги тартибда тавсифласак, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. *Глобал администраторнинг вазифалари:* мажмуа фаолиятини умумий назорати олиб бориш; статистик маълумотларни жамлаш ва вазирлик маъмуриятига тақдим этиш; мажмуа фаолиятини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш каби.

2. *ОТМ администраторининг вазифалари:* ОТМда мажмуа фаолиятини умумий назорати олиб бориш; статистик маълумотларни жамлаш ва раҳбариятга тақдим этиш; мажмуага бирламчи маълумотлар (факультет, кафедра ва гуруҳлар)ни киритиш; профессор-ўқитувчиларга логин ва калитлар тақдим этиш.

3. *Профессор-ўқитувчиларнинг вазифалари:* фанлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштиради; талабаларни тегишли ресурслардан фойдаланиш учун рухсат беради; ресурсларни мунтазам янгилаб боради; тугалланган фанларни базадан ўчириб ташлайди.

4. *Талабаларнинг вазифалари:* мустақил тарзда мажмуа жойлашган веб-сайтда рўйхатдан ўтади; кидирув тизими орқали зарур фан ёки профессор-ўқитувчини излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга рухсат сўрайди; профессор-ўқитувчининг тегишли рухсатидан сўнг очик ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўлади.

ОТМ администратори серверга бирламчи маълумотларни киритиб, профессор-ўқитувчиларга логин ва калитларни тарқатади ҳамда ҳисоботларни йиғади. Профессор-ўқитувчи ресурсларни мажмуага жойлаштирида ҳамда талабалардан тушган мурожаатга рухсат беради. Талабалар тегишли рухсатдан олгандан сўнг ресурслардан фойдаланишни бошлайдилар.

Таълимда интеграция тамойили халқаро муҳитда рўй берадиган интеграция жараёнлари таъсири остида шаклланади ва улар қуйидагиларга йўналтирилади: таълимнинг шахсий йўналтирилганлиги; умумий предметли структуралар ва фаолият усулларини яратиш; таълимда мотивация мазмун аҳамиятининг устуворлиги; таълимда тизимлилик; ўқитиш жараёнининг муаммоли харақтери; рефлексив фаолият ва ҳ.к.

“Рақамли таълим” ёки “таълимни рақамлаштириш муҳити” учун миллий кадрлар тайёрлашнинг замонавий технологияларига қуйидаги омиллар хос: келажак учун очиклик; инсон томонидан дунёни ўзлаштиришнинг барча усуллари интеграцияси; дунёнинг очиклиги, тўлақонлилиги, инсон, табиат ва жамият ўзаро алоқалари ҳақида синергетика тасаввурларини ривожлантириш; бугунги кунда кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнайдиган, лекин ҳеч қачон ўқитувчининг ўрнини боса олмайдиган турли ахборот тизимлари, глобал интернет тармоғи, булут технологияларидан эркин фойдаланиш. Бошқача айтганда, таъкидланаётган ушбу технологиялар ахборотни сақлаш, маълумотларни қайта ишлаш учун виртуал омборни, дунёнинг исталган нуқтасидан ва исталган қурилмадан кириш имкониятини ифодалайди. Кадрлар тайёрлаш технологияларининг муайян талабага, муайян талабалар гуруҳига, муайян ўқитувчига шахсий йўналтирилганлиги; кадрлар тайёрлаш технологияларининг ўйин табиати; ўқувчини муҳим вазифага психологик йўналтириш: мустақил ривожланиш, шахсни мулоқотга мослаштириш, шу муносабат билан, иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш технологиялари доимий ўзгаришлар жараёнида бўлади, доимо янги мақсад ва мўлжаллар шакллантиради, ўқитувчининг роли ўзгариши, хусусан, янгича, ноодатий вазиятларда, тармоқ ўзаро алоқалари шароитларида “таълим олувчилар” билан биргаликдаги харақатларга ўтиш.

Бугунги давр миллий таълимида рақамли технологияларни ўқитиш сифатини сақлаб қолган ҳолда, самарали қўллаш учун нималар қилиш керак? Бу борада бир қатор таклифларни таъкидлаш лозим, деб ҳисобладик:

Биринчидан, албатта мамлакатимизда зудлик билан интернет инфратузилмасини яхшилашимиз, мобиль операторлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишимиз, энг муҳи-

ми, кўпчилик аҳолининг, айниқса, талаба ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг сўнг ютуқларини ўзлаштиришга шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар яратиб беришимиз лозим.

Иккинчидан, ўқув жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва ахборот ресурслари, ўқитиш воситалари ва масофавий ўқитиш технологияларини ривожлантириш, ижодкор ва салоҳиятли талабаларни олий таълим муассасасининг рақамлаштириш лойиҳаларига жалб қилиш билан улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича ваколатли органларга таклифлар бериш, юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув хоналари, лабораториялар, медиастудиялар ва бошқаларни ўз ичига олган марказларни ташкил этиш ҳамда унда орттирилган тажрибани Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида кенг қамровда қўллаш лозим.

Учинчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш зарур.

Тўртинчидан, интерфаол тақдимот тизимларидан фойдаланиш, маъруза ва семинар дарслари учун интернет билан боғлиқ ҳолда интерфаол ва мультимедиа тақдимотларни ишлаб чиқиш каби мавзулар бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун курсларни ташкил қилиш ва ўтказиш зарур.

Бешинчидан, реал вақт режимда интерфаол тақдимот тизимлари, видеоконференцалоқа тизимлари, виртуал заллар, электрон ресурслардан фойдаланиб, исталган вақтда масофавий ўқитиш жараёнини амалга ошириш имкониятини яратиш.

Олтинчидан, булутли технологиялар, виртуал воқелик, кенгайтирилган воқеликдан фойдаланиш ҳамда дидактик материаллар ва тажриба дизайнларини ишлаб чиқишда 3D принтерини қўллаш, рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини қўллаш, ўқитувчилар ва талабалар учун лойиҳалар, диплом ишлари, илмий изланишлар ва бошқаларини муҳокама қилиш учун илмий веб-сайтлар ишлаб чиқиш лозим. Шундагина, биз рақамли технологиялардан фойдаланиб, бугунги давр таълим сифатини туширмаган ҳолда, талаба-ёшларга бугунги кун талаби даражасида билим олишларига эришамиз.¹

Хуллас, ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материални тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади.

**Abdullayeva Lola Toxirovna (Samarqand davlat Chet tillar instituti
Ingliz tili nazariy aspektlari kafedراسi mudiri; Abdullayeva.lola79@mail.ru)
CHET TILLARNI O‘QITISHDA FILOLOGIYA YO‘NALISHI TALABALARINING
SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH**

Аннотация. Ushbu maqolada tilshunoslarning sotsiolingvistik kompetensiyaning mohiyati va kontsepsiyasi to‘g‘risida turli xil fikrlari va yondashuvlari yoritilgan, shuningdek, filologiya yo‘nalishi talabalarining chet tillarini o‘qitishda sotsiolingvistik kompetensiyasini takomillashtirish masalalari belgilab berilgan. Zamonaviy oliy ta‘lim tizimida axborot texnologiyalarini jadal rivojlantirish va amalga oshirish sotsiolingvistik kompetensiyani takomillashtirish masalalarini hal qilishning dolzarbligi va talabini belgilab berdi.

Аннотация. В системе современного высшего образования интенсивное развитие и внедрение информационных технологий обусловили актуальность и востребованность решения вопросов совершенствования социолингвистической компетентности. В данной статье освещены различные мнения и подходы лингвистов о сущности и понятии социолингвистической компетентности, а также определены вопросы совершенствования социолингвистической компетенции у студентов филологических вузов при обучении иностранным языкам.

Annotation. In the system of modern higher education, the intensive development and implementation of information technologies have led to the relevance and demand for solving issues of improving

¹Ҳошимова Д.П., Парпиева Р.А. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы, 3-сон, май-июнь, 2020 йил.

sociolinguistic competence. This article highlights the various opinions and approaches of linguists on the essence and concept of sociolinguistic competence, and also identifies the issues of improving the sociolinguistic competence of students of philological universities when teaching foreign languages.

Kalit soʻzlar: *sotsiolingvistik kompetensiya, zamonaviy oliy maʼlumot, axborot texnologiyalari, kasbiy kompetensiya.*

Ключевые слова: *социолингвистическая компетентность, современное высшее образование, информационные технологии, профессиональная компетенция.*

Key words: *sociolinguistic competence, modern higher education, information technology, professional competence.*

Bugungi kunda, filologiya yoʻnalishlarida chet tilini oʻqitish metodikasi izchil rivojlanib va takomillashib borayotgan bir paytda, sotsiolingvistik omillarni oʻqitish metodikasi va jarayoniga kiritish zarurati tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Zamonaviy oliy taʼlim tizimidagi kompetensiya tushunchasining oʻzi odamlarning iqtisodiy faoliyati va kundalik hayoti sohasida sezilarli oʻzgarishlarga olib kelgan axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi bilan bogʻliq holda juda dolzarbdir. Ushbu omil yuqori malakali va tashabbuskor mutaxassislarni tayyorlashga boʻlgan ehtiyojning oshishiga olib keldi.

Bizning tadqiqotimizdagi kompetensiya atamasi insonning bir qator vakolatlar orqali amalga oshirilgan faoliyatni amalga oshirish qobiliyatini anglatadi, buni N.V.Belozerova – “mutaxassisning kasbiy faoliyatini taʼminlaydigan bilim, koʻnikma va malakalarning yaxlitligi”.¹

Xutorskiyning fikriga koʻra,² kompetensiya «talabaga tegishli kompetensiyaga egalik qilish, shu jumladan, uning oʻziga va faoliyat mavzusiga boʻlgan shaxsiy munosabatini oʻz ichiga oladi. Qobiliyat – bu allaqachon oʻrnatilgan talabaning shaxsiy sifati (fazilatlar toʻplami) va maʼlum bir sohada faoliyatning minimal tajribasi. Risqulova “kompetensiya bu jamiyat talablariga asoslangan ish amaliyotida ijodkorlik asosida kompetensiya meʼyorlari asoslarini namoyon etish mahorati” deb hisoblaydi.³

Bizning tushunchamizga koʻra, kompetensiya inson hayotining barcha sohalarini, ijtimoiy va kasbiy-mehnat munosabatlarini qamrab oladigan kompetensiyalarni oʻz ichiga oladi. Taʼlim tizimida kompetensiya, odatda, oʻquvchilarning madaniy-maʼrifiy tayyorgarligining umumiy darajasi va kasbiy kompetensiyalarni aks ettiradigan umumiy madaniy kompetensiyalarga ajratiladi, bu esa kompetensiyalarni shakllantirish va rivojlantirishning oʻrganilayotgan mavzular bilan oʻzaro bogʻliqligi va aloqadorligi bilan bogʻliq.

Bu yerda taʼkidlash kerakki, oʻquv fanlar kompleksini oʻrganish jarayonida shakllanadigan vakolatlar umumiy madaniy kompetensiyalarga ishora qiladi. Umumiy madaniy kompetensiyalar ijtimoiy-shaxsiy (shaxslararo), umumiy ilmiy (tizimli) va instrumental xarakterga ega boʻlishi mumkin, bu ularning quyidagi kichik tiplarga boʻlinish mezonini boʻlib xizmat qiladi:

1) umumiy ilmiy kompetensiyalar – kontseptual apparatga egalik qilish, oʻrganilayotgan fanlarning rivojlanish tendentsiyalari, ularning fanlararo aloqalari, tizimli munosabatlarni kuzatib borish, fanning turli sohalaridagi bilimlarni birlashtirish qobiliyati va h.k.;

2) tadqiqot kompetensiyalari – har xil tadqiqotlarni rejalashtirish va tashkil qilish, ilmiy ish va amaliy materialni tahlil qilish, oʻz ilmiy matningizni yozish va h.k.lar boʻyicha bilim va qobiliyat;

3) umumiy lingvistik kompetensiyalar – asosiy atamashunoslik, tadqiqot predmeti, lingvistik tahlil usullari va boshqalarni bilish;

4) kommunikativ kompetensiyalar – kommunikativ maqsadlar va kontekstga mos ravishda aloqa oʻrnatish bilimlari va qobiliyatlari; va h.k. ...

Shuni taʼkidlash kerakki, tilshunoslik sohasida maxsus kasbiy bilimlarni egallash uchun chet el, xususan ingliz tilini oʻqitish mazmuni filologiya yoʻnalishi talabalarining tillarini oʻrganilayotgan til tizimiga va uning tarkibiy lingvistik birliklariga asoslanadi. Ushbu tilda soʻzlashuvchilarning madaniyati, turli sohalar va aloqa vaziyatlaridagi til birliklarining uslubiy xususiyatlari toʻgʻrisida. Bundan tashqari, chet tillarini oʻqitishning mazmuni nutq qobiliyatlari va koʻnikmalarini, olingan bilim va shakllangan

¹ Белоzerova Н.В. Формирование иноязычной коммуникативной компетенции курсантов ВУЗо МЧС России на основе социокультурного подхода. Дисс. ... канд. пед. наук, Санкт-Петербург, 2014, с. 12.

² Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения. М., Изд-во МГУ, 2003, с. 10.

³ Risqulova K.J. Boʻlajak ingliz tili oʻqituvchilari sotsiolingvistik kompetentligini shakllantirish tizimi. Ped. fanl. dokt. ...diss. avtoref., Toshkent, 2017, 40 b.

ko'nik-ma va ko'nikmalarni turli xil muloqot sharoitlarida qo'llash qobiliyatini, o'qitish qobiliyatlarini, shuning-dek, nutq materiallarini (matnlar, nutq namunalari, jumla modellari) o'z ichiga oladi, aloqa mavzusi va vaziyatlari).

Kommunikativ kompetensiyaning ikkita qo'shimcha ta'rifini ko'rib chiqing:

1) kommunikativ kompetensiya – bu ma'lum bir etnik guruhga xos bo'lgan ijtimoiy o'zaro munosabatlarining me'yorlariga mos keladigan samarali nutq faoliyati va samarali nutq xulq-atvorini shakllantirish qobiliyatidir;

2) kommunikativ kompetensiya – bu insonning nutq faoliyatining bir yoki barcha turlarida muloqot qilish qobiliyati, bu tabiiy muloqot yoki maxsus tashkil etilgan mashg'ulotlar jarayonida olingan haqiqiy shaxsning o'ziga xos sifati.

Kommunikativ kompetensiya – bu shaxsning ijtimoiy o'zaro aloqalar jarayonida olingan muloqot qobiliyatidir. Bu boshqa odamlar bilan, atrof-dagi dunyo obyektlari va uning axborot oqimlari bilan o'zaro aloqani o'z ichiga oladi; guruh va jamoada turli xil ijtimoiy rollarni bajarish qobiliyati. Kommunikativ kompetensiya lingvistik, sotsiolingvistik va pragmatik tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi.

Bir tomondan, sotsiolingvistik kompetensiyani lisoniy va pragmatik kompetensiyalar bilan bir qatorda kommunikativ kompetensiyaning avtonom komponenti sifatida ham xarakterlash mumkin. S.Sveyn, Savignon, Viddovson, Tit, Ovchinnikovaning tadqiqotlariga ko'ra, sotsiolingvistik kompetensiya kommunikativ kompetensiyaning mustaqil komponenti sifatida kommunikatsion vaziyat, aloqa vazifalari, mavzusiga qarab lingvistik shakllardan foydalanish va o'zgartirishga oid bilim, ko'nikma, aloqa joyi va boshqalar ko'nikmalar tushuniladi, Boshqa tomondan, Safonov [1992], Vorobyov [1997], Dagbayeva, Ovchinnikova [2012], Zaxarova [2017] sotsiolingvistik kompetensiyani kommunikativ kompetensiyaning ajralmas qismi bo'lgan ijtimoiy-madaniy kompetensiyaning tarkibiy qismi sifatida ko'rib chiqish mumkin deb hisoblaydilar. Ushbu talqinda sotsiolingvistik kompetensiya turli avlodlar, jinslar, ijtimoiy guruhlar va lahjalar vakillarining ijtimoiy qatlamlarining lingvistik xususiyatlari sifatida tavsiflanadi.

Ijtimoiy-madaniy kompetensiya tarkibiga kiruvchi kommunikativ kompetensiyaning subkompetensiyalaridan biri sifatida sotsiolingvistik kompetensiyaning ta'rifi quyidagicha izohlanadi: «Sotsiolingvistik kompetensiya til va nutqning ijtimoiy-madaniy qoidalarini bilishdan iborat. Ushbu turdagi vakolatlar uchun til ishlatilayotgan ijtimoiy kontekstni tushunishni, ya'ni suhbatdoshlarning har birining rolini, ular bilan almashadigan ma'lumotni, ularning o'zaro ta'sirini tushunishni talab qiladi. Faqatgina bunday kontekst asosida individual bayonotning dolzarbligi, maqsadga muvofiqligi va to'g'riligini baholash mumkin.» Ushbu yondashuvni qo'llab-quvvatlovchilar chet tilini “zamonaviy dunyo madaniyatlari va sivilizatsiyalari muloqotida aloqa vositasi” deb bilishadi.

J.Yoqubovning fikriga ko'ra sotsiolingvistik va sotsial-madaniy kompetensiyalar ijtimoiy kompetensiyaga kiradi, bu talabalarning chet tilini o'rganish ahamiyati, va ijtimoiy moslashuv, chet el tilida madaniyatlararo muloqotni amalga oshirish uchun fuqarolik va vatanparvarlik fazilatlarini, istaklari, niyatlarini tarbiyalash va unda mustaqil ishlash vositasi sifatida muloqot qilish zarurligi haqidagi tushunchalarini shakllantirish va rivojlantirishda namoyon bo'ladi.¹

Ijtimoiy-madaniy kompetensiya – bu “o'rganilayotgan mamlakat tilining, ona tilida so'zlashuvchilarning ijtimoiy va nutqiy xatti-harakatlarining milliy va madaniy xususiyatlari to'g'risida bilimlar to'plami va bu kabi bilimlarni urf-odatlariga, xulq-atvor qoidalariga rioya qilgan holda, muloqot jarayonida foydalanish qobiliyati, ona tilida so'zlashuvchilarning odob-axloq normalari, ijtimoiy sharoitlari va xatti-harakatlarining stereotiplari. Latuxinaning fikriga ko'ra, ijtimoiy-madaniy vakolat quyidagilarni o'z ichiga oladi.

1) ijtimoiy-madaniy bilimlar: maqsad tilining mamlakati, ma'naviy qadriyatlari va madaniy an'analari, milliy mentalitetning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida ma'lumotlar;

2) aloqa tajribasi: qabul qilinadigan aloqa uslubini tanlash, chet tili madaniyati hodisalarini to'g'ri talqin qilish;

3) chet tili madaniyati faktlariga shaxsiy munosabat, shu jumladan. muloqotda ijtimoiy-madaniy ziddiyatlarni yengish va hal qilish qobiliyati;

¹ Yoqubov J. Kompetensiyalarning mohiyati va xorijiy til mutaxassislarining kasbiy kompetensiyasini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari. Roman-german tilshunosligining dolzarb masalalari. Resp. ilm. amal. anjumani mater., Toshkent, 2016, 53-bet.

4) tildan foydalanish usullarini bilish: madaniyatlararo muloqotning turli sohalarida nutqda ijtimoiy belgilab qo'yilgan lingvistik birliklardan to'g'ri foydalanish, mahalliy va chet tilidagi ijtimoiy-madaniy hodisalarning o'xshashligi va farqiga moyilligi.¹

K.J.Risqulovning "Kelajakdagi ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasini shakllantirish tizimi" asari, bu yerda muallif kelajakdagi ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasini shakllantirish tizimini takomillashtirishning maqsadi va vazifalarini o'rganadi. Bizning fikrimizcha, nazariy va amaliy ahamiyatga ega bo'lgan tadqiqotning quyidagi asosiy fikrlarini ko'rib chiqing:

- 1) bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasining tipologiyasi;
- 2) bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasini shakllantirishning lingvodidaktik tarkibida mustaqil ta'limni kuchaytirish;
- 3) bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasi darajasini aniqlash ko'rsatkichlarini ishlab chiqish va tavsiflash;
- 4) "Talabaning kasbiy kompetensiyasi sifati ko'lami dasturi"ni ishlab chiqish.²

Biz K.J.Risqulovning fikrini qo'llab-quvvatlaymi, "kelajakdagi ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasi mezonlariga, ta'lim jarayonida sotsiolingvistik kompetensiyani shakllantirish modeliga va uning tipologiyasiga, umumiy didaktik shartlarga, uslubiy omillarga tayanishga, sotsiolingvistik kompetensiyaning samaradorligi uchun asosdir", chunki faqat kerakli pedagogik shartlar majmuasi mavjud bo'lgan taqdirdagina u yoki bu vakolatlarni o'rgatish mumkin.

Shunday qilib, filologik yo'nalish talabalarining sotsiolingvistik kompetensiyasini o'qitish muamolariga bag'ishlangan bir qator dissertatsiya ishlarining xulosalarini umumlashtirib shuni ta'kidlash kerakki, filologik yo'nalish talabalarining chet tillarini o'qitish bo'yicha sotsiolingvistik kompetensiyasini takomillashtirishning zamonaviy usullari hanuzgacha mavjud emas yoki to'liq emas. Talabalarining sotsiolingvistik qobiliyatlarini samarali shakllantirish uchun uslubiy qoidalar va modellarni ishlab chiqish sifatida ushbu lingvo-uslubiy muammoni hal etishning ajralmas qismi bu o'rganilayotgan kompetensiyaning mazmuni va tarkibiy qismlarini aniqlash, uni baholash mezonlari va shakllanish dara-jasi ko'rsatkichlarini ishlab chiqish, dasturiy va uslubiy ta'minotni yaratishdir.

Turdiyeva Mohira Jo'raqulovna
(BuxDU Maktabgacha ta'lim kafedrasi o'qituvchisi; e-mail: mohira.turdiyeva@bk.ru)
FANLARARO INTEGRATSIYA VA INTERFAOL METODLARNING PSIXIK
JARAYONLARGA TA'SIRI

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada texnik oliy ta'lim muassasalari talaba yoshlarini fanlarga qiziqishlarini oshirish, bilimlarni puxta o'zlashtirishlarida, mustaqil, ijodiy fikrlashga o'rgatishda, mustaqil fikr yuritish imkoniyatlarini shakllantirishda va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda fanlararo integratsiya va interfaol metodlarning o'rni va ahamiyati borasidagi fikrlar qisqacha bayon etilgan.*

***Аннотация.** В данной статье обобщены мнения о роли и практической значимости междисциплинарной интеграции и интерактивных методов обучения в повышении интереса к науке, мотивации к обучению, овладении знаниями, в формировании творческого, самостоятельного мышления у студентов технических высших учебных заведений .*

***Annotation.** This article summarizes intentional integration and interactive methods of teaching technical in higher education institutions in promoting students interest in science, sophistication, motivation, creative thinking and creative abilities.*

***Kalit so'zlar:** uzluksiz ta'lim, fanlararo integratsiya, ijodiy qobiliyat, mustaqil fikrlash, amaliy harakatlar, bilim, malaka, ko'nikma, interfaol metod.*

***Ключевые слова:** непрерывное образование, междисциплинарная интеграция, креативность, самостоятельное мышление, практическая деятельность, знания, квалификация, навыки, интерактивные методы.*

¹ Латухина М.В. Понятие социокультурной компетенции в обучении английскому языку. Приволжский научный вестник, № 12-1 (40), 2014, с. 20.

² Risqulova K.J. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilari sotsiolingvistik kompetentligini shakllantirish tizimi. Ped. fanl. dokt. ...diss. avtoref., Toshkent, 2017, 36-bet.

Key words: *continuous education, interdisciplinary integration, creativity, independent thinking, action, science, skills, communication.*

Jamiyatimizdagi hozirgi muhim ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, huquqiy, madaniy o'zgarishlar malakali mutaxassislar mehnati mazmuni va xarakteriga sifat jihatdan mutlaqo yangi talablar qo'yimoqda. Bu holat malakali mutaxassislarni tayyorlash muammosiga majmuaviy yondashish zarurligini ko'rsatadi.¹ Malakali mutaxassislarni tayyorlashga majmuaviy yondashish esa o'z o'rnida o'quv-tarbiya jarayonini oqilona tashkil etish va yetuk mutaxassis tayyorlash mazmunini rivojlantirish, takomillashtirish va integratsiyalashni taqozo etadi.

Respublikamizning pedagogik olim va amaliyotchilari tomonidan ilmiy asoslangan zamonaviy ta'lim texnologiyalarini ishlab chiqish va ularni ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etish, axborot texnologiyalarini amalda tatbiq etish, me'yoriy hujjatlarni takomillashtirish, ta'lim sifatini yaxshilash bo'yicha tadqiqotlar olib borilmoqda.

Bugungi kunda jahon andozalariga moslashib borayotgan ta'lim sohasida fanlararo integratsiyani ta'minlash, ta'lim tizimiga interfaol metodlar bilan yangi mazmun va shakl berish yangi asr avlodini tarbiyalashning muhim jihatidir.

Pedagogik innovatsiyaning muvafaqqiyati pedagogik faoliyatning an'anaviy qaror topgan yondashuvlarga, tamoyillari, metodlari va shakllarining asoslanganlik darajasiga bog'liq bo'ladi. Pedagogik innovatsiya – bu eskini rad qilish emas, balki uni rivojlantirish va shaklini rivojlantirishdir. Bu fikrning tasdig'ini biz P.G.Shedrovitskiyning "innovatsiya" tushunchasiga bergan ta'rifidan topamiz. Innovatsiya bu – innovatsion rivojlanishning qayta tiklanish mexanizmidir: Bu rivojlanishni ta'minlovchi fikrlash faoliyati shakli bo'lib, ammo bir sohadan ikkinchisiga (bir ta'lim muassasidan boshqasiga), u yoki bu elementlarni, bloklarni, tuzilmalarni yoki mazmunni transfer qilish emasdir. Shu asnodagi, u shuni ta'kidlaydiki, aynan faoliyatning tashkiliy tuzilmasini, haqiqatdan, o'zgartirilishini nazarda tutadi.

XX asr oxirlariga kelib, fan va ta'lim olamida integratsiyalashgan ta'lim xususida, uning mazmun-mohiyati haqida yangi fikrlar, qarashlar yuzaga kela boshladi.

Avvalo, integratsiya tushunchasining mohiyatini ko'rib chiqaylik. Psixologik-pedagogik nuqtayi nazardan qaraganda, integratsiya ijtimoiy-psixologik aspekt bo'lib, biror-bir yangilikni ijtimoiy sohaga tezkorlik bilan tatbiq etish va ta'lim jarayonini jadallashtirish demakdir.²

Innovatsiyalar esa faoliyat jarayonida turli ijtimoiy-psixologik to'siqlarni yengish uchun shart-sharoit yaratib boradi. Ushbu jarayonda maqsadi, vazifasi va qiziqishlari turlicha bo'lgan ijtimoiy guruhlar ishtirok etadi. Motivatsiyalar xarakterining tipi ham innovatsion faoliyat mazmuniga va sifatiga ta'sir o'tkazadi. Bundan tashqari, innovatsiyalarni tatbiq etish jarayonida ustanovkalar, shaxsning yo'nalishi va ma'naviy axloqiy sifatleri ham ma'lum darajada ahamiyat kasb etadi.

V.I.Antonyuk fikricha, o'quvchilarning yangiliklar qabul qilish va unda ishtirok etishga tayyorgarligini shakllantirish, yangilikni qabul qilish qobiliyatini o'stirish maqsadida, bilish jarayonini faollashtiruvchi ijtimoiy-psixologik usullardan foydalanish lozim. Bunday usullarga psixologik treninglar, rolli o'yinlar, kim oshdi savdosi, ishbilormon o'yinlari va boshqalarni misol qilib keltirishimiz mumkin.

Hozirgi kunda ta'lim tizimiga kiritilayotgan pedagogik texnologiya jarayoni ham innovatsiyalar va integratsiyalarning yorqin misolidir.

Qo'yilayotgan identiv maqsadlar, nazorat topshiriqlarni aniq fe'llarda ifodalanishi o'quvchi aqliy faoliyatining rejasini yaqqol ko'rsatadi. O'z-o'zini boshqarishning yo'nalishini belgilaydi. Bu innovatsion faollikning aniq ko'rinishiga misol bo'la oladi.³ Aqliy faoliyatni jonlashtirishda ushbu yo'nalish maqsadlarni belgilashga yordam beradi. Maqsadning aniqligi esa faoliyatning sermahsulligidir. Qachonki, faoliyat o'zining ijobiy natijalarini berar ekan, ayni muddaodir. Ammo ushbu jarayonni tashkil etishda o'quvchilar o'quv faoliyatiga ta'sir qiluvchi ijobiy va salbiy omillar turkumi mavjud:

◆o'quv maskanlarida zamonaviy texnik vositalar va asboblarning mavjudligi;

◆turli xil to'garak, markaz, bilim uylari faoliyat ko'rsatishi va ularda qatnashish imkoniyatining mavjudligi;

¹ Turdiyeva M.J. Planning Interdisciplinary Integration at Higher Education and Its Importance in Learning Process. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe 1–2019, p. 290, Dusseldorf-Germaniy.

² Shu manba.

³ Turdiyeva M.J. Ta'lim jarayoni samaradorligini oshirish va fanlar integratsiyasini ta'minlashda kreativlikning ahamiyati. "Kasb-hunar ta'limi", 2018, 4-son, 17–20-betlar.

◆oila muhitida yaratilgan moddiy va ma'naviy shart-sharoitlar hamda shaxslarning ruhiy rag'batlanishi yo'lga qo'yilganligi;

◆shaxslar bilan o'zaro muloqotlar o'rnatilishining uzluksizligi va oilada shaxslararo iliq psixologik muhitning hukm surishi;

◆turli televizion ko'rgazmalar, bahslar, tortishuvlar, zukkolik, ijodkorlik, tezkorlik bo'yicha musobaqalar uyushtirilishi va ularda qatnashish, ishtirok etish imkoniyati yaratilganligi;

◆ortiqcha informatsiya, xabarlar ko'lamini kamaytirish (masalan, videofilmlar, avtomat o'yinlari va b.);

◆o'g'il va qizlarda vatanparvarlik va milliy iftixor tuyg'ularining beqarorligi va ularning shakllanib ulgurmaganligi;

◆talabalar o'rtasida borliqqa, jamiyatga, shaxslararo munosabatga, isrofgarchilikka fidoyilikka nisbatan loqaydlikning mavjudligi va boshqalar.

Chunonchi, yuqoridagi ijobiy omillarni kuchaytirish, salbiy omillar ta'sirini kamaytirish va yo'qotish chora-tadbirlarini belgilab borish va integratsion jarayonda innovatsion omillarga alohida e'tibor berish, psixologik asoslarini o'rganish hamda tahlil qilib borish zaruriy shartdir.

O'qitish jarayonida talabalarning o'zlashtirishiga quyidagi psixologik jarayonlar ta'sir qiladi:

1. Idrok. Mavhum tushunchalarga nisbatan yaqqol materiallar oson idrok qilinadi. Ta'lim jarayonida yaqqol tasavvurlik, tasviriy ko'rsatmalilik, «jonli mushohada» materiallarining o'rni muhim. Psixologik nuqtayi nazardan ko'rsatmalilik 3 ga bo'linadi:

1. Tabiiy predmetli-tajriba uchastkalari, o'quv laboratoriyalari, jonli burchaklarda o'tkaziladigan mashg'ulotlar.

2. Tasviriy ko'rsatmalilik – rasmlar, mulajlar, kinokartinalar, chizmalar, jadvallar, sxemalar, grafiklar, diagrammalar...

3. Jonli nutq – yaqqol tasvirlar va obrazlarni uyg'otadigan jonli iboralar («Tashvish kishi qomatini erta bukadi», «To'g'ri so'z nashtardan o'tkir»).

Idrokdan, hissiy organlardan me'yoridan ortiqcha foydalanish sun'iy tormozlanishga olib kelib, mavhum nazariy tafakkurga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

2. Kuzatuvchanlikni shakllantirish. Uning yordamida tafakkur jarayonlariga asos solinadi.

3. Tushunish. Tushunish natijasida fikr yuritiladi. Tafakkur jarayonlari amalga oshiriladi, ya'ni matnlar analiz, sintez qilinadi, taqqoslanadi, umumlashtiriladi, sistemalashtiriladi, xulosa chiqarilib, muammoli vaziyatlar paydo qilinadi. Muammoli vaziyatlar, o'z navbatida, o'quvchining aqliy rivojlanishini ta'minlaydi.

4. Xotira. Esda olib qolish, saqlash, esga tushirish uchun xotiraning bir necha xil vositalaridan foydalaniladi.

5. Ko'rsatma. O'quvchiga to'g'ri ko'rsatma berish ta'limga bo'lgan qiziqishni to'g'ri shakllantiradi.

6. Diqqat. Ta'limning samaradorligiga ixtiyoriy diqqatdan keyingi diqqat (muvofiqlashtirilgan diqqat)ning o'rni muhim ahamiyat kasb etadi.

7. Qiziqish. O'zlashtirilayotgan materialga talabani qiziqitira olish unda mustaqil ta'lim olish istagini uyg'otadi.

8. Iroda. Barcha jarayonlarni to'g'ri boshqarishda, albatta, irodaviy zo'r berish muhim o'rinni egallaydi.

Amaldagi o'quv rejalarini predmetli (chiziqli) tuzish, o'quvchilar ongida ayrim tasavvur, tushuncha, qonuniyatlarning uzuq-yuluq, ya'ni lavhalar shaklida shakllanishiga sabab bo'lmoqda, chunki u ilmiy texnika taraqqiyoti, ilg'or ishlab chiqarish texnologiyasi, yangicha ish yuritish usullarining majmua-viy xarakterini hisobga olmagan holda tuziladi.

Bu muammoni texnik oliy ta'lim muassasalarida o'quv rejalariga yangi o'quv predmetlarini kiritish, eskirgan materiallarni dastur tarkibidan chiqarish, biri ikkinchisini to'ldiruvchi, kengaytiruvchi va chuqurlashtiruvchi, mazmunan aloqador, pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlari o'quv predmetlarini integratsiyalashtirish, samarali pedagogik texnologiyalarni ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etish kabilar bilan yechimini topish mumkin.¹

Aqlan yetuk, fikran teran, sog'lom fikr yurituvchi, to'g'ri xulosa chiqaruvchi va ma'naviy jihatdan mukammal rivojlangan shaxsni tarbiyalash ta'limda yosh xususiyatlariga e'tiborli bo'lish, o'qitishda fan-

¹ Shu manba.

lararo integratsiyani ta'minlash, shaxs ongi va tafakkurida yangicha g'oya, tasavvurlarning shakllanishiga imkon beruvchi zamonaviy interfaol metodlardan foydalanishni talab etadi.

Interfaol metodlar ta'lim jarayonida o'quvchilar hamda o'qituvchi o'rtasidagi faollikni oshirish orqali o'quvchilarning bilimlarini o'zlashtirishini faollashtiradi, ularning shaxsiy sifatlarini rivojlantiradi. Ayniqsa, pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlarining integratsiyasi bunda ahamiyatli rol kasb etadi. Interfaol metodlar dars samaradorligini oshirishga yordam berish bilan birga, talabalarning mavzuni to'la o'zlashtirishiga, mustaqil mushohada yuritib, to'g'ri qaror qabul qila olish malakalarini rivojlantiradi. To'g'ri tanlangan interfaol metodlarni qo'llash talabalar uchun mashg'ulotning qiziqarli va samaradorli bo'lishini ta'minlash bilan bir qatorda, ularning o'quv materialini to'liq o'zlashtirishiga, o'z fikrini erkin bayon etish va ifodalash hamda tashabbus ko'rsatish imkoniyatlarini oshiradi.

Integratsiyalashgan ta'lim tizimining har bir bo'g'inida ta'lim-tarbiya ishlarini bugungi kun va istiqbol talablari asosida tashkil etishda malakali, fidoiy o'qituvchining o'rni beqiyos sanaladi. Ta'limning samaradorligini oshirish, shaxsning ta'lim markazida bo'lishini va yoshlarning mustaqil bilim olishlarini ta'minlash uchun ta'lim muassasalariga yaxshi tayyorgarlik ko'rgan va o'z sohasidagi bilimlarini mustahkam egallashdan tashqari, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni va interfaol metodlarni biladigan, ulardan o'quv mashg'ulotlarini tashkil etishda foydalanish qoidalarini biladigan o'qituvchilar hozirgi zamon ta'limining dolzarb talablaridan biri sanaladi.¹

Bugungi kunda ta'lim sohasida fan va texnikaning so'nggi yutuqlari asosida ishlab chiqilgan audio, video, telekommunikatsiya va informatsion texnika va texnologiyalarning qo'llanilishi katta ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun ularning didaktik imkoniyatlaridan keng foydalanish, ular bilan tanishib chiqish va mashg'ulotlarda ularni qo'llashni o'rganish o'qituvchilar uchun kelajak faoliyatida katta yordam beradi.

Malakali o'qituvchi ta'lim jarayonida o'quv maqsadlari va ahamiyatini tushuntira olishi, o'quvchilarni kasbga qiziqtirishi va yo'naltirishi, mustaqil ta'lim olishlarini tashkil etishi, o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, mustaqil xulosa chiqarishga yordam berishi lozim. Shuningdek, o'qituvchi o'quvchilar bilim va ko'nikmalarini baholash bilan bir qatorda, bilimlar manbayini ham baholab borishi, ya'ni doimiy e'tiborli va izlanishda bo'lishi talab etiladi.

Sh.Kamolxo'jayevning fikriga ko'ra, o'qituvchining, xususan, oliy ta'lim o'qituvchisining asosiy xususiyatlaridan biri bo'lg'usi mutaxassislarni har qanday muammolarni hal qilishga va bu yo'nalishda o'zlarining bilim, ko'nikma va malakalaridan foydalana bilishga o'rgata olishi kerak. Bu esa ta'limning asosiy sanalgan o'qitilayotgan fanning ilmiyligi, oddiydan murakkabga, ta'lim va tarbiyaning birligi, nazariya va amaliyotning birligi kabi tamoyillarga asoslanib, o'qitish jarayonining samaradorligini oshirish demakdir.

O'quv predmetlarining har birida hayotiy voqelikning faqat bir tomoni bayon qilinadi. O'rganilayotgan obyektning yaxlit idrok etishga imkoniyat bermaydi. Pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlarida predmetlararo aloqadorlik muammosining qo'yilishi, eng avvalo, asosiy diqqat-e'tiborni o'quv rejasida ko'zda tutilgan o'quv predmetlarini o'rganishni muvofiqlashtirish va o'quvchilarda mazmunan mukammal, mantiqan tugal tizimli bilim, ish-harakat usullari va shaxsiy fazilatlarini shakllantirishga qaratiladi. Pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlar integratsiyasi ta'lim mazmunining tarkibiy mantiqiy jihatlariga ahamiyat berishni talab etadi. Shu jihatdan u didaktik muammo, tamoyil, shart-sharoit, vosita, metod kabi yo'nalishlarda tadqiq etilib, uzluksiz ta'lim tizimining barcha bo'g'inlariga joriy etilishi zarur.

Texnik oliy ta'lim muassasalarida pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlar integratsiyani pedagogik muammo sifatida talqin etib, uning yordamida o'quvchilar tomonidan kasbiy bilim va ish-harakat usullarini tizimli o'zlashtirishlarini aniqlashga harakat qilamiz. Chunki fanlararo integratsiyani o'rnatish, belgilab olish va amalga oshirishning zarurligi har tomonlama bilimdon, mustaqil va ijodiy faoliyat ko'rsata oladigan mutaxassis shaxsni tarkib toptirish maqsadini ko'zda tutadi.

Fanlararo integratsiyaning psixofiziologik asosi inson tafakkuri, ya'ni fikr yuritish tabiatidan kelib chiqadi. Chunki pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlar integratsiyasi o'rganilayotgan obyektning yangi qirralarini bilishga imkon beradi, ko'lam jihatdan keng va chuqur, mohiyatiga ko'ra yaxlit tizim shaklidagi bilim, ish-harakat usullari hamda shaxsiy fazilatlarining shakllanishiga asos bo'lib xizmat qiladi.

Texnik oliy ta'lim muassasalarida pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlar integratsiyasi o'rganilishi kerak bo'lgan materiallarni talabaga qanday izchillik va ketma-ketlikda yetkazilishi ham ma'lum ma'

¹Hasanov A.A. Kasb-hunar kollejlarda o'quvchilarni fanlararo aloqadorlik vositasida kasbiy faoliyatga tayyorlashning metodik tizimi. Ped.f.b.f.d (PhD) dis., Toshkent, 2018.

noda ta'lim-tarbiya ishida hal qiluvchi ahamiyatga ega. Bunday masalani hal qilishda talaba o'quv materialini mantiqiy jihatdan tahlil etadi. Mantiqiy tahlilning asosiy masalasi o'quv materialining ziddiyatli jihat va xususiyatlarini oldindan aniqlab olish va unga mos ravishda hamkorlik faoliyatini uyushtirishdan iborat bo'ladi. O'quv materiali uning talabalar tomonidan o'zlashtirilishi muhim bo'lgan jihatlarni aniqlab olish, unga mos o'quv-bilish faoliyatlarini samarali tashkil etish uchun psixologik jihatdan tahlil qilinadi. Psixologik tahlil mantiqiy tahlil funksiyalarini kuchaytirishga xizmat qiladi. Psixologik tahlil o'qituvchi darsga tayyorgarlik ko'rayotgan paytda uni dolzarblashtirish, yangi tushuncha va ish-harakat usullarini shakllantirish, mustahkamlash va bosqichlarda muammoli vaziyatlarni yuzaga keltirish hamda ular yechimini topish usullarini belgilab olishga imkon beradi.

Texnik oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonida pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlar integratsiyasining hosil qilinishi talaba ongi va tasavvurlari tizimida hosil bo'ladigan ma'lumotlarning saralanishini mumkin qadar tezlashtiradi. Texnik oliy ta'lim muassasasi talabalarining yetuk kamolot egasi bo'lishini ta'minlash, barkamol ma'naviy-ruhiy olami mukammalliligi, teran intellektual salohiyatini shakllantirish, avvalo, ta'lim jarayoniga qo'yilgan aniq maqsadlar bilan belgilanadi. Tashkil etilayotgan ta'lim mazmuniga ijodiy va talabchanlik bilan yondashish, fanlararo integratsiyaga e'tibor bugungi kunda o'sib kelayotgan yoshlardagi qator psixologik imkoniyatlar eshigining ochilishi, o'z intellektual salohiyatlaridan samarali foydalana olishlari, o'zini to'la namoyon eta olishiga nisbatan ishonch hissi shakllanishida ta'sir etuvchi kuch bo'lib xizmat qiladi.

Pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlar asosida o'tkazilgan mashg'ulotlar yoshlarning muhim hayotiy yutuq va muammolariga o'z munosabatlarini bildirishlariga intilishlarini qondirib, ularni fikrlashga, o'z nuqtayi nazarlarini asoslashga imkoniyat yaratadi. Shuning uchun ham, texnik yo'nalishdagi oliy ta'lim muassasalarining o'quv-tarbiyaviy jarayonida fanlararo integratsiya va zamonaviy o'qitish metodlari – interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir.

Ko'rinib turibdiki, hozirgi zamon axborot, globallashuv asrida va ta'lim jarayoniga davlat siyosati sifatida qaralayotgan bir vaqtda, pedagogik-psixologik va ixtisoslik fanlar integratsiyasi hamda o'quv mashg'ulotlarini interfaol metodlar orqali tashkil etish, talabalarining o'qishlari bilan birga, mustaqil fikrlagan holda fanlarni chuqur o'zlashtirib olishlariga ham keng imkoniyatlar yaratadi deb xulosa qilish mumkin.

**Хайдаров Комил Донабаевич (фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Самарканд Давлат университети мустақил тадқиқотчиси)
ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиши, уни янги bosqichga – халқаро меъёрлар даражасига кўтариши жараёни, унинг шахс маънавий камолотига таъсири масалалари таҳлил қилинади, ушбу жараён жамиятимизда маърифий онгининг шаклланиши, такомиллашуви, илмий салоҳият ва интеллектуал қадриятларининг ривожланишига ҳам имкон яратиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.*

***Аннотация.** В данной статье анализируются вопросы реформы системы непрерывного образования, поднятия его на более новый, международный уровень, его воздействие на духовное совершенство личности. Прослеживаются процессы создания возможности формирования просветительского сознания в обществе, его совершенствования, а также развития научного потенциала и интеллектуальных ценностей.*

***Annotation.** The article analyses the issues of lifelong learning reforms, its elevation to a new, international level, its influence on individual spiritual perfection. The author investigates the processes of formation of enlightened consciousness in the society, its improvement and development of scientific potential and intellectual values.*

***Калим сўзлар:** маънавият, тарбия, шахс, узлуксиз таълим, профессионал таълим, замонавий мактаб.*

***Ключевые слова:** духовность, воспитание, личность, непрерывное образование, профессиональное образование, современная школа*

***Key words.** spirituality, education, personality, continuing education, vocational education, modern school.*

Асрлар мобайнида халқимизга хос бўлган юксак маънавият давлатнинг ўз тарихидаги кўп-лаб мураккаб тақдир синовларидан ғолиб бўлиб чиқишига ёрдам бериб келди. Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "...хаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак".¹

Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш жамият маънавий негизини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолди. Ушбу жараёнда, шубҳасиз, маънавий омилнинг аҳамияти жуда катта. "Тарбия" сўзининг туб маъноси – инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараён. Бошқача айтганда, тарбияланган одам тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики, у ўзининг ким эканлигини, кундалик хатти-ҳаракатлари, бажараётган амаллари, ўй-фикр, тасаввурлари ўзи ва ўзгалар учун қанчалик манфаат келтира олишини англай олади, ўзини нохуш ҳаракатлардан тийиб, назорат қила билади. Демак, ҳар қандай тарбиянинг асосий мезони тарбияланувчида ўзи ва ўз фазилатлари ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантиришдан, ўзлигини, ўз-ўзини англашдан иборат, деб айтиш мумкин.

Маънавий тарбия – шахс тарбиясининг муҳим йўналиши – бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт тўғрисидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёни демакдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли қарори билан "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси"нинг тасдиқланиши юртимизда маънавий тарбияни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Концепцияда таъкидланганидек, тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизда "тарбия ва таълимни бирибидан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга, билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради".²

Маънавий тарбиявийлик, энг аввало, юксак иймон-этиқод, Ватан ва халқ олдидаги масъулият, ватанпарварлик, фидойилик каби фазилатлар орқали намоён бўлади. Соғлом ғоялар тарбияси – бу юксак дунёқараш ва этиқод тарбияси, деган маънони билдиради. Дунёқараш – бу тартибга солинган, бир бутун ва онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у ҳар қандай шахсни жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга чорлайди.

Дунёқараши кенг, янгича фиклайдиган инсонни камол топтириш, албатта, маънавий-маърифий тарғибот ишларини тамомила янгича босқичга кўтаришни талаб қилади. Тан олиш керакки, ҳозирги пайтда тарғибот орқали фуқароларга, айниқса ёшларга мафкуравий таъсир кўрсатиш сифатини қониқарли дейиш қийин. "Ўзбекистон" телеканали орқали 2020 йилнинг 29 январь куни намоёниш этилган "Муносабат" кўрсатувининг навбатдаги сонидида "Маънавий-маърифий тарғибот ишлари талабга жавоб берадими?" деган саволга телетомошабинларнинг кўпчилиги қисми "йўқ" деб жавоб берганлиги шунинг исботидир.

Бизнингча, жамият аъзоларига маънавий-мафкуравий таъсир кўрсатишнинг самарадорлигини ўлчаш мезонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан билимдонлиги, ижтимоий фаоллиги;
- жамият аъзоларининг ахлоқан соғломлашганлиги, фуқароларнинг ўзларини руҳан тетик ва бардам тутишлари;
- ҳар бир инсон ўзлигини англаш орқали мустақил фикр юрита олишга қодирлиги;
- ватанпарварликнинг барча кўринишлари кундалик маиший турмушда намоён бўлаётганлиги;
- аҳолида ўз билим савиясини оширишга интилишнинг намоён бўлиши, газета-журнал, интернет сайтлари, вақтли матбуот, нашр ишларига талабнинг ортиб бориши;
- бутун жамият миқёсида маънавий ва ижтимоий муҳитнинг соғлом ва барқарорлиги;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. "Халқ сўзи", 2021 йил 31 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. "Халқ сўзи", 2020 йил 2 январь.

– ёт ғояларга мурасасиз бўлиш, мустақиллик кадриятларини ҳар қандай шароитда ҳимоя қила олишга қодирлиги.

Комил инсон ғояси – одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб умуминсоний ғоядир. Комил инсонни тарбиялаш – бутун фаолиятимизнинг пировард мақсади. Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирганлиги тарихдан маълум. Баркамолликни орзу қилмаган, комил инсонларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум. Комил инсон – бу озод шахс, эркин фикр юритувчи, эзгу ғоялар ва ўз халқининг идеаллари учун курашувчи, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи фидойи инсондир.

Комил инсон – онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга намуна бўла оладиган билимли, маърифатли кишидир. Ҳар бир инсон табиатида баркамол бўлишга интилиш иштиёқи бор. Комилликнинг ўзи нима? Комиллик бу мукамаллик дегани. Мукамаллик эса мақсадга мувофиқликдир. Агар ҳар бир инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унга интилиб яшаса ва бутун ҳаёти ана шу мақсадга мувофиқ бўлса, уни яхши, эътиқодли одам дейиш мумкин. Демак, у комил, мукамал инсон демакдир.

Зеро, Абдурауф Фитрат бобомизнинг куйидаги фикрларига ҳар биримиз амал қилишимиз зарур: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик либосини кийиб, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”¹.

Юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган комил инсон нафс хуружини, хузур-ҳаловатга мойилликни енга оладиган инсондир. Одамнинг маънавиятини юксалтириш орқали уни комил ва мукаррам инсон мартабасига кўтариш мумкин. Маънавий кадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга эга бўлса, у шунчалик умрбоқийдир. Инсон ҳам худди шундай: у қандай хулқ, ахлоқий, маданий сифатга эга бўлса, уларни намоён этса, кадр-қиммати ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бугун мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда асосий эътибор инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, ва шу орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришга қаратилганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш”² вазифаси қўйилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, фуқароларнинг кўпчилиги шахс даражасига кўтарилган олган жамият жадал ривожланади, раванқ топади. Шахсни шакллантирадиган бир қанча сабаб ва омиллар ичида таълим-тарбия жараёни асосий ўрин тутаяди. Ҳар қандай шахснинг шаклланиши, аввало, таълим тизими қандай ташкил этилганлиги ва унинг самарадорлиги билан белгиланади. Одам шахс сифатида энг аввал ўзлигини мустақил, эркин фикрлай олиши билан намоён қилади. Шунга кўра, шахсни тарбиялаш ва уни камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Узлуксиз таълим ва мақсадли тарбия орқалигина комиллик сифатларига эга бўлган баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Бу олий мақсад мамлакатимиздаги маънавий эврилишларнинг асосий, устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишгина эмас, балки жамиятимизда маърифий онгнинг шаклланиши, такомиллашуви, илмий салоҳият ва интеллектуал кадриятларининг ривожланишига ҳам имкон яратади.

Зеро, “...маънавият ва маърифат тизими миллатимизнинг илмий билимларини ошира боришни ҳам кўзда тутаяди. Бу жамиятнинг умуминтеллектуал савияси (тарих, фалсафа, мусиқа, сиёсат, адабиёт, менежмент ва бошқа билимлари)ни оширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ўрта арифметик француз, немис, америкалик, япон билган умумий билимларни ҳар бир ўзбек ҳам билиши керак. Демак, маърифат (интеллектуал тарғибот) халқни мактаб, институт, университетдан ке-

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи”, 2019 йил 30 апрель.

йин ҳам узлуксиз ўз устида ишлашига, замонавий билимлардан хабардор бўлиб боришига хизмат қилади. Чунки билимли жамиятгина кучли жамият бўла олади”.¹

Янги Ўзбекистонни маънавий баркамол, инновацион ғоялари, мустаҳкам ҳаётий эътиқоди бўлган фидойи инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Харакатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган тўртинчи устувор йўналишида² таълим ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида таълимнинг сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, шу орқали таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Сифатли ва самарали таълим мамлакатимиз таракқиёти йўлидаги янги имкониятлар ва инновациялар учун пойдевор ҳисобланади.

2017–2019 йилларда мамлакатимизда 160 дан зиёд умумтаълим мактаби қурилди, ҳам шаклан, ҳам мазмунан замонавий ва инновацион таълим масканлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2021 йилга қадар мактабларнинг камида 3 фоизи, 2025 йилгача 20 фоизи, 2030 йилгача эса 50 фоизини “Замонавий мактаб”ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгиланган бўлиб, улар ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кенг қамровли ислохотларнинг илк босқичи эди.

Замонавий мактаблар Халқ таълими ҳамда Қурилиш вазирликлари ҳамкорлигида дунё тажрибаси ўрганилиб, намунавий лойиҳаларга таянган ҳолда, замонавий архитектура ечимлари асосида, энергия тежовчи ва илғор технологиялардан фойдаланиб барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2020 йилнинг 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифаларга бағишлаб танқидий руҳда ўтказилган йиғилишда ўқувчиларнинг илмга, ижодга, санъатга ва спортга қизиқтириш билан вазифаларга эътибор қаратилди.³Таъкидлаш жоизки, айни кунда мактабларимизда математика, кимё, физика ва биология фанларидан дарсларнинг атиги 10 фоизи амалий машғулотлар бўлиб, ривожланган давлатларда эса ушбу кўрсаткич 30 – 50 фоиздир (масалан, Германияда бундан ҳам юқори).

Бунга эришишнинг энг муҳим шарти сифатида замонавий мактабларда дарс берадиган педагогларнинг савиясини кўтариш, яъни “замонавий мактабларда замонавий ўқитувчи дарс бериши керак” деган тамойилни жорий қилиш пайти келди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5712-сонли фармонида мамлакатимизнинг 2030 йилга келиб PISA халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг дастлабки 30 та илғор мамлакати қаторига кириш вазифаси қўйилган. Унга таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш орқали эришиш мумкин. Илгарилари “Ўзбекистон халқаро таълим талаблари ўлчовларидан умуман йироқда эди. Халқ таълимида ҳам, олий таълимда ҳам нуфузли халқаро рейтинглар агентликлари талабларига жавоб берадиган меъёрий ва ташкилий чораларнинг кўрила бошланганлиги мамлакат таълим тизимининг халқаро миқёсда танилиши, унга мувофиқлашиши соҳадаги ислохотлар жадаллашувига туртки бўлди”.⁴ Шу нуктаи назардан, сифатли ва самарали таълим юртимиз равнақи йўлида янги имкониятлар ва инновациялар учун асос яратиши, шубҳасиз.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, аслида, ҳар қандай тарбия жараёни, охир-оқибат, ўз мақсади, мазмун ва моҳиятига кўра маънавий тарбиядир. Чунки таълим тизимида ҳам, академик таълимда ҳам – барчасида бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчи, талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онги ва қалбини илмий билим-

¹ Куронов М. Бизни бирлаштирган ғоя. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. 298-бет.

² “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармон. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

³ Мактаб таълимидаги камчиликлар ўрганилди, устувор вазифалар белгиланди. “Халқ сўзи”, 2020 йил 3 март.

⁴ Холмуродов Р.И. Ўзбекистоннинг янги тарихи илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлардан бошланган. “Халқ сўзи”, 2020 йил 29 июль.

лар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган инсоний фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Бу эса том маънода маънавий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Ҳар қандай маънавий тарбиянинг мақсади жамиятдаги ҳар бир фуқарони, унинг тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳни тарбиявий юксалтиришдир.

Узлуксиз таълим – шахс маънавий камолотининг энг муҳим омили ҳисобланади. Маънавий тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш орқали узлуксиз таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бу борада юксак марраларга эришиш йўл-йўриқлари, унинг реал имкониятлари, энг қулай, самарали усул ва воситаларини излаб топишга эҳтиёж ва интилиш тобора ортиб бормоқда.

Маънавий кадриятларга асосланган таълим тизимининг миллий контентини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш – узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, пировардида жамият маънавий ҳаётини янгилашнинг муҳим шартидир. Маънавий тарбия қанчалик самарали бўлса, узлуксиз таълим тизими шунчалик барқарор бўлади, узлуксиз таълим самараси қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг маънавий негизи ҳам шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Маънавий кадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга эга бўлса, у шунчалик умрбоқийдир. Инсон ҳам худди шундай: у қандай хушхулқ, ахлоқий, маънавий сифатларга эга бўлса, уларни ўз фаолиятида намоён этса, кадр-қиммати ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бугун мамлакатимиз таълим тизимини ўзгараётган замон ва янгиланаётган Ўзбекистон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Зеро, маънавияти бой инсонгина комил инсон бўла олади. Юксак ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган, чуқур ва замонвий билимга, кенг илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон комил бўлади.

Jalilova Guzal G'ulomovna

(NavDPI Chet tillar kafedrası o'qituvchisi; e-mail: guzalina-jalilova@mail.ru)

“ARALASH” TA’LIM SHAKLIDA “FLIPPED CLASSROOM” MODULINING AHAMIYATI

Annotatsiya. *Har bir mamlakatning taraqqiy etishida yo'lga qo'yilgan ta'lim tizimi muhim ahamiyatga ega. Jahon ta'lim standartlariga har tomonlama mos keladigan ta'lim tizimini shakllantirish hozirda eng dolzarb masalalardan biridir. Bugungi kunda masofaviy ta'limga bo'lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Bu masala, ayniqsa, o'qituvchilardan ko'proq “motivatorlik”, “supervizorlik” va “tutorlik” vazifalari orqali talabalarda motivatsiya, mustaqil ta'lim olish va integrativ o'qish kompetensiyalarini yanada rivojlantirishni talab qilmoqda. Mazkur maqola masofaviy ta'limning bir ko'rinishi hisoblangan “Flipped classroom” modulining ahamiyati va Navoiy davlat pedagogika instituti ingliz tili o'qituvchilari faoliyatida duch kelgan qiyinchilik va muammolar tahliliga bag'ishlanadi.*

Аннотация. *В развитии любого государства большую роль играет правильно поставленная система образования. Одной из актуальных проблем нашего времени является формирование системы образования, всесторонне отвечающей мировым образовательным стандартам. В наши дни возрастает потребность в дистанционном образовании. А это в свою очередь требует от учителя развития интерактивных обучающих компетенций, посредством задач “мотивация”, “супервизор” и “тьютор” обучения студентов самостоятельному получению знаний. В данной статье анализируется одна из разновидностей дистанционного образования модуль “Flipped classroom”, его практическое значение в процессе обучения и трудности и проблемы в работе преподавателей английского языка Навоийского педагогического института при его использовании.*

Annotation. *The education system is important for the development of any country. One of the most pressing issues today is the formation of an education system that fully meets international educational standards. There is a growing need for distance learning today. This issue, in particular, requires teachers to further develop students' motivation, independent learning and integrative learning competencies through more “motivational”, “supervisory” and “tutoring” tasks. This article is focused on the importance of the “Flipped classroom” as a form of distance learning and an analysis of the challenges and problems faced by English teachers at Navoi State Pedagogical Institute.*

Kalit so'zlar: *“Aralash” ta'lim (blended teaching), “Flipped classroom”, mustaqil ta'lim olish ko'nikmalari, tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish.*

Ключевые слова: *«Смешанное» образование, “Flipped classroom”, навыки получения самостоятельного образования, развитие критического мышления.*

Key words: *blended teaching, Flipped classroom, independent learning skills, critical thinking skills.*


Kirish. Ta'lim tizimida o'quv jarayonini yangidan isloh qilish, yangi informatsion texnologiyalar-ga asoslangan o'qitish usullarini ishlab chiqish, ularni keng joriy qilish bu davrning dolzarb masalalari-dandir. Bunda masofaviy talim tizimini joriy qilish maqsadga muvofiqdir.

Masofaviy ta'lim (MT) – bu o'qituvchi va o'quvchi bir-biri bilan masofa yoki vaqt orqali ajratilgan sababli informatsion texnologiyalardan fodalanilgan ta'lim turi. Bu ta'lim turining bir necha modellari mavjud, ular masofaviy ta'lim tashkil qilinishiga sabab bo'lgan vaziyatlari bilan farqlanadi: geografik sa-bablar (mamlakat maydoni, markazlardan geografik uzoqlashgan regionlar mavjudligi), mamlakatni kom-pyuterlashtirish va informatsiyalashtirish darajasi, transport va kommunikatsiyalar rivojlanish darajasi, masofaviy ta'lim uchun mutaxassislar mavjudligi, ta'lim sohasida informatsion va kommunikatsion tex-nologiyalardan foydalanish darajasi, mamlakatning ta'lim sohasidagi odatlari.

“Flipped classroom” modulining yaratilish tarixi. “Flipped” o'qitish shakli ilk bor 1980-yillarda Kardarvil universiteti professori Vesley Beyker tomonidan taklif qilingan. Uning fikriga ko'ra, axborot texnologiyalari talabalarning sinfdan tashqari nazariy ma'lumotlar bilan tanishuvini va ularning darsgacha yangi mavzu haqida tushuncha hosil qilishini ta'minlashi kerak edi.¹

Ammo, o'sha davrda axborot texnologiyalari vositalari bu usulni qo'llash uchun hali yetarlicha ri-vojlantirilmaganligi uchun, bu g'oyani amaliyotga to'laqonli tadbiiq qilib bo'lmadi. Shunga qaramasdan, ra-qamli texnologiya (Internet) va “You Tube”ning taraqqiy etishi bilan bu g'oyalar amaliyotda faol tatbiiq qilina boshladi va bugungi kunda “flipped o'rganish usuli” nomini oldi. Keyinchalik, Kolorado maktabi o'qituvchilari Jonatan Bergman, Aaron Sams va boshqalar bu usulni samarali qo'llanishi uchun bir nechta metodlar ishlab chiqdi.

“Flipped classroom” modulida dars tashkil qilish jarayoni¹



1-rasm.

“Flipped classroom” modelining afzalliklari:

- ma'ruza darslarida talabalarning faolligini oshiradi, ya'ni talabalar *passiv eshitish holatida emas faol ishtirokchi/amaliyotchi* sifatida qatnashishadi;
- talabalar dars jarayonining asosiy olib boruvchilari sifatida ishtirok etishadi;

¹ Johnson L.& Renner J. (2012). Effect of the flipped classroom model on a secondary computer applications course: student and teacher perceptions, questions and student achievement. Doctoral Dissertation, University of Louisville.

- talabada mustaqil ta'lim ko'nikmalarini rivojlantiradi;
- o'qituvchini faqat ma'lumot beruvchi shaxsdan ko'ra ko'proq "Motivator", "Tyutor" va "Supervayzor" vazifasini bajarishga undaydi;
- bajarilgan vazifalarning kamchilik va yutuqlari yuzasidan darhol dars mobaynida maslahat va tavsiyalar olish (feedback);¹
- nazariy ma'lumotlarni dars materiallari xohlagan vaqtda qaytadan ko'zdan kechirish imkonini beradi;
- talabada hojotiy va kasbiy qobiliyatlarni rivojlantirishga yordam beradi, misol uchun, o'ziga bo'lgan ishonch, qat'iyatlilik, ko'pchilik orasida o'z fikrini bildira olish va isbotlash, jamoa bo'lib ishlash, moslashuvchanlik, o'zgaralar fikrini hurmat qilish, yaratuvchilik va ijodiy hamkorlik qobiliyatlarini takomillashtirishga xizmat qiladi;
- dars jarayonida yuzaga keladigan stressli holatlarni kamaytiradi, ya'ni talaba erkin va faol istirokchiga aylanadi;
- darslarni o'zlashtirishda orqada qolayotgan talabalar uchun takroriy holda mavzu ustida ishlash imkoniyatini beradi;
- darsga ajratilgan vaqtdan yanada samarali foydalanishga yordam beradi, ya'ni dars vaqti, asosan, aktiv mashg'ulotlar, baholash va xatolar ustida ishlash uchun sarflanadi.²
- foydalaniladigan adabiyotlarning xilma-xilligini (video, qo'shiq, rasmlar, prezentatsiyalar, ta'limga oid internet saytlari, "podcast"lar) ta'minlash orqali, turli qiziqish va o'rganish qobiliyatlariga ega talabalarning talablarini qondiradi;
- "Amaliyot-Tahlil qilish-Baholash-Yaratish" jarayonlarini real amaliyotga tatbiq qilishga yo'l ochadi.

"Flipped classroom" modelida o'qituvchining o'rni va vazifalari. XXI asr talabasining imkoniyat va qobiliyatlarini 10–15 yil ilgari talabalar bilan qiyoslab, shuni aytib o'tish mumkinki, ular nafaqat axborot kommunikatsiya texnologiyalari bilimdoni, balki ruhiy va psixologik jihadan ham ancha olg'irdirlar. Shu omilni hisobga olgan holda, nafaqat o'qituvchining, balki o'qituvchining ham vazifalarida o'zgarishlar bo'lishi zarur. O'rganish o'qituvchiming emas, ta'labaning qo'lida bo'lgandagina, haqiqiy o'rganish bo'ladi, deydi Bergmann va Sams. Xo'sh, unda o'qituvchi nima vazifani bajaradi, degan savol tug'iladi. Shunday javob beradi: "Flipped classroom" modelida o'qituvchi 'ma'lumot manbayi emas, "Edvayzer", "Tyuter", "Supervayzer", "Fasilitator" vazifalarini bajarishi talab etiladi.³

O'qituvchining ta'lim berish jarayonidagi vazifalari (iyerarxiya)

Activator
"Feedback" beruvchi
Qo'llab-quvvatlovchi
Yo'naltiruvchi
Ruhlantiruvchi
Baholovchi
O'rgatuvchi
Model

1-jadval.

"Flipped classroom" modelini amaliyotga tatbiq etishdagi muammolar yuzasidan Navoiy pedagogika institutida kichik tadqiqot ishi amalga oshirildi. Bu jarayonda, asosan, xorijiy til o'qituvchilaridan, aynan ingliz tili o'qituvchilari ishtirokchilar sifatida tanlandi. Ulardan so'rovnoma olish usuli orqali ta'limda "Flipped" usulini qo'llashda yuzaga kelayotgan muammolar muhokama qilindi. Bu so'rovnomada 25 nafar ingliz tili o'qituvchisi ishtirok etadi. So'rovnoma natijalari shuni ko'rsatdiki, bu modelni Navoiy davlat pedagogika institutida tatbiq etish, asosan, quyida keltirilgan uchta yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarni yechishni talab etadi.

¹ Moore N.& Gilmartin M. (2010). Teaching for better learning: A blended learning pilot project with first-year geography undergraduates. Journal of Geography in Higher Education, 34 (3), p. 327 – 344.

² Gilboy M.B., Heinerichs S.,&Pazzaglia G. (2015). Enhancing student engagement using the flipped classroom. Journal of Nutrition Education and Behavior, 47 (1), p. 109 – 114.

³ Olimjonova K.X. Zamonaviy ta'limda o'qituvchining "Tyutorlik", "Supervayzerlik" va "Moderatorlik" faoliyati. 2017, 41–42-betlar.

Мавjud qiyinchilik va muammolar:

●“Flipped classroom” modeli uchun darslar tashkil qilish an’anaviy darslar tashkil qilishdan ko‘ra ancha murakkabroq jarayondir;

●Turli texnik muammolar yuzaga kelishi;

●Talabalarning barchasi ham zaruriy texnologiya bilan ta’minlanmagan.

Birinchidan, asosan, o‘qituvchilarning “Flipped” usulida darslar tashkillashtirish borasidagi shaxsiy tajriba, ko‘nikmalari va salohiyatini o‘z ichiga oladi. Ularning aksariyati bunday ta’lim modeli ular uchun juda ko‘p vaqt talab qiladigan jarayon ekanligini aytishdi. Shu vaqtgacha qo‘llanilgan an’anaviy usul, “ma’lumotli ma’ruza”dan zamonaviy usulga o‘tish uchun zaruriy metodologik va texnik ko‘nikmalarining yetarli emasligi asosiy muammolardan biridir.

Ikkinchidan, ta’limga oid Internet saytlari, kompyuter va mobil aloqa dasturlari, texnik qurilmalar bilim olish sifati va tezligini yanada yaxshilashga xizmat qiladi. Lekin shuni ham unutmaslik kerakki, ba’zi texnik nosozliklar (elektr tarmog‘ining o‘chib qolishi, internet ta’minotining zaifligi, qurilmaning nosozligi) ta’lim jarayonini qiyinlashtiradi.

Uchinchidan, o‘z-o‘zidan talabalarning texnik qurilma va internet tarmog‘i bilan ta’minlanganlik masalasi bilan bog‘liqdir. Bu masala ularning ijtimoiy-moliyaviy ahvolidan kelib chiqqan holda nazarda tutilgan. To‘g‘ri, bugungi kunda oddiy mobil aloqa qurilmadan foydalanmaydigan insonning o‘zi yo‘q deyishimiz mumkin, ammo ba’zi dasturlarning faqat kompyuterdaishlashini inobatga olgan holda, bu maslaga ham jiddiyoq e’tibor bergan ma’qul. O‘tkazilgan tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, deyarli 30% talaba shu sababli darslarni o‘zlashtirishda orqada qolayotgan ekan.

**Хақимова Шахноза Асранбек қизи (АндУ Чет тиллар факультети
Факультетлараро чет тиллар, аниқ ва табиий фанлар кафедраси ўқитувчиси)
ИНГЛИЗ ТИЛИ НУТҚИГА ЎРГАТИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**

***Аннотация.** Энг аввало, гапириши учун стимул-рағбатлантирувчи, ундовчи омилнинг бўлиши, фикрнинг шаклланишига олиб келадиган эҳтиёж сабабдир. Бунинг учун ташқи ва ички таъсир бўлиши зарур, шундагина эҳтиёж тугилади. Психологик нуқтаи назардан гапириши учун тил материалларини билиш зарур, улар гапиришининг механизмлари ҳисобланади. Тушуниш гапириши жараёнида, гапириши эса тушуниш жараёнида шаклланади. Гапириши нутқ, фаолиятининг тури сифатида ўрганилаётган тилга ва нутқ турига боғлиқ бўлган ҳолда психологик қийинчилик тугдиради.*

***Аннотация.** В статье речь идёт о мотивации, побуждающей к говорению. Во-первых, наличие побуждающе-мотивирующего, мотивирующего фактора к разговору является причиной потребности, которая приводит к формированию мысли. Для этого нужны внешние и внутренние воздействия, вследствие чего возникает необходимость в общении. Чтобы говорить с психологической точки зрения, необходимо знать языковые материалы, которые являются механизмами речи. Понимание формируется в процессе разговора, а речь – в процессе понимания. Разговорная речь представляет собой психологическую проблему в зависимости от языка и типа изучаемой речи как вида деятельности.*

***Annotation.** Firstly, the presence of a motivating, motivating factor for a conversation is the cause of the need, which leads to the formation of thoughts. This requires external and internal influences, so there is a need. To speak from a psychological point of view, you need to know the linguistic materials, which are the mechanisms of speech. Understanding is formed in the process of speaking, and speech – in the process of understanding. Conversational speech is a psychological problem depending on the language and the type of speech being studied as an activity.*

Калим сўзлар: инглиз тили, монолог, нутқ, тафаккур, хотира, идрок.

Ключевые слова: английский язык, монолог, речь, мышление, память, разум.

Key words: English, monologue, speech, contemplation, memory, perception.

Ёшларни комиллик даражасига етишишида, дунё ҳамжамияти эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишида ва чет тилларини ўрганиш, билиш, чет элликлар билан уларнинг тилида, улар билан баб-баробар мулоқотга кириша олиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инглиз тилида нутқ фаолияти турларини ўргатиш муҳимдир. Улар орқали маълумот олинади, маълумот берилади. Бу эса инглиз тилини ўқитишнинг мақсадини ташкил қилади. Маълумот олиш тинглаб тушуниш ва ўқиш орқали амалга ошса, маълумот бериш, гапириш ва

фикрни ёзма баён қилиш орқали амалга ошади. Юқорида биз нутқ фаолиятининг 2 та – оғзаки ва ёзма турлари ҳақида сўз юритдик.

Оғзаки нутқни ўргатиш – тинглаб тушуниш ва гапиришни ўргатишни ўз ичига олади. Улар ажралмас қисмлардир. Уларни бир-биридан ажратиш қийин, ҳатто мумкин эмас, десак ҳам бўлади.

Оғзаки нутқнинг нутқ фаолиятимизда муҳимлиги ҳаммамизга аён. Оғзаки нутқ нутқни тинглаб тушуниш ва гапириш шаклларида бўлиши мумкин.¹

Инглиз тилида гапириш ҳам нутқ фаолиятининг турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Гапириш орқали маълумот берилади. Бу нутқ фаолияти бошқа нутқ фаолияти турлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқувчи, талабада тинглаб тушуниш кўникмаси қанчалик яхши эгалланган бўлса, гапириш ҳам шунча тезлик билан ривожланади, акс ҳолда, тескариси бўлади. Инглизча маълумотни қабул қила олган ўқувчи, талаба инглиз тилида унинг мазмунига мослаштириб маълумот беради. Ўқувчи, талаба мазмунни тушуна олмаса, жавоб қайтариши қийин. Тинглаб тушунишда маълумот қабул қилиниб, ички нутқ содир бўлса, гапиришдан олдин ички нутқ сўнг ташқи нутқ юзага чиқади. Иккаласида ҳам талқин қилинади, лекин гапиришдан олдин бўлса, тинглаб тушунишда эса кейин бўлади. Бу ички нутқларла тафаккур, хотира, идрок муҳим ўрин тутади.

Ўқиш гапириш билан алоқадор, унга боғлиқлиги бор. Ўқувчи ўқиган маълумот орқали гапиради, маълумот беради. У қанча кўп ўқиса, шунча гапириши учун маълумотга эга бўлади. Шу сабабдан ўқувчи, талаба ичида, овоз чиқариб, овоз чиқармай ўқиб гапириш учун маълумот тўплайди, ўқиш гапириш учун маълумот манбаидир.

Ўқувчи, талаба ўқиган, тинглаган, гапирган материалларини, маълумотини ёзма ифодалайди. Улар маълумотни ёзма ифодаласа, унинг хотирасида, ёдида яхши қолади. Гапириши осонлашади. Ёзув ҳам гапириш маълумотини, материални эса қолишига ёрдам беради.²

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, гапириш фаолияти бошқа нутқ фаолиятлари билан алоқададир.

Қатор тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, гапириш нутқ умумий ҳажмининг 30 фоизини, ёзув эса 9 фоизини ташкил қилади. Шунинг учун гапириш инглиз тилини ўргатиш ва ўрганишнинг энг муҳим мақсади ҳисобланади.

Ўрта мактабда чет тили ўқитиш дастурига мувофиқ гапиришни ўргатишдан мақсад ҳам воситадир. Ўқувчи инглиз тилида гапиришни амалда қўллай олиши мақсаддир, гапириш бошқа нутқ фаолиятларини ўргатишда, ўрганишда восита сифатида қўлланилади.

Инглиз тилида гапиришни ўргатишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, буларни ўқитувчи ҳисобга олиши зарур. Қийинчиликлар экстралингвистик, психологик, лингвистик бўлиши мумкин. Экстралингвистик қийинчиликлар:

- Гапиришнинг кимгадир, нимагадир қаратилиши.
- Гапиришда нутқ вазияти, ҳолатининг яратилиши.
- Воситаларнинг бўлиши.
- Гапириш эҳтиёжи бўлиши.
- Гапириш содир бўлаётган шароитнинг хусусияти (синф ўқувчиларнинг иккига бўлинганлиги, синф хонасининг, ўқувчи, талабаларнинг дарсга тайёрлиги ва бошқалар).
- Гапиришда имо-ишора, жест, мимика ва ҳаракатнинг қўлланилиши.

Энг аввало, гапириш учун стимул-рағбатлантирувчи, ундовчи омилнинг бўлиши, фикрнинг шаклланишига олиб келадиган эҳтиёж сабабдир. Бунинг учун ташқи ва ички таъсир бўлиши зарур, шундагина эҳтиёж тугилади. Психологик нуктаи назардан гапириш учун тил материалларини билиш зарур, улар гапиришнинг механизмлари ҳисобланади. Тушуниш гапириш жараёнида, гапириш эса тушуниш жараёнида шаклланади. Гапириш нутқ, фаолиятининг тури сифатида ўрганилаётган тилга ва нутқ турига боғлиқ бўлган ҳолда психологик қийинчилик туғдиради.

Гапириш яна иккита психологик қийинчиликлар билан характерланади: фикрни баён қилиш, шаклни ўйлаб кўришга имкон камлиги ва ифодалашнинг бир онда содир бўлиши. Гапиришнинг автоматлашган ва автоматлашмаган томонлари ҳам психологик қийинчилик билан боғлиқ.

¹ Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. “Ўқитувчи”, Т., 1992, “Университет”, 2010.

² Усмонов С. Умумий тилшунослик. Т., 1977.

Тафаккур, хотира ҳам гапиришни ўргатишда муҳим роль ўйнайди. Буларнинг ривожланганлиги гапиришни ўргатишга таъсир қилади.

Гапиришни ўргатишга лингвистик қийинчиликлар ҳам таъсир қилади:

● гапириш учун керакли лексик, грамматик материал, гапириш намуналари тўғри танланган бўлиши;

● гапириш учун зарур бўлган лексик, грамматик материалларнинг маъноси, мазмунидаги, қўлланишидаги қийинчиликлар;

● тўғри оҳангда, ритмда, тўғри талаффуз қилишдаги (гапиришга таъсир қиладиган) қийинчиликлар.

Нутқ намуналарини, жумлаларни қўллай олишдаги қийинчиликлар, яъни гапиришнинг яна қуйидаги лингвистик қийинчиликларини кўриш мумкин:

● гапириш адабий тилда эмас, жонли тилда содир бўлади;

Гаплар, жумлалар қисқа тузилади:

Do you have? What about?

And you?

How many books do you have?

One кабилар.

Қисқартирилган шакллар кенг қўлланилади: don't,

won't, I've, shan't, wanna, gonna laboratory ўрнига lab

microphone ўрнига mike mathematics ўрнига maths

Well, Hello, Ok, Hey кабилар.

Инглизча гапириш 3 хил: 1) монолог; 2) диалог; 3) полилог шаклида амалга оширилади. Бу 3 хил шаклдаги гапиришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Монолог битта сўзловчининг, диалог 2 та сўзловчининг, полилог 2 тадан ошқ сўзловчининг нутқидир.

Монолог, диалогни ўргатиш масалалари анчагина ўрганилган бўлиб, психологлар тафаккур, хотирани ҳисобга олиб, ташаббусли нутқ такдидий нутқ, тайёрланган, тайёрланмаган нутқ турларига ажратишди.

Тайёрланган нутқ дейилганда ўқувчи, талаба тайёрланиши учун маълум мавзу, вақт берилиши, керакли воситалар, сўзлар, нутқ намуналари олдиндан ўргатилиши, уйда тайёрланиши, таянчлар бўлиши кўзда тутилади.

Тайёрланмаган нутқни спонтан нутқ ҳам дейилади. Бунда илгаридан тайёргарчилик кўрилмайди. Ўрта мактаб дастури буйича ўқувчи тайёрланмаган нутқни эгаллаши керак, лекин бунга тайёрланган нутқ асосида эришилади.¹

Инглизча гапиришни ўргатишнинг мазмунига лингвистик, психологик, методик қисмлар киради.

Лингвистик қисмга гапириш учун зарур бўладиган тил ва нутқ материаллари, гап тузилишлари, нутқ намуналари киради. Бу материаллар мавзулар асосида танланилиши зарур. Мавзу асосида тил материаллари танланади.

Лингвистик қисм устида тўхталганда, экстралингвистик элементларни, имо-ишора, ҳаракат ва бошқа воситаларни ҳам ёдда тутиш зарур.

Психологик қисмга гапириш кўникмаларини эгаллаш киради. У репродукциядан, ўрнига қўйиш, ўзгартиришдан, кенгайтиришдан, қўшишдан иборатдир. Репродукция ўқувчи, талабани ўқитувчидан ёки фонограммадан эшитганини айнан ўзини қайтаришидир.

Ўқувчи, талаба репродукцияда қисман сўзларни алмаштириши мумкин. Масалан, ўқитувчи This is a black pencil деса, ўқувчи қайтаришда (репродукцияда) This is a white pencil деб ўзгартириши мумкин.

Ўзгартиришда сўзлар, ибораларни ўрни ҳам ўзгартирилиши мумкин. Масалан, I live in Moscow. Sasha lives in Moscow. I live with Sasha билан ўзгартирилади.

Кенгайтиришда эса нутқ намунаси, гап, структура кенгайтирилади. Масалан:

I have a book.

I have an English book.

I have an interesting English book.

I have an interesting English book at home.

¹ Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М., 1976.

Кўшишда тил материаллари, нутқ воситалари кўшилиб гапирилади. Масалан, «Спорт» мавзусида I am fond of... нутқ намунасини фаоллаштиришда ўқувчи ёки талаба ўзининг севган спорт машғулоти кўшиб гапиради.

Методик қисмда гапириш метод, усулларини, йўлларни қўллаш тушунилади. Бунда ўқувчилар таянчлар, таянч воситалардан фойдалана олишлари муҳимдир. Уларга тинглаш, қуриш таянчлари, сўзлар бўйича таянчлар киради.

Таъкидлаб ўтганимиздек, монологик нутқ гапиришнинг шакли бўлиб, 1 та сўзловчи томонидан бажарилади. Монологик нутқ ўзига хос хусусиятларга, қийинчиликларга эга. Ўқитувчи уларни ўргатаётганда ҳисобга олиши зарур. Улар қуйидагилар:¹

- 1) монолог бир киши томонидан бажарилади;
- 2) у режали бўлади;
- 3) у қисман тайёрланган бўлади;
- 4) у узилмай давом этади;
- 5) у режали бўлгани сабабли мантиқий бошланган бўлади;
- 6) у бир контекст, матн асосида олиб борилади;
- 7) унга воситалар, таянчлар, шароит таъсир кўрсатади;
- 8) услуб таъсир қилади;
- 9) монолог таъсирчан, маълумотли, хис-ҳаяжонли бўлади, кимгадир, нимагадир қаратилади;
- 10) нутқ вазиятли бўлади. Бир шароитни, вазиятни кўзда туттади.

Монологик нутқнинг қуйидаги лингвистик қийинчиликлари, хусусиятлари ҳам муҳим ўрин туттади, улар таъсирини кўрсатади.

- талаффузи қийин сўзларнинг ишлатилиши;
- гапларнинг китоб услубига мансублиги;
- нутқни баён қилишга боғлиқ бўлиши;
- лингвистика нуқтаи назаридан монологик кўникмани эгаллаш;
- гапларнинг боғловчи қисмларини эгаллашни;
- контекст учун тўғри сўз тартибини танлашни;
- фикрни, мантиқни, ритм билан тўғри ифодалашни;
- монолог учун тил воситалари, материалларини билишни;
- мавзуни тўлиқ оча билиш кабиларни ўз ичига олади.²

Ўрта мактаб дастури бўйича монологик нутқни ўргатиш ҳам мақсад, ҳам воситадир. У восита бўлиб гапиришни, монологнинг ўзини ривожлантиришга, тил материалларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мақсад бўлганда эса у ўқувчи, талабаларни монологни нутқ фаолияти сифатида ўрганишни, ўргатишни, у орқали маълумот бера олишни кўзда туттади. Урта мактаб дастурида ҳар бир синф ўқувчилари учун монологик нутқ талаблари, мавзуси берилган. Ўқувчи, талаба нутқнинг ҳажми, меъёри ҳам белгилаб берилади.

Монологик нутқни ўргатишда монологик бирликларни аниқлаш, монолог кўникмаларини белгиловчи метод, усул, йўлларни, машқларни аниқлаш муҳим ўрин туттади.

Диалогик ва полилогик нутқ турлари ҳам гапиришнинг шакли бўлиб уларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор ва ўқитиш жараёнида уларни эътиборга олиш кўзда тутилмоғи керак.

**Xaitbayeva Nazokat Adilbek qizi (O'zMU Xorijiy filologiya fakulteti
Lingvistika (o'zbek tili) yo'nalishi magistranti; e-mail: khaitbaeva.nazokat@gmail.com)
BOSHLANG'ICH TA'LIMDA YOZMA NUTQNI TAKOMILLASHTIRISHNING
PSIXOLINGVISTIK ASOSLARI**

***Annotatsiya.** Savodxonlik masalasi har bir davrda va har qaysi millatda dolzarb muammolardan bo'lib kelgan. Ushbu maqolada savodxonlik asosi bo'lgan yozma nutqni takomillashtirishning psixolingvistik yondashuv asosidagi tahlili keltirilgan. O'quvchilarni to'g'ri yozishga o'rgatish, yozishga jalb qilish va yozma nutq malakalarini rivojlantirish yo'llari ko'rsatilgan. Hozirgi kunda ta'lim sohasida yozma nutqning o'rni alohida e'tiborga loyiqdir. Shu sababli ijodiy ishlar va turli metodlar orqali o'quvchilar-*

¹ Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. М., “Наука”, 1986.

² Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида, “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1975, 5-сон.

ning yozma nutqini yanada takomillashtirib, ularning fikrlash doirasini o‘stirish eng oliy maqsad qilib ko‘zlangan. Maqola ushbu maqsadni amalga oshirishning psixolingvistik omili haqida ma’lumot beradi.

Аннотация. Грамотность была насущной проблемой в каждом возрасте и в каждой стране. В статье представлен психолингвистический подход к совершенствованию письменной речи, которая является основой грамотности. Приведены приёмы обучения студентов правильному письму, привлечения их к различным видам письменных работ, развития навыков письменной речи.

На сегодняшний день роль письменной речи в системе образования заслуживает особого внимания. В связи с этим остро стоит проблема совершенствования письменной речи учащихся, развитие их мыслительной деятельности путём различных методов и творческих работ.

В статье представлена информация о психолингвистическом факторе в достижении поставленной цели.

Annotation. Literacy has been a pressing issue in every age and in every nation. This article presents a psycholinguistic approach to improving written speech, which is the basis of literacy. Here are some ways to teach students to write correctly, engage them in writing, and develop written speaking skills. The role of written speech in education today is particularly noteworthy. Therefore, the highest goal is to improve students’ written speech and creative thinking through creative work and various methods. The article provides information on the psycholinguistic factor in achieving this goal.

Kalit so‘zlar: faoliyat, nutqiy faoliyat, til va nutq, texnika, mexanizm, og‘zaki nutq, yozma nutq, tafakkur, so‘zlovchi va tinglovchi, nutqni anglash.

Ключевые слова: деятельность, речевая деятельность, язык и речь, техника, механизм, устная речь, письменная речь, мышление, говорящий и слушающий, понимание речи.

Key words: activity, speech activity, language and speech, technique, mechanism, oral speech, written speech, thinking speaker and listener, speech comprehension.

Yozuv nutq kishilik tarixiy taraqqiyotidagi buyuk ixtiro hisoblanadi. Yozuv asosida shakllangan yozma nutq nafaqat ma’lumotlarning zamon, masofa nuqtayi nazaridan chegara bilmasligini, balki tafakkurni rivojlantirishni ta’minlaydi. Yozma nutq malakasini shakllantirish qisqa muddatda amalga oshadigan jarayon emas, balki yillab amalga oshirilgan mehnat va mas’uliyat samarasidir.

Bizga ma’lumki, psixolingvistika tilshunoslikning nutq jarayonini nutq akti va so‘zlovchi (yozuvchi), axborotni yuzaga keltiruvchi shaxs maqsadi va mazmuni orasidagi munosabat nuqtayi nazaridan o‘rganuvchi sohasidir.

Psixolingvistika til o‘rganish va undan foydalanish asoslarini belgilovchi fikrlash jarayonlarini tahlil qilishda, psixologiya va tilshunoslikka tegishli nazariy va empirik usullardan foydalanadi. Bu jarayon o‘z faoliyati davomida o‘zida bir necha fanlarni jamlaydi. Tilshunoslarni doimo inson bilimining muhim belgisi bo‘lgan til tuzilishining formal ta’rifi qiziqtirib kelgan. Bu tuzilma o‘zida nutq tovushlari va ularning mazmunini shu bilan birga, tovush va mazmuni birlashtiruvchi murakkab grammatik tizimlarni jamlaydi. O‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqlarini me’yorlashda, ularning mutanosibligini ta’minlashda, milliy tilning tabiati va o‘ziga xos xususiyatini belgilashda, ifoda va talaffuz qonuniyatlarini aks ettirishda ohangdorlik, ya’ni qiroat bilan o‘qishning amaliy ahamiyatini o‘stirish, adabiy til me’yori va mezonlariga rioya qilish, o‘qish, o‘qish metodlarini takomillashtirish yo‘llarini izlash va eng qulaylarini amaliyotga tatbiq qilish zarur. A.R.Luriya o‘qishni – impressiv nutqning maxsus shakli, yozuvni esa ekspressiv yozma nutqning maxsus shakli sifatida belgilaydi. Yozuv – grafik elementlar yordamida ma’lumotni ma’lum masofaga uzatish va uni ma’lum vaqtda mustahkamlash imkonini beruvchi, nutqni qayd etishning belgisi tizimidir. Yozma nutq faqat yozma ravishda fikrlarni ifodalashning barcha vositalarini ongli ravishda egallashdan boshlanadigan maxsus tayyorgarlik natijasida paydo bo‘ladi. Yozma nutqni shakllantirishning dastlabki bosqichlarida uning mavzusi shunchaki ifoda etilishi kerak bo‘lgan fikr emas, balki xat yozishning texnik vositalari, so‘ngra og‘zaki, dialogik yoki monologik nutqda hech qachon anglash predmeti bo‘lmagan so‘zlardir. Yozma nutqni o‘zlashtirishning birinchi bosqichida asosiy e’tibor mavzusi va intellektual tahlil bu yozish va o‘qishning texnik operatsiyalari; bolada o‘qish paytida yozish qobiliyati va “kuzatuvchi” qarash qobiliyatlari rivojlanadi. Yozishni o‘rgangan bola, dastlab, fikrlar bilan emas, balki ularni tashqi ifodalash vositalari, tovushlar, harflar va so‘zlarni belgilash usullari bilan ishlaydi.¹

¹ А.Р. Лурья. Письмо и речь – нейролингвистические исследования. Москва, “АКАДЕМА”, 2002.

Yozma nutqni o'zlashtirish va amalga oshirishning murakkabligi uning tabiatiga bog'liq: agar og'zaki nutq, asosan, so'zlash-eshitish va so'zlarni harakatlantirish analizatorlari faoliyati bilan amalga oshirilsa, yozma nutq ko'rish-eshitish va harakatlantirish analizatorlari faoliyatidan tarkib topadi. Yozma jarayonga butun miya, uning barcha qobiq bo'laklari aloqador bo'lsa-da, biroq unda bosh miya qobig'ining ma'lum uchastkalari ko'proq ishtirok etadi. Hozirgi vaqtda maktablarda o'qish va yozishni o'rgatish tovushli analitik-sintetik usul orqali amalga oshirilmoqda. Ushbu uslub asoslari K.D.Ushinskiy tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, bog'lanma nutqni gaplarga, gaplarni so'zlarga, so'zlarni bo'g'inlarga, bo'g'inlarni esa tovushlarga ajratishni (analiz), shu bilan birga, tovushlarni bo'g'inga, bo'g'inlarni so'zlarga birlashishini (sintez) ko'zda tutadi.

D.B.Elkonin va N.S.Jukova qayd etib o'tganlaridek, "Tovushli nutqdan grafik nutqga o'tishni ba'zida soddalashtirilib, shunchaki belgi-harflarning sezilarli o'rnini bosish uchun kirish sifatida tushuniladi. Bunday o'tish asosida ancha nozik psixologik jarayonlar yotadi: harf nutq tovushlarini modellashtirmaydi, formulalarni esa simvollar bilan ifodalaydi".¹ K.D.Ushinskiy ta'lim olish jarayonida tovushli uslub bo'yicha mashg'ulotlar mazmunini quyidagilar bilan belgilagan:

- bolaning ko'zi va qo'lini harflar elementlarini yozishga o'rgatish;
- eshitib so'zdagi alohida tovushlarni topish;
- til tovushlarini aniq talaffuz qilish;
- bolalar diqqatini so'zlar va tovushlarga qaratish;
- so'zlarni ajrata olishni va qo'sha olishni bilishni o'rgatish;
- shu bilan birga, bolaning barcha qobiliyatlarini mashq qildirish va ularda havas uyg'otish.

Shunday qilib, o'qish va yozishning psixologik, psixofiziologik, lingvistik va metodik mazmunining tahlili, ushbu faoliyat turlarining muvafaqqiyatli shakllanishini ta'minlovchi jarayonlar va funksiyalarni aniqlashga yordam beradi. R.Y.Levina, L.F.Spirova, G.A.Kashe, R.A.Belova-David, R.I.Lalayeva va boshqa olimlar orfografiyaning fonetik tamoyilini muvaffaqiyatli o'zlashtirish uchun bola egallashi lozim bo'lgan quyidagi bilim va ko'nikmalarni ajratadi:

- so'zda bir-biriga yaqin fonemalarni farqlash (fonematik qabul qilish);
- so'zning tovushli tarkibi haqidagi tasavvurlarning aniqligi va konstantligi (fonematik tahlil);
- tovush harfli assotsiatsiyalarning aniqligi, fonematik idrok, ko'ruv idroki va fazoviy mo'ljal olish.²

Birinchi sinfga borgan bola og'zaki nutqni yetarli darajada o'zlashtirib, so'zlarni bemalol talaffuz qiladi va muloqot jarayonida ibora ichidagi so'zlarni o'z o'rniga qo'yish ustida o'ylanib o'tirmaydi. Yozma nutqda har bir iboraning tuzilishi maxsus o'ylanish predmeti hisoblanadi va boshlang'ich bosqichda yozma nutqni o'zlashtirish har bir so'zni yozish jarayoni kabi tushuniladi. Yozish va o'qishga o'rgatishda til tizimining birligi sifatida so'z – bola ongi uchun o'zining moddiyligi va sezuvchanligini egallaydi va uning ong predmetiga aylanadi. Yozma nutq tekshiriladi, tuzatiladi, takomillashtiriladi, bu jihatdan u og'zaki nutqqa qaraganda ancha qulay imkoniyatlarga ega. O'quvchi yozma nutqdagi xato va kamchiliklar ustida ishlaydi, ularni bartaraf etadi, keyingi ishlarda bu xato va kamchiliklarga yo'l qo'ymaslikka intiladi. Yozma nutqdagi imlo va tinish belgilari ustida ishlash matn mazmuni ustida ishlash bilan yaxlit birlik hosil qiladi.

Yozma nutqqa qo'yiladigan asosiy talablar quyidagilarda o'z ifodasini topadi. Nutq vaziyatini to'g'ri baholash. Nutq vaziyati deganda nutq yaratilayotgan paytda so'zlovchi va tinglovchining sharoiti tushuniladi. Nutq vaziyati muloqot jarayonidagi narsa-buyum, harakat-holat, muloqot ishtirokchilarining bilim saviyasi, kasb-kori, so'zlovchining maqsadi va imkoniyatlarini o'zida mujassamlashtiradi.

Turli makonlarda bo'lgan so'zlovchi va tinglovchi yozma nutq (xat, maktub) vositasida fikr almashishi mumkin. Nutq sharoitining muhim tarkibiy qismlaridan biri so'zlovchining tinglovchilar saviyasini hisobga olishidir. Xalqimiz qadimdan bunga juda katta e'tibor bergan. Shuning uchun "So'zni aytgin uq-qanga" maqolida nutqni tinglovchilarga tushunarli qilib bayon etish zaruriyati ta'kidlangan. Alisher Navoiyning "Boqma so'zchi holiga, boq so'z holiga", "Kim aytganiga emas, nima haqida aytilganiga e'tibor ber" mazmunidagi aforizmlari ham shunga da'vat qiladi.

¹ Эльконин Д.Б. Развитие устной и письменной речи учащихся. М., 1998, с. 100–111; Жукова Н.С. Преодоление недоразвития речи у детей. Уч.-метод. пособие, М., Соц.-полит. журн., 1994, с. 96.

² Левина Р.Е. Нарушения речи и письма у детей: Избранные труды. Ред.-сост. Г.В.Чиркина, П.Б.Шошин. М., "АРКТИ", 2005, с. 224.

Insho savodxonlik darajasini tekshirishning sinalgan usullaridan biri sanaladi. Insho yozish – bu ijodiy jarayon. Bu jarayonni bir necha qismlarga bo‘lib, insho yozishni ancha soddalashtirib olish mumkin. Aqlingizni ishga solib, asosiy g‘oyalarni aniqlash, ularni qoramaga yozib qo‘yish va shu asosda ajoyib ijod namunasini yaratish mumkin. Demak, insho yozma nutqni, fikrni o‘stirish, tafakkurni rivojlantirish vositasi hisoblanadi. Inson qaysi kasb egasi bo‘lmasin, yuksak tafakkur sohibi bo‘lsagina, yangilik yaratadi.¹

Салохитдинова Наврўза Муродулла кизи
(Термиз Давлат университети Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси)
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ТУШУНЧАНИНГ ҲАЖМИ ВА
МАЗМУНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига математик тушунча терминини мустақил ўргатиш учун математика фанини табиатишунослик ва технология фанлари билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш тавсия этилади. Ушбу тадқиқот ишида бошланғич таълим фанлари интеграциясини таъминлаш орқали бўлажак педагогларнинг конструктив билимларини ҳам мустақамлаш назарда тутилган. Шу асосда мақолада фанлараро мавзулар ўзаро уйғунликда ёритилган.*

***Аннотация.** В статье даны рекомендации будущим учителям начальных классов по совместному изучению математики с естественными науками и технологиями, чтобы самостоятельно преподавать математические понятия. Это исследование также направлено на укрепление конструктивных знаний будущих педагогов путем обеспечения интеграции предметов начального образования. Исходя из этого, в статье освещены междисциплинарные темы.*

***Annotation.** The article recommends that prospective elementary school teachers study mathematics in conjunction with science and technology in order to independently teach math concepts. This study also aims to strengthen the constructive knowledge of future educators by ensuring the integration of primary education subjects. Based on this, the article deals harmoniously with interdisciplinary topics.*

***Калим сўзлар:** интеграция, конструктив, объект, синф, тур, тушунча, ҳажм, мазмун, умумий, хусусий, учбурчак, тўртбурчак, трапеция, мевали, манзарали, тўғри бурчак.*

***Ключевые слова:** интеграция, конструктивный, объект, класс, тип, концепция, объем, содержание, общий, частный, треугольник, прямоугольник, трапеция, фруктовое, декоративное, прямой угол.*

***Key words:** integration, constructive, object, class, type, concept, volume, content, general, particular, triangle, rectangle, trapezoid, fruity, decorative, right angle.*

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар таълим тизимини тўлиқ ахборотлаштиришни, анъанавий ўқитиш мазмунини қайта кўриб чиқиш, ўқув фанларини интеграциялаш, ўқитишда инновацион-педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш асосида ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим муассасасида ягона ахборот таълим муҳитини шакллантириш, ахборотлар базасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш, ўқув-меъёрий хужжатларни фанлар интеграцияси асосида такомиллаштириш заруриятини туғдиради.²

Атрофимиздаги олам турли объектлардан иборат. Улар ўзига хос хоссалар ва ўзаро муносабатларга эга. Бу объектларни ўрганганимизда, уларнинг ўхшашлиги ва умумий хоссаларига қараб синфларга ажратамиз. Бу объектлар ва синфлар маълум бир ном билан номланади. Масалан, «дарахт», «чумчуқ», «мушук», «уй», «автобус» ёки «ўсимлик», «қуш», «хайвон», «бино», «машина» ва ҳоказо. Объектлар ёки объектлар синфининг номланиши инсон онгида улар ҳақида тушунча пайдо бўлганини билдиради.¹ Чунки ҳар бир ном аталиши билан онгимизда у билан боғлиқ та-





¹О.Мадыев, А.Собиров, З.Холманова, Ш.Тошмирзыева, Г.Зийодуллаяева, М.Шамсиева. *Yozma ish turlari: insho, bayon, diktant.* Toshkent, 2017.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 07.05.2020 й. ПҚ-4708 «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори.

¹ Абдуллаева Б.С., Садиқова А.В., Мухитдинова М.Н., Тошпўлатова М.И., Рахимова Ф. Математика. ТДПУ. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик, Т., 2012, 284 бет (83–88-бетлар).

саввурлар пайдо бўлади. Биз бу объект ёки объектлар синфининг энг муҳим хоссаларини эслаймиз: ранги, шакли, ўлчами, ҳиди, тузилиши ва ҳ.к.

Демак, тушунча – бу нарсалар ва ҳодисаларнинг баъзи бир муҳим аломатларига кўра фарқлаш ёки умумийлаштириш натижаси экан.

<p>Дарахтлар:</p>	<p>3 трлн</p>	<p>Умумий дарахт турлари</p>	
<p>Манзарали ва мевали дарахтлар:</p>	<p>–</p>	<p>Турли дарахтлар</p>	
<p>Манзарали ва мевали дарахтлар ичидан мевали дарахтлар:</p>	<p>–</p>	<p>Барча мевали дарахтлар</p>	
<p>Мевали дарахтлар ичидан шохшаббаси кўп, баланд ўсадиган дарахтлар:</p>	<p>Нок (60 тури), гилос (100 га яқин), олма (30 тури)</p>	<p>Нок, гилос, ёнғоқ, олма</p>	

1-жадвал. Ҳажм ва мазмуннинг уйғунлиги.

Аломатлар эса нарса ёки ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ёки фарқлинишини билдирувчи хоссалардир. Агар бирор объектнинг барча муҳим хоссалари тўпланган бўлса, бу объект ҳақида тушунча бор дейилади.

Ушбу тадқиқот ишимиздан мақсад бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига математик тушунча терминини мустақил ўргатиш учун математика фанини табиатшунослик ва технология фан-

лари билан ўзаро алоқадорликда ўрганишни тавсия этамиз (1–2-жадвал. Ҳажм ва мазмуннинг уй-ғунлиги).

Хусусан, тушунчага оид юқорги фикрларимиз далили сифатида бошланғич таълим фанлари интеграцияси орқали мисол келтирилади.¹

Куйида математика ва табиатшунослик фанлари мисолида тушунча сифатида дарахт терминини оламиз (1-жадвал).

Ҳар қандай тушунча ном, мазмун ва ҳажмга эга бўлади. Объектнинг барча муҳим хоссалари тўплами тушунчанинг мазмунини ташкил қилади. Масалан, дарахтлар тушунчасининг мазмунига мисол сифатида тана ва шохлари ёғочланган кўп йиллик ўсимлик, ўзидан кислород ажратиб, ҳавони тозалаш каби хоссалар киради.²

Бир хил муҳим хоссаларга эга объектлар тўплами тушунча ҳажмини ташкил этади. Масалан, дарахт тушунчасининг тури ҳисобланган мевали дарахтлар учун бир хил муҳим хоссаларини келтириш тушунча ҳажмини ташкил этади: шох-шаббаси кўп, баланд бўлиб ўсиши, мева тугиши, хиллари ва навлари бўлиши ва ҳ.к.

Демак, тушунча ҳажми битта тушунча билан номланиши мумкин бўлган объектлар тўплами ҳам экан. Тушунча мазмуни унинг ҳажмини аниқлайди ва аксинча.

Агар бирор тушунча ҳажми иккинчи тушунча ҳажмига кирса, иккинчи тушунча биринчи тушунчага нисбатан умумий, биринчи тушунча иккинчисига нисбатан хусусий дейилади. Масалан, юқордаги мисолдан дарахтларнинг турга ажралиши тушунчага нисбатан умумий: манзарали ва мевали дарахтлар. Тушунчага нисбатан хусусийлик сифатида нок, гилос, олма ва ёнғоқ мевали дарахтнинг шаклига қараб турга ажралишида мисол бўлолади.

Маълумотларимизни статистик таҳлил этиб, сонларда келтиришимиздан мақсад, айнан берилаётган бир тушунча, аввал, умумий, сўнгра, хусусийликка ажралиш тамойили кузатилмоқда. Эътибор берсангиз, дарахталар сони умумий тушунча сифатида 3 трлн ҳажми келтирилган бўлса, унинг мазмунан турга ажралиши, уларнинг ҳажмини аниқлаб бермоқда. Энг охири жадвал қисмларига назар солсак, тушунчалар хусусийлашган сари ҳажм яна-да аниқлашади. Мевали дарахтларнинг ўзини мазмунан шаклига кўра, қисмларга бўлиб ажратганда, яъни мевали дарахтлар ичидан шох-шаббаси кўп, баланд ўсадиган дарахтлар: нок (60 тури), гилос (100 га яқин), олма (30 тури). Кўриниб турибдики, айнан турга ажралиб, 2-тушунча 1-тушунчага нисбатан хусусийликни касб этиши 2-тушунча ҳажмини яққол ифодалаб берди.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган жадвал ва фикрлар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун тушунча ҳажми ва мазмуни тўғрисида етарли даражада ахборотга эга бўла оладилар.³ Бу эса бевосита математика ва табиатшунослик фанлари ўртасидаги алоқадорлик мақсадини оқлайди.

Кейинги фикримизда, технология ва математика фанлари интеграциясини таъминлаш асосларини келтирамиз (2-жадвал). Тажрибадан кўриниб турибдики, юза кичиклашади, бу эса тушунча мазмунининг яна-да ой-динлашишига асос бўлади.⁴ А4 форматли қоғоз юзаси 630 см² бўлса, ундан квадрат ясалганда юза 441 см²ни ташкил этди. Яъни, ҳажм деярли 4 баробар кичрайди. 3-қадамда эса квадратдан уч-бурчак ясалганда ҳажм 3 баробар кичрайди ва охири босқичда 1-қадамга нисбатан ҳажм кичра-йиш ҳолати аниқлашади. Бу эса мазмунини тўла ёритади.

Солиштирамиз:

- А4 форматли қоғоз: 630 см;²
- квадрат қисми: 441 см;²
- тўғри бурчакли учбурчак: 220,5 см;²
- тўғри бурчакли трапеция: 188,5 см.²





¹ А.Баҳрамов, Ш.Шарипов, М.Набиева. Табиатшунослик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик, Тошкент, 2020, 26-бет.

² Н.М.Салохитдинова. Бошланғич синф математика фанларидан олинаниган назорат ишлари ва халқаро баҳолаш дастурлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш (бошланғич синф математика фани мисолида). НамДУ илмий ахборотномаси – Научный вестник НамГУ, 2020, 12-сон, 15–19-бетлар.

³ Н.У.Бикбаева. Математика. Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик, Т., «Ўқитувчи», 2020, 187-бет.

⁴ И.А.Маннопова, Р.А.Мавлонова, Н.Р.Ибрагимова. Технология. Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017, 10-бет.

Демак, технология ва математика фанлари интеграциясини таъминлаш орқали бўлажак педагогларнинг конструктив билимларини ҳам мустақкамлай оламиз.

А4 форматли қоғоз:		Юзаси: $C = a \cdot b$ $C_1 = 30$ $\text{см} \cdot 21 \text{см} = 630 \text{см}^2$
А4 форматли қоғознинг квадрат қисми:	Қайчиланади: 	$C_2 = 21 \text{см} \cdot 21 \text{см}$ $= 441 \text{см}^2$
Ҳосил бўлган квадрат шаклидаги қоғоздан энг катта тўғри бурчакли учбурчакни ҳосил қилиш:	Қайчиланади: 	$C_3 = C_2 / 2 = 441 : 2$ $= 220,5 \text{см}^2$
Тўғри бурчакли учбурчакдан тўғри бурчакли трапецияни кесиб олиш:	Қайчиланади:  ихтиёрий қисми	$C = \frac{a+b}{2} \cdot X$ $C_4 = \frac{8+21}{2} \cdot 13 =$ $\frac{29}{2} \cdot 13 =$ $= 14,5 \cdot 13 = 188,5 \text{см}^2$

2-жадвал. Ҳажм ва мазмуннинг уйғунлиги.

Хулоса ва тавсиялар:

1. Тадқиқот борасида кўзланган натижа бошланғич таълим фанлари интеграцияси асосида мавзу доираси яна-да кенгаяди ва тушунарлилик даражаси ошади. Айнан келтирилган мисолларда ўз аксини тополади.

2. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида математик компетентликнинг етарли асосда ривожланиши ҳамда бу орқали бошқа фанларни ҳам мукамал ўрганишига замин яратади.

3. Бошланғич таълим фанлари интеграцияси орқали фанлар бир-бирини тўлдириши, ўз навбатида, тақозо этишини таъминлайди.

- Бугунги куннинг талаби фанларни ўзаро боғлаб ўрганишдан иборат. Таълим ислохотларидан ягона мақсад ҳам ўқувчини чарчатмаслик, қизиқишини оширишдир.

- Зеро, бир ўқувчи математикага тушунмаслиги мумкин, бироқ табиатшунослик ва технология унинг сеvimли фани бўлиши каби ҳолат натижасида ўқувчининг қалбига йўл топа олишининг сизнинг ютуғингиздир, деб ҳисоблаймиз.

- Мақолада келтирилган манбалар бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ва уларнинг дарс ўтиш жараёнларида методик қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тоғиев Жавлон Каримбоевич (Урганч Давлат университети таянч докторанти)
ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ БАДИИЙ ЛОЙИХАЛАШ
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

***Аннотация.** Ушбу мақолада “Технологик таълим” йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда уларда бадиий лойиҳалаш ва дизайнерлик асослари бўйича компетенцияларини шаклланишида “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича тавсиялар берилган.*

***Аннотация.** В данной статье приведены рекомендации по организации учебного процесса по дисциплине «Народное ремесленничество и художественное проектирование» при формировании у студентов направления «Технологическое обучение» компетенций художественного проектирования и основ дизайна для подготовки их к профессиональной деятельности.*

***Annotation.** This article provides recommendations on the organization of the educational process in the discipline “Folk handicrafts and artistic design” in the formation of students in the direction of “Technological training” competencies of artistic design and design basics to prepare them for professional activities.*

***Калим сўзлар:** хунармандчилик, қадоқлаш, ўрам, макет, оригинал ечим, маҳсулот, буюм, дизайн, технология, лойиҳа, техник характеристика, образли ечим, стиль.*

***Ключевые слова:** ремесло, расфасовка, виток, макет, оригинальное решение, продукция, изделие, дизайн, технология, проект, техническая характеристика, образное решение, стиль.*

***Key words:** craft, packaging, turn, layout, original solution, product, article, design, technology, project, technical characteristics, imaginative solution, style.*

Умумий ўрта таълим ва профессионал таълим муассасалари учун технология ўқитувчилари тайёрлашда бўлғуси технология ўқитувчиларида бадиий лойиҳалаш ва дизайнерлик асослари бўйича маълум йўналишдаги компетенциялар шаклланган бўлиши талаб қилинади. Технологик таълим йўналишига қабул қилинган талабаларнинг аксарият кўпчилигида ўқишнинг дастлабки даврларида бу компетенциялар ниҳоятда паст даражада шакллангани кузатилади. Талабаларни технология ўқитувчиси касбий фаолиятга тайёрлашда уларда бадиий лойиҳалаш ва дизайнерлик асослари бўйича компетенцияларининг шаклланишида “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан таълим жараёнини тўғри ташкил қилиниши катта аҳамиятга эга.

Технология ўқитувчиси касбий фаолияти давомида ўқувчиларда турли буюмларни конструкциялаш, лойиҳалаш ва тайёрлаш бўйича малакаларни шакллантириш билан биргаликда, уларда тадбиркорлик бўйича билимларни шакллантириши, тайёрланган маҳсулотларга бадиий ишлов бериш кўникмаларини ривожлантириши ҳам зарур бўлади. Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш фанидаги “Ўрамлар” бўйича назарий ҳамда амалий машғулотларда талабаларнинг бадиий лойиҳалаш ва дизайнерлик компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари катта. Талабаларга ўрамлар бўйича назарий маълумотларни ёритишда замонавий ўрамларнинг оригинал ечимларини намоиш қилиб, ушбу ўрамларнинг функционал талабларга жавоб бериши, ечимнинг оригинал жиҳатлари, истемолчини ўзига жалб қилиш хусусиятлари, афзаллик томонлари кабилар улар билан биргаликда таҳлил қилинади. Бу билан талабаларнинг мавзу бўйича амалий иш бажаришга қизиқишлари ортади, улар амалий иш шакли ва йўналишини мустақил танлашга ҳаракат қилишади.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва уларни харидорларга тақдим қилиш ҳамда етказиб беришда ўрамларнинг аҳамияти ҳозирги даврда ниҳоятда катта. Маҳсулот ва хомашёларни ташиш, сақлаш ва фойдаланиш жараёнида уларнинг бутлигини таъминлашда фойдаланиладиган буюм, материал ва қуроллар ўрамлар дейилади. Ўрамлар бугунги кунда ўзларига қўйилган ушбу вазифалар билан бир қаторда кучли реклама воситаси ҳам ҳисобланади. Ўрамларнинг бу ушбу хусусияти, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқларида, тайёр енгил саноат маҳсулотлари ўрамлари кабиларда яққол намоён бўлади.

Замонавий жамиятни товарлар бозорисиз, шу товарлар учун ўрам тайёрлайдиган саноатсиз тасаввур қилиш қийин. Истеъмолчи ҳар куни магазин, супермаркет ва бозорларда ўзида маълум ахборотларни жамлаган минглаб ўрамларга дуч келади. Ўрамларда маҳсулотни тайёрловчилар, уни тайёрлаш технологияси, маҳсулотнинг ўзи ва ундан фойдаланиш бўйича маълумотлар бери-

лади. Бу маълумотлар оддий ва тушунарли тарзда ёки визуал-образли элементлар ёрдамида ёритилиши мумкин.

Ўрамлар яратиш билан маркетинглар, технологлар, дизайнерлар ва рекламачилар шуғулланидилар. Ўрамни яратиш ва уни ишлатилиш жараёни мураккаб бўлиб, бир неча босқичлардан ташкил топади. Ўрамлар саноатнинг барча тармоғида қўлланилиши сабабли ҳам ўзига хос йўналиш саналади. Кўпчилик маҳсулотларни, масалан, тиш ювиш пастаси ёки сочлар учун лок кабиларни ўрамларсиз тасаввур қилиш қийин. Ўрамлар истеъмолчиларга оддий қулайликлардан фойдаланиш имконини яратади.

Ўрамнинг ташқи безатилиши, тузилишининг қулайлиги, ўрам дизайни маҳсулотнинг харид қилинишига жуда катта таъсир кўрсатади. Истеъмолчининг маҳсулот танлашида кўп ҳолларда ўрамнинг ўзига хос тузилиши ва безатилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўрамларни бадий безашнинг асосий элементлари уларни лойиҳалашнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Маҳсулотлар учун ўрам тайёрлашда унинг дизайнига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

Замонавий ўрамлар турли-туман бўлиб, утилитар вазифалардан ташқари қўшимча вазифаларни ҳам бажариши керак бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, ўрам марканинг паспорти, марка имиджини яратиш воситаси, текин реклама ташувчи, бадий-маданий ҳодиса, стиль, мода ва истеъмолчи танловини ҳамда маҳсулот образини акс эттириш воситаси ҳисобланади.

Бугунги кунда ўрамларнинг асосий вазифаларидан бири маҳсулотни рақобатчи турдошлари орасидан ажратиш кўрсатиш ҳисобланади. Ўрам қанчалик оригинал ва қизиқарли бўлса, у магазин пештахтасида тезда кўзга ташланади ва харидорнинг эътиборига тушади.¹

Ўрамлар дизайнини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, маҳсулот тури ва унинг шаклидан келиб чиқиб, ташқи бўш ўрам ишлаб чиқилади ва маҳсулотнинг қай мақсадда қўлланилишини инобатга олган ҳолда ўрамга мос равишда ёрликлар тайёрланади.



1-шакл: а – бўш ўрамлар дизайни; б – аниқ маҳсулот учун ёрликланган ўрамлар.

Мамлакатимизда ҳам рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда ўз ўрнини эгаллашни таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5303-сонли фармонида республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш билан бир қаторда, маҳсулотларни қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналарни ташкил этишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилган. Бундан юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бир қаторда, уни маҳсулотнинг ишлатиш соҳаси, вазифаси ҳамда

¹ Рўзиев Э.И., Тожиев Ж.К. Халқ хунармандчилиги ва бадий лойиҳалаш (“График дизайн ва макет тайёрлаш” бўйича амалий машғулотлар). Т., 2019, 51-бет.

истемолчи дидига мос замонавий шаклда ўрам (қадоқ)ларга жойланиши муҳимлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Технология ўқитувчиларининг касбий фаолиятида (технология дарслари, тўгарак ва факультатив машғулотлар) ўқувчиларни лойиҳалаш, макет тайёрлаш каби ишларга ўргатишда ўрамлар ҳақида умумий маълумотлар бериш, ўрам тайёрлаш асосларини ўргатиш ўқувчиларнинг фанга қизиқишлари ортисига, дизайн асосларини ўрганиши ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларининг ривожланишига хизмат қилади. Талабаларни ушбу фаолиятга тайёрлашда улар бадиий лойиҳалаш бўйича ўзлари танлаган ўрамни лойиҳалашлари ва уни бадиий безашлари зарур бўлади. Талабаларга ўрам бажариладиган маҳсулот тури, ўрам конструкцияси ҳамда унинг дизайнини мустақил танлаш имконини бериш зарур бўлади. Бунда талаба топшириқни ўзининг қизиқиши ва қобилиятига мос равишда танлайди ва вазифани сифатли бажаришга ҳаракат қилади. Талабаларга ўрам яратиш жараёни ҳақида умумий маълумотлар берилади.

Одатда, ўрам яратиш жараёнини тўртта асосий босқичга ажратилади:

1-босқич. Дизайн-тадқиқот.

2-босқич. Таҳлил ва стратегия ишлаб чиқиш.

3-босқич. Ўрамни бадиий дизайн лойиҳалаш.

4-босқич. Баҳолаш.

1-босқич. Бу босқич маркетинг тадқиқотларига яқин бўлиб, бу ерда визуал ташкил қилувчилар ва замонавий стил ҳамда ранглар оммалашган йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳа олди ва лойиҳа тадқиқотларида қуйидагилар аниқланади:

– харидор ва унинг заруратлари;

– ишлаб чиқарувчининг асосий имкониятлари;

– лойиҳаланаётган ўрамдаги маҳсулот сотиладиган ҳудудлар;

– рақобатчилар ва улардаги ўрамларининг ранг-пластик ечими таҳлили.

2-босқич. Таҳлил ва стратегияни ишлаб чиқиш лойиҳанинг энг муҳим босқичларидан ҳисобланади. Бу босқичда дизайнер лойиҳага қўйиладиган асосий талабларни аниқлаб олиш мақсадида маркетинг, технолог ва буюртмачи билан ҳамкорликда ишлайди. Шу босқичнинг ўзида лойиҳанинг ранг-пластик ечимининг бир нечта хомаки вариантларини ишлаш ва улардан бирини асос сифатида танлаб олишга ҳаракат қилиш керак.

Коммуникацион топшириқ бўйича бу босқичда дизайнер ҳар хил технологиялар – стилистик усулар, ярим соя, шрифтлар каби иш услубларини қўллайди ва бир-биридан тубдан фарқ қиладиган лойиҳа вариантларини тайёрлайди. Буюртмачи ва дизайнер булардан техник топшириқ талабларига жавоб берадиган вариантни танлайдилар.

3-босқич. Бадиий лойиҳалаш лойиҳа топшириғининг аниқ ечимини ишлаб чиқиш билан якунланади. Бадиий лойиҳалаш натижасида маҳсулотнинг моддий-техник ва ижтимоий-маданий хоссалари яхлитлиги, саноат маҳсулотларига қўйиладиган турли талабларга жавоб бериши таъминланади. Бу босқичнинг натижаси ўрамнинг барча техник характеристикалари (материали, конструкциянинг ўзига хос жиҳатлари ва тайёрлаш технологияси) акс эттирилган ёйилма шаклидаги ўрамнинг лойиҳаси бўлади.

Ўрамнинг ёйилмаси (ёки асосий кўринишлари) тасвир ва шрифтлар туширилган ҳолда рангда бажарилади.

4-босқич. Тайёрланган лойиҳани баҳолаш катта аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги баҳолаш мезонларини қамраб олади:

– иқтисодий энг тежамкор вариант;

– ўрам тайёрлашга сарфланадиган моддий ва ишлаб чиқариш сарф-харажатлари;

– ўрам тайёрлаш технологияси;

– ранг ва шрифт ечимининг самарадорлиги;

– ўрамнинг образли ва стиль ечими;

– ўрам ташқи кўринишининг манзара ва безакли ечими.

Талабалар ўрам тайёрлаш босқичлари билан танишганларидан кейин ўзларининг индивидуал топшириқ вариантларини бажаришга киришадилар. Талабалар индивидуал вариантларни бажаришда танланган маҳсулот учун ўрам конструкциясини лойиҳалаш жараёнига асосий эътибор қаратишлари сўралади. Одатда, “Технологик таълим” йўналиши талабалари маҳсулотларни бадиий безашда объектив қийинчиликларга дуч келадилар. Шунинг учун ўрамни бадиий безаш ишларида

уларга тўла эркинлик бериш, унда аппликациялардан ўринли фойдаланиш, абстракт тасвирлар туширишга рухсат бериш ишни сифатли яқунланишига кўмаклашади.

Урганч Давлат университетида 2016 – 2017 ўқув йилидан бошлаб “Амалий графика” танлов фанида (кейинчалик, “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фани) талабаларнинг халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб келмоқда. Тажриба ўқишлари материаллари ва натижалари асосида 2019 йилда “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” умумий номи остида “Халқ хунармандчилиги ва амалий санъат” ва “График дизайн ва макет тайёрлаш” ўқув-методик қўлланмалари нашрдан чиқарилди.

Талабалар “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан назарий маълумотларни қизиқиш билан ўрганиб, индивидуал амалий топшириқларни юқори сифатда бажаришга ҳаракат қилишди. Кўпчилик талабалар маҳсулот конструкцияларини лойиҳалаш, макет тайёрлаш ва буюмларни бадиий безашда оригинал ечимлар таклиф қилишди (2- ва 3-шакллар).



2-шакл. Қутичалар. Талаба Шоназарова Матлуба, 2018 йил.



а



б

3-шакл: а–уй макети (талаба Камола Норбоева, 2018 йил); б–Эйфель минораси макети (талаба Умрбек Бобоев, 2019 йил)

Baymetov Botir Boltabayevich (Toshkent viloyati

Chirchiq davlat pedagogika instituti Tasviriy san'at kafedrası professori; bbb19532506@gmail.com)

TASVIRIY SAN'ATDAN MALAKALI PEDAGOG KADRLAR TAYYORLASHDA INSON PLASTIK TUZILISHINI O'RGANISHNING METODIK ASOSLARI

Annotatsiya. Maqolada bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini kasbiy tayyorlashda asosiy fanlardan bo'lgan plastik anatomiyaning o'rni haqida ma'lumot berilgan. Shuningdek, maqolada inson shaklini tasvirlashda tana a'zolarining tuzilishi, nisbatlari, shakllarning o'zaro munosabatlari ko'rsatilgan.

Аннотация. Статья посвящена одному из основных предметов в профессиональной подготовке квалифицированных педагогов в области изобразительного искусства-пластической анатомии. В ней также говорится о строении человеческого тела, пропорциональности его частей.

Annotation. The article is dedicated to one of the important subjects in the professional training of qualified teachers in the field of fine arts. It also emphasizes the plastic structure, the proportions of the part and the constitution of the person.

Kalit so'zlar: plastik anatomiya, shakllar, birlashmalar, nisbatlar, tana a'zolari tuzilishi.

Ключевые слова: *пластическая анатомия, формы, соединения, пропорции, строение человека.*

Key words: *plastic anatomy, forms, connections, proportions, human structure.*

Kirish. Respublikamizda zamonaviy talablar asosida ta'lim sifatini oshirish, uzluksiz ta'lim tizimida o'quv dasturlari, o'quv-metodik adabiyotlarini xalqaro talablar asosida yangilash, o'quv jara-yoniga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etish kabi ishlarga alohida e'tibor qaratil-moqda.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 24-apreldagi PF-5712-sonli far-moni yuzasidan "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi"da o'qitish metodikasini takomillashtirish; talaba-o'quvchilarda ta'lim olishga kuchli motivat-siyani shakllantirish, kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan o'qitish va baholash metodlari, tan-qidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash, tahlil qilish ko'nikmalari va boshqa malakalarni rivojlan-tirish belgilab berilgan. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Ha-rakatlar strategiyasida "Ilmiy tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovat-siya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish"¹ vazifalari belgilab be-rilgan bo'lib, ushbu maqsadning hamda belgilangan vazifalarning ijobiy yo'nalish kashf etishi, mamla-katni ma'naviy rivojlanishini ta'minlashi uchun, eng avvalo, o'sib kelayotgan yosh avlodni ilmiy bilimlar bilan qurollantirish, ularda ma'naviy tafakkurni, aqliy salohiyat, ma'naviy axloqiy sifatlarni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etishini ko'rsatadi.

Ma'lumki, umumta'lim maktablari, maxsus kasb-hunar maktablari uchun tasviriy san'at sohasida malakali pedagog kadrlar tayyorlaydigan oliy ta'lim maskanlarida o'qitiladigan fanlar orasida plastik ana-tomiya fani muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun tasviriy san'atni plastik anatomiyasiz tasavvur qi-lish qiyin. Malakali rassomlar qalamtasvir, rangtasvir, grafika va haykaltaroshlik san'atida inson qomatini va hayvonlar tasvirlarini haqqoniy bajarishda, uni jonli tarzda shakllantirishda plastik anatomiyaga oid ma'lumotlarini mukammal bilishlari lozim.

Rassom odam yoki hayvon qiyofasini tasvirlar ekan, uning tuzilishini, anatomiyasini mukammal bilmog'i zarur. Qadimgi usta rassomlar odam suratini chizishda, undagi suyaklar, paylar, muskullar va te-risiga e'tibor berilishini ta'kidlaganlar. Darsliklarda odam va hayvonlarning anatomik tuzilishi: suyaklar, bo'g'imlar, boylamlar, muskullar va ichki a'zolar to'g'isidagi ma'lumotlar to'la yoritilgan, lekin inson ta-nasining xilma-xil harakatlari jarayonida (o'tirganida, turganida, yugurganida) skelet-muskul qismlari-ning fazoda o'zaro qanday munosabatda bo'lishi, umumlashtirilgan muskul massivlarining hosil bo'lishi natijasida shaklni o'zgarishi plastik anatomiyani o'rganishiga undaydi.

Plastik anatomiya fani odam tanasining umumiy anatomik tayanch-harakat tizimidagi suyak va muskullarning tuzilishi, shakli, ularning birikishi, bo'g'im turlari va ulardagi harakatlarining ma'lumotla-ridan tashqari, odamning dinamik va statik holati, tashqi fazo, bo'shliqda tana og'irligi muvozanat saq-lash hamda tana turli qismlarining nisbatlarini o'rgatadi. Gavdaning holati o'zgarganida suyak va mus-kullar holatining odam qiyofasiga ta'sirini "Plastik anatomiya" ma'lumotlari asosida tasvirlar shaklini chizma namoyon qiladi. Kalla suyagini tuzilishi, shakli va undagi muskullar, ayniqsa, mimika muskullari guruhi hamda yuz qismidagi bo'laklar (burun, ko'z, quloq, og'iz) tuzilishining o'ziga xosligi inson qiyo-fasini shakllantirishda plastik anatomiyasining tahlili alohida o'rin tutishi bayon etiladi.

Qalamtasvir, rangtasvir fanlarida anatomiyadan olingan bilimlarga tayangan holda, rassom inson qomatining rasmini chizishda modeldan nusxa ko'chirmasdan tasvirni jonli, jozibali qilib yaratishi lozim. Bunda tananing tashqi va ichki tuzilishini va harakatlanish mexanizmlarini tasavvur qilishi kerak. Shunda rassom naturani undan ko'rko'rona nusxa ko'chirmay tasvirlash imkoniga ega bo'ladi va kompozitsiya yaratish imkoniga ega bo'ladi.

Anatomiya fani organlarning faqat normal tuzilishini o'rganish bilan cheklanib qolmasdan, balki ularning kasallik vaqtidagi o'zgarishlarini ham (patologik anatomiya) o'rganadi.

Plastik anatomiya gavdaning tashqi qiyofasini ko'plab turgan organlarning (suyak, bo'g'im, pay, muskullarni) hamda boshning ayrim qismlari (yuz, burun, ko'z, quloqlarni) tuzilishini va shaklining o'zi-ga xosligini, tanani tashqi fazo bo'shliq maydonida og'irlik muvozanatini saqlash va markazga tortilish

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ри-вожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республи-каси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

kuchi qonuniyatlari asosida, surat, rasm, grafik tasvirlash usullaridan foydalaniladi. Bunda anatomik ma'lumotlarga tayaniladi va hajm shakllar yaratish san'ati uslubi qo'llaniladi.

Ma'lumki, tabiatdagi turli-tuman shakllar ichida inson tanasi o'ta murakkabi va mukammali bo'lib hisoblanadi. Inson tanasini o'rganish rassomda professional bilimni, tasviriy san'atning har qanday janrida ishlay olish qobiliyatini shakllantiradi.


Tasviriy san'at sohasida yuqori malakaga ega bo'lish uchun odamning plastik anatomiyasini bilish o'ta muhimdir. Chunki tasviriy san'at inson tanasi bilan uzviy bog'liq va uni insonsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Shuning uchun talabalar inson tanasi nisbatlari va plastik tuzilishini nazariy va bir qator amaliy topshiriqlar bajarish orqali o'rganishlari va o'z bilim doiralarini kengaytirishlari kerak. Tasviriy san'at sohasida ta'lim oluvchi talabalar anatomiyani to'liq o'rganishni o'z oldiga vazifa qilib qo'ymay, tananing umumiy tuzilishiga e'tiborni qaratishlari kerak. Bunda har bir shakl o'rtasidagi plastik bog'liqlik hisobga olinishi lozim.

Plastik ijod namunalaridan shuni ko'rishimiz mumkinki, skelet inson tanasining asosi bo'lib hisoblanadi. Inson tanasini turli holatdagi harakatini tasvirlashda skeletning tayanch-mexanik funksiyasidan foydalaniladi. Inson skeleti asosiy qism (umurtqa pog'onasi va ko'krak qafasi), bosh skeleti (suyagi) hamda qo'l-oyoq skeletlaridan tashkil topgan.

Umurtqa pog'onasi inson tanasining ustuni bo'lib hisoblanadi va u bosh, tana va qo'llarni ko'tarib turadi. Umurtqaning pastki qismi tana asosining harakatlanmaydigan qismi bo'lgan tos suyagi hamda birlashtiruvchi tos suyaklari o'rtasiga birikkan. Umurtqa ustuni yigirma to'rtta umurtqalardan iborat: yettita bo'yin, o'n ikkita ko'krak va beshta bel umurtqalari. Mazkur qismlanishga asosan, umurtqa egiladi va tana shaklini belgilab beradi.

Bosh va tana harakati umurtqa harakati bilan uzviy bog'liq. Ikkita yuqori bo'yin umurtqalari harakatga kelganida bosh buriladi (1-rasmda kesik bosh shaklining turli burilishlardagi holatlari ko'rsatilgan).

Belning o'ngga, chapga, orqaga va oldinga egilishi ham barcha bel umurtqalari va ikkita ko'krak umurtqalarining harakatiga bog'liq. Umurtqa pog'onasining barcha bel hamda ikkita ko'krak umurtqalari joylashgan qismi eng ko'p harakatlanadigan qism bo'lib hisoblanadi.



Umurtqa pog'onasining harakati umurtqalarning harakatlanmaydigan tos suyagi bilan birlashgan joyda kamayadi. Tananing tos suyagi qismi odam o'tirganda bukilgandek tuyiladi. Bunda umurtqa chizig'i o'zgaradi. Tana asosining yuqori qismi oldinga yoki ortga


bukilganda harakatsiz holatda bo'ladi – balandda joylashgan umurtqalar harakatlanadi.

Tana asosining o'ngga yoki chapga burilishi umurtqa pog'onasining yuqorida joylashgan qismi o'z o'qi atrofida aylanma harakatlanishi tufayli sodir bo'ladi. Tananing o'ngga va chapga egilishida umurtqa harakatlanadi.

Orqa tarafdin umurtqa pog'onasining o'simta qismiga qovurg'alar birlashgan va ular oldinga egilib to'sh suyagiga birikkan. Ko'krak qafasining umumiy ko'rinishi silindrsimon idishni eslatadi. Qovurg'alarining yuqorisida to'sh suyagiga o'mrov suyagi (S harfini eslatuvchi holatda) birlashadi. Qovurg'alar orqasida kurak suyagi yotadi.

Kurak va o'mrov suyaklari yelka bo'g'imida birlashadi. Qo'l kurak suyagi bilan yelka bo'g'imida birlashadi va u uchta asosiy qismdan iborat: yelka suyagi tirsak bilak va panjalar, kaft usti suyaklari kaft suyaklari va qo'lpanja (barmoq) falangalaridan iborat. Suyaklarning mazkur qismlarga bo'linishi, qo'lning harakati turli qismlarda yuzaga kelishini ta'minlaydi: yelkada, bilakda, kaftda va barmoqlarda.

Oyoq-qo'l harakati suyak bo'g'imlari harakatiga bog'liq. Suyaklarning harakatlanuvchi, birlashgan qismlari bo'g'im deb ataladi. Bo'g'im suyaklarni birlashtirib turuvchi mushakdir. Suyaklar bir-birlari bilan mustahkam qotirilmaganligi tufayli, ular bir-biridan uzoqlashishi, egilishi, tomonlarga burilishi va aylanishi mumkin. Bunday harakatga bo'g'imlar imkoniyat yaratib beradi: bir suyak botiq bo'lsa, ikkinchisi bo'rtma bo'ladi va ular birlashadi (2-rasm. Plastik anatomiyaning barcha



qoidalari asosida qalamtasvir vositasida Antik davr bosh shaklining ko‘rinishi).

Yelka bo‘g‘imi quyidagicha tuzilgan: yelka suyagining bo‘rtib chiqqan uchi kurak suyagining botiq yuzasi bilan birlashadi va ular erkin harakatlana oladi. Kurak, yelka va o‘mrov suyaklari muskullar bilan o‘ralgan. O‘mrov suyagining ahamiyatli jihati shundaki, u qo‘lning harakatiga ko‘maklashadi. Qo‘l harakatlenganda yelka suyagining uchi yoysimon holatda bo‘ladi.

Yelka suyagining pastki qismi yo‘g‘onlashgan, bilak suyagi bilan birlashishi uchun g‘altaksimon maydoncha va sharsimon bo‘rtiq bilan ta‘minlangan. Tirsakning S-simon chuqurchasi va bilak suyagining g‘altagi va boshchali bo‘rtmasi bo‘g‘im yuzasi ustida harakatlanadi va ular tirsak bo‘g‘imida birlashadi.

Tirsak suyagining pastki uchi ham yo‘g‘onlashgan va u kaft usti suyagi bilan birlashadi. Ingichka uchli bilak suyagi esa, aksincha, kaft usti suyagi bilan birlashmaydi. Ikkala suyak ham bigizsimon o‘simtalar bilan tugallanadi va ularga paylar birikadi. Bilak va tirsak suyaklarining birlashgan qismi bilak-tirsak bo‘g‘imini hosil qiladi.

Qo‘l bukilanida, unga yon tarafdin qaralsa, kaft ustidagi bo‘g‘imlar sezilib turadi. Bunda qo‘lning profil chizig‘ida birikmalarni aks ettiruvchi do‘mboqchalar ko‘tarilib turadi. Bilak, kaft usti suyagi, kaft suyagi asoslarining pastki uchidagi bo‘rtmalar va kaft suyaklarining boshchalari ushbu do‘mboqchalarni tashkil qiladi.

Bilak harakatini, qo‘lning egilishi va bukilishini, ular yelka suyagining yumaloq qismi tagidan (suyak uchidagi yo‘g‘on qismdan) hayolan o‘tkazilgan ko‘ndalang o‘q bo‘ylab aylantirilganida ko‘rish mumkin. Qo‘l vertikal o‘q bo‘ylab ichkari va tashqari tomonga aylantiriladi. Bunda faqat bilak va kaft suyaklari birgalikda aylanadi. Pastki qismlar tos suyagi bilan birlashadi. Balog‘atga yetgan odamning tos suyagi quyidagi to‘rtta qismdan iborat bo‘ladi: ikkita nomi yo‘q suyak, dumg‘aza va dum suyak. Nomi yo‘q suyakning turli qismlari quymich, yopqich va qov suyaklari deb ham nomlanadi. Yosh bolalarda ular alohida bo‘ladi. Oyoq (odam tanasining pastki qismi) son suyagi, katta va kichik boldir suyaklaridan va oyoq-kaft usti, kaft suyaklari hamda barmoq falangalaridan tashkil topgan. Yuqorida sanab o‘tilgan suyaklar bir-birlari bilan bo‘g‘imlarda birlashadi.

Son suyagining sharsimon boshchasi tos suyagining yarim yumaloq chuquriga kiradi. Tizzaga yaqin yerda son suyagi biroz egiladi va tizza bilan uning orasida yassi burchak hosil bo‘ladi. Son suyagining pastki yo‘g‘onlashgan qismida dumaloq shakldagi ikkita bo‘rtma bo‘ladi. Bo‘rtmalar va chuqurchalar bo‘g‘im yuzasini tashkil etadi va uning ustiga tizza qopqog‘i o‘rnashadi. Tizza qopqog‘i dumaloqsimon, baland burchagi pastga qaragan uchburchakli suyakdir. Qopqog‘ tepa tarafdin son suyagiga, pastki tarafdin esa katta boldir suyagiga birlashadi. Katta boldir suyagi va son suyaklarining bo‘g‘im yuzalari tizza qopqog‘i bilan birgalikda tizza bo‘g‘imini hosil qiladi hamda ular mushak paylari bilan birlashadi.

Katta va kichik boldir suyaklari to‘piqda mahkam birlashadi. Ushbu suyaklarning do‘mboqlari sanchiqqa o‘xshab bir-birlariga kiyiladi. Ular to‘piqdagi tovon usti suyagining yon tomoni bilan birlashadi. To‘piq butun tananing tayanch markazi bo‘lgan yoyni hosil qiladi. To‘piq tuzilishi odam yugurganidagi yoki sakraganidagi tana silkinishlarini yumshatadi. To‘piq yoyi old tarafdin oyoq kafti suyaklariga, orqa tarafdin esa tovon do‘mbog‘iga tiraladi.

Yelka, tirsak, kaft usti suyagi, tizza va tovonlarning birlashishi inson tanasining tasvirini ishlash jarayonida asosiy e‘tibor qaratilishi lozim bo‘lgan obyektlar bo‘lib hisoblanadi. Ularni ifodalashni bilish yosh rassomda inson tana tuzilishini, uning harakatini to‘g‘ri tasvirlash qobiliyatini shakllantiradi. Tanadagi asosiy nuqtalar shaklni ishlash, uning nisbatlarini aniqlash va inson tanasi harakatini tasvirlash jarayonida rassom uchun oriyentir vazifasini o‘taydi.

Umurtqa ustuni uchta asosiy o‘zgarmas nuqtalarga ega. Ular tana asosining (torsning) bukilish darajasini aniqlashda ko‘maklashadi. Tana asosi skeletining old tarafida quyidagi oriyentir nuqtalar mavjud o‘mrov suyaklarining birlashgan joyida ko‘krak suyagi oxirida tos suyagida yonbosh suyaklarning yuqori qismida juft nuqtalar; pastki qovurg‘alarning egilish joyida o‘mrov suyaklarining tashqi uchlarida nuqtalar (ushbu nuqtalar yelka kengligini belgilab beradi). Tana asosi skeletining orqa tarafida quyidagi asosiy nuqtalar joylashgan yettinchi bo‘yin umurtqasida dumg‘azada o‘mrov-akrominal o‘simtalarida kurak suyagi burchaklarida.

Qo‘ldagi mo‘ljal nuqtalar yelka suyagi boshchasida yelka suyagining bo‘rtmasida bilak va tirsak suyaklari uchida joylashgan. Qo‘l kaftidagi asosiy nuqtalar bo‘g‘imlarning bo‘rtib chiqqan suyaklarida, shuningdek, barmoq uchlarida joylashgan.

Oyoqdagi mo‘ljal nuqtalar quyidagicha joylashadi. Tos suyagidagi yonbosh suyaklarda son suyagining katta bo‘rtmalarida tizza qopqog‘ida medial do‘ngligida tovon do‘mbog‘i ustida falangalar birla-

shgan joyda barmoq uchlarida. Ushbu nuqtalarning joylashgan o'rni oyoqning tinch yoki harakatdagi holatini ifodalashda mo'ljal vazifasini o'taydi.

Yuqorida ko'rsatilgan nuqtalardan tashqari tanada joylashgan boshqa nuqtalar tanadagi teri joylashuvi va izlarini tasvirlashda foydalaniladi: masalan, kindik, qorindagi chiziqlar va mushaklar. Asosiy nuqtalar qomatning alohida qismlari o'lchamlari va nisbatlarini aniqlashda oriyentir vazifasini o'taydi. Plastik anatomiya fani faqat a'zolarining tuzilishini o'rganish bilan chegaralanib qolmay, ularning shakllarini (ko'rinishlarini) ichki va tashqi muhitga bog'langan holda o'rganadi, butun organizmga yagona bir tizim deb qaraydi. U hamma a'zolarining shaklini, tashqi ko'rinishini, tuzilishini, ularning bajaradigan vazifalariga bog'langan holda o'rganadi (funktsional anatomiya), chunki ularning tuzilishi vazifalari bilan bevosita bog'lidir.

Xulosa o'rnida shularni aytish kerakki, inson shaklini tasvirlashda uning a'zolari izchillik bilan o'rganishdan tashqari ularning joylashish tartibi, o'zaro munosabatlari, ularning nisbatlarini taqqoslash va tasvirlashga ham katta ahamiyat berilishi lozim. Buning uchun bo'lajak rassom-o'qituvchilar yoshlarga inson qiyofasini tasvirlashga o'rgatishda organizmning barcha qismlarining o'zaro munosabatlarini, ularning tashqi tuzilishlarini (rassomlar anatomiyasi yoki plastik anatomiya) chuqur va asosli o'rganishlari talab etiladi.

**Хасанова Вазира Хамиджановна (преподаватель русского языка
Ташкентского государственного транспортного университета)**

ИННОВАЦИОННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В НЕЯЗЫКОВЫХ ВУЗАХ

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada texnik oliy o'quv yurtlarida rus tili daralarida innovatsion ta'lim texnologiyalarini qollanilishi o'rganilgan bo'lib, bu talabalarining og'zaki va yozma ko'nikmalarini rivojlantirishda sezilarli samaradorlikni beradi.*

***Аннотация.** В данной статье исследованы инновационные образовательные технологии на уроках русского языка в неязыковых вузах, что даёт значительную эффективность в развитии устных и письменных навыков студентов вуза.*

***Annotation.** In this article, innovation technologies in the Russian language lessons at non-linguistic Universities have been researched. It gives important effectiveness in the development of the oral and written capacities for the students of Universities.*

***Kalit so'zlar:** innovatsion texnologiyalar, ikki qismli kundalik, izohlar, fikrlash, bayonotlar, nutq ijtimoiylik.*

***Ключевые слова:** инновационные технологии, двухчастный дневник, комментарии, мышление, высказывания, речь, коммуникабельность.*

***Key words:** innovation technologies, two-part dictionary, comments, thinking, statements, speech, sociability.*

В целях последовательного продолжения и выведения на новый, современный уровень начатой нами работы по развитию сферы науки и просвещения, воспитания нашей молодежи личностями, обладающими глубокими знаниями, высокой культурой и духовностью, формирования конкурентоспособной экономики 2020 год объявлен в нашей стране Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики.¹

Сегодня важное значение придаётся внедрению в практику образования педагогических инноваций. Инновационные процессы в образовании стали сегодня неотъемлемой частью общественного развития как главного требования времени. Нововведения, или инновации, характерны для любой профессиональной деятельности человека и поэтому, естественно, становятся предметом изучения, анализа и внедрения. Инновации сами по себе не возникают, они являются результатом научных поисков, передового педагогического опыта отдельных преподавателей и целых коллективов.²

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 25.01.2020.

² Зеер Э.Ф., Новоселов С.А., Сыманюк Э.Э. Институциональный подход к инновациям в образовании. Инновации в образовании. 2010, № 1.

При обучении студентов русскому языку в неязыковых высших учебных заведениях преподаватель должен учитывать последние достижения методики преподавания русского языка как иностранного.

Главной целью инновационных технологий образования является подготовка человека к жизни в постоянно меняющемся мире. Сущность такого обучения состоит в ориентации учебного процесса на потенциальные возможности человека и их реализацию. Образование должно развивать механизмы инновационной деятельности, находить творческие способы решения жизненно важных проблем, способствовать превращению творчества в норму и форму существования человека.

Нынешнее время диктует необходимость знаний, умений и одаренности в значительно большей степени. Позитивное решение данного вопроса повысило жизненную потребность в поиске передового опыта, новых педагогических технологий, практической реализации после экспериментов их дидактических возможностей.

В национальной программе по подготовке кадров многократно отмечается необходимость внедрения и освоения передовых педагогических технологий. Цель применения педагогической технологии повысить эффективность образовательного процесса, достичь запланированных результатов обучения.

Тарихга назар ташласак, туризм инсониятнинг онгли яшаш тарзи, кишилик жамияти шаклланиб, муҳим этник жараёнлари сифатида вужудга келди. Қадимги Шарқ, Шарқий ва Ғарбий Эрон, Ҳинд, Туркий ва Хитой маданиятларининг ўзаро таъсири фаол кечди. Буюк Ипак йўли воситасида турли мамлакатлараро савдо алоқалари кенг қўламда олиб борилгани ҳеч кимга сир эмас, шу аснода, бизнес туризмнинг илк шаклланиши рўй берди ва дипломатик шартномалар ҳамда ҳарбий уюшмалар тузилди. Бу йўлнинг тарихи милoddан аввалги II асрнинг иккинчи ярмига Хитой дипломати ва сайёҳи Чжан-Цзян Ўрта Осиё мамлакатларини хитойликлар учун илк бор кашф этган даврга бориб тақалади. Айни мана шу йўл воситасида, аввал номаълум бўлган ерларга олиб борувчи икки буюк оқим гўё бир-бири билан туташгандек бўлди. Булардан бири Ғарбдан, Ўрта денгиз мамлакатларидан Ўрта Осиёга олиб борувчи йўллар эди. Ғарбдан Шарққа томон Месопотамия текислигидан Ҳинд водийсигача ва шимолдан жанубга томон Ўрта Осиё даштларидан Араб денгизигача ястанган кенг минтақадаги бир-биридан жуда олис бўлган маданиятлар ҳамда цивилизацияларни ўзаро боғлаган, қориштириб бойитган қуруқликдаги ва денгиз йўллари тизими, шу тариқа, юзага келган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган, қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудидан улғувор, қадимий, меъморий обидаларга бой тарихга эга бўлган Бухоро, Самарқанд, Хива каби дурдона шаҳарлар айнан мана шу заминда бунёд этилган.

Туризм манзилгоҳлари тасвири юзасидан илмий ишлар тадқиқи, эрамининг 1970 йилларидан бошланган бўлиб, илк бора туристларни манзилгоҳларга потенциал тарзда қамраш учун сўровномалар ўтказиш орқали аниқланиши Ҳантнинг 1971 йилдаги диссертациясида ўз аскини топ-

¹Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. Иқт.фан.номз. дисс.автореферати, Самарқанд, 2008, 26-бет.

ган.¹ Унинг унумли ишлари, туризм соҳасида манзилгоҳ тасвири ва саёҳат одоби, кейинчалик, Ма-
уо² ва Гунн ишларида тадқиқ этилди.³

Юқорида таҳлили кўриб ўтилган социоллингвист олимларнинг туризмга оид илмий асарларидан маълум бўлишича, кўплаб маълумотлар тасаввур ва тасвир тушунчасига қаратилган. Манзилгоҳ тасвири шаклланишида, бажарилган илмий тадқиқот ишларида, манзилгоҳ тасвирида психологик омиллар ва маданий кадриятлар, тарихий омиллар вужудга келади. Манзилгоҳ тасвири туризмга оид адабиётларда жуда катта диққатни талаб қилади. Саёҳат мақсади ёки манзилгоҳ танлаш жараёнлари манзилгоҳ тасвири билан ўзаро боғлиқдир. Манзилгоҳ тасвири, асосан, саёҳат жойининг тасвири, сурати, ёки турист томонидан тасаввури, маҳсулот (ўша жойда ишлаб чиқариладиган) ёки омма тажрибаси (миллий ҳунармандчилик), сайёҳ иштиёқи, ишончи, ўй-хаёллари ва таассуротлари билан ўлчанади. Таъриф бериш ёки талқин этиш турлича, лекин бу сайёҳнинг манзилгоҳни концептуал тушунишни ва унинг диққатга сазоворлигини ёки ташқи қиёфасини англашига ёрдам беради.⁴ Манзилгоҳ таҳлили тушунчасини талқин этилишини усуллари жуда кўп бўлиб, Гунн манзилгоҳ тушунчасини маълумотларнинг саёҳат тажрибалари ва манбалари терминлари каби органик ривожланиш деб изоҳлайди. Органик тасвир туристик манзилгоҳга, саёҳат маконига физик жиҳатдан ташриф буюрмасдан аввал, сайёҳларда пайдо бўладиган тасаввур ёки таассурот, саёҳат амалга оширилганда эса манзилгоҳни кўриб, актуал тарзда намоён бўладиган тасвирни англатади. Кейинчалик, Факе ва Кромптонлар 1991 йилдаги тадқиқотлари натижаси сифатида, мураккаб тасвир, яъни фаол боғланиш ва ҳудуд тажрибаси назарияларини такдим этдилар.⁵ Данн⁶ ва Гатнер⁷ манзилгоҳ тасвирини социоллингвистик жиҳатдан қуйидаги компонентларга таснифлади: самарали (ички манбалар ёки стимулларга асосланган, масалан Ўзбекистондаги ички имкони-ятлар асосидаги саёҳат манзилгоҳлари, миллий, уй меҳмонхоналар ва ўтовлар); мантикий (ташқи манбалар ёки стимулларга асосланган, масалан, Ўзбекистонга жалб этилган ташқи сармоялар орқали нуфузли мамлакатлар манзилгоҳлари: Ҳиндистоннинг “Radisson Blue” меҳмонхонаси (Тошкент Бодомзод метро бекатида) ёки тарихий манзиллардан Амир Темур ном берган Самарқандда-ги машҳур Дамашқ ва Фориш қишлоқлари каби манзилгоҳлар); фаол ҳаракатлар (ўз манба ёки стимулларга ва мотивларга асосланган, масалан, турли нуфузли мамлакатлар мотивларини Франция Эйфел Минораси каби моделларни Ўзбекистонда яратиш каби фаолиятлар қиради. Бизнес ту-ризм соҳасини ривожда саёҳат ва манзилгоҳлар имиджини шакллантириш, танлаш ва яратиш каби фаолиятлар етакчи ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди ва яна-да ривожланмоқда. Келажакда, Ўзбекистон саёҳат манзилгоҳлари тасвири ва тасаввури-ни яратиш, танлаш ва туристларни жалб этиш бўйича дунёнинг туризм ривожланган давлатлар рейтингини юқори босқичида бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Олис асрлар оша ортга қараб, ҳозирги Ўзбекистоннинг этник таркиби шаклланиши тарихига назар ташласак, унинг кўп миллатлилигига ҳайрон қолмасамиз ҳам бўлади. 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин, 1989 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилган. Бугунги кунда республика аҳолисининг қарийб 80% ўзбеклар, 20% ортиқроғини қорақалпоқлар, тожиклар, руслар, қозоқлар, татарлар, қирғизлар, корейслар, туркманлар ва бошқа миллат ҳамда элат вакиллари ташкил қилади. Агар урф-одатлари, анъаналари, тили ўхшаш бўлган қирғиз, қозоқ, тожик, туркманлар азал-азалдан ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган бўлсалар, бошқа миллат вакиллари турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқибатида бу диёрда ўтроқ бўлиб қолишган. Масалан, Биринчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ҳудудида Польша ва Болтиқбўйи минтақаси-

¹ Hunt J.D. Image, A factor in tourism. Unpublished Ph.D. dissertation. Colorado State University, Fort Collins, 1975 Image as a factor in Tourism development. Journal of Travel Research, p. 13.

²Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. Икт.фан.номз. дисс.автореферати, Самарқанд, 2008, 211–217-бетлар.

³Hunt J.D. Image, A factor in tourism. Unpublished Ph.D. dissertation. Colorado State University, Fort Collins, 1975 Image as a factor in Tourism development. Journal of Travel Research, p. 45.

⁴Зорин А., Зорин И. Дестинация. М., “РМАТ”, 2009, с. 26.

⁵ Mayo E.J. 1973. Regional Travel and Regional Destination. In proceedings of the Fourth Annual Conference of travel and tourism research association, p. 30.

⁶ Dann G. 1981, Tourism motivation. An Appraisal. Annals of Tourism Research, p. 12.

⁷ Gartner W.C. 1986 Temporal influences on Image Change. Annals of Tourism Research, p. 10.

дан келган қочоқлар пайдо бўлди. 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда эса Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш баҳонасида собиқ Иттифокнинг турли ҳудудларидан ҳар йили юзлаб мутахассислар юборилар, улар янги жойда доимий яшаб қолардилар.

XX асрнинг 30–40-йилларидаги депортация оқибатида минглаб корейслар, крим-татарлар, греклар, месхети турклар, курдлар, балқорлар, чеченлар, ингушлар, қалмиқлар Ўзбекистонга кўчирилди. Уруш йилларида Ўзбекистон фронт олди ҳудудидан эвакуация қилинган 1 млн.дан ортиқ кишини қабул қилди, уларга ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатди. 1966 йилда Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш учун собиқ шўро давлатининг турли бурчакларидан келганларнинг ҳам аксарияти республикада доимий яшаб қолди.

Ўзбекистонда яшовчи этнослар. IX аср охиридан XX аср бошларигача юртимизда турли миллат вакилларининг қандай сабаблар билан келиб қолганликларини ёритишга ҳаракат қилдик. Бироқ, тарихий маълумотларда ёзилишича, эрамиздан олдинги VI асрдаёқ, Ўрта Осиёдаги бошқа миллат вакиллари яшаганлиги аниқланган. Эрамиздан олдинги IV асрда Александр Македонскийнинг юриши натижасида бир неча минг элен (грек)лар юртимизга келиб қолган, кейинчалик, ўтрок ҳолда яшай бошлаганлар.

Қуйида Ўзбекистонда яшовчи этнослар тарихидан, шунга ўхшаш фактларга асосланган ҳолда кўпгина мисоллар келтирмоқчимиз. Тарихий манбаларга асосланиб тайёрланган бу маълумотларда эрамиздан олдинги IV асрдан, то XIX аср охиригача бўлган давр ичида қайси миллат вакиллари юртимизга нима сабабдан келиб қолганликлари ва қайси даврдан бошлаб ўтрок ҳолда яшай бошлаганликлари қайд қилинган.


Эрамиздан олдинги II аср археологик қазилмалар натижасида мана шу даврга оид бўлган қадимги хитойларга тегишли топилмалар Ўзбекистон ҳудудида аниқланган. Эрамизнинг I асри тахминларга кўра, IV асрда Шимолий Кавказда ва Кавказ ортида истикомат қилган болгарларнинг кўп қисми Ўрта Осиёдан кўчиб боришган. VI аср тарихий манбаларда ёзилишича, Қушон давлатида арманлар шахрига асос солинган. VI асрнинг иккинчи ярми – Буюк Ипак йўли Самарқанддан, Кавказ ва Византиягача Бухоро, Хоразм ва Каспий денгизининг шимолий қирғоғи бўйлаб ўтувчи Буюк Ипак йўли йўналиши олинган. VII аср Ўрта Осиёда корейслар ҳақидаги дастлабки илк маълумотлар, ҳозирги замон олимларининг тахминича, Афросиёб сарой комплексининг монументал композицияларнинг бирида Корея вакили акс эттирилган.

VIII–XII Озарбайжон савдогарлари Бухоро, Самарқанд, Шош орқали Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ўрнатган. 922 йил Араб дипломати Аҳмад ибн Фадлан Орол ва Касбий денгизи ўртасида истикомат қилувчи турклар, ўғузлар ва чеченлардан ташқари, яна бошқирдлар ҳам яшашини қайд этган. 986 йил Киев Руси князи Владимир томонидан Хоразм ҳукмдорига элчилар жўнатилган. X аср ҳужжатларда Фарғона водийсида яҳудийлик аҳоли пункти бўлган ва у ерда зич яҳудий миллатига мансуб аҳоли истикомат қилган. XIII аср Ўрта Осиёда илк бор поляк миллати вакилларининг пайдо бўлиши ҳужжатларда қайд қилинган: Ватикан ишлари бўйича Вроцлов монахи Поляк Сирдарё водийси бўйлаб, Орол денгизидан Қозоғистондаги Балхаш кўлигача бўлган йўлни босиб ўтган ва маълумотлар ёзиб қолдирилган. XIV аср Мовароуннаҳр аҳолиси ва россиялик татарлар ўртасида мустаҳкам савдо-сотик алоқалари ўрнатилган. XIX аср Болгарлар Тошкентда, кейинчалик, шахарликлар томонидан “Болгарские огороды” номи билан аталадиган алоҳида ҳудудда яшай бошлаганлар. Бу ном ва “Болгарка” ибораларини ҳозирги кунда эшитиш мумкин. Бу жой шимолий вокзалнинг орқа томонида жойлашган. XIX асрнинг 70–80-йиллари Андижонда илк бора дунгай кўчманчиларининг пайдо бўлиши ва 1820 йил Бухоро амирлигига А.Ф.Негрининг дипломатик ташрифи вақтида Бухорода 500 дан ортиқ рус миллатига мансуб аҳоли борлиги қайд қилинган. XIX асрнинг 90-йиллари ер танқислиги натижасида ўз юртларини ташлаб чиққан кўпгина беларуслар, Самарқанд вилояти, Мирзачўл, Фарғона водийси, шунингдек, Самарқанд, Қўқон шахарларида кўноқ топишди. XIX аср охири Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси шахарларида мингдан ортиқ литваликлар яшашни аниқланган.

Натижалар. “Ижтимоий фикр” маркази томонидан Республика Байналмилал маданий маркази ҳамкорлигида миллий марказлар раислари ва вакиллари ўртасида 1998 йилнинг 14–18 ноябрь кунлари социологик сўров ўтказилди. Унда ўз фаолияти билан 150 мингдан кўпроқ кишини ва йирик миллий гуруҳларни қамраб олган 24 та миллий-маданий марказлар иштирок этган. Социологик сўров яқунлари сўровда қатнашган туп миллатга мансуб бўлмаган вакилларининг 60%дан кўпроғи Ўзбекистонда туғилганлигини кўрсатди. Ундан ташқари, 7.8% респондентлар ўзларини туп яшовчилар ҳисоблайди. Сабаби улар Ўзбекистонда туғилган кишиларнинг қарийб учинчи авлоди-

дир. Сўров яқунларининг таҳлили Ўзбекистонда туғилганларнинг ота-оналари, асосан, қайси сабабларга кўра Республикамизга кўчиб келганлигини кўрсатди.

Кўриниб турибдики, сўралганларнинг қарийб ярмини (45.5%) ташкил этувчи кўчманчиларнинг бу категорияси учун Ўзбекистон кўп йиллар давомида собиқ советлар ҳудудида ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг ифодаси, бошпана, иш ва қувғин даҳшатларидан холи макон бўлиб қолди. Ўзбек миллатига мансуб бўлмаган сўралганлардан 75.5% МДХда, 38.8% эса хорижда ўз қариндошларига эга. Улар билан тегишли равишда 88.6% ва 87.7% алоқа қилишади ёки чегаралар бўлиниши билан қариндош уруғлар ўртасидаги алоқа узилмаган. Сўров яқунлари Ўзбекистонда



яшовчи халқлар бошқалардан ажралиб яшашни истамасликлари ва интеграция жараёнларини ривожлантириш зарур деб ҳисоблашларини кўрсатади. Бу ҳақида туб миллатга мансуб бўлмаган респондентлар 61.2% элатлараро нигоҳларга ижобий, 29.0% никоҳга кирувчиларнинг миллатларга бефарқ қарашидан далолат беради. Фақат 9.6% респондентларгина бир миллатга мансуб одамлар ўртасидаги никоҳни маъқуллайдилар. Ўзбек миллатига мансуб респондентларнинг 55.3% элатлараро никоҳга ижобий, 38.3% – бефарқ, 6.4% – салбий муносабатда бўлишган. Натижалардан кўриниб турибдики, никоҳ, оила, болалар тушунчалари миллий тушунчалардан юқориқроқ бўлиб, улар республикамиздаги элатлараро муносабатларнинг мутаносиб тарзда ривожланаётганлигини тасдиқлайди.

Хулоса. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, манзилгоҳ таҳлили тушунчасини талқин этилишини усуллари жуда кўп бўлиб, Гунн манзилгоҳ тушунчасини маълумотларнинг саёҳат тажрибалари ва манбалари терминлари каби органик ривожланиш деб изоҳлаши бежис эмас. Органик тасвир туристик манзилгоҳга, саёҳат маконига физик жиҳатдан ташриф буюрмасдан аввал, сайёҳларда пайдо бўладиган тасаввур ёки таассурот, аксинча, саёҳат амалга оширилганда эса манзилгоҳни кўриб, актуал тарзда намоён бўладиган тасвирни англатади. Демак, турист саёҳатга бормоқчи бўлган мамлакат тарихи билан, албатта, қизиқади ва ундаги органик тасвир туристик манзилгоҳга, яъни юртимизга ташриф буюрмасдан олдинроқ, саёҳат маконига физик жиҳатдан ташриф буюрмасдан аввал, сайёҳларда пайдо бўладиган тасаввур ёки таассурот, саёҳат амалга оширилганда эса манзилгоҳни кўриб, актуал тарзда намоён бўладиган тасвир сифатида намоён бўлади.

Сапаева Райхон (мустақил тадқиқотчи)

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЗООНИМ ТАРКИБЛИ ФРАЗЕМАЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ўзбек тилидаги зооним таркибли бир қанча иборалар ва уларни юзага келтирган факторлар бошқа айрим қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар материаллари билан қиёсланган ҳолда таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье анализируется ряд фраз в узбекском языке с зоонимическим содержанием и факторы, порождающие их, в сравнении с материалами некоторых других родственных и неродственных языков.

Annotation. Several idioms with zoonym elements and the factors caused by them are analyzed on bases of comparison of some other related and non-related language materials in the article.

Калим сўзлар: парема, фразема, мақол, зооним, зооним таркибли фразема.

Ключевые слова: парема, фразема, пословица, зооним, фразема с содержанием зоонимических элементов.

Key words: pareme, phraseme, proverb, zoonym, phraseme with zoonym elements.

Зооним таркибли фраземалар ҳар бир халқнинг ҳайвонот дунёси билан муносабати, маълум этник бирлик уларда қайси жиҳатларни яққол илғашади, оламни англашда жонзотлар дунёсини қай даражада восита қила олиш қобилияти, ўз шуурида қандай махлуқотни шакллантира олиши каби кўплаб жиҳатларни ифода қила олади. Зоология фани айнан шу атама билан халқимизга, асосан, ўтган асрнинг бошларидан маълум бўлса ҳам, Шарқ Уйғониш даври олимлари асарларида, мумтоз луғатларда, халқ оғзаки ижоди материалларида ҳайвонот дунёсига оид жуда кўплаб маълумотларга эга бўламиз. Муҳими, туркий халқларнинг ҳайвонот дунёсини яхши билиши, уларнинг хусуси-

ятларини яхши англаши, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни саклашга бўлган интилишлари туркий тиллардаги зоонимлар таҳлилида ҳам кўзга ташланади.¹

Ўзбек тили зооним таркибли фраземалари ҳамда бошқа тип паремиялогик бирликларининг антропоцентрик таҳлили, уларни бошқа тиллар материаллари билан солиштириш мавзуга оид тил материаллари ўртасида қатор умумийликлар ва бир қанча хусусий жиҳатларни намоён қилади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу умумийлик ва хусусийликларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида сўз юритиш имконини беради. Масалан, фразема бўлмаса ҳам, бошқа бир паремиялогик бирлик – мақоллар мисолида оладиган бўлса, ўзбек халқ мақолларидан бири бўлган “Ит хурар, карвон ўтар” мақоли немис тилида “Die Hunde bellen, aber die Karawane zieht weiter”² мақолига мувофиқ бўлиб, айнан “ит хуради, карвон ўтади” маъносини англатади ва ушбу Sprichwort (мақол)нинг туркча “It üfür kerwan yügür” мақолига мутаносиблиги таъкидланган. Демак, ушбу мақол ҳар иккала халқ турмуш тарзи, иқтисодий ҳолати бир-бирига яқин бўлган даврларда шаклланган. Бундан ташқари, *Karawane* сўзининг немис тилида, асосан, Шарқ билан боғлиқ ўринларда ишлатилиши, бошқа ҳолларда унинг синоними *Wohnwagen* истифода қилиниши унинг кўплаб Ғарб тиллари қатори, немис тилига Шарқдан ўзлашганини англатади. Масалан, “Als nun die Karawane aufbrach, sagte ihr Vater: „Wahrlich, ich spüre Josefs Geruch“³ – “Карвон йўлга чиққанда, унинг отаси деди: “Ҳақиқатан ҳам, мен Юсуф хидини туймоқдаман”. М.Фасмер унинг рус тилига француз тилидаги *caravane* орқали ўтганини, аслида, форсий сўз бўлиб, у қадимги хинд тилидаги “туя” маъносини англатувчи *karabhas* сўзига боғлиқлигини қайд этади.⁴ Аслида, эроний тилларга мансуб *корвон* сўзининг тарихий таркиби, тадқиқотларда қайд этилишича, “кор” сўзининг “жангчи”, “сипоҳ” маъносига нисбат ва тегишлиликни англатувчи *-бон//-вон* қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинган. Мумтоз форс адаблари тилида унинг *корбон* шакли ҳам учраши қайд этилган.

Тарихий манбалар ушбу парема ўзбек тилида ҳам маълум бир босқични босиб ўтганини кўрсатади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ўқиймиз:

Йилон нетгай уруб ниш аждаҳони,

*Ит урмак бирла ёнмас корвони.*⁵

Маъноси: “Илон аждаҳони ниш уриб нима қила олади, ит хургани билан корвон қайтмайди”. Шоир бу байтда шоир ирсоли масал санъатига мурожаат қилади ва Хусравнинг Фарҳоддан устунлигини далиллаш мақсадида “Ит хурар – карвон ўтар” мақолини ишлатади. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, байтдаги “корвони” сўзи, аслида, “корвоне” тарзида ўқилса, унинг шакли маънога мувофиқ бўлиб, мақол “Ит хургани билан бирор карвон изига қайтмайди” маъносини касб этади. Фикримизни асарнинг илмий-танқидий матни ҳам тасдиқлаши мумкин:

یلان نیتکای اوروب نیش اژدهانی

ایت اورماک برلا یانماس کاروانی

Қайд этилган ўхшашлик, бир қарашда, Шарқ ва Ғарб халқларининг кейинги даврлардаги интеграцияси натижаси бўлиб туялса ҳам, мутлақ тасодиф эмаслиги маълум. Агар бир ўринда ўхшашлик, яқинлик, рухий муносабат бўлмаса, тилдаги ҳар қандай бирликнинг ўзлашиш жараёни осон кечмайди. Ўзбек ва немис тилларида ит зооними таркибли қатор фраземалар борки, уларда ҳар иккала халқ тафаккуридаги умумлиги акс этади. Масалан, *sterben wie ein Hund – умдай ўлмоқ; wie Hund und Katz leben – ум-мушук бўлиб яшамоқ; treu wie ein Hund sein – умдай вафодор бўлмоқ; leben wie ein Hund – умдай яшамоқ; gehen/sein wie der Hund ohne Herr – эгасиз умдай юрмоқ/бўлмоқ; hungrig wie ein Hund sein – умдай оч бўлмоқ* каби фраземаларда шундай ҳолатни кўрамиз.

Яна шундай ўхшашликлардан бири ўзбек тилида итнинг боласи маъносида *кучук*, немис тилида *Hündchen* сўзлари мавжуд бўлса ҳам, “ярамас (одам)”, “нобакор” маъноларида ўзбек тилида *ит эмган*, немис тилида *der Hundesohn/der Sohn einer Hündin (sein)* – айнан “*ит боласи*” иборалари

¹ Щербак А. Названия домашних и диких животных в тюркских языках. Историческое развитие лексики тюркских языков. М., с. 82 – 172.

² Duden – Deutsches Universalwörterbuch, 7. Aufl. Mannheim 2011 [CD-ROM].

³ <https://context.reverso.net/Karawane>.

⁴ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. В четырех томах. Перевод с немецкого и дополнения О.Н.Трубачева. Том 2, М., “Прогресс”, 1986, с. 190.

⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 8-том, Тошкент, “Фан”, 1991, 517-бет.

⁶ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи Порсо Шамсиев. Т., “Фан”, 1963, 144-бет.

шаклланган. Демак, бу ҳам ҳар иккала халқнинг жонзотларнинг ҳам ёш табиатини англаш даражаси бир-бирига яқин эканини билдиради.

Ўзбек халқида ит аини пайтда кўп азоб чекиш, чексиз машаққат тортиш маъносини англатади. Шунинг учун ҳам *ит ётиши* ибораси, бир томондан, жуда кеч ёки ухлаш, камуйкулик, сергаклик, иккинчи томондан, бетайин ҳаёт маъноларини англатади. Шунга кўра, *ит бўлмоқ* ибораси кўп азобларни бошдан кечирмоқ маъносини англатади. Ушбу ибора Ҳ.Вамбери томонидан “Чигатой тили мажмуаси”га киритилган “Той от бўлгунча эгаси ит бўлур” мақоли таркибида ҳам ишлатилган ва муаллиф ушбу мақолни *Bis das Füllen ein Pferd wird, wird sein Eigentümer ein Hund (denn er muss sich dabei opfern)* тарзида таржима қилган.¹

Ўзбек тилидаги фраземаларнинг бир қисмини *илон* таркибли иборалар ташкил қилади. Илоннинг мифологик тимсол сифатидаги таҳлили унинг жуда кўплаб халқлар тасаввурида бир-бирига яқин ва ўхшаш эканини кўрсатади.² Мазкур манбада илонга нисбатан турли халқларда турли хил тасаввур ва муносабат шакллангани, уларнинг тарихий илдизлари ҳақида ўқир эканмиз, буларнинг катта қисми ўзбек халқига ҳам тегишли экани, шу кунгача бундай муносабат ҳамда тасаввурлар сақланиб келаётганини кўрамиз. Бу масала фольклоршунослик нуқтаи назаридан Д.Файзиева томонидан бир қадар ўрганилгани³ боис кенг тўхталиб ўтириш ҳожати йўқ, деб ҳисоблаймиз. Лекин таъкидлаш керакки, халқимизнинг илонга муносабати фақат нафрат, ундан кўрқиш кабилардан иборат бўлмай, илон давлат, бойлик белгиси ҳам саналиши “Тушда кўрсанг – ганж, ўнгда кўрсанг – янч” мақоли, шунингдек, уйларда ўрнашиб оладиган оқ тусли илоннинг *давлатилон* дейилиши, *илоннинг ёғини ялаган* иборасига илон ҳақида ўта эҳтиёткор, ақл билан иш кўради, деган тасаввур асос бўлгани кабиларни эслаш kifоя.

Хоразмда *давлатилон* деб номланган уй илони араб тилида *омиру-л-байт*, яъни “уйни обод, маъмур килувчи” деб номланади.⁴ Шундай бўлишига қарамай, илон аксар паремаларда алдамчилик, зараркундалик, яхшиликни билмаслик каби хислатларни ўзида ифода этади. Мумтоз адабиётимизда ғоят гўзал, неъматларга бой кўринган фоний дунё нақши чиройли, лекин захри қотил илонга қиёсланган. Дунё ўткинчилигини англаб етмаган инсон эса унинг нақши, бадани жилвасига мафтун бўлиб, нақадар захарли ва хавфли эканини англаб етмаган, эсини танимаган болага қиёсланган. Жумладан, Алишер Навоий ёзади:

Тифл йилон нақшига мойил дурур,

*Заҳрини билмаски ҳалоҳил дурур.*⁵

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғат ит-турк”да *ўқ илон* зоонимини “ўзини одам ва бошқаларга отадиган илон” деб изоҳлайди⁶. Ўзбек тилида “нобоп кимсани тарбияламоқ”, “лойиқ бўлмаган кишига яхшилик қилмоқ” каби маъноларда кўйнида илон асрамоқ ибораси қўлланилади. Худди маъно ва шаклга яқин ибора немис тилида ҳам учрайди: *eine Schlange am Busen großziehen* – *илонни бағрида катта қилмоқ*. Ушбу ибора *приграть змею на груди* шаклида рус, *cherish a snake in one's bosom* шаклида инглиз тилида ҳам мавжуд. Инглиз тилида “snake”нинг яна бир синоними бўлган *Serpent* илон, катта илон, фалак буржи (Аждар) маъноларидан ташқари, Иблис маъносини ҳам англатиши (*Satan*нинг синонимларидан бири) бежиз эмас. Кўпгина халқларда илон ва чаён тушунчалари зараркундалик тимсоллари саналади. Бу борада чаён илондан ҳам хатарлироқ бўлгани учун ўзбекларда “Бир балодан қутулмоқчи бўлсанг, ундан баттарига ҳам йўлиқасан” маъносида “Илон кетса, чаён дўрийди (пайдо бўлади)” мақоли шаклланган. Хусусан, ўз аёлини ажратиб, бошқага уйланмоқчи бўлган эркакларни тажрибали кексалар, ота-оналар фикридан қайтаришда шу мақолни қўллайдилар. Худди шу каби араб тилида айнан “икки қора нарса” маъносидаги *ал-асваадаани* сўзи илон ва чаённи билдиради.⁷

¹ Cagataische Sprachstudien enthaltend grammatikalischen Umriss, Chrestomathie und Wörterbuch der Cagataischen Sprache von Herrmann Vámbéry. Leipzig, F.A.Brockhaus, 1867, s. 48.

² Мифы народов мира. Том первый. М., СЭ, 1980, с. 468.

³ Файзиева Д. Ўзбек фольклорига илон инончининг излари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1996, 4, 48-бет.

⁴ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., “Русский язык”, 1985, с. 540.

⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 7-том. Тошкент, “Фан”, 1991, 170-бет.

⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат ит-турк. Учинчи том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Тошкент, 1963, 36-бет.

⁷ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., “Русский язык”, 1985, с. 381.

Ўзбек тилида *илон//йшлон* сўзининг этимология хусусида Ш.Раҳматуллаев қадимги туркий тилдаги “қимирла-”, “жил-” маъносидаги *йыл-* феълига *-ан* қўшимчаси қўшиб ясалганини ёзади.¹ Кўринадики, бунда зооним мотивацияси жониворнинг ташқи белгисига асосланади. Бошқа тилларда, жумладан, эски ўзбек тилига ҳам ўзлашган форсий *мор* сўзининг келиб чиқиши эса унинг характерли белгисига асосланган. *Мор* сўзи паҳлавий тилида *mâr* шаклида бўлиб, санскритча “ўлдирувчи, қотил” маъносидаги *mâra* сўзи билан ўзакдошдир. “Авесто”да *mairya* сўзи эса “зиёнкор”, “зараркунанда” маъносини англатади. Буларнинг барчаси *ўлмоқ* маъносидаги *тар* феълига боғланади.²

Зооним таркибли ибораларнинг бир қисми от ва эшак тушунчалари билан боғлиқдир. От бутун Осиё ва Европа халқлари мифологияси тизимида муҳим тимсоллардан биридир.³ Отнинг туркий халқлар ҳаётида тутган ўрни хусусида кўплаб илмий ишлар мавжуд. Дунё тилларига тарқалган от мазмунли туркий сўзлар ҳақида эътиборли ишлар бажарилган.⁴ Туркий халқ култи, унга доир илмий манбалар бир қадар кенг таҳлил қилингани учун бу ҳақда муфассал тўхталиш зарурати йўқ.⁵

К.Мусаев қатор туркий халқларда от билан боғлиқ мақоллардан айримларини келтиради. Масалан, қозоқлардаги “Ер қанаты – ат”, қорақалпоқлардаги “Ат жігіттің қанати”, қирғизлардаги “Ат эрдин қанаты”, турклардаги “Ati varin ganati var”,⁶ ўзбеклардаги “Отдир йигитнинг йўлдоши” мақоллари деярли бир хил шакл ва маъно касб этиши ажабланарли эмас. Ушбу мақоллар, албатта, мохиятан Маҳмуд Кошғарий келтирган “Қуш қанотин, эр отин”, яъни “Қуш қаноти билан, эр оти билан”⁷ мақолига мувофиқ келади. “Жуда ноёб, топилмас” маъносидаги “отлига йўқ” ибораси ҳам отнинг халқимиз маънавий ҳаётида ҳам, турмушида ҳам катта ўрнини кўрсатувчи мисоллардан биридир. Шунингдек, от билан боғлиқ бошқа тиллардаги паремаларда ҳам отнинг инсон ҳаётида тутган катта ўрни акс этиб туради. Масалан, рус тилида оседлать<своего>любимого конька; садиться на своего<любимого>конька (ўзининг ёқтирган отига минмоқ) ибораси “кўнгил чопган мавзуда гапирмоқ”, тарихан эса саврас без узды (жиловланмаган саман) “бебош, тараллабедод йигит”⁸ маъноларини англатади.

Немис тилида *vom Pferd auf den Esel kommen* ибораси айнан “отдан эшакка ўтмоқ” бўлиб, камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ маъносини англатади. Бу ўринда от ва эшакнинг этнографик қарашлардаги ўзаро зиддиятидан иборани шакллантирувчи омил вазифасини бажарган. Эшак бошқа жонзотларга нисбатан паст назар билан қараш бошқа халқлар паремалари, лексик бирликларида ҳам кўзга ташланади. Буни немисча “арзимаган нарса учун талашмоқ” маъносидаги *um des Esels Schatten streiten* фраземасида ҳам кўрамиз. Мазкур ибора айнан “эшак сояси учун жанжаллашмоқ” маъносини англатади. Қизиғи, эшакка нисбатан ҳар иккала халқ тасаввур ҳамда қарашларида мутаносиблик ҳамиша ҳам паремиклик бирликлар ўхшаш ва умумийлигини келтириб чиқармайди. Масалан, ўзбекча “эшакдай ишламоқ” ибораси немис тилида *arbeiten wie ein Pferd*, яъни отдай ишламоқ кўринишига эга. Бу иборалардаги фарқни келтириб чиқарган омил эса халқларнинг жонзотларга нисбатан эмас, меҳнат фаолиятига нисбатан қарашларидир. Шунинг учун немис тафаккурида меҳнатдек олижаноб фаолиятни эшакка “раво кўрмайди”. Ўзбек тилидаги эшак таркибли сўзлар таҳлилида унинг катта, йирик жуссали маъноси ҳам кўзга ташланади. Масалан, нисбатан йирик жуссали қовоқ ари Хоразм шеваларида эшакари дейилади. Қизиғи, худди шу нарса Беруний тумани ўзбек шеваларида отари шаклида ишлатилади. Олманинг ёввойи, асосан, тўғраб қорамолларга

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Биринчи жилд. Т., “Университет”, 2000, 116-бет.

² Шамсиддин Муҳаммад бин Халаф Табризий. Бурҳони қотей. Техрон, “Амири кабир”, 1997, с. 1933.

³ Мифы народов мира. Том первый. М., СЭ, 1980, с. 666.

⁴ Аджи М. Тюрки и мир: сокровенная история. М., издательство “АСТ», 2004, с. 43.

⁵ Раҳмонов Т. Халқ дostonларида эпик от образининг мифологик хусусиятлари ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1993, 2, 59-бет; Мусакулов А. Халқ қўшиқларида от инончининг бадий ифодаси. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1994, 4-5-6, 66-бет.

⁶ Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении (Западно-кыпчакская группа). М., “Наука”, 1975, с. 108.

⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат ит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Биринчи том. Т., “Фан”, 1960, 70-бет.

⁸ Виноградов В.В. История слов. РАН. Отдел. литер. и языка. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. Отв. ред. Н.Ю.Шведова. М., ИРЯ РАН, 1999, с. 611 – 612; Фразеологический словарь русского языка. Под ред. А.И.Молоткова. М., “Русский язык”, 1986, с. 297; 405.

бериладиган нави эшаколма дейилиши ҳам юқоридаги фикрларга мисол бўла олади. Худди шунингдек, эшак сўзининг арзимас, арзон, кам қиймат маънолари ўзбекча эшакмунчок, тожикча хармухра (эшакмунчок) сўзларида ҳам кўринади.

Немис тилидаги *sanft wie ein Schaf* – қўйдаи ювош ва *dumm wie ein Schaf* – қўйдаи ахлоқ иборалари ушбу жонзотга нисбатан қадимий ва кейинчалик юзага келган қарашлар бир халқ тасаввурини ҳамда дунёқарашида баробар яшаётганини кўрсатади. Ўзбек халқида қўйга нисбатан салбий муносабат акс этган паремалар деярли учрамайди. “Семизликни қўй кўтаради” каби мақолларда ҳам унинг ақлсиз жониворлигига ишора йўқ. Қариндош бўлмаган бошқа Шарқ тиллари, жумладан, форс тили билан қиёсласак, қадимги форс тилида “қўй” сўзи ҳозирги форс тилидаги “гусфанд” эмас, *ofshu/fshu* сўзлари билан ифодаланган.¹ *Гусфанд* сўзи эса, аслида, қадимда уй ҳайвонларининг сифати бўлиб, айнан “муқаддас мол” маъносини англатади. Қўйнинг асл номларидан бири миш/меш бўлиб, ўзбек тилидаги говмиш сўзи таркибидан бор. “Авесто”да бу сўз *gouspenta* шаклида ишлатилган.² Бу борада А.Рустамов чўпон сўзи таҳлили муносабати билан эътиборли фикрлар баён қилган.³ Назаримизда, рус тилида *баран* сўзининг “гўл”, “овсар” тарзидаги кўчма маъноси,⁴ кейинчалик, шаклланган. Тарихий маълумотлар *Баранов* фамилияли зодагонлар хонадони тамгаларида қўй тасвири бўлгани⁵ ҳақида маълумот беради. Инглиз тилида эса *wolf in sheep's clothing* – қўй терисини ёпинган бўри ибораси шу тилда очкўзлик қилиб емоқ маъносидаги *to wolf* феъли семантик тараққиётига ойдинлик киритишга хизмат қилади.

Инглиз тилидаги оиланинг уятга қолишига сабаб бўлган аъзоси маъносидаги *black sheep*, немис тилида *schwarzes Schaf* (*das schwarze Schaf der Familie*), рус тилида *паршивая овца* (чёрная овца в белом стаде) ибораларининг шаклланиши ҳам ўз тарихий асосларига эга.

Таҳлил қилинган материаллар ўзбек тили фраземаларининг шаклланиши ва тараққиёти зооним таркибли бирликларининг алоҳида ўрни борлиги, ўзбек халқ тафаккурида жонзотларга муносабат ўзининг мустаҳкам ўрнига эғалигини кўрсатади.

Begimov Odil To'xtamishovich (filologiya fanlari nomzodi, dotsent; e-mail: begimovodil@mail.ru)
JANUBIY O'ZBEKISTON ORONIMLARI TARKIBIDA SAQLANIB QOLGAN OROGRAFIK
XARAKTERDAGI ERONIY ARXAİK ELEMENTLAR

Аннотация. *Janubiy O'zbekiston oronimlarining tadqiqi ularning shakllanishida turkiy tillarga tegishli lug'aviy birliklardan tashqari qadimgi eroniy tillarga, jumladan, so'g'd tiliga tegishli so'zlar ham mavjudligini ko'rsatdi. Maqolada so'g'dcha so'zlardan shakllangan oronimlarning tarixiy-lisoniy tadqiqi o'z ifodasini topgan.*

Аннотация. *Анализ оронимов Южного Узбекистана показывает, что в их формировании кроме слов тюркских языков участвуют слова иранских языков, в частности, согдийских языков. В статье описываются историко-лингвистические исследования оронимов, сформированных из согдийских слов.*

Annotation. *Analysis of South Uzbekistan's oronyms show that in their forming except Turkish words are used persian words in particular, Sogdian language. In the article, there are described the historical-linguistic research of oronyms formed from sogdian words.*

Kalit so'zlar: *eroniy tillar, so'g'd tili, xorazmiy tili, toponim, oronim, orografik obyekt, tog', tepa, balandlik, yuqori, baland, yuksak.*

Ключевые слова: *ороним, ойконим, гидроним, рельеф, гора, пик, высота, перевал, цвет, бурый, пёстрый.*

Key words: *Iranian language, Sogdian language, Khorezmian language, toponym, oronym, orographic object, mountain, hill, rock, high, great.*

Janubiy O'zbekiston oronimlarining tarixiy-lisoniy tadqiqi eroniy, aniqrog'i, so'g'dcha va tarkibida so'g'd tiliga tegishli arxaik elementlar saqlanib qolgan toponimlar, asosan, aholi maskanlari nomlari, ya'ni

¹ Шамсиддин Мухаммад бин Халаф Табризий. Бурхони котеъ. Техрон, “Амири кабир”, 1997, s. 1240.

² Shu manba. s. 1855.

³ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, “Ёш гвардия”, 1987, 129бет.

⁴ <http://runo.ks.ua/narodnayastr/narodntvor/96-simvol.html>.

⁵ Shu manba.

oykonimlarga tegishli ekanligini ko'rsatdi. Oronimiya va gidronimiyada bu xil nomlar nisbatan kam uchraydi. Orografik obyektlarni ifodalovchi ayrim bir lug'aviy birliklar oronimlar va qisman, gidronimlar tarkibida saqlanib qolgan. Biz ushbu maqolada Janubiy O'zbekiston oronimiyasi tarkibida saqlanib qolgan, ma'nosiga ko'ra orografik xarakterga ega eroniy (so'g'diy) arxaik elementlar tadqiqiga to'xtalamiz.

Janubiy O'zbekiston oronimlari tarkibida uchraydigan arxaik elementlardan biri "g'ar" hisoblanadi. Bu lug'aviy element, ayniqsa, qadimgi So'g'd va Ustrushan toponimiyasida keng tarqalgan edi. Bu so'z o'zining ma'no xususiyatiga ko'ra, dastlab, orografik atama sifatida shakllangan va oronimlar yasalishiga xizmat qilgan. Keyinchalik, ular aholi maskanlari nomlariga o'tgan bo'lishi kerak. Chunki bu toponimlar orqali yasalgan toponimlar, asosan, aholi maskanlari nomlarida saqlanib qolgan. O'zbekiston hududida uchraydigan *g'ar* komponentli toponimlar etimologik jihatidan so'g'dcha "g'ar"–tog'<qadimgi eroniy "g'ari" (o'rta avesto tilida "g'arov"–tog', tog' tizmasi) so'ziga borib taqaladi.¹

A.L.Xromov So'g'd hududida bo'lgan qadimgi Vazog'ar, Xushog'ar, Bishog'ar, Jag'rog'ar, Shovg'ar, Barg'ar toponimlarini keltiradi.² Afg'oniston hududida ham g'ar komponentli toponimlar uchraydi. Lekin ular pushtu tilida mavjud bo'lgan g'ar so'zi vositasida yaratilgan. Masalan: *Sping'ar* – Safedko'h "oq tog'".³ Yuqori Zarafshonda Ilg'ar, Askig'ar, Tog'ar qishloq nomlari borligi qayd etilgan. Yag'nobda *Shovg'ar*, *Log'ar*, *Safedg'ar*, *Darg'ag'ar* toponimlari ham sug'dcha *g'ar* termini yordamida yasalgan. Tarkibida *g'ar* (tog') ma'nosini beruvchi so'z bo'lgani bilan bu tipdagi nomlarning hammasi ham oronimlarga tegishli emas, -g'ar komponentli toponimlar tog' ma'nosini anglatadi ham, ular, asosan, odamlar yashaydigan yoki insonlar tomonidan o'zlashtirilgan, oshib o'tish mumkin bo'lgan tog'li joylarni anglatadi. Bu so'zdan shakllangan oronimlar, keyinchalik, shu xususiyatiga ko'ra oykonimlarga o'tgan.

Janubiy O'zbekiston hozirgi toponimiyasida so'g'd tiliga oid *Palg'ar* (Boysun) toponimi uchraydi. Bu balandlik va soy nomi. *Palg'ar* toponimining tuzilishi *palg'ar*<*parg'ar*<*barg'ar*, *bar* – yuqori, baland; *g'ar* – tog', ya'ni "baland tog'".⁴ Qadimgi So'g'dda *Barg'ar* nomli qishloq bo'lganligi manbalarda qayd etilgan.⁵ Dastlab, oronim sifatida shakllangan bu nom, keyinchalik, boshqa obyekt nomiga o'tgan.

Undan tashqari, Hisor tog' tizmasiga tegishli tog'da Arpaqori nomli maydon bor. Bu nom tarkibidagi -qori komponenti ham *g'ar* so'ziga daxildir. Uning tuzilishi Arpaqori<arpa+qor+i; arpa<arba: arba – tojikcha dovon ma'nosiga ega.⁶ *Qor*>*g'ar* – tog', dovon; -i affiksi mavjudlik, xoslik ma'nosini beradi. Demak, arpaqori<arbag'ari, ya'ni "tog' dovonidagi tekis maydon".⁷ Shuningdek, Yakkabog' tumani hududiga qarashli Bovurchi tog'i yaqinidagi *Masxara* cho'qqisi nomi tarkibida ham shu qadimgi element saqlanganligini ko'rish mumkin. Uni *Masxara* shaklida izohlashlar ham mavjud. Unga ko'ra, bu nomli cho'qqi o'tmishda kuzatish minorasi vazifasini bajargan va kuzatuvchilar yog'iy (dushman)lar kelishi yoki biron voqea sodir bo'lishi haqida mash'al yoqib xabar berishgan. Shuning uchun u *Mash'ala*, keyinchalik, *Masxara* nomini olgan. Bu xalq etimologiyasi bo'lib, u ilmiy asosga ega emas. Fikrimizcha, bu nom tarixiy tuzilishiga ko'ra mas+xara shaklidagi qo'shma so'z. Nom tarkibidagi ikkala so'z ham kelib chiqishiga ko'ra eroniy tillarga, aniqroq qilib aytganda, so'g'd tiliga tegishli lug'aviy birliklar hisoblanadi. Nomning birinchi komponenti bo'lib kelgan *mas* so'zi "tog', balandlik" ma'nolariga ega. Bizning fikrimizcha, oronimning ikkinchi komponenti bo'lib kelgan *xara* so'zi asli *g'ar* so'zining fonetik o'zgargan shakli hisoblanadi, ya'ni xar(a)<*g'ar*(a) – tog'; so'z tarkibidagi -a qo'shimchasi obyektga xosligini ifodalab kelgan. Shunga asoslanib, aytadigan bo'lsak, *Masxara*<*Masg'ara* – "baland tog', yuksak cho'qqi" ma'nolarini beradi.

Janubiy O'zbekiston toponimiyasida shunday joy nomlari borki, ular hozirgi vaqtga kelib, fonetik o'zgarishga uchragan, shaklan va mazmunan tushunarsiz holga kelib qolgan. Ayrim toponimlarning shakli o'zgarib, boshqa ma'no kasb etgan. Shunday toponimlarning tarixiy-lisoniy tadqiqi natijasida shu narsa ma'lum bo'ldiki, ular orasida aslan -g'ar formanti orqali yasalgan joy nomlari ham mavjud: *Sarxara* (Qamashi, balandlik), aslida, *Sarg'ara* yoki *Sar+i+g'ar+a* ko'rinishida bo'lgan. Bu toponim tog' boshi, tog'ning yuqori tomoni ma'nolarini beradi. Shunga o'xshash *Sarg'aya* (Denov, cho'qqi), aslida, *Sar+g'ar+a*, ma'nosini – tog' boshi yoki bosh cho'qqi shaklida izohlash mumkin. *So'qar* (Kitob, qishloq), aslida, *Su+*

¹ Хромов А.Л. О структурных особенностях иранской топонимии Мавераннахра в период IX–XIII вв. Восточная филология. Душанбе, 1974, вып. 3, с. 13.

² Shu manba. 25-bet.

³ Shu manba. 23-bet.

⁴ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати. Т., "Ўқитувчи", 1988, 153-бет.

⁵ Хромов А.Л. 13-бет.

⁶ Розенфильд А.З. Оронимы Юго-Восточного Таджикистана. Оронимика. М., 1969, с. 52.

⁷ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати. Т., "Ўқитувчи", 1988, 16-бет.

yi+g'ar<Su+g'ar<Sug'ar – tog' tomondagi yoki yaqinidagi qishloq. Bu nom, aslida, orografik obyekt nomi sifatida shakllanib, keyinchalik, shu obyekt yaqinida bo'lgan qishloq nomiga o'tgan.

Janubiy O'zbekiston oronimiyasida tarkibida *mas* va uning fonetik varianti *mos* formantlaridan shakllangan nomlar ham uchraydi. Jumladan, *Qoramas* (Dehqonobod, tog'), *Sarmas* (Boysun, tog'), *Zarmas* (Yakkabog' sharqidagi tog'), *Hazarmas* (Shahrisabz, tog') va b. Bugungi kunda oronimlar va ayrim toponimlar tarkibida formant sifatida saqlanib qolgan bu so'z, asli, kelib chiqishiga ko'ra, sharqiy eroniy, aniqrog'i, so'g'd tiliga borib taqaladi. Demak, bu so'z so'g'd tilida *mos~mas*—"tog', tog' tizmasi; cho'qqi, qoya; balandlik" ma'nolariga ega bo'lgan. Ayrim oronimlar tarkibida aniqlovchi komponent bo'lib kelishiga qaraganda, bu so'z "baland, yuksak" kabi belgi bildiruvchi ma'no xususiyatini ham namoyon qilgan.

–*mas~maz~mos* va bularning yana bir fonetik varianti *-mast* komponentli nomlar O'zbekiston va Tojikistonning tog'li hududlari toponimiyasida uchraydi: *Mastchoh*, *Matcho* (Tojikistondagi tog', qishloq, tuman nomlari), *Machay*, *Matcho* (Boysundagi qishloq), *Zarmas* (Yakkabog' sharqidagi tog' nomi). Bu kabi nomlar *Zarmos~Zormos~Zarmas~Zarmost~Zarmast* kabi turli shakllarda talaffuz qilinadi.

X–XII asr tarixiy yozma manblarida Muqanna va uning qo'shinlari qarorgohi *Zarmaz* (ya'ni *Zarmas*) degan joyda bo'lganligi qayd etilgan.¹ Nom tarixiy yasalishiga ko'ra qo'shma so'z shaklida bo'lgan: *Zar+mas*. *Zar* so'zi eroniy tillardagi sar "bosh" so'zining fonetik o'zgargan shakli bo'lib, u toponimiyada "yuqori, baland, yuqori joy" kabi ma'nolarda ham qo'llanadi. Boysundagi *Sarmos* tog' nomi tarkibida bu so'z o'zgarmasdan saqlangan. Bu so'z bir qancha toponimlar tarkibida uchraydi: *Zarabog'*, *Zarkent*, *Zaravut*, *Zarmetan*, *Zarman* va b. Demak, *Zarmas* nomi – baland tog' ma'nosiga ega deb izohlasak to'g'ri bo'ladi.

Shuningdek, Boysun va Dehqonobod tumanlari hududida *Qoramos* nomli tog' mavjud. Bu nom ham tarixiy yasalishiga ko'ra ikki qismdan tashkil topgan qo'shma nom: *qora+mos*. Nomning birinchi komponenti bo'lib kelgan *qora* so'zi oronimiyada nomlanayotgan obyektning o'lchovi yoki balandligini me'yor-dan past, ya'ni unchalik baland emasligini ifodalab keladi. Nomning ikkinchi komponenti bo'lib kelgan *-mos* formanti esa obyektning turini ko'rsatib kelgan. Demak, *Qoramos* oronimi – past tog', unchalik baland, yuksak bo'lmagan tog' yoki cho'qqi ma'nosini ifodalaydi. Bu nom *Sarmos* "baland, yuksak tog'" oronimiga zid ma'no xususiyatni kasb etadi.

Janubiy O'zbekiston toponimlari tarkibida uchraydigan orografik lug'aviy unsurlardan yana biri – *shir//sher//jir//jur* formantidir. Kelib chiqishi jihatidan qadimiy eroniy tillarga mansub bo'lgan bu formant, dastlab, mustaqil so'z sifatida qo'llanilgan va "tosh, qoya, tog', cho'qqi" ma'nolarini kasb etgan. Uning topoformant sifatidagi vazifasi ham o'sha davrlardan boshlanib, asosan, orografik obyektlarning nomini yasashda namoyon bo'lgan. U keyinchalik, ko'pgina eroniy tillarda mustaqil so'z sifatida qo'llanish faoliyatini to'xtatgan. U hozir faqat pomir tillarida *jer~sher//jir~shir* – tosh; shug'on tilida *jir~shir* – qoya, cho'qqi, balandlik ma'nolariga ega.²

Janubiy O'zbekiston zamonaviy toponimiyasida tarkibida *-shir//sher//jir//jer* komponenti saqlanib qolgan quyidagi oronimlar uchraydi:

Sherak (Sherobod t., adir) oronimi ham eroniy tillarga oid *sher~shir* – "tosh" yoki "tog'" so'zi va kichraytirish ma'nosini bildiruvchi *-ak* affiksidan tashkil topgan. Demak, *Sherak* – toshli kichik balandlik yoki tog'cha.

Shergaza (Sherobod t., balandlik) oronimi *sher+gaza* shaklidagi qisimlardan tashkil topgan. *Gaza* – oshib o'tish yo'li bo'lgan kichik balandlik. *Shergaza* – toshdan iborat gaza (balandlik).

Shiran (Qamashi t., tepa) oronimi eroniy *shir* so'zi va *an<on* ko'plikni bildiruvchi qo'shimchadan tashkil topgan. *Shiran~shiron* – toshlari ko'p bo'lgan balandlik. Shuningdek, bu orografik termin zamirida ko'plab boshqa turdagi obyektlar nomlari kelib chiqqan. Jumladan, u bir qancha gidronimlar va oykonimlarning shakllanishiga asos bo'lgan.

Zaravut (Sherobod t., dara) oronimi ham qadimgi so'g'd tiliga tegishli deb qaraladi. Bu joy *Zaravut-kamar*, *Zaravutsoy* degan nomlarga ham ega. Undagi toshlarda bundan qariyb 10 ming yillar oldin chizilgan 200 dan ortiq ibtidoiy odamlar hayoti bilan bog'liq rasmlar mavjud. Bu nom tarixiy yasalishiga ko'ra *Zar+avut* shaklidagi ikki qismdan tashkil topgan.

A.L.Xromovning keltirishicha, Yuqori Zarafshonda *-avutga* daxldor – *ovut~ovat~ut* formantlaridan shakllangan *Dasnovut*, *Fatmovut*, *Rahmovut*, *Iskovat*, *Filmovut*, *Vorsut*, *Vorsovut*, *Poxut*, *Ashkut*, *Shovut*, *Chorovut* kabi toponimlar mavjud.¹ Kelib chiqishiga ko'ra, eroniy tillarga tegishli sar so'zi qadimgi so'g'

¹ Бартольд В.В. Сочинения. М., "Наука", Т. I, 1963, 258.

² Соколова В.С. Очерки по фонетике иранских языков. М.–Л., "Наука", 1953, 108 с.

¹ Хромов А.Л. Согдийская топонимия верховьев Зарафшана. ТВ, М., 1969, с. 94.

tilida ham “bosh; yuqori” ma’nolarida qo’llanilgan. U hozirgi fors-tojik tilida ham shu ma’noda ishlatiladi.¹ -ovut~ovat~ut formanti so’g’dcha avat “joy” so’zining o’zgargan shakli hisoblanadi.² Demak, tarixiy yasalishiga ko’ra so’g’d tiliga tegishli bo’lgan ikki mustaqil so’zlardan shakllangan *Zaravut*<*Sarovut* oronimi – “dara boshi” tushunchasi asosida kelib chiqqan.

Shuningdek, *Xufar* (Sariosiyo t.) qishloq nomi tarkibida ham qadimgi so’g’d tiliga tegishli orografik tushunchani ifodalovchi lug’aviy birliklar saqlanib qolgan. Bu nomning asosi *xuf*, *-ar* esa *par~bar~var* – “yuqori, baland” shakllarida uchraydigan so’zning soddalashgan ko’rinishi. *Xuf* so’zi qadimgi eroniy tilga oid *kaufa* “tog’” so’ziga borib taqaladi. Qadimgi va o’rta eroniy tillar davrida bu so’z *xaf~xuf~xo’f* shakllarida qo’llanilgan. O’rta fors tili davriga tegishli yozma manbalarda *ko’f~ko’h* shakllarida uchraydi. Pomir tillariga tegishli *xaf~xuf~xo’f* – “tog’” shakli faqat Pomir toponimiyasida saqlanib qolgan: *Xuf*, *Pasxuf* (qishloq nomlari).³ *Xuf* so’zi Tojikiston toponimiyasida ham “qoya, cho’qqi, baland qoya” ma’nolarida uchraydi.⁴ Demak, *Xufar*<*xufbar* – “baland tog’” ma’nosiga ega. Nomning shakli va ma’nosidan ko’rinib turibdiki, u dastlab oronim sifatida shakllangan, keyinchalik oykonimga o’tgan.

Undan tashqari, shu so’zga daxldor bo’lgan *Xovot* (Sariosiyo t.) toponimi ham mavjud. Uning morfema tarkibi *xov+ot*. *Xov~xuf~xo’f~xaf* – tog’; cho’qqi, qoya. *-t~at~ot* affiksi ko’plikni bildiradi. *Xovot~xafat~xufat* – bir necha cho’qqilari, qoyalari bo’lgan tog’.⁵ Demak, bu nomning ham, dastlab, oronim sifatida vujudga kelib, keyinchalik, boshqa turdagi obyekt nomiga, ya’ni oykonimga o’tganligini ko’rish mumkin.

Kayfon (G’uzor t., tepa) oronimi ham kelib chiqishiga ko’ra, qadimgi eron tillariga borib taqaladi. U tarixiy yasalishiga ko’ra, *Kaufa+n* (*-on*) shakliga ega. *Kaufa* qadimgi eroniy tilda “tog’” ma’nosidagi orografik tushunchani ifodalaydigan so’z, *-on* so’g’dcha o’rin-joy oti yasovchi affiks hisoblanadi. Demak, *kayfon*<*kaufaon* – “tog’, baland tepa” ma’nosiga ega.

Yuqorida keltirilgan misollardan ko’rish mumkinki, oronimlar tarkibida qadimgi eroniy tillarga tegishli lug’aviy birliklar qisman bo’lsa-da, saqlanib qolgan. Ular davr o’tishi bilan turli shakliy o’zgarishlarga uchragan. Bu narsa ularning semantik xususiyatlariga ham o’z ta’sirini ko’rsatgan. Ularning etimologik tadqiqi nomlar tarkibidagi so’zlar va lug’aviy elementlarning, asli, qiyofasini qisman bo’lsa-da, tiklash hamda shu orqali ularning asl ma’nolarini aniqlash imkoniyatini beradi.

Зиядуллаев Илхом

(ЎзДЖТУ Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси)

НЕМИС ТИЛИДА ФЕЪЛ-НЕОЛОГИЗМЛАР МОРФОЛОГИК АССИМИЛЯЦИЯСИ

Аннотация. Ушбу мақола немис тилидаги феъл-неологизмларнинг тилга морфологик мослушувига бағишланган. Мақолада феъл-неологизмларнинг инкорпорацияси жараёнида ўзлик нисбатда шакл ясаши, аналитик замон шаклларини ёрдамчи феъл билан қўллай олиниши каби грамматик инкорпорацияси ёритилган.

Аннотация. Данная статья посвящена морфологической адаптации немецких глаголов-неологизмов в языке. В статье описывается грамматическая инкорпорация глаголов-неологизмов при образовании формы с помощью возвратного местоимения *sich* и возможности формирования аналитических форм глагола с вспомогательными глаголами как *haben* и *sein*.

Annotation. The article deals with morphological agreement of verbs neologisms in German language. The issues of formbuilding in the reflexive voice (aspect) while incorporation process of verbs neologisms and grammatical incorporation such as usage of analytical tense forms with auxiliary verbs are discussed in the article.

Калим сўзлар: лексема, нисбат, инкорпорация, феъл-неологизм, инфинитив, ўзлик олмоши, неосемантизм, неолексема, ўзлашма-феъл, ўтимлилик, ўтимсизлик, аналитик замон шакли, сифатдош, аниқловчи, ёрдамчи феъл, корпус лингвистика.

Ключевые слова: лексема, залог, инкорпорация, глагол-неологизм, инфинитив, возвратное местоимение, неосемантизм, неолексема, глагол-заимствование, переходность, непереходность,

¹ Андреев М.С., Пещерева Е.М. Ягнобские тексты. М.–Л., 1957, с. 318.

² Хромов А.Л. 94 с.

³ Нафасов Т. 37-бет.

⁴ Розенфильд А.З. 54 с.

⁵ Нафасов Т. 194-бет.

аналитическая форма времени, причастие, определение, вспомогательный глагол, корпусная лингвистика.

Key words: *lexeme, passive voice, incorporation, neologism verb, infinitive, reflexive pronoun, neosemantism, neolexema, auxiliary verbs, transitivity, intransitivity, analytical form of time, participle, attribute, auxiliary verb, corpus linguistics.*

Сўнгги йилларда илм-фан, ахборот коммуникация-технологиялари, интернет каби соҳаларнинг шиддатли тараққиёти инсон турмуш тарзининг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Бу ўз ўрнида инсон тафаккури ва забонида ҳам намоён бўлмоқда.

Ҳар қандай тилнинг лексик қатлами тинимсиз ва тўхтовсиз янгиланиб туради. Тилда пайдо бўлган ҳар қандай янги лексема мазкур тил тизими структурасига мослашади. Мослашув грамматик, фонетик ва орфографик усулда амалга ошади. Немис тилида ҳам сўнгги 25 йилдан ортиқ вақт давомида янги феъллар пайдо бўлди, мавжудлари янги маъно касб этди ва ушбу тил меъёрларига мослашди. Барча янги феълли ясалмаларни 3 та турга ажратиш мумкин: лексик, семантик ва ўзлашма феъл-неологизмлар.

Феъл-неологизмларнинг немис тилига дастлабки инкорпорация сифатида, уларнинг ушбу тилга ҳос бўлган **-en** (ўзбек тилидаги **-моқ**) инфинитив кўшимчаси ва кучсиз феъл мақомини олишидир.¹

Бундан ташқари, лексик ва семантик феъл-неологизмлар немис тилининг бир қатор грамматик қоидаларига ҳам интеграция қилинган, жумладан, феъл-неологизмларнинг ўзлик феъл хусусиятини олиши ва *sich* ўзлик олмоши билан қўлланилиши, аналитик замон шаклларни ясашда *haben* ва *sein* ёрдамчи феъллари билан қўлланилиши, янги ясалган феъл-неологизмларнинг сўз ясаш тизимида фаоллиги, шу билан бирга, мажхуллилиқ шаклига эга бўла олмаслиги, сифатдош II шаклини ясашда бир неча вариантга эгаллиги каби ҳодисалар ҳам кузатилди.

Немис тилида иш-ҳаракат бажарувчининг ўзига қайтишини ифодалаш учун ўзбек тилидагидек алоҳида ўзлик нисбат шарт бўлмай, биргина мазкур маънони ифодаловчи *sich* олмошини олиш ўзи кифоядир.

Янги маъно касб этган феъл-неологизмлар, яъни семантик феъл-неологизмлардан *abklatschen*, *einschmeißen*, *einwerfen*, *klicken* ва *ritzen* феъллар ўзлик феъл хусусиятини олганлар:

● *Jeden einigermaßen gelungenen Wurf feiern die Amerikaner laut, andauernd **klatschen** sie **sich** gegenseitig **ab**.*

Ушбу феъл янги маъно олмасдан аввалги маъноси “*einen hellen, kurzen, metallenen Ton beim Einrasten von sich geben: der Fotoapparat klickte, und die Aufnahme war gemacht; es klickt beim Entschern des Gewehres; das Feuerzeug klickt; das Klicken (helle Klappern) der Pfennigabsätze war auf der Straße weithin hörbar*” бўлиб, асосан, ўзлик олмошисиз ишлатилган.

Кейинги феъл-неологизм “*ritzen*” бўлиб,² у “*психологик ва бошқа муаммо туфайли қўлини пастки қисмини қаттиқ металл жисм билан кесиш*” мазмунидаги янги маъно касб этиб, у ҳам ўзлик феъл бўлиб ишлатилмоқда, ваҳоланки, ушбу феълнинг илгариги маъносида ўзликлик мавжуд эмас: *etw., jmdn. r. auf, an etw., jmdm. einen Ritz, Ritze machen*:

Лексик феъл-неологизмлар сафида бундайлар сони анча кўп бўлиб, улар сирасига *aufpoppen*, *durchklicken*, *entfolgen*, *entschleinen*, *fremdschämen*, *verklicken*, *verpartnern* феъллар қиради:

● *sich für die Kandidaten der Show fremdschämen.*

Бошқа тиллардан немис тилига ўзлашган феъл-неологизмлар ҳам мослашиш жараёнида ўзлик нисбатда қўлланилмоқда, масалан, *sich adden*, *sich daten*, *sich googeln*, *sich outen*, *sich skaten*, *sich tapen*, *sich zappen*, *sich whatsappen*, *sich youtuben* кабиларни қўшиш мумкин:

● *sich nicht adden wollen, die beiden Singles **daten sich**, **sich** als Befürworter der Atomenergie **outen**;*

Феъл замон категориялар немис тил тизимининг муҳим коммуникатив-грамматик белгиларидан биридир. Маълумки, немис тилида аналитик замон шакллари бўлмиш *Präteritum* ва *Perfekt*

¹Duden–Deutsches Universalwörterbuch./hrsg. von der Dudenredaktion. 8, überarb. und erw. Aufl. Berlin, Dudenverl., 2015, 398 s.

²Duden–Die deutsche Rechtschreibung: auf der Grundlage der aktuellen amtlichen Rechtschreibregeln. Herausgegeben von der Dudenredaktion; 27, völlig neu bearbeitete und erweiterte Auflage. Berlin, Dudenverlag, 2017, 985 s.

ни ясашда *haben* ва *sein* ёрдамчи феъллари иштирок этади.¹ Интеграцияга киришган феъл-неологизмлар юкоридаги замон шаклларни ясашда ёрдамчи феълнинг бири билан конструкцияга киришади. Тахлил натижасида шу маълум бўлдики, ҳам лексик, ҳам семантик феъл-неологизмларнинг аксарият қисми қўшма замон шаклларини ясашда *haben* ёрдамчи феъли билан қўлланилиши кўрсатилган.

Бунинг асосий сабаби янги феълларнинг кўпчилиги ўтимлиги ва ўзлик феъл сифатида қўлланилишидир: **abscannen**-*jemand scannt etwas/jemanden (mit etwas)*, **abziehen**-*dem Mitschüler die Jacke abziehen*, **adden**-*jemand addet sich*, **chippen**-*jemand chippt etwas [ein Tier]*, **entfolgen**-*sie entfolgen sich*, **gaucken**-*alle Mitarbeiter gaucken*, **googeln**-*einen Namen googeln*, **liken**-*diese Seite liken, outen-sich öffentlich outen*.

Лекин айрим феъл-неологизмларнинг *haben* ва *sein* ёрдамчи феъллари билан қўлланилишда hozirгача иккиланишлар ҳам йўқ эмас, масалан, *herumzappen* ва *runterkommen* феъл-неологизмлари шундайлар сафига киради.

“**Herumzappen**” – лексик феъл-неологизми – “*mithilfe der Fernbedienung zwischen Fernsehprogrammen (ziellos) wechseln*” – “*нуълт ёрдамида телевизор дастурлари ўрмасида сакраш (ўтказиш)*” – ни англантиб, на ўтимлилик, на ўзлилик маъноларига эга мазкур лисоний бирлик, қўшма замон шаклини *haben* ёрдамчи феъли билан ясади.

Sein ёрдамчи феъли билан унча кўп бўлмаган феъл-неологизмлар замон шаклларини ясашда иштирок этиб, улар ўтимсизлик, харакатни ифодаловчи феълли ясалмалардир: **abspacen**- *... ist seine Musik ziemlich abgespacet*, **bladen**- *schon sind sie vorbei gebladet*, **carven**- *...war sie im Slalom zur Silbermedaille gecarvt*, **kiten**, **skaten** – *Am Skimarathon ist auf Platz 1 geskatet*, **verosten**- *Wir sind insoweit verostet* ва б.

Феъл-неологизмлар орасида аналитик замон шаклларни ҳам *haben*, ҳам *sein* ёрдамчи феъллари билан ясайдиганлари мавжуд бўлиб, уларга *abkacken*, *bouldern*, *navigieren*, *raften*, *raven*, *scrollen*, *slacken*, *surfen* ва *zappen* киради.²

• *Er kenne keine Grenzen, sagte die Zeugin, habe bei seinen Gastgebern stundenlang im Internet gesurft, habe sich nicht an Regeln und Ordnung gehalten.*

• *Mit drei Tastendrücker waren die neun Frauen und ein Mann mit den neuen iMacs im Internet und sind mit Begeisterung von einer Internet-Seite zur anderen gesurft.*

Мисолда кўрсатилганидек, “*surfen*” (*интернет сайтларида мақсадли равишда маълумотларни қидириш*) – феъл-неологизми *Perfekt* замон шаклини ҳар иккала ёрдамчи феъл билан тузилганлигига гувоҳ бўламиз.³ Агарда биринчи гапда “*surfen*” феъл-неологизми ўтимли феъл бўлиб келган бўлса, иккинчи гапда, аксинча, ўтимсиз феъл.⁴ Бу каби семантик феъл-неологизмларнинг икки ёрдамчи феъл билан қўшма замон шаклларни яшашининг асосий сабаби, уларнинг дастлабки маъноси мазкур ёрдамчи феълнинг бири билан ясалганлигидир. “*Surfen*” – дастлабки маъноси “*де-нгиз тўлқинида ёғоч устида сўзиш*” бўлиб, у айнан “*sein*” билан қўлланилган.

Холислилик учун корпус лингвистикаси натижасида яратилган немисзабон матнларининг **DeReKo** корпусида ҳам мазкур маъно касб этган матнларни учратиш мумкин:

• *Im Sturm über Kiel ist Olympia-Hoffnung Toni Wilhelm an die Spitze des Feldes gesurft.*

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, немис тилидаги янги феълли ясалмалар тилга тўлик морфологик мослашиши йўлида бормоқдалар. Ушбу жараённинг дастлабки белгилари сифатида инфинитив қўшимчасини олиш бўлса, кейинги ҳолатларда мазкур феъллар ўзлик нисбатида шакл ясай олиши, аналитик замон шаклларини тузишда ёрдамчи феълдан бири билан конструкцияга киришишдир.

¹ Kinne M. Neologismus und Neologismenlexikographie im Deutschen. Zur Forschungsgeschichte und zur Terminologie, über Vorbilder und Aufgaben. In: Deutsche Sprache 24/4, 1996, s. 221.

² Neuer Wortschatz. Neologismen der 90er Jahre im Deutschen/von Dieter Herberg, Michael Kinne, Doris Steffens; unter Mitarbeit von Elke Tellenbach, Doris al-Wadi. Berlin, New York, Walter de Gruyter, 2004, 155 s.

³ Steffens D., Nikitina O. Deutsch-russisches Neologismenwörterbuch. Neuer Wortschatz im Deutschen 1991–2010, Mannheim: Institut für Deutsche Sprache, in 2 Bd. 2014, 436 s.

⁴ Worbs E. Neue Zeiten neue Wörter – neue Wörterbücher. Beiträge zur. Neologismenlexikografie und-lexikologie/ E.Worbs. Frankfurt a. M., Peter Lang, 2009, 177 s.

Казаков Илҳом Розмаатович (Қорақалпоқ Давлат университети)
**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДА -ЛИК, -ЛЫҚ//ЛИК ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ ИМКОНИАТЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек ва қорақалпоқ тилларида -лик, -лық//лик қўшимчаларининг функционал хусусиятлари, тиллараро сўз ясалишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларга оид мулоҳазалар умумлаштирилган.

Аннотация. В данной статье обобщены функциональные особенности суффиксов -лик, -лық//лик в узбекском и каракалпакском языках, даны комментарии о сходствах и различиях в межъязычном словообразовании.

Annotation. This article summarizes the functional features of the suffixes -lik, -liq//lik in the Uzbek and Karakalpak languages, comments on the similarities and differences in interlingual word formation.

Калим сўзлар: сўз ясалиши, аффикс, от ясовчи, сифат ясовчи, ўз қатлам, ўзлашган қатлам, адабий тил, грамматик термин, окказионал ясама.

Ключевые слова: словообразование, аффикс, словообразование имён существительных, словообразование прилагательных, внутренний пласт, заимствованный пласт, литературный язык, грамматический термин, окказиональный способ словообразования.

Key words: word formation, affix, noun, adjective, own layer, mastered layer, literary language, grammatical term, occasional construction.

Туркий тилларда, уйғур ва чигатой ёдгорликларида ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида **-лик, -лиқ** қўшимчаси сўз яшаш вазифасида фаол қўлланилган.¹ **-лик, -лық//лик** қўшимчаларининг этимологияси бўйича туркийшунос Н.А.Баскаков ўз мулоҳазаларини билдириб ўтган. Унинг дастлабки фикрига кўра **-лиқ** мустақил маъно англатувчи сўз ҳисобланган.² Кейинчалик у ўз фикрини инкор этиб, **-лиқ** қўшимчаси тарихий жиҳатдан сўз ясовчи эканлигини исботлайди³.

Ушбу қўшимча ҳақидаги маълумотлар хорижий тилшунослар илмий изланишларида ҳам кузатилади.⁴ Ўзбек тилшунослигида **-лик** қўшимчаси таҳлилига бағишланган ишлар орасида А. Ғуломовнинг мақоласи алоҳида эътиборга молик бўлиб, мақолада мазкур қўшимча хусусидаги қимматли мулоҳазалар акс этган.⁵ Унинг мақоласида бу қўшимчанинг асосий вазифаси қандай типдаги сўз яшашдан иборат эмаслиги, балки, қандай сўзларга қўшилиши хусусида сўз юритилади. Академик А.Ҳожиёвнинг илмий мақоласида ҳозирги туркий тиллардаги, жумладан, ўзбек тилидаги **-ли** ва **-лик** аффиксларининг (турли хил фонетик вариантлари билан) асли бир манбадан эканлиги, **-ли** қўшимчасининг сифат ясовчи, **-лик** қўшимчасининг от ясовчи сифатида қаралиши анча кейинги йилларга оидлиги таъкидланади.⁶ Яна бир манбада баъзи туркий тилларда **-лик** аффиксига хос маъно ва вазифани **-ли** аффикси бажариши ҳақидаги фикр акс этган.⁷ Бу фикр тўла асосли бўлиб, ҳозирги қорақалпоқ тилида **-ли** қўшимчаси ўрин маъносини ифодалашда **-лик** қўшимчасига хос бўлган вазифада қўлланилади. Масалан, *Экесиниң жаназасын Харезмли ийшан оқыды* (Газетадан).

Ўзбек тилида мавҳум от ясовчи **-лик** қўшимчаси анча фаол қўлланилади. Баъзан унинг каттик варианты **-лиқ** қўшимчаси орқали ҳосил қилинган ясамалар ҳам ишлатилади. Адабий тилда *бўшлиқ, бошлиқ, борлиқ* сингари ясамалар қўлланилиб, бу ўринда **-лық** қўшимчасининг дифференциацияга учраганлигини *борлик, бўшлик* каби ясамалар орқали кузатиш мумкин. Масалан, *Отабек*

¹ Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. М., 1948, с. 112.

² Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. М., “Иност. лит.”, 1957, с. 242.

³ Баскаков Н.А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках. В. сб: Академику В.А.Гордлевскому к его 75-летию. М., АН, 1953, с. 61.

⁴ Котвич В.Л. Исследование по алтайским языкам. М., 1962.

⁵ Гулямов А.Г. Об аффиксе -лик в узбекском языке. Научные труды ТашГУ. Языкознание. Ташкент, 1964.

⁶ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида -лик аффиксининг вазифаси ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент, 1985, 1-сон, 24–25-бетлар.

⁷ Шарипова К. Ўзбек тилида сўз ясовчи -лик, -ли, -чилик аффикслари. Филол.фанлари номзоди дисс... автореф., Тошкент, 1972, 24-бет.

Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди (А.Қодирий. Ўткан кунлар); *Интилар борлиқни инсон Баркамол этмоқ учун, Не ажаб, инсонни борлиқ Баркамол этган эмас* (Э.Воҳидов. Муҳаббат).

Қорақалпоқ тилида **-лық //-лик** қўшимчаси анча маҳсулли қўлланилиб, вариантларнинг ҳар иккиси адабий тил учун умумий меъёр ҳисобланади. У от, сифат, сон, равишдан отлар яшаш вази-фасини бажаради.¹ Ана шу манбада бу қўшимчалар отларга қўшилиб, маълум бир нарсага, жойга, ўринга тегишли белгини билдирса, *аўыллық мектеп, кийимлик таўар, үйлик ағаш* каби ясамалар таркибида сифат ҳам ҳосил қилиши мумкинлиги келтирилган. Масалан, *Эжинияз дэслеп ески аўыллық мектеплерде оқып саўат ашқан, кейин, өз илимин Хийўадағы медреседе тереңлестирген* (Б.Исмаилов). Биз бу фикрни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Дарҳақиқат, ушбу ясамаларда нарсанинг бошқа бир нарсага, ўринга, жойга тегишли эканлиги маъноси ифодаланган.

Ҳар икки тилда **-лик, -лық//-лик** қўшимчалари ёрдамида хилма-хил маънодаги отлар ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси мавҳум маънодаги белги, ҳолат, хусусиятни, бирор касб-хунар, фан соҳасининг ўзини, баъзан аниқ нарсани, касб-хунар эгасини, бирор ижтимоий ташкилот, йўналишни, инсоннинг характер-хусусияти билан боғлиқ маънони, ўрин маъносини ифодаловчи отлар ясайди.

Баъзи манбаларда **-лик** қўшимчасининг ўрин маъносини ифодалаш хусусиятига эгаллиги тўғ-рисида ҳеч қандай фикр билдирилмайди. Ваҳоланки, **-лик** қўшимчаси дастлаб ўрин маъносидаги отлар ҳосил қилиш вази-фасини бажарган. Тилшунос Н.К.Дмитриев “бирор нарсанинг, аввало, аниқ, сўнгра мавҳум нарсаларни бирлаштириш **-лик** қўшимчасининг асосий мундарижаси”² деб ҳисоблаган. Илмий изланишлар натижасида бу қўшимчанинг ўрин-жой ва кишининг аҳволи, ҳола-ти ёки шахснинг бурчи каби маъноларни ифодаловчи отлар яшаши аниқланган. Демак, **-лик** қў-шимчаси тарихий жиҳатдан ўрин маъносини ифодаловчи отлар ясаган. Фикримизни “Девону лу-ғат ит-турк” асаридаги *tapaklik* ясамаси тўлиқ тасдиқлайди.³ Бу ясама “баланд жой” маъносини ифодалайди.

Қорақалпоқ тилида **-лық//-лик** қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган ясамалар турли хил маъноларни ифодалайди. Кейинги йилларда чоп этилган илмий адабиётларда бу қўшимчанинг маъно англатиш имконияти кенгайиб бораётганлиги кўрсатилган⁴. Бу маънолар ўзбек тилидаги **-лик** қўшимчаси ифодалаган маънолар билан қиёсланса, умумий ва хусусий жиҳатлар кўзга таш-ланади.

Аввало, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида **-лик, -лық//-лик** қўшимчалари орқали ҳосил қилин-ган ясамаларнинг катта гуруҳини мавҳум маъно ифодаловчи ясамалар ташкил қилишини таъкид-ламоқ жоиз: **ўзб:** *болалик, ёлғизлик, жимжитлик*; **ққ:** *шадлық, шоқлық, батырлық* каби. Масалан, *Билимингиз етарли, бунинг устига, олижанобсиз, одамларга яхшилик қилгингиз келади* (Ш.Бўтаев. Бир кунлик меҳмон); *Гўжисин, қайнасын гўрес даласы, Берк қоллансын батырлықтың сарасы* (Ж.Аймурзаев).

Ўзбек тилида **-лик** қўшимчаси билан шахснинг касбини, вази-фасини англатувчи ясамалар ҳосил қилинган: *сартарошлик, муаллимлик, наққошлик, рассомлик* каби. Қорақалпоқ тилида ҳам бундай ясамалар мавжуд бўлиб, улар муайян бир касб эгаси маъносини англатади: *врачлық, агро-номлық, артистлик, шайырлық* каби. Масалан, *Ўн олти–ўн етти ёшлик чоғида у муаллимлик таъ-лимини қаерда олган бўлиши мумкин?* (А.Аброрхўжаев. Меҳр кўзда); *Шайырлық мийрасдур өзиме мениң* (Эжинияз).

Ўрин билан боғлиқ маъноларни ифодалашда қорақалпоқ адабий тилида **-лық//-лик** қўшим-часи ёрдамида *жоңышқалық, бийдайлық, қамыслық, тоғайлық, шеңгеллик* каби ясамалар ҳосил қи-линади. Мисол: *Жағасы қалың тоғайлық, Қойны толы ақ сазан, Баҳәрде шалқып үстинен, Қу-мартып өткен биргазан* (Т.Сейтжанов); *...Қамыслықтың аржағынан әлле биреўлердың қосық айтқан ҳаўазлары еситиледи* (А.Қарлыбаев).

Ўзбек адабий тилида **-лик** қўшимчаси билан бундай ясамалар ҳосил қилинмайди. Бу ўринда қорақалпоқ адабий тилидаги от ясовчи **-лық** қўшимчасига хос вази-фани ўзбек адабий тилида ўз-лашган қатламга мансуб **-зор** қўшимчаси бажариб, ясамалар *бугдойзор, тўқайзор, қамшизор, беда-*

¹ Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилининг грамматикасы. Нөкис, “Билим”, 1994, 29-бет.

² Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. М.–Л., АН, 1948, с. 66 – 67.

³ Махмуд Кошғарий. Девону луғат ит-турк. I том. Тошкент, “Фан”, 1960, 466-бет.

⁴ Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилининг грамматикасы. Нөкис, “Билим”, 1994, 29–30-бетлар.

зор сингари ҳосил қилинади. Масалан, *Қамишзорлар орасида чўкиб бораётган қўшни лола ранг уфқ сари йўртиб бораётган ёлғиз отлиқ қўли билан ушлаб оладигандек бўлиб туюлди* (Ч.Айтматов. Жамила).

Қорақалпоқ тилида **-лық/-лик** қўшимчаси *ағалық, қудалық, қоңсылық* каби ясамалар таркибида қариндошлик, яқинлик маъноларини ифодаловчи отлар ҳосил қилади. Масалан, *Ескен желдей өте берди балалық, Жигит болдым кем-кем келди ағалық* (Т.Жумамуратов).

Ўзбек адабий тилига мувофиқ тарзда *ака* ёки *ука* сўзлари **-лик** қўшимчасини қабул қилмайди, бундай ясалиш ғайритабиийликни вужудга келтиради. Фақат сўзлашув нутқида *акалик, укалик* каби ясамаларни ҳосил қилиш мумкин. Ўзбек адабий тилида *қуда, қўшни* сингари сўз ясалиш асослари **-чилик** қўшимчасини қабул қилиб, *қудачилик, қўшничилик* каби ясамалар ҳосил бўлади. Масалан, *Ҳотам ва Давлатқул хонадони қудачиликда собит* (С.Бобоев. Армонли дунё).

Қорақалпоқ тилида *ханлық, патшалық, бийлик, баслық, президентлик, министрлик* каби ясамалар таркибида **-лық/-лик** қўшимчаси бошқарув ишлари билан боғлиқ амал, унвон маъносига отлар ҳосил қилган. Ўзбек тилида ҳам **-лик** қўшимчаси *хонлик, подшолик, мудирлик, вазирлик, президентлик, раислик* сингари ясамаларда шахсинг бирор амал ёки унвон, вазифаси, даражаси маъносини ифодаловчи ясамаларни юзага келтирган. Масалан, *Өз елиңде хожя, Өзиң бийлик сүресең* (Ш.Мәмбетмуратов); *Исфандиёрхонга хонлик либоси: зар чакмон, бошига жигали шерозий папах кийгизишиб, белига олтин қилч тақиб, қўлтиқлаб, тахтага ўтқаздилар* (Ж.Шарипов. Хоразм).

Қорақалпоқ тилида **-лық/-лик** қўшимчасининг сўз ясадаги хусусий жиҳати шуки, у қорақалпоқ тилшунослигига доир *атлық, келбетлик, санлық* каби грамматик терминларни ҳам ҳосил қилади. Ўзбек тилида **-лик** қўшимчасининг бундай вазифада қўлланилиши кузатилмайди.

-лик, -лық/-лик қўшимчалари билан ҳар икки тилда кишилар ҳаётининг маълум бир даврини билдирувчи отлар ҳосил қилинган: **ўзб:** *ёшлик, йигитлик, талабалик, қарилик, ўсмирлик, куёвлик, келинлик; ққ:* *жаслық, жигитлик, балалық, ғаррылық, студентлик* каби. Бу типда ҳосил қилинган ясамаларнинг тиллараро хусусий жиҳатлари кузатилмайди. Масалан, *Офтоб ойимнинг: “Нега қирқ кокил қилмайсан?” деб сўрашига: “Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди...”* деб кулди Кумуш (А.Қодирий. Ўткан кунлар); *Оның аржагында ол жас еди ҳам балалық қыялы менен турмыстың ишки мәнисине түсинбей келди* (Ө.Айжанов).

Ўзбек адабий тилида **-лик** қўшимчаси “*ўрин, яшаш жойи*” маъносини ифодалашда кенг қўлланилиб, *тошкентлик, самарқандлик, бухоролик, навоийлик* сингари ясамаларни шакллантиради. Масалан, – *Сиз маргилонлик оғайниларни қипчоқларга қарши оёқлантирмоқчи бўласиз, буни ҳам яхши биламиз* (А.Қодирий. Ўткан кунлар).

Қорақалпоқ адабий тилида ҳам **-лық // -лик** қўшимчаси орқали айрим ҳолларда кишининг яшаш жойи маъносини ифодаловчи *ташкентлик, тўртқўллик* каби ясамалар юзага келади. Қорақалпоқ адабий тилида бирор жойда истикомат қилувчи киши маъносини ифодалашда шахс оти ясовчи **-шы// -ши** қўшимчаси орқали *мойнақшы, кегейлиши, халқабашы, хожелиши* каби ясамалар ҳосил қилинади. Ўзбек адабий тилида **-чи** қўшимчаси бундай вазифада қўлланилмайди. Бу қўшимча фақат сўзлашув нутқида, қорақалпоғистонлик ўғуз шеvasида мулоқот қилувчи айрим кишилар нутқида *эллиққалъачи, берунийчи, тўртқўлчи* сингари окказионал ясамаларни юзага келтиради.

Қорақалпоқ тилида **-лық/-лик** қўшимчаси “*ўқув жиҳозлари*” маъносини ифодаловчи *сабақлық, оқыўлық, сөзлик* каби отлар ясайди. Масалан, *Стол үстинде усы тиллердиң сөзликлери жатыр* (К.Айымбетов).

Ўзбек тилида ҳам *дарслик, сўзлик* сингари ясамалар **-лик** қўшимчаси орқали ясалгандир. Масалан, *Китоб жовонининг ўнг ёнбошида этажерка, унда Нодиранинг дарсликлари...* (С.Зуннунова).

Қорақалпоқ тилида **-лық/-лик** қўшимчаси бирор аниқ нарсанинг номини билдирувчи *беллик, аўзылық, мурынлық, орынлық, дузлық, майлық* сингари ясамаларни вужудга келтиради. Ўзбек тилида ҳам **-лик** қўшимчаси баъзи ҳолларда, *терлик, беллик* каби ясамалар таркибида худди шундай маъноли нарса номини англатувчи отларни юзага келтиради. Ушбу тилда *терлик* ясамаси “*отнинг терини тўқимга ўтказмаслик учун тўқимга тўқим тагидан қўйиладиган қалин намаат парча*” деб изоҳланган.¹ Масалан, *Ат басына күн туўса, аўзылығы менен суў ишер, Ер басына күн туўса, етиги менен суў кешер* (мақол); *Омборхондан от абзалларини: терлик, беллик, юган, эгарни қўлтиқлаб келдим* (Т.Мурод. От кишнаган оқшом).

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. Тошкент, 2008, 73-бет.

Умуман, ҳар икки тилда **-лик, -лық/-лик** қўшимчалари дастлабки маъносига кўра, аниқ тушунчани ифодаловчи отлар ҳосил қилган. Кейинчалик, бу қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган ясамалар мавҳум тушунчани ҳам ифодалай бошлаган. Ҳосил қилинган ясамаларнинг аниқликдан мавҳумликка ўтганини эса тил тараққиётининг одатдаги характерли босқичи, деб баҳолаш мумкин.

Абдувалиева Дилноза Акрамовна (А.Қодирий номидаги ЖДПИ Ўзбек тилини ўқитиш методикаси кафедраси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD); dilnoza6681@mail.ru)
АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ПОЛИСЕМАНТИК СЎЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Аннотация. Мақолада Алишер Навоийнинг кўп маъноли сўзлардан фойдаланиш маҳорати ижодкор қаламига мансуб “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” каби тарихий асарлар лексикаси мисолида таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье анализируется искусство владения Алишером Навои многозначными словами на примере лексики произведений автора “Тарихи анбиё ва ҳукамо” и “Тарихи мулуки Ажам”.

Annotation. The article analyzes Alisher Navoi’s possession of polysemantic words using the example of the vocabulary of the author’s works “Tarixi anbiyo va hukamo” and “Tarixi muluki Ajam”.

Калим сўзлар: лексикология, лексема, семасиология, полисемия ҳодисаси, полисемантик сўзлар, сўзнинг семантик структураси, эски туркий тил, эски ўзбек адабий тили.

Ключевые слова: лексикология, лексема, семиотика, феномен многозначности, многозначность слов, семантическая структура слова, древнетюркский язык, древнеузбекский литературный язык.

Key words: lexicology, lexeme, semiotics, the phenomenon of polysemy, polysemy of words, semantic structure of a word, ancient Turkic language, Old Uzbek literary language.

Полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрин тутади. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар билангина эмас, сўзларнинг лексик маънолари билан ҳам ўлчанади. Демак, сўзларнинг кўп маънолилиги – полисемия тил бойлигида ўз ўрнига эга.¹

Таъкидлаш лозимки, полисемия ҳам омонимия, синонимия ва антонимия сингари тилнинг табиий ҳодисаси ҳисобланади. Полисемия ўзбек тилшунослигида ҳар томонлама ўрганилган ва ўрганилаётган ҳодисалардандир. Бирдан ортиқ маънога эгалик нуқтаи назаридан воқеланадиган тил ҳодисаси ҳисобланмиш полисемия борасида, унинг типлари хусусида мавжуд адабиётларда турфа мулоҳазалар, фикрлар билдирилган.

Алишер Навоийнинг сўзларнинг кўп маънолилигидан фойдаланиш маҳорати буюк ижодкор асарларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишларда, монографик тадқиқотларда ўз аксини топган.² Адабиётларда лексемаларнинг кўп маънолилиги ҳақида билдириладиган фикрлар ўта мавҳум бўлиб, лексик маъно тараққиёти ҳақида умумий тасаввур ҳосил этишга хизмат қилади.³

Семасиология муаммолари қаторида сўзнинг кўп маънолилиги масаласи кенг ва кўп қиррали бўлиб, лексикологиянинг ўзга жиҳатлари у билан муайян даражада боғлиқдир.

Полисемантик сўзнинг алоҳида олинган семалари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, улар ҳар доим ягона маъновий асос теварагида гуруҳлашади. Иккиламчи маънолар дастлабки маънонинг кейинги тараққиёти тарзида эътироф этилади.⁴

¹ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент, “Фан”, 1975, 3-бет.

² Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, “Фан”, 1983, 138–145-бетлар; Каримов А. Лексико-семантические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин». Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Т., 1973; Насыров И. Лексика «Мажалис ан-нафаис» Алишера Навои. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Ташкент, 1980; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Ташкент, 1982; Дадабоев Х., Хамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Тошкент, 2007.

³ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент, “Университет”, 2006, 56-бет.

⁴ Будагов Р.А. Введение в науку о языке. М., Учпедгиз, 1958, с. 39–50.

Айни чоғда, муайян кўп маъноли лексик бирликнинг бирламчи маъноси барча даврлар учун барқарор бўлмаслиги, иккиламчи маънолардан бири тараққиёт натижасида фаол қўлланиши боис бош маъно вазифасини бажариши ҳам эҳтимолдан холи эмас.¹

Бирор бир адиб услубига баҳо беришда унинг сўзлар кўп маънолилигидан қай даражада фойдаланиши лексикология, айниқса, семасиология учун қимматлидир. Эски ўзбек адабий тилини ҳар томонлама сайқаллаштирган, ривожлантирган, бойитган Алишер Навоийнинг лексик бирликларни кўп маънода ишлатиш маҳорати адибнинг тарихий асарлари “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (ТАХ)² ҳамда “Тарихи мулуки Ажам” (ТМА)³ да ҳам яққол кўзга ташланади. Қуйида биз ушбу асарларда адиб қўллаган полисемантик сўзларни семантик, лексик-грамматик, генеологик тамоийиллар ҳамда маъно кўчишининг турли усуллари нуқтаи назаридан таҳлил этамиз.

Кўп маънолилик сўзнинг семантик структурасига оид ҳодисалардандир. Бирдан ортиқ маънога эгалик (полисемия) деярли барча сўз туркумларида учрайди.⁴

Изланишимиз кўп маънолиликнинг феъл категориясига оид сўзларда фаоллигини кўрсатди. Асарлар матнида қирққа яқин соф туркийча кўп маъноли феъллардан фойдаланилган. Қуйида ушбу феълларнинг айримларига тўхталамиз. Бирламчи маънодан ташқари, иккиламчи маъноларнинг микдори жиҳатдан полисемантик сўзларни икки ва ундан ортиқ маънога эга лексик бирликларга таксимлаб ўрганиш ўзини оқлайди, деб ҳисоблаймиз.

XI аср қорахонийлар даври эски туркий тил обидалари тилида “тартибга солмоқ, тартиб ўрнатмоқ, бартараф этмоқ” маъносида қўлланган *tüz*=феъли Алишер Навоий томонидан қуйидаги маъноларда ишлатилган: 1) “тартибга келтирмоқ, тартибга солмоқ”: *Bu qáidanī ul tüzdi* (ТМА 729a10); 2) “бошқармоқ”: *Jahán mulkin adl va dád bilä tüzdi* (ТМА 729b5); 3) “ҳукм сурмоқ, шоҳлик қилмоқ”: *Záb Tahmasp saltanat asbábīn tüzüb, maáš ötkärdi* (ТМА 730b11,12); 4) “жанг қилмоқ, уришмоқ”: *Bildikim masáf tüzüb, iš qila almas* (ТМА 738a10,11); 5) “саф тортмоқ”: *Giršasp bilä masáf tüzüb, razm qildī* (ТМА 730b20). Шу ўринда, сўнги икки гапда қатнашган арабча *masáf* терминининг “саф, қатор, жанговар тартиб” маъноларини касб этаётганини ҳам таъкидлаш мумкин; 6) “тикламоқ”: *Atasī buzānlarnī tüzdi* (ТМА 737b25); 7) “жорий қилмоқ, татбиқ этмоқ”: *Manučehr quyān qáida va rusumnī tüzä almadī* (ТМА 730a28); 8) “ёзмоқ, ижод қилмоқ; шарҳ қилмоқ”: *Yusuf a.s. qissasī andīn mašhurráqdurkim, ehtiyáj anīj tafsili nā bolāy, nevčünki yarábat va širinligi üçün akábir ham nazm va ham nasr anīj šarh-i asbábīn tüzübdürlär* (ТАХ 710b20,21); 9) мазкур феъл лексеманинг мажхул даражадаги *музул*=шакли “уюштирмоқ”, “ташқиллаштирмоқ” маъносини билдирган: *Сun bu ma' raka tüzüldi* (ТМА 738a4). Хуллас, *tüz*=феъли асарлар матнида йигирма икки ўринда тўққиз маънода қўлланган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “бир нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ, ташламоқ” (ЎТИЛ, 2, 66–67)⁵ каби бош маънони ифодаловчи *sal*=феъли ўн саккиз маънони ифодалашни қайд этилган. Эски туркий тилда ҳам фаол қўлланган,⁶ ушбу феълнинг Навоий асарлари тилида ўн икки маънода ишлатилгани эътироф этилган (АНАТИЛ, III, 101–102). Тарихий асарларда *sal*=нинг қуйидаги маъноларда ишлатилганини кўриш мумкин: 1) “ташламоқ, жойлаштирмоқ (қамоққа), банди қилмоқ” (ТМА 741b2); 2) “ташламоқ, гирифтор қилмоқ” (ТМА 731a5); 3) “тўшамоқ, ёзмоқ (палос, гилам ва ҳ.к.)” (ТМА 729a20); 4) “сув чиқармоқ, суғормоқ” (ТМА 729a19); 5) “қурмоқ, бино қилмоқ, тикламоқ” (ТМА 729b9); 6) “қирмоқ, урмоқ” (ТМА 737a17); 7) “ўртага одам қўймоқ” (ТМА 742a14); 8) “ивитмоқ, бўктирмоқ, намламоқ” (ТМА 740a16); 9) “қуръа ташламоқ, чек солиб бахтини синамоқ, ўз чекига тушганини аниқламоқ” (ТМА 729b29); 10) ўйламоқ, хаёлига келмоқ (ТМА 729b13); 11) “бирор кимса ёки кўпчилик муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ” (ТМА

¹ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, “Фан”, 1983, 61-бет.

² Навоий куллиёти, Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, № 4050 инвертар рақамли қўлёзманинг электрон микрофильми, Китоби таворихи анбиё. 705а–728-бетлар (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси ва қатори қавс ичида берилган).

³ Навоий куллиёти, Истанбул, Сулаймония кутубхонаси. Фотих фонди, № 4050 инвертар рақамли қўлёзманинг электрон микрофильми, Китоби таворихи мулук. 729а–743-бетлар (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси ва қатори қавс ичида берилган).

⁴ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, “Фан”, 1981, 209-бет.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси (2006–2008), 2-жилд, 2007, 66–67-бетлар (Фойдаланилган ўринлар жилди ва саҳифаси қавс ичида берилган).

⁶ Дадабоев Ҳ. “Қисаси Рабғузий”да қўлланган *сал*- феълнинг семалари хусусида. Ўзбек тилшунослиги масалалари. Тошкент, 2006, 22–25-бетлар.

736a10). Шу ўринда, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да қайд этилган маъноларнинг баъзилари асарларда қўлланмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. *Sal-* феълининг юқорида келтирилган маъноларини муаллиф ўз асарларида тахминан йигирмага яқин семада ишлатганини кўриш мумкин. Биз ўрганаётган асарлар матнида *sal-* феъли олтмиш уч ўринда юқоридаги ўн бир маънода қўлланган.

Асарларда фаол ишлатилган *öt-* феъли ҳам бир неча маънони ифодалаши билан диққатни тортади. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўзнинг ўттиз бир маъноси аниқланган (ЎТИЛ, 2, 521–523). Навоий асарларида лексеманинг ўн маънода қўлланилганини кўриш мумкин (АНАТИЛ, II, 614 – 615).¹ Асарларда ушбу феъл лексеманинг қуйидаги маъноларда қўллангани кўзга ташланади: 1) “кечмоқ, ўтмоқ, кечиб ўтмоқ” (ТМА 738a9); 2) “ошиб ўтмоқ” (ТМА 736b14); 3) “тешмоқ, тешиб ўтмоқ” (ТМА 741b26); 4) “вафот этмоқ, ўлмоқ” (ТАҲ 719b6); 5) “таъкидламоқ, зикр этилмоқ” (ТМА 729b22); 6) “ҳукм сурмоқ, подшоҳлик қилмоқ” (ТМА 731b9); 7) “юриб ўтмоқ” (ТМА 735a14); 8) “вақт, муҳлат ўтмоқ” (ТАҲ 723b17), “мартабаси ортмоқ, юксалмоқ” (ТАҲ 717a6).

Кези келганда, *öt-* сўзининг қадимги ва эски туркий тил обидаларида атиги икки “ичига кирмоқ, суқилиб кирмоқ” ва “адо бўлмоқ, тугамоқ” маъноларида қўлланилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир (ДТС, 391).² Статистик таҳлил биз ўрганаётган тарихий асарлар матнида ушбу феъл лексеманинг саксон тўрт ўринда саккиз маънода ишлатилганини кўрсатди.

“Бирор еридан ушлаб, тутиб ўзига томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ” маъносидаги *tart-* сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилида ўн тўққиз маънода қўлланилиши маълум (ЎТИЛ, 2, 207–208). Ушбу феъл лексеманинг полисемантик табиати VIII–XII асрларда беш маънони ифодалагани аниқланган (ДТС, 538). Навоий биз ўрганаётган тарихий асарларида унга тубандаги маъно вазифаларини юклаган: 1) “чўзилмоқ, давом этмоқ”: *Ammá Zahhák saltanati va zulmi uzáqya tartti* (ТМА 729b26); 2) “санчмоқ, нишламоқ, кўр қилмоқ”: *...tutub, közigä miyl tartib ...* (ТМА 740b9,10); 3) “бунёд этмоқ, қурмоқ, тикламоқ”: *Fársda va Xojandda bir devár tortibtur* (ТМА 739a5); 4) “чекинмоқ, йўл олмоқ, юзланмоқ”: *...ul Tabaristán sarī tartib uruṣmadī* (ТМА 730a22); 5) “лашкар тўпламоқ, юриш қилмоқ”: *Afrásiyáb sipáh tartib, aniñ ustiya yürüdi* (ТМА 730a20,22); 6) “ўч олмоқ, қасд олмоқ”: *Faridun ulayyib erdi, alardīn intiḡám tartardīn ájiz erdi* (ТМА 730a14); 7) “воз кечмоқ”: *Álamdīn ilik tarta tutqaylar* (ТМА 733b19,20); 8) “чизмоқ, тасвирламоқ”: *...bir yumurtqača kurradā álam suratīn tartib ...kentlār va rudxánalarýača körgüzüb erdi* (ТМА 737a19,20); 9) “ижод қилмоқ, битмоқ, ёзмақ”: *Ki čun tartīm xáma-i muškbez, sāniñ vasfiḡā ayladīm nuktarez* (ТМА 742b20); 10) “азоб чекмоқ, қийналмоқ”: *Va ul gabr dīnida riyázatlar va mijáhadalar tartib erdi* (ТМА 731b27); 11) “улашмоқ, тарқатмоқ, қўймоқ (меҳмонларга овқат)”: *Šám taámi tartilurda alarnī házir qilib, iláylāriya taám qoydilar* (ТАҲ 718a24,25); 12) “никоҳига қабул қилмоқ”: *Sulaymán alayhissalám Bilqisni öz nikáhiya tartti* (ТАҲ 722a12); 13) “бошдан кечирмоқ, чекмоқ; ҳис қилмоқ, сезмоқ”: *Ul debdürki, barča yükni tarttim, burčdīn ayirraq yük körmädīm* (ТАҲ 728a22). Келтирилган мисоллар *tart-* сўзининг нафақат мустақил, балки бошқа лексик бирликлар билан синтагматик муносабатга киришиб, ёрдамчи феъл вазифасини ўтаганини ҳам кўрсатади. Асарлар матнида мазкур сўз олтмиш ўринда юқорида келтирилган ўн уч маънода қўлланган.

“Кўриш қобилиятига эга бўлмоқ” бош маъносини ўзида мужассамлаштирган соф туркийча *kör=* феъли ҳозирги ўзбек адабий тилида ўн олти маънони ифодалайди (ЎТИЛ, 2, 469-470). VIII – XII асрларда бу феълнинг олти маънода истеъмолда бўлгани эътироф этилган (ДТС, 317). Алишер Навоий асарлари тилида ушбу феъл лексеманинг ўн маънода қўлланилгани маълум (АНАТИЛ, II, 153). ТМАда *kör-* феъл лексемаси етмиш олти ўринда қуйидаги маъноларда ишлатилган: 1) “кўрмоқ, қарамоқ”: *...Iskandarniñ qarasin körüb, mehri harakatqa kelib ...* (ТМА 735b13); 2) “билмоқ”: *Va bu xáksár ba'zi tavárixda körübmenkim, qaysar Šápurni özi bilä ketürüb ...* (ТМА 737a12); 3) “ҳисобламоқ, қабул қилмоқ”: *Ráy-i hind čun özin aña harif kormäy ...* (ТМА 739b28); 4) қўшма феълнинг таркибий қисми сифатида турли маънолардаги феъллар ясади: *zulm kör=* (ТМА 737b27); *ravá kör=* (ТМА 735b11); *ojiz kor-* (ТМА 739b1) ва ҳ.к.

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I – IV, Тошкент, “Фан”, 1983–1985, I, 1983, 646-бет; II, 1983, 642-бет; III, 1984, 622-бет; IV, 1985, 636-бет (Фойдаланилган ўринлар жилди ва саҳифаси қавс ичида берилган).

² Древнетюркский словарь. Л., “Наука”, 1969 (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида берилган).

Хуллас, асарлар матнида қўлланган полисемантик сўзларнинг 30%ни феъл лексемалар ташкил этиб, уларнинг барчаси туркий қатламга мансубдир. Шундай феъллар сирасига яна куйидагиларни киритишимиз мумкин: *başla*- феъли тўққиз марта икки: “етахламоқ”, “бирор ишни бажаришга киришмоқ”; *buz*- асарлар матнида ўн олти марта икки: “вайрон қилмоқ”, “ғалаба қозонмоқ”; *de*= феъли уч ўринда беш: “ҳисобламоқ”, “демоқ”, “буюрмоқ, амр қилмоқ”, “атамоқ”, кўмакчи феъл вазифасида; *yet*- феъли ўттиз етти марта: “етмоқ”, “зулм, жазо етмоқ”, “эришмоқ”, “балоғатга етмоқ”; *yetiş*- феъли икки марта икки: “қўлга киритмоқ”, “қулоғига бориб етмоқ”; *yetkür*- ўн беш марта: “етказмоқ”, “хабар бермоқ”; *keltür*- феъли ўн икки марта: “келтирмоқ”, “далил келтирмоқ” маъноларида қўлланилган. Ана шундай феъллар қаторига асарларда келган *kes*-, *ket*-, *kotär*-, *teg*-, *tügän*-, *tüš*-, *ur*-, *ček*-, *čiq*-, *čiqar*-, *qaytar*-, *qil*-, *qal*-, *qoy*- каби феъл лексемаларини ҳам киритишимиз мумкин.

**Сайидова Гулрух Ёкубовна (БухДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч докторанти)
НАВОИЙ БАДИИЙ АСАРЛАРИДА ҲАЙВОН ВА ҚУШ НОМЛАРИ БИЛАН ҲОСИЛ
БЎЛГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТИ**

Аннотация. Мақолада ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти ёритилган ҳамда Алишер Навоий назмий асарларидаги ҳайвон ва қуш номлари билан ҳосил бўлган ўхшатишларнинг семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари очиб берилган, шоирнинг ташбиҳ санъати тараққиётидаги ўрни лингвокультурологик аспектда белгиланган, ўзбек тилининг беқиёс ифода имкониятларига эга эканлигини амалий жиҳатдан далиллаганлиги асосланган.

Аннотация. В статье подчеркивается важность реформ в нашей стране для повышения статуса и престижа узбекского языка, выявлены семантические и лингвопоэтические особенности аналогий с названиями животных и птиц в поэтических произведениях Алишера Навои, роль поэта в развитии искусства аналогии определяется в лингвокультурологическом аспекте, выводы и мнения основаны на практических доказательствах того, что узбекский язык обладает беспрецедентным выразительным потенциалом.

Annotation. The article highlights the importance of reforms in the country to increase the status and prestige of the Uzbek language, as well as the semantic and linguistic-poetic features of the analogies with the names of animals and birds in the poems of Alisher Navoi, the role of the poet in the development of the art of analogies is defined in the linguoculturological aspect, based on practical evidence that the Uzbek language has unparalleled expressive potential.

Калим сўзлар: ислохот, аналогия, ўхшатиш, семантика, лингвопоэтика, ташбиҳ, ҳайвон, қуш.

Ключевые слова: реформа, аналогия, сравнение, семантика, лингвопоэтика, ташбиҳ, животное, птица.

Key words: reform, analogy, simile, semantics, linguistics, tashbih, animal, bird.

Миллий-маънавий қадриятларимиз, бой илмий ва адабий меросимизни холисона илмий ўрганиш ва тарғиб этиш, аждодларимизнинг жаҳон бадий тафаккури ҳамда илм-фани тараққиётидаги ўрнини белгилаш, унга қўшган улкан ҳиссасини ёритиш ўзбек филологиясининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 19 октябрдаги “Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Зеро, “Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди”.¹ Шунга кўра, жаҳон бадий тафаккури тараққиётида беназир ходи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, Тошкент, 2017 йил 23 декабрь.

са бўлган Алишер Навоий поэтик асарларининг тил хусусиятларини турли, чунончи, семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик аспектларда ўрганиш долзарблик касб этади.

Муайян халқ маданиятида ўхшатишлар муҳим ўрин тутиб, у халқнинг дунёқараши, тили, адабиёти кабиларда яққол ўз ифодасини топади. Ўхшатишлар дастлаб фақат тил ҳодисаси сифатида ўрганилган бўлса, кейинги даврларда у инсон тафаккурининг ажралмас бир қисми тарзида ҳам баҳоланиб, шу нуқтаи назарлар бўйича ҳам тадқиқ этилмоқда. Аёнки, лингвокультурологияда ўхшатишлар, метафора, рамз, мифологема, эталон, паремиологик бирликлар, лақналар, стереотиплар, нуткий этикет кабилар энг асосий лингвомаданий бирликлардир. Улар орасида, айниқса, ўхшатишлар жуда муҳим ўринга эга.¹

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиётшунослигида ўхшатиш ташбеҳ деб номланади ва алоҳида бадиий санъат сифатида талқин этилади.² Адабиётшунос Ё.Исҳоқовнинг ёзишича: “Ташбиҳ – ўхшатиш, маънавий санъатлар ичида энг фаолларидан бири бўлиб, унинг моҳияти сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса ёки хусусиятни улар ўртасида мавжуд бўлган бирор ўхшашлик, умумийлик (сифат, белги ёки вазифа) нуқтаи назаридан қиёслашдан иборатдир”.³ Ташбиҳнинг таркиби тўрт унсур (қисм)дан ташкил топади. Илмий адабиётларда бу унсурларнинг номланиши турлича. Фикримизча, улар орасида энг тўғри, аниқ ва мантиқли номланиш Фитратга тегишли. Шунга кўра, ташбиҳнинг тўрт унсурини Фитрат қарашлари асосида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Олим *Аҳмат арслон каби ботурдир* жумласи бўйича ўхшатиш унсурларини талқин этади. *Аҳмат* (ўхшаган), *арслон* (ўхшатиш), *каби* (ўхшатиш қайди), *ботур* (ўхшаш).⁴

Инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда ўзбек тили соҳибларининг эталон сифатида турли ҳайвон ва қушларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлади. Мазкур фикрни далиллаш учун Алишер Навоий бадиий асарларидаги ўхшатиш эталони сифатида воқеланган ҳайвон ва қушлар номларини семантик нуқтаи назардан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Ҳайвон номлари тимсол бўлган ўхшатишлар. Алишер Навоий поэтик асарларида, алоҳида таъкидлаш керакки, ҳайвон номлари тимсол бўлган ўхшатишлар миқдори бошқа гуруҳдаги ташбиҳлардан нисбатан анча кўп. Буни айрим фикрлар билан қисман изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ўзбек халқи қадимдан чорвачилик, овчилик каби соҳалар билан мунтазам шуғулланиб келганлиги, мазкур соҳалар унинг турмуш тарзининг ажралмас таркибий қисмига айланганлиги боис шоир шеърини асарларида ҳайвон номлари тимсол вазифасини бажарган. Иккинчидан, ўзбек халқининг оғзаки ижодида, мақол ва маталларида ҳайвон номлари энг кўп ўхшатиш тимсоли сифатида воқеланганлиги шоир ижодига ҳам таъсир этган бўлса, ажаб эмас. Алишер Навоий, одатда, ишқий мавзудаги ғазалларида ошиқ ҳолати ва хатти-ҳаракатини тасвирлашда уни итга қиёслади. Масалан,

*Телба итдекдур Навоий ул париваишиз, не тонг,
Оғзидин гар ўт сочиб, аъзоси гардолуд эрур?*⁵

Тавсифи: “Гўзал ёрсиз Навоий (ошиқ) телба итга ўхшайди, у оғзидан гар ўт сочса, менинг танамни чанг босади”. Айтилганидек, ушбу байт ишқий мавзуда бўлиб, ҳажрдан қийналган ошиқ ҳолати ташбиҳлар воситасида ёрқин, аниқ ва таъсирли ифодаланган. Байтда айрим изоҳталаб, истеъмол доираси торайган сўзлар ҳам қўлланган. Масалан, *пари* форсча сўз бўлиб, “гўзал аёл”, “яхшилиқ қилувчи руҳ” маъноларини англатади. *Пари* – Шарқ халқлари фольклорида кенг тарқалган, жуда гўзал киз қиёфасидаги, нурдан яратилган, кишиларни инсу жинсдан сақлайдиган афсонавий образ, гўзаллик рамзи.⁶ Кўчма маънода эса *жуда гўзал, хушрўй аёл, нозанин* маъноларини билдиради. Шу билан бирга, парилар афсун кучига эга деб тасаввур қилинади, ёр маъносида қўланганда ҳам айна шу семасини сақлаб қолади. *Пари* сўзига *-ваиш* кўшимчаси қўшилиши

¹ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. Хазойин ул-маоний. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Т., “Фан”, 1988, 2 том, 76-бет.

² Мамажонов З. Ўхшатиш асосидаги шеърини санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори ... дис. автореф., Т., 2017, 27-бет.

³ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т., “Зарқалам”, 2006, 48-бет.

⁴ Фитрат. Адабиёт қондалари. Танланган асарлар. 5 жилдлик, Т., “Маънавият”, 2006, 4-жилд, 23-бет.

⁵ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. Хазойин ул-маоний. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Т., “Фан”, 1988, 2-том, 125-бет.

⁶ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 4 жилдлик (Э.Фозилов таҳрири остида), Т., “Фан”, 1983–1985, 222-бет.

натижасида *пари-ваи* сўзи ясалган ва у *парига ўхшаиш*, *фариштадек мулойим*, *сулув* каби маъноларни англатади. Байтнинг иккинчи мисрасида қўлланган *гардолуд* сўзи эса форс-тожикча бўлиб, *чангга ботган*, *чанг босган* маъноларини билдиради.¹ Бу мисрада ошиқ ўзини вафодорлик тимсоли бўлган итга қиёслайди. Ўхшатиш қурилмасида унинг барча узвлари иштирок этган: *ошиқ* – ўхшаган, *ит* – ўхшатиш, *-дек* – ўхшатиш қайди, *телба* (ўхшатиш белгиси). Алишер Навоий лирикасида ошиқ-нинг итга ташбиҳ этилиши кўп кузатилади. Маълумки, *ит*, *асосан*, *вафодорлик*, *содиклик* рамзи ҳисобланади. Бунга доир шоир ғазалларидан яна бир мисолни қуйида келтириб ўтамыз:

*Телба итдек ҳажр сўзидин келурмен ўт сочиб,
Офият аҳлига авлодур йўлудин тарқамоқ.*²

Изоҳи: “Ёр ҳажрида телба итдек олов сочиб келурман, бу пайтда аҳли тинч йўлимдан тарқамоқлиги афзалдур”. Байтдаги айрим сўзларни изоҳлаб, луғавий маъносини очиб берсак, мақсадга мувофиқ бўлади: *ҳажр* – айрилик, *жудолик*, *етиша олмаслик*,³ *офият* – соғломлик, *тинчлик*,⁴ луғавий маъноларини билдиради. Маълумки, *ит* қўриқлаш, ов қилиш учун сақланадиган уй ҳайвони бўлиб, Махмуд Кошғарий “Девону луғот ит-турк” асарида мазкур сўзни қадимги туркий тилда *ийт* тарзида талаффуз этилганлигини айтиб ўтади. Эътиборли томони шундаки, баъзи ўзбек шеваларида ҳозир ҳам қадимги туркий тилдаги каби *ийт* тарзида талаффуз этилади. Айрим етакчи ўзбек шеваларида эса эски туркий адабий тили даври (XI–XIV аср)да ва ундан кейин *ийт* сўзидаги *й* ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шунинг ҳисобига *и* унлиси чўзиқ айтилган, кейинроқ, бу чўзиқлик ҳам йўқолган: *ийт* > *и:т* > *ит*. *Ийт* сўзи, аслида, *нарига сурувчи*, *нарига қочирувчи* луғавий маъносини билдирган бўлиб, қадимги туркий тилда *нарига сурил* маъносини англатган.⁵

*Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдин,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.*⁶

Тавсифи: “Эй, маъшуқа, сен чаман (гулзор) оташгоҳи (ўтхонаси)да оташин (ўтдай қизил) гулдан шундай ўт ёқдингки, оқибатда сенинг ишқингда шайдо бўлган самандардек ошиқ ўтда ёниб, кулга айланди”. Англашиладики, шоирнинг ушбу байтида *булбул* сўзи истиора бадиий санъатини воқелантирган бўлиб, у *ошиқ* мажозий маъносини ифодалайди. Байт изоҳида айтилганидек, ошиқ самандарга қиёсланган. Аёнки, самандар зардуштийлик динида улуғланган афсонавий ва муқаддас жонивор ҳисобланади. Уни куш ёки калтакесаксимон мавжудот сифатида талқин қиладилар. Эмишки, у зардуштийлар оташгоҳидаги олов ичида яшар, оловдан чиқса ёки олов ўчса, ҳалок бўлар экан. Шоир Носир Муҳаммаднинг “Анқони маҳрам қилдингиз” рисоласида айтилишича, “самандар гоҳ қуш, гоҳ калтакесак сингари ҳайвон деб таърифланса-да, унинг ўтда ёнмаслик хусусиятига кўпроқ эътибор берилади. Бу ҳақда кўплаб ривоятлар мавжуд. Масалан, улардан бирида айтилишича, самандарнинг терисидан салла тикиб, ўша давр подшоҳларидан бирига совға қилибдилар. Ҳар қачон кир бўлса, уни оловга солар, салла яна топ-тоза бўлиб қолар экан”.⁷ Мумтоз адабиётимизда *самандар* рамзий маънода *умрбоқийлик* ва *ишқ* тимсолида қўлланилади. Мазкур байтда *булбул* – ўхшаган, *самандар* – ўхшатиш, *-дек* – ўхшатиш қайди сифатида воқеланган.

Шоир бадиий асарларида ошиқ ҳолати, айтилганидек, ит ҳайвониغا, унинг кўнгли эса *гавҳар ютган балиққа* ташбиҳ этилган. Масалан, *Дури ишқингни то топмиш, агар чок ўлса сар-тосар, Гуҳар ютқон балиғ янглиғ дам урмас безабон кўнғлум*.⁸ Маъшуқа хатти-ҳаракати *кийикка* ўхшатишган. Масалан, *Белинг сарриштасига мубтало бўлган кўнгул сайди, Кийикдекдурким, маҳкам айла-*

¹ Шу манба. 396-бет.

² Навоий. Фавоид ул-қибар. Хазойин ул-маоний. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Т., “Фан”, 1988, 6-том, 288-бет.

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик (Э.Фозилов таҳрири остида), Т., “Фан”, 1983–1985, 134-бет.

⁴ Шу манба. 537-бет.

⁵ Шу манба. 386-бет.

⁶ Навоий. Фаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Т., “Фан”, 1988, 3-том, 28-бет.

⁷ Исҳоқов Ё. 15-бет.

⁸ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. Хазойин ул-маоний. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Т., “Фан”, 1988, 2-том, 348-бет.

*миш йўлин камар ҳар ён.*¹ Шоир наздида, бойлик илон кабидир. Буни шоир қуйидагича ифодалайди: *Йилон киби, не ажаб, ганж асрагон кишининг, Ҳамиша комида гар захр эрур, танида шиканж.*² Англашиладики, байтда хазина, бойлик илонга қиёсланган. Шоир айтмоқчи, хазина, бойлик илон кабидир, уни тўплаган инсон худди илон асрагандек ҳолатда бўлади, овқатида ҳар доим захр, танида эса дард бўлади.

2. Қушлар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар. Қушлар жаҳон халқлари мифологиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, воқеалар жараёнида бирданига пайдо бўлувчи, қаҳрамонларга ёрдам берувчи ва вазиятни кескин ўзгартирувчи унсур сифатида эътироф этилади. Улар, асосан, илоҳиёт билан одамларнинг ўртасидаги кўприк сифатида, юксаклик ва осмон рамзи тимсолида талқин қилинган. Қушлар тимсоли бошқа кўпгина халқлардаги сингари туркий халқлар мифологиясида ҳам илоҳий олам билан мулоқот қилувчи восита сифатида ифодаланган. Одам ўлганидан кейин ёки уйқусида руҳи қушга айланиб учиб кетиши ҳақидаги тасаввурлар халқ одатлари ва фольклорда, хусусан, “Майна”, “Опа-ука”, “Дев киз”, “Гуноҳсиз мусича”, “Рустам” каби эртақларда ўз аксини топган. Алишер Навоий шеърини асарларида инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда қуш эталони жуда фаол ишлатилган. Масалан,

Қилма тарк эврүлмак ул гул гирдига булбул киби,

*Қилсалар гар гунчадек парканд-парканд, эй кўнгул.*³

Тавсифи: “Эй кўнгил, булбулдек гул (машуқа) олдида айланишни тарк этма, гар сени гунчадек парча-парча қилсалар ҳам”. Шарқ адабиётида энг кўп аҳамият берилган қушлардан бири – бу булбул тимсоли бўлиб, у, айтилганидек, *ошиқ* рамзида келиши нафақат адабиётшуносларга, балки барча шеърият мухлисларига маълум. Алишер Навоий лирикасидаги энг кўп мурожаат қилинган қуш рамзи ҳам булбул бўлиб, у гул тимсоли билан уйғун ҳолда ошиқнинг изтироблари, унинг маъшуқа гўзалликларидан таъсирланиши каби ҳолатларни тасвирлаш учун қўлланилган фаол тимсоллардан бири саналади. Юқорида келтириб ўтилган байт айтган фикримизга далил бўла олади. Шеърини парчада *кўнгил* – ўхшаган, *булбул* – ўхшатиш қайди. Шоирнинг деярли барча ишқий мавзуйидаги ғазалларида ошиқ, унинг ҳолати, хатти-ҳаракати булбулга қиёсланган. Бунга доир яна бир мисолни қуйида келтириб ўтамыз:

Эй Навоий, сарвдек озод бўл гар истасанг,

*Гул масаллик шоҳиде, булбул киби хунёгаре.*⁴

Изоҳи: “Эй Навоий, гар сарв дарахтидек озод бўлишни истасанг, гул каби хушсурат маҳбуба ёрнинг хусни жамолини кўриб булбул каби нола қил”. Ушбу шеърда уч ўринда ташбиҳ санъати қўлланган. Яъни *лирик қаҳрамон* сарв дарахтига, *хушсурат маҳбуба* гулга, *фарёд қилгувчи ошиқ* эса булбулга қиёслаган. Булбул эталони Алишер Навоий лирикасида фарёд қилгувчи ошиқ тимсолдан ташқари *хушвоз*, *хушсухан шоир*, *созанда* тимсолларида келган: *Вафо бўстонининг дostonсаройи, Маломат булбули, яъни Навоий,*⁵ *Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хуш наво – Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимга айт,*⁶ *Чунки ушшоқ уни ёқмас эмиш ул гул қулогига, Эй Навоий, неча булбул кеби бу наъраи ҳойил.*⁷ ва бошқалар.

Оққил ўтлуғ оразинг, эй шамъким, парвонадек

*Ўртанай бошинг уза бир неча қатла айланиб.*⁸

Тавсифи: “Эй шам (ёр) ўтдек ораз (юз)ингни очгин, токи мен парвонадек бошинг узра бир неча маротаба айланай”. Байтда ёрнинг ўтли юзини кўмсаган ошиқ парвонага қиёсланган. “Навоий асарларининг изоҳли луғати”да *парвона* сўзи шам, чироқ атрофида айланадиган *майда капалак* маъносида изоҳланган. Ушбу шеърда *парвона* сўзи ошиқнинг ёрга нисбатан мафтунлиги, муштоқлиги, ошиқи беқарорлиги маъносида келган.

Вусма узра зарварақлиқ икки қошинг юз уза,

*Жилвагар бўлган ики товус эрур гулзор аро.*¹

¹ Навоий. Фавоийид ул-кибар. Хазойин ул-маоний. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Т., “Фан”, 1988, 6-том, 452-бет.

² Шу манба. 99-бет.

³ Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. 344-бет.

⁴ Шу манба. Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. 527-бет.

⁵ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. 7-бет.

⁶ Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. 70-бет.

⁷ Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. 279-бет.

⁸ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. 83-бет.

Изоҳи: “Юзинг узра ўсма қўйилган тиллақошлик икки қошинг гўё гулзор ичра жилва қилувчи икки товусдек эрур”. Байтда *вусма ўсма*, форс-тожикча *зарварақ* сўзи *тиллақош* луғавий маъноларида қўлланган. Маълумки, товус мумтоз адабиётда маъшуқанинг гўзаллиги ва қадам ташлаши рамзи (товус хиромон) сифатида талқин қилинган. “Лисон ут-тайр” асарида товус тимсоли зебу зийнатларга бино қўйган киши ёки ўзининг илмига, амалига кибр айлаш рамзи сифатида тасвирланади. Шеъринг парчада *маъшуқанинг қоши* – ўхшаган, *товус* – ўхшатишган. Шоирнинг бошқа ғазалларида ҳам маъшуқанинг хатти-ҳаракати товусга ташбиҳ этилиши кузатилади. Бунга мисол сифатида қуйидаги байтни келтириб ўтамиз: *Мунфаилдур юзу зулфидинки тебрангай насим, Жилвагар товуским, фирдавси ризвон ичрадур.*² Шоир поэтик асарларида ошиқ ҳолати, айниқса, унинг қалби қушга қиёсланиши кўп учрайди. Масалан,

*Сорғориб қолдим ҳаводис кожига ҳижрда қуни,
Бир сориг қушдекки, қундуз қолгай ул қушлар аро.*³

Ушбу байтда маъшуқа билан боғлиқ воқеалар изтробидан сариқ қуш каби сарғайиб қолган ошиқ ҳолати тасвирланган. Шеъринг парчадаги ўхшатишни унинг унсурлари бўйича таҳлил этадиган бўлсак, *ошиқ* сўзи ўхшаган, *сариг қуш* сўзи ўхшатишган, *-дек* ўхшатиш қайдидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий ижодида ўхшатишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар умуминсоний эзгу ғояларни ёйишга йўналтирилган. Аниқландики, шоирнинг шеъринг асарларида хайвон ва қушлар номи билан боғлиқ ўхшатишлар катта миқдорни ташкил этиб, улар алоҳида тизим сифатида шаклланган. Шоир улардан фикрини аниқроқ, таъсирчанроқ, образли ва мантиқли ифодалаш мақсадида кенг фойдаланган. Адиб ўзбек тилининг гўзаллиги, жозибаси, бойлиги ва ифода имкониятлари чексизлигини ўхшатишлар мисолида аниқ далиллаган. Унинг она тилининг нуфузи ва мавқеини ошириш йўлида орзулаган асосий мақсади, бу борада амалга оширган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ишлари, ёзган илмий-бадиий асарлари Истиқлол йилларида она тилимизнинг том маънода давлат тилига айланишида, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини оширишда, халқимизнинг бадиий-эстетик дидини такомиллаштиришида асосий манбалардан бири бўлиб турибди, шубҳасиз, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Каримова Дилафрўз Ҳалимовна (БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси мудири) АКА-УКА ГРИММЛАРНИНГ “БИР ХУМЧА ШАВЛА” ЭРТАГИНИНГ ТАРЖИМА ВАРИАНТЛАРИ ҚИЁСИ

Аннотация. Ака-ука Гриммлар немис халқининг энг сеvimли эртақчи-ёзувчиларидир. Бироқ уларнинг номи нафақат немис ўқувчиларига, балки жаҳондаги барча халқларга танишидир. Чунки уларнинг эртақлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Мазкур мақолада ака-ука Гриммларнинг “Бир хумча шавла” эртагининг ўзбек тилига таржима вариантлари ҳақида сўз боради.

Аннотация. Братья Гримм-любимые сказочники немецкого народа. Однако их имя знакомо не только немецким читателям, но и всем народам мира, потому что их сказки переведены на множество языков. В данной статье рассматривается узбекский перевод сказки братьев Гримм “Горшочек каши”.

Annotation. The Brothers Grimm are the favourite storytellers of German people. However, their name is familiar not only to German readers, but to all peoples of the world. Because their tales have been translated into many languages. This article deals with the Uzbek translation of the Brothers Grimm's fairy tale “Sweet Porridge”.

Калим сўзлар: сюжет, фольклор, мотив, давр графикаси, эртақ бадиияти, менталитет, вариант таржима, микромаъна.

Ключевые слова: сюжет, фольклор, мотив, старинная графика, сказочное искусство, менталитет, вариантный перевод, микротекст.

Key words: plot, folklore, motif, period graphics, fairy tale art, mentality, variant translation, microtext.

¹ Навоий. Фавойид ул-кибар. 40-бет.

² Навоий. Фаройиб ус-сигар. 146-бет.

³ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. 64-бет.

Дунёдаги барча халқлар каби немис халқи ҳам ўз эртаклар дунёсига ва хазинасига эга. Ўзига хослик эртак сюжети, воқеаларнинг ривожланиши ва ечими, эртакларнинг бошланиши ва ниҳояси, қаҳрамонлар номи ва воқеалар ўзбек халқ эртагига ўхшаб кетади. Бироқ бу ўхшашлик эртакларимизнинг бетакрорлигини, миллий ўзига хос услуб ранг-баранглигини инкор этмайди. Немис халқ эртаклари деганда, албатта, кўпчилик ўзбек китобхонлари ака-ука Гриммлар тўплаган эртакларни кўз олдига келтириши, табиий, чунки бошқа адиб ва олимлар ёзиб олган, тўплаган ҳамда нашр эттирган юзлаб эртак, афсоналар ўзбек тилига ўгирилмаганлиги сабабли халқимизга маълум эмас эди.

Умуман, немис халқ эртакларини ўзбекчалаштириш асримизнинг 40-йилларида бошланиб, асосан, ака-ука Гриммлар эртакларини ўгириш билан чекланган. Бу хайрли ишни 1938 йил ака-ука Гриммлар тўпламидан “Ботир тикувчи” эртагини рус тили орқали ўтирган Фарид Расулов бошлаб берган ва бу таржима лотин алифбосида босилган. Орадан бир йил ўтгач, 1939 йилда Адҳам Раҳмат таржимасида саккизта немисча эртакдан иборат тўплам ўзбек болаларига тортиқ қилинган. Ушбу тўпламдан барчага машхур “Бремен музикачилари”, “Бир хурмача шавла”, “Қуён билан типратикан” каби эртаклар жой олган. 1940 йилда эса ўзбек болалар нашриётида ака-ука Гриммларнинг “Олтин ғоз” эртаги Ваҳоб Рўзиматов таржимасида чоп этилди. Кейинги йилларда (1954, 1963, 1978) ака-ука Гриммлар тўпламидан ўнлаб эртаклар таржима қилиниб, ўзбек болаларининг эртаклар дунёсини бойитди. Шунини айтиш керакки, ака-ука Гриммлар тўпламида жамланган 210 эртакдан шу пайтгача 30 тача эртак ўзбекчалаштирилиб, бу таржималар русча таржима матнидан амалга оширилган.¹ Айрим эртаклар, жумладан, “Бремен музикачилари”, “Ботир тикувчи”, “Бўрон кампир”, “Қуён билан типратикан”, “Етти ботир” каби эртакларнинг уч-тўрт таржима муқобиллари мавжуд. Ака-ука Гриммларнинг “Бир хумча шавла” эртаги ўзбек тилига турли йилларда бир неча бор таржима қилинган. Улар кўпроқ рус тили воситасида ўзбек тилига ўтирилган. Бу таржималар қуйидагилардир:

1. Ўзбек болалар шоири Адҳам Раҳмат томонидан 1938 йилда амалга оширилган воситали таржима. У ўша йилларда амалда бўлган лотин ёзувида, ўзбек тилида чоп этилган.²

2. Орадан 40 йил ўтиб, бу эртак мутаржим мутахассис Сурайё Тўрахонова томонидан ўзбек тилига ўтирилган ва кирилл ёзувида 1978 йилда чоп қилинган.³

3. Ушбу эртак 2008 йилда интернет сайти орқали ҳам эълон қилинган, аммо унинг таржимони аниқ кўрсатилмаган.

Эртакнинг шу учала таржима нусхасини қиёсий ўрганиш натижасида қуйидаги фарқли белгилари борлиги аниқланди:

Биринчидан, Адҳам Раҳмат ўзи шоир бўлганлиги учун эртак бадииятини сақлашга катта эътибор билан ёндашган. Масалан, унда шавланинг оқиши дарё оқишига ўхшатиш билан бўлса, С.Тўрахонова таржимасида ариққа ўхшатиш билан. Учинчи таржимада эса бундай ифоданинг ўзи мавжуд эмас.

Иккинчидан, Адҳам Раҳмат сўзларни аниқ қўллашга ҳаракат қилган. Масалан, у эртак қаҳрамони – қизчанинг ўрмонга айнан маймунжон тергани кетганини айтса, бошқа таржималарда унинг ўрнида умумий маъно англатувчи “мева” сўзи қўлланган. Бу ҳолат кампирнинг қизчадан маймунжон сўраши мотивида ҳам сақланган.

Учинчидан, Адҳам Раҳмат эртакни эски лотин ёзувида қайта баён этгани учун унда унли ва ундош товушлар ўша давр графикаси қонунларига мувофиқ берилган:

а) унлилар графикасида: ў – о (кўп-кор, тўлди-toldi), о – а (бор-бар, бирон-biran) товушлари ўзгарган ҳолда талаффузда ифода этилган. Рус тили таъсирида ўзбек тилига ўзлашган я, ё, ю, ё каби ёлашган товушлар битта ж товушини кўшиш орқали ёзилган. Масалан: я-ja (кифоя-kifaja), е-je (етгунича-jetgunica), ю-ju (югурди-jugurdi), ё-ja (каёққа-qaaja) каби;

б) ундошлар графикасида: ғ-қ (savqab oғir-aqir), й-ж (tўxtajdi-toxtajdi, қўйиб-qojib, йўл-jol), ч-с (уч-us, кўча-kosa), г-қ (қолган – қалқан) билан алмашган ҳолати кузатилади.

Тўртинчидан, талаффузда қисқа унлиларнинг тушиб қолиш ҳолати кўзга ташланади: ширин-шрин, шикоятланмади-шкоятланмади.

¹ Етти оккуш. Олмон халқ эртаклари. Хуррам Раҳимов ва Шарифа Салимова таржималари. Т., “Чўлпон”, 1991, 297–298-бетлар.

² Ака-ука Гримм эртаклари. Адҳам Раҳмат таржималари. ЎзССР Давлат нашриёти, 1938, 36–38-бетлар.

³ Ака-ука Гримм эртаклари. Русчадан Сурайё Тўрахонова таржимаси. “Ёш гвардия”, 1978, 447-бет.

Бешинчидан, эртак номи илк вариантда “Бир хурмача шавла”, икки вариантда эса “Бир хумча шавла” деб кўрсатилган. Шунингдек, шавла ва шовла сўзлари ҳам икки хил ёзилган. Агар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га қаралса, унда “шовла” сўзи эмас, шавла сўзи берилган. “Шавла” форсча сўз бўлиб, ўзбек тилида ўзлашган сўзлар қаторида туради. Шавла гуручдан тайёрланган юмшоқ ош ёки гўшт, сабзи-пиёз ва гуруч солиб пишириладиган бўтқасимон овқат турини англатади.¹

Хурмача, одатда, катик ивитиш, сут солиб қўйиш учун ишлатиладиган қўшқулоқ сопол идишни билдирувчи хурма сўзига отларга қўшиладиган -ча кичрайтириш шакли қўшимчасини қўшишдан ҳосил қилинган. Хурма+ча=хурмача сўзи кичик хурма маъносини англатади.

Хумча сўзи ҳам шу тарзда ҳосил қилинган. У форс-тожикча катта кўза маъносини билдирувчи хум+ча=хумча сўзига алоқадор. Хум бирор суюқлик, дон ва шу кабиларни сақлаш учун турли катталиқда ясаладиган, оғзи торроқ сопол идиш бўлса, хум унча катта бўлмаган, кичик хум хисобланади.²

Демак, ушбу изоҳлар асосида хумча ва хурмачанинг тузилишида, ясалиш усулида, кўринишида бироз фарқ бор.

Олтинчидан, эртакда хумча шавла қайнатиши учун шарт сифатида айтиладиган шеърий парча берилишида фарқ бор:

А.Раҳмат таржимасида:

Бир, икки, уч

– *Хурмачада шавла тиш.*

Бошқа иккала таржимада:

Мен учгача санасам,

Қайна, сеҳрли хумчам!

Фақатгина кейинги иккала таржиманинг биринчисида шеърий сатрлар ниҳояси нуқта билан, иккинчисида ундов белгиси билан берилган. Бу эса уларнинг айтилиш оҳангида фарқ борлигини илғашга хизмат қилади.

Мавжуд таржималар сўз ва қўшимчаларнинг қўлланиши нуқтаи назаридан ҳам анча фарқ қилади:

А.Раҳмат: Онаси бу хурмачага жуда суюнди.	С.Тўрахонова: Она бу хумчани кўриб қувонибди.	Номаълум таржимон: Она бу хумчани кўриб қувонибди.
--	--	---

Еттинчидан, учала таржимоннинг гап тузилишини танлашида ўзгачаликлар бор, яъни қайсинисидир содда ёки мураккаблашган содда гаплардан, қайсинисидир қўшма, мураккаб қўшма гаплардан фойдаланиши натижасида микроматнлар ҳажми турлича бўлиб қолган:

Уй ҳам шавлага тўлди. Уй олдида ҳам шавла, томда ҳам шавла, ҳатто кўчалар ҳам шавлага тўлди, у ҳамон тўхтамай шавлани пишираверди.	Хонанинг ҳаммаёғи шавлага тўлиб кетибди, даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча эса ҳамон пишираётганмиш.	Хонанинг ҳамма ёғи шавлага тўлиб кетибди: даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча ҳамон пишираётганмиш. Томларга ҳам, ҳовлиларга ҳам шавла тошиб чиқибди. Ҳатто кўчалардан ҳам шавла оқаётганмиш.
--	--	--

Эртакнинг таржима вариантлари ўртасидаги фарқларни қуйидаги жадвал асосида яна-да ёрқин кузатиш мумкин:

Эртакнинг “Бир хурмача шавла” номи билан Адҳам Раҳмат таржимаси (1938)	Эртакнинг “Бир хумча шавла” номи билан Сурайё Тўрахонова таржимаси (1978)	Эртакнинг “Бир хумча шавла” номи билан Таржимони кўрсатилмаган (2008)
Бошланиши: “ Бор экан, йўқ экан, бир қизча яшар экан ”.	Бошланиши: “ Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча бўлган экан ”.	Бошланиши: “Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча бўлган экан”.
“Қизча бир куни ўрмонга май-	“Қизча мева тергани ўрмонга	“Қизча ўрмонга мева тергани

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, 4-жилд, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007, 565-бет.

² Шу манба. 446-бет.

мунжон олиб келиш учун борди ва унда бир кампирни учратди.	борибди-ю, у ерда бир кампирни учратиб қолибди.	борибди-ю, у ерда бир кампирни учратиб қолибди.
– Салом, – дебди кампир қизчага, – менга раҳм этиб маймунжонингдан берсанг-чи!	– Салом, қизча, – дебди унга кампир. – Менга меваларингдан бер, айланай.	– Салом, қизча, – дебди унга кампир. – Менга меваларингдан бер, айланай.
–Ма, кампир, –дебди, қизча.	– Олинг, бувижон, – дебди, қизча.	– Олинг, моможон, – дебди, қизча.
Кампир маймунжонни еб бўлиб:	Кампир мевалардан бироз ебди-да:	Кампир мевалардан бироз ебди-да:
– Сен менга маймунжон бердинг, ман ҳам сенга бирон нарса совға қиламан, – дебди.	– Менга мева бердинг, энди сенга мен ҳам бир нарса совға қиламан, – дебди.	– Менга мева бердинг, энди сенга ҳам бир нарса совға қиламан, – дебди.
– Мана сенга хурмача, сен фақат шунга айтишинг керак: Бир, икки, уч – Хурмачада шавла пиш.	– Мана сенга хумча. Фақат: Мен учгача санасам, Қайна, сеҳрли хумчам, – десанг бўлди.	– Мана сенга хумча. Фақат: Мен учгача санасам, Қайна, сеҳрли хумчам! – десанг бўлди.
Шунда у ширин, мазали шавла пиша бошлайди!	У мазали шавла пишира бошлайди.	У мазали шавла пишира бошлайди.
Ундан сўнг айтасанки: Бир, икки, уч Пиширишдан кеч. Шундан сўнг хурмача шавла пиширишдан тўхтайд.	Унга: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам. – десанг, у пиширишдан тўхтайд.	Унга: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам! – десанг, у пиширишдан тўхтайд.
– Раҳмат буви, – деди қизча ва хурмачани олиб, уйига онасининг олдига кетди.	– Раҳмат, бувижон, – дебди қизча ва хумчани олиб, уйига, онасининг олдига кетибди.	– Раҳмат, моможон, – дебди қизча ва хумчани олиб, уйига, онасининг олдига кетибди.
Онаси бу хурмачага жуда суюнди.	Она бу хумчани кўриб қувонибди.	Она бу хумчани кўриб қувонибди.
Миннатсиз, оворасиз ҳамма вақт ширин ва мазали шавла бўлса-ю, тагин қандай суюмасин?	Дастурхонда доимо бемашаққат, беташвиш хушхўр, мазали шавла тайёр туради-ю, қувонмай бўларканми?	Дастурхонда доимо бемашаққат, беташвиш хушхўр, мазали шавла тайёр туради-ю, қувонмай бўларканми?
Бир вақт қиз қаёққадир уйдан кетди. Онаси бўлса хурмачани ўз олдига қўйиб: Бир, икки, уч Хурмачада шавла пиш, деди.	Бир куни қизча қаёққадир кетган экан, она хумчани олдига қўйиб: – Мен учгача санасам, Қайна, сеҳрли хумчам, – дебди.	Бир куни қизча қаёққадир кетган экан, она хумчани олдига қўйиб: – Мен учгача санасам, Қайна, сеҳрли хумчам! – дебди.
У шовла пиширабошлади.	Хумча пишира кетибди.	Хумча пишира кетибди.
Жуда кўп шавла пиширди.	Кўп шовла пишириб юборибди.	Кўп шовла пишириб юборибди.
Онаси еди, жуда қорни тўйди.	Она еб қорни тўйиб қолибди.	Она еб қорни тўйиб қолибди.
Аммо хурмача шавлани пишираверди.	Хумча бўлса ҳадеб пишираётган эмиш.	Хумча бўлса ҳадеб пишираётган эмиш.
Уни қандай қилиб тўхтатиб бўлади?	Қандай қилса тўхтаркин?	Қандай қилса тўхтаркин?
Бир, икки, уч Пиширишдан кеч, дейиш керак эди. Лекин онаси бу сўзни эсидан чиқариб қўйган эди, қизча эса уйда йўқ эди.	“Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам”, дейиш керак экан-у, она бу сўзларни унутиб қўйган экан.	“Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам!” дейиш керак экан-у, она бу сўзларни унутиб қўйган экан.
Хурмача ҳамон шавла пиши-	Хумча ҳадеб пишираверибди.	Хумча ҳадеб пишираверибди.

раверди.		
Уй ҳам шавлага тўлди. Уй олдида ҳам шавла, томда ҳам шавла, ҳатто кўчалар ҳам шавлага тўлди, у ҳамон тўхтамай шавлани пишираверди.	Хонанинг ҳаммаёғи шавлага тўлиб кетибди, даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча эса ҳамон пишираётганмиш.	Хонанинг ҳамма ёғи шавлага тўлиб кетибди: даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча ҳамон пишираётганмиш. Томларга ҳам, ҳовлиларга ҳам шавла тошиб чиқибди. Ҳатто кўчалардан ҳам шавла оқаётганмиш.
Онаси жуда қўрқди, қизчасига югурди. Лекин йўлда иссиқ шавла дарё бўлиб оқишидан ўтиш унинг учун жуда оғир эди.	Она қўрқиб кетибди, қизчани чақиргани югурибди, фақат йўлдан ўтишнинг сира иложи бўлмабди–иссиқ шавла ариқ бўлиб оқиб ётган эмиш.	Она қўрқиб кетибди.
Яхши қизчаси уйдан узоқда эмас эди.	Хайриятки, қизча уйдан унча узоқда эмас экан.	Хайрият , қизча уйдан унча узоқда эмас экан.
Қизча кўчадаги воқеадан хабардор бўлиб, дарров уйга югурди.	Кўчада нималар бўлаётганини кўриб қолибди-ю, ғизиллаганча уйга чопибди.	Кўчада нималар бўлаётганини кўриб қолибди-ю, ғизиллаганча уйга чопибди.
Жуда зўр қийинчилик билан келиб эшикнинг ҳалқасидан ушлаб очди ва Бир, икки, уч Пиширишдан кеч, деб қичқирди.	Бир амаллаб пешайвонга чиқибди-да, эшикни очиб, қичқирибди: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам.	Бир амаллаб пешайвонга чиқибди-да, эшикни очиб қичқирибди: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам!
Шунда хурмача шавла пиширишдан тўхтади.	Хумча пиширишдан тўхтабди.	Хумча пиширишдан тўхтабди.
Аммо хурмача шавлани шундай кўп пиширдикки, кимнинг қишлоқдан шаҳарга боришига тўғри келган бўлса, унга бу шавла шаҳарга етгунича кифоя қилар эди.	Шовлани эса хумча шунча кўп пишириб юборган эканки, ким шаҳарга бормоқчи бўлса, шавла еб, ўзига йўл очиши керак экан.	Шавлани эса хумча шунчалик кўп пишириб юборган эканки, ким шаҳарга бормоқчи бўлса, шавла еб, ўзига йўл очиши керак экан.
Ҳеч ким бундан шикоятланмади.	Фақат ҳеч ким бундан шикоят қилмабди.	Фақат ҳеч ким бундан шикоят қилмабди.
Чунки шавла жуда ширин ва мазали эди.	Шавла хушхўр ва мазали экан-да.	Шавла хушхўр ва мазали экан-да.

Кўриняптики, иккинчи ва учинчи таржимада эртак бошланмаси бир хил келтирилган. Уларда вақт ноаниқликни билдирувчи “бир” сўзи воситасида аниқ ифодаланмаган.

Биринчи таржимада саломлашиш ҳолати ундалмасиз келтирилган ва саломнинг кимга қаратилгани кесим орқали ифода қилинган. Унда -чи сўроқ-таажжуб юкламаси буйруқ, илтимос маъносида қўлланган. У ўша давр грамматикасига кўра сўзга ҳозиргидай чизикча билан қўшилмасдан, тўппа-тўғри қўшилиб ёзилверган.

Биринчи таржимада қизчанинг ёши катта инсонга “Ма, кампир” деб мурожаат қилиши, менталитетимизга зид ҳисобланади. Аммо кейинги таржималарда ҳолат бошқача. Қизча кампирга бувижон, моможон ундалмаси орқали мурожаат қилган. Буви ва момо сўзлари адабий тил ва шева нуқтаи назаридан, ўзаро синоним бўлгани учун уларни маънодошликда қўллаш хатолик саналмайди.

А.Раҳмат таржимасида “Кампир маймунжонни еб бўлиб” жумласи келтирилган экан, унинг маймунжонларни тўлиқ еб битиргани англатилган. Кейинги таржималарда эса “Кампир мевалардан бироз ебди-да”, деганда, унинг мевалардан қисман ва кам егани тушунилади.

А.Раҳмат таржимасида кўмакчи феълли феъл кўшилмалари кўшиб ёзилган: “Шунда у ширин, мазали шавла **пиша бошлайди!**” Яна унинг таржимасида “ва” боғловчисидан сўнг вергул ноўрин ишлатилган: “Раҳмат буви, – деди кизча, ва хурмачани олиб уйига онасининг олдига кетди. Ёки яна: “У шавла **пиширайбошлади**”.

Хуллас, олмон эртакчилари сифатида ном қозонган ака-ука Гриммларнинг жуда кўп эртаклари ўзбек тилига бир марта эмас, бир неча марталаб гоҳ шоир ва ёзувчилар, гоҳ профессионал мутаржиму олимлар томонидан турли йилларда таржима қилинганки, бу таржималар бири иккинчисини инкор қилмаган ҳолда яшаб келмоқда. Бундай таржима нусхаларининг бири иккинчисини инкор қилмаган ҳолда ёнма-ён яшаб келаётгани эса уларни “вариант таржималар” деб кўрсатишга имкон бера олади.

**Юнусова Дурдона (Самарқанд ВХТХҚТМОНМ
Тилларни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси)
ШАВКАТ РАҲМОН ИЖОДИДА ОТ СЎЗ ТУРКУМИГА ХОС МЕТАФОРЛАРНИНГ
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

***Аннотация.** Мақолада Шавкат Раҳмон шеърятининг грамматик жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ўзига хослиги, шоир ижодида метафоралардан самарали фойдаланиши йўллари, ҳатто янги яратилган метафоралар таҳлил қилинган. Айниқса, от сўз туркумидан метафора ҳосил қилиши йўллари мисоллар асосида далилланган.*

***Аннотация.** В статье проанализированы особенности грамматики, содержания поэзии Шавката Рахмона, способы рационального применения метафор в творчестве поэта, также приводится анализ образованных новых метафор. Изложенные в статье мнения обоснованы на примерах способов образования метафор от имён существительных.*

***Annotation.** The article analyzes the grammatical and semantic specificity of Shavkat Rakhmon's poetry, ways of effective use of metaphors in the poet's work, and even newly created metaphors. In particular, ways of constructing a metaphor from a noun have been proven on the basis of examples.*

***Калим сўзлар:** метафора, нутқ, от сўз туркуми, кўп маъноли сўз, контекст, лексема, синоним.*

***Ключевые слова:** метафора, речь, существительное, многозначное слово, контекст, лексема, синоним.*

***Key words:** metaphor, speech, noun, polysemous word, context, lexeme, synonym.*

Метафора – инсон образли тафаккурининг ҳосиласи. Бугунга қадар мазкур ҳодиса тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўп ўргатилган. Тадқиқотчилар, олимлар, шоирлар орасида метафорасиз бадиий асар бўлмайди, деган фикр ҳукмрон. Антик даврлардан нутқнинг таъсирли-таъсирий воситаси ва жозибаси деб қараб келинган мазкур ҳодиса ҳақида билдирилган жами фикрлар орасида метафорага билиш жараёнининг ўзига хос аспекти, усули, фикрлаш механизми сифатидаги ёндашувлар маълум маънода ўзининг исботини топган.

Мумтоз риторика метафорани меъёрдан четлашиш – предмет номининг бошқа предметга кўчиши тарзида изоҳлайди. Метафора табиатини текширган Аристотель уни: “Сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчирилишидир”, деб таърифлайди.¹ Мазкур тўрт турдаги метафора орасида олим муқобиллик асосида юзага келган метафораларни эътиборли деб топади. Муқобиллик – пропорциянинг ўзи: бунда иккинчи сўз биринчисига, худди шундай, учинчи ва тўртинчисига ҳам бирдай тааллуқли бўлаверади. Хусусан, у *Умрнинг кексалик даври кундузнинг шом палласига тенгдир* жумласидаги *умр* сўзини учинчи сўз (бунда *кексалик даври* сўз бирикмаси бўлиб келган) – *кундуз* билан алмаштириш мумкин (ушбу ҳолатда: *кундузнинг кексалик даври (шом палласи)* ҳамда *умрнинг шом палласи (кексалик)* сингари метафоралар ясалади), дейди.²

Аристотель метафорага нисбатан ихчам, соддалаштирилган ўхшатиш деб қарайди ҳамда бу кўчимларни қўллашда маҳоратли бўлиш лозим, яъни “яхши метафораларни яшаш – (предметлара-

¹Аристотель. Поэтика. Л., 1927, с. 39.

²Протопопова И. Философская аллегория, поэтическая метафора, мантика: сходства и различия. Доклад, прочитанный в ИВГИ РГГУ, март, 2001.

ро) ўхшашликларни илғашдир”, дея таъкидлайди.¹ Бу фикрга қарши тилшунос А.Ричардснинг “ҳар бир тил эгасида метафораларни қўллашга доир тажриба мавжуд бўлади, Аристотелнинг бу маҳорати ҳаммада ҳам мавжуд бўлавермайди, деган фикри нотўғри. Инсон нутқий қобилиятни ўзга лисон эгаларининг намунаси остида эгаллаб боради. Табиийки, бунда у бевосита кўчимларни қўллаш тажрибасини ҳам ўзлаштириб боради”, деб эътироз билдираркан, метафорага энг улуғвор – ҳаётни идора санъати дея баҳо беради.² Бизнингча, Аристотель ҳақ, чунки метафоралар яшаш ҳақида гап кетганда, ҳамманинг ҳам малакаси бўлмаслиги мумкин. Қўллаш масаласида А.Ричардсга қўшилиш мумкин.

Риторика метафорани алоҳида маҳорат ва эҳтиёткорлик талаб этувчи сўз ўйини, яъни муайян шакл эмас, балки, нутқнинг тасвирий воситаси, безаги деб қабул қилади. Бинобарин, антик давр одамида объект ва тасаввур қилинаётган субъект ўртасидаги муносабат ҳақида гўё иккита физик предметнинг ўзаро таъсирланишига монанд тасаввур мавжуд бўлган. Даврлар ўтиб, метафора муаммоси риторика қўлампидан ташқарига чиқди ва тилшуносликка ўтди. Шу заминда метафоранинг қиёсий концепцияси юзага келди. Унга кўра, метафора – одатий номланишнинг тасвирий идрок этилиши. Бунда метафора яширин қиёс сифатида текширилади, қиёсий назария эса метафорик баённи икки таққосланаётган предметга боғлиқ бўлади, деб хулоса қилган.

Ўзбек адабиётининг нодир шоири Шавкат Раҳмон шеърини грамматик жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ўзига хосдир. Ҳар қандай ижод маҳсули борки, у образли ифода натижасидир. Шавкат Раҳмон шеърларида қофиябозлик кўзга ташланмайди, мисраларда жумлаларнинг жойлашиши, шаклигача бошқа шеърлардан фарқ қилади. Шоир ижодида ҳам метафораларда самарали фойдаланилган, ҳатто янги метафоралар ҳам яратилган. Қуйида унинг таҳлил учун танланган шеърларини таҳлил қиламиз:

*Ёғилади майин сас, садо,
ёғар, ёғар шомурут қори,
нақадар хуш жодугар наво,
озод, қора сочлар ифори.*

Мазкур бандда шоир “жодугар” сўзини навога тисбатан қўллаб, бошқа кўчма маънони ҳосил қилмоқда. Аслида, бу сўз салбий маънони бериш учун қўлланилади. Шавкат Раҳмон ўз шеърини уни нақадар хуш, сеҳрловчи куй маъносида, инсонга ором бағишловчи маъносида қўллаган. Бошқа контекстларда, кўпинча, насрий асарларда, жодугарнинг сеҳри ўз манфаатига хизмат қилади. Шеърда эса жодугар наво инсонларга роҳат бағишламоқда. Бу янги метафорик маъно ҳисобланади. Аслида жодугар от сўз туркумига хос, аммо кўп ўринларда сифатловчи аниқловчи вазифасида келиши айрим ҳолатларда кишини чалғитиши мумкин. Шу ўринда ўзбек тилида кўп маъноли сўзлар қандай ҳосил бўлиши ҳақида ҳам тўхталиш лозим. Тилда кўп маъноли сўзлар маъно кўчиш йўллари орқали ҳосил бўлади, аслида, бу ҳам ўзбек тилининг бойиш манбаси ҳисобланади. Тўғри, сўз сон жиҳатдан кўпаймагани билан маъно жиҳатидан кўпаймоқда.

От сўз туркумига доир метафоралар, асосан, шаклий ўхшашликка таянади:

*Хаёлимнинг тиришларига
гуллар оқиб келар қаёқдан –
рўмолларнинг **тирқишларидан**
йилт эткизиб қарар аёллар.*

Бу ўринда **тирқиш** сўзи ҳам қаттиқ жисмларга, кўпинча, эшик, дераза, дарвоза, дарча кабиларнинг очилиб қолган қисмига нисбатан қўлланилади. Мазкур бандда эса шоир томонидан рўмолга, матога нисбатан қўлланган. Шавкат Раҳмонда яна бунга ўхшаган кўплаб мисолларни учратиш мумкин.

*Қовжирадим ёз гулидай
соғинганча ўшал жойни,*

¹Аристотель. Соч. в 4-х тт., т. IV. М., 1983; Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда мақола қуйидаги тўплам сирасида. Кассирер Э., Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, А.Вежбицка, А.Ортони, Ж.Лакофф, Н.Гудмен, и др. Теория метафоры. М., “Прогресс”, 1990, с. 58.

²Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда мақола қуйидаги тўплам сирасида: Кассирер Э., Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, А.Вежбицка, А.Ортони, Ж.Лакофф, Н.Гудмен, и др. Теория метафоры. М., “Прогресс”, 1990, с. 58.

*холи кеча, **етим** ҳулво,
ярқираган улкан ойни...*

Етим сўзи ҳам мазкур мисрада кўчма маънода қўлланилмоқда. Мазкур сўз ҳам контекстда турли маъноларни ифодалаб келади. *Етим* сўзи шеъриятда бегона маъносидан ташқари яна ёлғиз маъносини ҳам беради. Ўзбек тилида **девона** сўзи, аксарият ҳолларда, от сўз туркумига тегишли эканлиги таъкидланса-да, баъзан сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади.

*Туйғулардан **девона** кўнгул,
саҳаргача юрармиз дайдиб.
Келармикин бу жодули тун,
келармикин дунёга қайтиб?!*

Тилло сўзи, аслида, форс-тожик тилига мансуб туркий тилларда олтин сўзига синоним сифатида қўлланиладиган мазкур турдош от қуйидаги икки бандда икки хил ўхшашлик маъносини ифодаламоқда:

*Сомон йўли бузилган зиё –
сайёранинг **тилло** зарраси.
Хаёл ўсган ёруғ лаҳзада
эхтиёт бўл фосиқ дунёдан.*

Мазкур бандда **тилло** сўзи ўзининг қимматбаҳолик хусусиятини ифодалаётгани йўқ. Бу ўринда тилланинг ранги назарда тутилмоқда. Кейинги бандда эса *тилло* сўзи бошқа бир метафорик маънони билдириб келмоқда. Унда *ғўра* сўзи олдидан аниқловчи вазифасида келиб, ҳали пишиб етилмаган мевалар олтинга ўхшатишмоқда. Бу ўринда тилланинг ялтираш хусусиятлари инобатга олинishi керак. Таъкидлаш жоизки, муайян сўз ифодалаган предметга хос барча хусусиятлар шу сўз билан боғлиқ турли метафораларни юзага келтиради:

*Кўтарилар заминдан қудрат
шаббаларнинг учига қадар,
бирдан яшил шохларда **тилло**
ғўралар ҳам товланиб кетар.*

От туркумига доир бўлган **кумуш** лексемаси бадиий матнларда метафорик маънода кенг қўлланиладиган сўзлардан бири бўлиб, қуйидаги бандда у аниқловчи-аниқланмиш эмас, эга-кесим муносабатида турибди:

*Энди унинг сочлари **кумуш**,
оқ инакдай қўллари қадоқ.
Кўзларида лиммо-лим қадар
бағри доғли, юраги адоқ.*

Шеъриятда **ғўра** сўзига нисбатан тилла сўзи қўлланилганига юқоридаги мисолларда гувоҳ бўлинди. Қимматбаҳо жисмларни ифодаловчи сўзлар контекстда, асосан, сифат сўз туркуми бажарадиган грамматик вазифаларни бажаради:

*Хайр, Баҳор! Алвидо, Баҳор!
Раҳмат, оппоқ гулларинг учун,
шохларимга **зумрад** ғўралар
қадаб қўйган қўлларинг учун.*

Зумрад – қимматбаҳо тош бўлиб у шеъриятда, асосан, баҳор сўзига метафора бўлиб келади. Аммо мазкур бандда *ғўра* зумрадга ўхшатишмоқда. Баҳорга нисбатан қўлланганда умумий кўзни камаштирувчи гўзаллик маъноси англашилади. Ғўрага нисбатан эса ялтираш маъносининг ўзи қўлланилмоқда.

Барча шоирлар томонидан онани таърифлаш учун турфа хил метафоралар қўлланилган. Кўп ҳолларда ижодкорларнинг онага нисбатан қўллаган ташбеҳлари бир-бирига ўхшаб қолади. Шавкат Раҳмон шеъриятида ҳамма жиҳат ўзига хосликка эга. Хусусан, онасига бағишлаб ёзган шеърида ўхшаши йўқ тасвирлардан фойдаланади. Янги сўз яратгани йўқ, аммо ижодкорлар ўринларда қўллаган метафорани у онага нисбатан қўллайди:

*Гўзаллашиб кетарди борлиқ
Шаҳрихондан ўтганда **Офтоб**,
тўкиларди кулган чоғи дур,
нур ўйнарди кўзларида соф.*

Шеър амалиётида **офтоб** сўзи, кўпинча, отага, подшоҳга, адолатга, қисман оналарга нисбатан қўлланилади. Ш.Раҳмоннинг мазкур метафораси шеъриятда, тилшуносликда кам учрайдиган ходиса бўлиб, унинг таржимаи ҳолини яхши билган ўқувчи шеърни икки ҳисса яхшироқ тушунади. Чунки шоир онасининг исми Офтоб бўлган. Бу маълумотдан хабари бўлмаган ўқувчи шеър кўш ҳақида ёзилган экан, деган хулосага келиши, табиий.

Шоир ва ёзувчилар бадий тасвир жараёнида наботот оламига кўплаб мурожаат қилиши маълум. Ҳайвонот олами шоирлар учун, асосан, рамзий маъноларни ифодалаш манбаидир. Ш.Раҳмоннинг бу борада метафора ҳосил қилишда ҳам ўзига хос ёндашуви бор:

Илвасин йигитлар,

бобур йигитлар,

саждага бош қўйди ёвга терс қараб,

*гулларни кемириб йиғлади **итлар**,*

буюк бошни кесди қилич ярақлаб.

Мазкур бандда “илварсин” ва “бобур” сўзлари кўчма маънода қўлланаётгани сир эмас, аммо Бобур сўзи ўқувчи тасавурида тарихий шахсни гавдалантиради. Аслида, бобур сўзи арабчада шер деган маънони билдиради. Мазкур мисрада бу сўзлар ёввойи бўлса-да, кўркмас, тутган ерини узадиган ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятларини йигитларга ташбеҳ қилмоқда.

Туркда бош қолмади...

қолмади довлар,

хотин-халаж қолди мотам кўтариб,

«Бизга тик қарама», – буюрди ёвлар,

ёвларга терс қараб яшади бари.

Шоирнинг қуйидаги шеъри бошқаларига қараганда ҳаммага маълум ва машҳур бўлиб, бадий қиммати ҳам юқори, чунки унда қофиядан ташқари сўздаги кўчма маънонинг кучи ҳам сезилиб турибди. Шеърда баҳор ва ёз сўзлари ўзига хос метафорик маънони ифодалаб келмоқда:

Ҳали бирор ишни уддаламадим,

Ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози

Беҳуда ўтибди гўзал умримнинг

Қанчалаб чиройли баҳори, ёзи. (Ш.Раҳмон. Абодият оралаб. 14-бет)

Шоир мисралардаги сўзлардан шундай фойдаланганки, у ўзининг табиий ўрнидадек таассурот қолдиради. Қуйидаги бандда “чақин” сўзи ўзининг образли маъносини ифода қилиб турибди:

Фароғат борлигин унутиб қўйдим,

*бағримга **чақинлар** тегди дафъатан.*

Сендан улугроқ нарса йўқлигин

сочим оқарганда англадим, Ватан. (Ш.Раҳмон. Абодият оралаб. 14-бет)

Маълумки, ҳар қандай ҳаёт ходисаси, инсон қалбига доир ҳар қанақа фикр-туйғу шеъриятда образ орқали, бевосита образли тилда аксини топади. Шавкат Раҳмон шеърларида ҳам табиат бағридан танлаб олинган тимсоллар гўзал ва бетакрордир. Шунинг баробарида, шоир тил имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиб, шеърларида бир-бирига ўхшамаган синтактик фигураларни, синтактик, стилистик комбинацияларни ярата олди.

Маъновий кўчим ҳақидаги анъанавий таълимот метафоранинг бир неча туринигина ажратади ва метафора ясалишини қулай нутқий вазиятнинг юзага келиши билан боғлайди. Шу туфайли метафорага нисбатан контекстлар ва ғоялар алмашинуви деб ёндашилмасдан, шунчаки сўзларга муқобил лисоний восита, деб қаралиб келди.¹

Курбанова Саида (УрДУ)

МИРПЎЛАТ МИРЗО БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИГА БИР НАЗАР

***Аннотация.** Мақолада Мирпўлат Мирзо бадий публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Публицистнинг адабий суҳбатлари ва эсселарига хос композиция, ёзувчининг индивидуал услуби, эссеистик қарашлари ҳақида фикр юритилади.*

¹ Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда мақола қуйидаги тўплам сирасида: Кассирер Э., Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, А.Вежбицка, А.Ортони, Ж.Лакофф, Н.Гудмен, и др. Теория метафоры. М., “Прогресс”, 1990, с. 58.

Аннотация. В статье анализируются особенности художественной публицистики Мирпулата Мирзо. Рассматривается композиция литературных бесед и эссе публициста, индивидуальный стиль и эссеистические взгляды писателя.

Annotation. In the article, the author analyses the features of artistic pulicism of Mirpulat Mirza. Composition of literary talks and esseys, individual style and writing views of the writer are looked through either.

Калим сўзлар: бадий публицистика, публицист, адабий суҳбат, эссе, индивидуал услуб, эссеистик қараши.

Ключевые слова: художественная публицистика, публицист, литературная беседа, эссе, публицист, индивидуальный стиль, эссеистический взгляд.

Key words: artistic publicism, publicist, literary talk, essey, individual style, writing views.

Мирпўлат Мирзо шоир, таржимон, публицист, драматург сифатида ўз ижодининг турли қирраларини адабий жамоатчиликка намоён этиб келмоқда. Адибнинг шу кунга қадар “Сурур” (Тошкент, 2009), “Райҳон иси” (Тошкент, 2011), “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” (Тошкент, 2016) номли бадий-публицистик тўпламлари нашр этилган.

Ёзувчи публицистикаси доимо қайноқ ижтимоий-сиёсий, адабий ҳаёт билан ёнма-ён юради, ундан куч олади. Адибнинг адабий мақолалари, бадиалари, эссе-хотиралари, сафар таассуротлари ва суҳбатлари турли мавзуларда бўлиб, уларнинг ҳар бири қайси жанрда ёзилган бўлишидан қатъий назар, ўқувчини ўйлашга, муҳокама-мушоҳада қилишга ундайди. Зеро, “Чинакам публицист ҳаёт томирини қўли билан тутди, у фикрлар ва жараёнларга разведкачилик қилади, шунинг учун ҳам китобхондан олдин юриб, ҳаётий муаммоларни, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатади”¹ (таржима бизники – С.Қ.).

Адиб публицистикасини ўрганган олимлар ва таниқли ёзувчилар, унинг ижодига хос муҳим жиҳатларни белгилашган. Бинобарин, Хуршид Дўстмуҳаммад Мирпўлат Мирзо публицистикасини “шоирона ҳайрат”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, Мирпўлат Мирзонинг публицистикасида шоирона жўшқинлик, образлилик, ҳайрат ва ҳаяжон бор. Журналист, ёзувчи ва таржимон Шодмон Отабек эса адиб ижодини “булоқ сувидек тиник” деб шоирона таърифлайди: “Зеро, унинг мустақиллик йилларида битилган ва унинг шуқухини ўзига сингдирган мақолалари, бадиалари ва сафар хотиралари мажмуалар тарзида нашр этилган “Сурур”, “Райҳон иси” салмоқли китоблари фикримиз исботидир. Уларни, таъбир жоиз бўлса, мустақиллик даври кардиограммаси ҳам де-йиш мумкин”.²

Мирпўлат Мирзо таъма, мукофотлар илинжида қўлига қалам олмайди. Юрагини ўртаган муаммолар ёки дилига яқин ижодкорлар, санъаткорлар ҳақида сурур билан қалам тебратди. Хусусан, бу ўринда “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” публицистик тўпламининг “Осмон тўла юлдузлар” фаслига киритилган эссе, хотира ва суҳбатларни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқчимиз. Жумладан, “Ўзбекистон булбули” (Ҳалима Носирова билан суҳбат), “Таслим бўлмас ёғдулар” (Мутал Бурҳонов билан суҳбат), “Отамнинг гаплари қулоғимда...” (юрис т Каримхон Носиров билан суҳбат), “Сен – мисли камалак...” (Абдулла Орипов билан суҳбат) сарлавҳали адабий суҳбатлар тарихий, адабий, ижодий, биографик, ижтимоий фактларга бойлиги билан ўқувчини ўзига тортади.

Адабий-публицистик суҳбатларда, одатда, саволлар эркин тарзда танланади, ёзувчининг шахсий ҳаёти, ижодий фаолияти, адабий жамоатчилик ва уларга адибнинг муносабати, асарларнинг яратилиш тарихи, ёзувчини шу асарни ёзишга ундаган сабаблар ва ҳоказо тарздаги саволлар суҳбат олиб боровчи шахсни кизиқтириши мумкин. Мирпўлат Мирзо суҳбатларининг композициясига эътибор қаратадиган бўлсак, улар ўзбек публицистикасидаги шу жанрда қалам тебратган ёзувчи-танқидчилар яратган суҳбатлардан фарқ этади. Бу фарқ нимада кўринади? Фарқи шундаки, Мирпўлат Мирзо суҳбатдошининг уйига этиб боргунича қаҳрамони ҳақидаги ҳаёлида кечган кечинмаларни эринмасдан, батафсил ёзиб, қандайдир бир формаларда лирик чекинишлар қилади. Сўнгра асосий мақсадга ўтади. Қайсидир маънода суҳбатдоши ҳақида илик, самимий гаплар, шахсиятига нозик чизгилар бериш билан суҳбатга узундан-узун экскурс – бошланмалар қилади. Бундай бошланмалар Мирпўлат Мирзо суҳбатларига ўзига хос ижодий композиция бағишлайди. Масалан, Мирпўлат аканинг “Ўзбекистон булбули” суҳбати қуйидаги бошланма билан бошланган:

¹ Здорова В. Слово тоже есть дело. Некоторые вопросы теории публицистики. М., “Мысль”, 1979, с. 171.

² Шодмон Отабек. Ижоди булоқ сувидек тиник. Мирпўлат Мирзо. Мен нечун севаман Ўзбекистонни. Т., 2016, 36-бет.

“Қачондир уйингиздаги сандиқ очилганда онангиздан ёдгорлик кийимларга дафъатан кўзингиз тушганми? Ўшанда қандоқ ҳаяжон гупурган кўнглингизда? Қандай ҳаёлларга толгансиз? Хотираларга чулганганингизда онангизнинг меҳрини димогингизда қайта туйганмисиз?”

Мен Ҳалима Носированинг қўшиқларини эшитганимда худди шундоқ ҳаяжонни бошдан кечираман.

Аср яқунланаётган йилнинг оқишларидан бири эди. Енгил машинада ишдан қайтаётибман. Одатимга кўра машина радиосини эшитиб кетаман.

Пойтахт кўчалари турфа ёғдуларга чулганган. Бу нурлар кўча ёритқичлари-ю баланд-баланд иморатларнинг деразаларидан ҳам ёғилади. Чарогон оқишом нафасидан ва ёғдуларнинг жилвасидан шуур беихтиёр давр замзамасини ҳис этади.

Ана шу дақиқаларда радиоприёмникдан Ҳалима Носированинг қўшиғи янграб қолди...¹

Деярли икки ярим саҳифалик бошланмадан сўнг суҳбатнинг асосий мазмунига етиб келинади. Бундай лирик чекиниш кимгадир ёқмаслиги, кимгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо, иккинчи томондан, ўйлаб қаралса, Мирпўлат Мирзо мана шундай лирик чекинишларни, хотира-хаёлларни, ички-кечинмали фикрларни суҳбатга олиб кириши билан бу жанрга кичкина бўлса-да, янгилик кўшганини ҳис этамиз.

Мирпўлат Мирзонинг “Сен – мисли камалак...” номли адабий суҳбатида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ижодий лабораторияси, “Тилла балиқча” шеърининг яратилиш тарихи, шоирнинг жамият, адабиёт, адабий оқимлар ҳақидаги жиддий мулоҳазалари билан танишиш мумкин. Суҳбат давомида Абдулла Орипов “Тилла балиқча” шеърининг яратилиш тарихи ҳақида шундай ҳикоя қилади: *“–Олтмишинчи йилларда, наириётда ишлаб юрган кезларимда улкан биномиз ёнида бир оиҳона бўларди. Биз у ерга бориб тушлик қилардик. Ўша жойда бир ҳовузча бўлиб, ичида иккита тилла балиқча сузиб юрарди. Мен шуни кўриб, ушбу шеърни ёзганман. Бундан бошқа хулоса келиб чиқиб, ўша пайтда ур калтак-сур калтак бўлиб кетди. Нечта олим, нечта адабиётшунос ундан турли маънолар чиқарган. Шеърда бу сассиқ ҳовузга тилла балиқчани келтириб ташилангани, шўрлик тилла балиқ турли емишлар ушоқларни еб кун кечирishi, алам қиладиган жойи – тилла балиқча дунёни шу сассиқ ҳовуздан иборат билишлиги ҳақида ёзилган. Менга қўйилган айб даҳшатли эди: гўё мен мамлакатни кўлмак, сассиқ ҳовуз деб талқин этган эмишман. Бу гапга бугунги кунда жилмайиб қўя қолиш мумкин...”²*

Бу шеър ҳақида М.Кўшжонов, С.Мели каби кўпдан-кўп олимларимиз турли хил талқин ва тадқиқотларини адабий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишди, шеър ҳақидаги илмий талқинлар чинакам маънода ўзбек адабиётшунослигида шов-шов бўлди. Адабиётшунос олим Сувон Мелининг “Тилла балиқча” фожиаси” мақоласини яқиндагина ўқиб, ҳайратланганимиз эсимизда. Абдулла Орипов Мирпўлат Мирзо билан юқоридаги мулоқотида “Тилла балиқча” шеърининг яратилишига туртки бўлган ҳаётий сабабларни ҳикоя этадики, бундай фикр-мулоҳазалар бизни ижодкор лабораториясидан хабардор этади. Бундан ташқари, суҳбат воситасида бадий асарларнинг яратилиш тарихи ва қаҳрамонларининг биографияси, бадий адабиётнинг, хусусан, А.Орипов ижодининг китобхонга таъсири, бадий асарлардаги баъзи бир деталларнинг ҳаётий асослари ҳақида шоир шахсан ўзи ижодий тажрибасини очик-ойдин намоиш этади. Мирпўлат Мирзонинг ушбу адабий суҳбати мазмун-моҳиятига кўра адибнинг замондошимиз билан самимий мулоқоти сирасига киради. Ёзувчининг замондош билан жонли мулоқоти ўқувчи онгига янада кучли таъсир кўрсатиб, уни ўртага ташланган муаммолар хусусида чуқур мулоҳаза юритишга, ҳаққоний хулоса чиқаришга ундайди.

Ёзувчиларнинг адабиёт ва санъатнинг ривожланиши, мақсади ва режалари ҳақидаги фикрлари доимо бадий ижод орқали ифода этилади. Публицистикада эса ёзувчининг ўзига хос индивидуал услуби, эссеистик қарашлари акс этади. Ёзувчининг бевосита ўз фикри ифодаси, унинг дунёқараши, давр муаммоларига муносабати эссе орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Эссе бошқа эпик жанрлардан фарқли равишда, унда жамият, инсоният, адабиёт, ҳаёт, табиат ва ҳоказолар ҳақида эркин фикр, мулоҳаза, бир-бирига ўхшамаган парадокслар илгари сурилади. Эссе композицияси ниҳоятда эркин бўлганлиги учун бошқа насрий жанрларга қўйилган адабий талаблар унга бегона. Қолаверса, эсседа эссенависнинг интеллектуал салоҳияти, унинг олам ва одам ҳақидаги

¹ Мирпўлат Мирзо. Ўзбекистон булбули. Мен нечун севаман Ўзбекистонни. Т., 2016, 105–106-бетлар.

² Мирпўлат Мирзо. “Сен – мисли камалак...”. Шоир Абдулла Орипов билан суҳбат. Мен нечун севаман Ўзбекистонни. Т., 2016, 233-бет.

субъектив қарашлари, автор “мен”и бош қахрамон сифатида зухурланади. Айнан шу жиҳатлар ёзувчи шахсига дилидаги кечинмаларини қоғозга тўкиб солишига кенг йўл очиб беради.

Мирпўлат Мирзонинг устозлари, замондошлари ҳақида ёзган эссе-хотиралари ўзининг самимиёти, оддий, ҳаётий воқеаларни содда тилда ифодалаш билан китобхон қалбидан чуқур ўрин олади. Хусусан, Озод Шарафиддинов (“Беназир устоз, бетакрор сиймо”), Ўлмас Умарбеков (“Шахс жозибаси”), Рамз Бобожон (“Узоқ умр сири”), Рауф Парфи (“Шоир”), Иброҳим Раҳим (“Боқий самимиёт”), Ўткир Ҳошимов (“Истеъдод сеҳри”), Тоғай Мурод (“Оқ саллал тоғлар дуоси”), Абдуғафур Расулов (“Меҳридарё”), Муҳаммад Юсуф (“Истиклол танлаган шоир”), Зокиржон Машрабов (“Жаҳонгашта”) каби турли адабий авлодга мансуб танқидчи-адабиётшунослар, ёзувчи-шоирлар, арбоблар ҳақидаги хотиралари кизиқиш билан ўқилади. Бу хотиралар ўзининг ҳаётийлиги, ҳужжатлилиги, тарихга айланган кечаги кун одамлар ҳаётини ҳикоя этиши, уларнинг ижодий фаолиятдан бир шингил воқеаларни бугунги кун ўқувчисига тухфа этиши билан ҳам қадрли. Янглишмасак, хотиранависнинг Рауф Парфи ҳақидаги “Шоир” эссе-хотираси илк марта “Ёшлик” журналида босилиб чиққан эди. Мана энди тўпламга ҳам киритилибди. Ўшанда ҳам бу эссе-хотира кўпчиликка манзур бўлган. Эсседа Мирпўлат Мирзо нигоҳи орқали Рауф Парфи адабий шахсияти ва ижоди очилади. Эссенавис шоир шеърятини нафақат бир замондош ижодкор сифатида, балки олимларга хос жиддийлик билан таҳлил этиб беради. Мана, эсседа нима дейилади: “... *Шоирнинг мана шу сингари қалб ва руҳ оламидаги мўъжиза ёхуд кашфиёт янглиз шеърлари ўзбек шеърятини янги, бетакрор овозли истеъдод кириб келганлигидан далолат беради.*

Дарҳақиқат унинг овози ҳеч бир шоирниқига ўхшамаган эди. Айни пайтда унда Усмон Носир руҳини, Ҳамид Олимжон сурурини, Чўлпон гуссасини, Ойбек закосини туйиши мумкин эди”.¹

Бундай салмоқли кузатишларни ёзиш учун киши ХХ аср ўзбек шеърятини, шу билан бирга, Рауф Парфи шеърятини ҳам, шоир қалбини ҳам теран англаган, ўқиб-ўзлаштирган, ҳис этган бўлиши керак. Хотиранавис шоирни илк бор танитган шеърни (*Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар*), Асқад Мухторнинг “Оқ йўл”ини эслайди. Ҳатто эрқаланиб кетиб, шундай сатрларни ёзишга журъат қилади: “*Бу айнан менинг шеърим эди. Гўё бу шеърни мен ёзишим керак эди. Ахир, баҳор кечалари уйқум қочган тунлар бу ёмғир қўшигини тинлаган мен эмасмидим? Ҳали қўлимга қалам олмаган, оқ қоғоз бетига сатр битишига журъат қилмаган пайтларимда айвондан туриб унинг ажиб таронадек оҳанглиридан сеҳрланган, бу исмсиз нашидадан маст бўлган ҳам мен эдимку!*”² Ҳақиқатан ҳам, “Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар” шеъри нафақат Мирпўлат Мирзо руҳий дунёсини, умуман, бутун бошли ўзбек интеллигенциясининг руҳиятини ағдар-гўнтар қилиб, шоирга катта шуҳрат келтирди. Бу шеър замонавий ўзбек шеърятини феноменал ҳодиса бўлди. Шеърда қандайдир ёқимли мусиқий оҳанг бор. Бу оҳанг табиий равишда шигалаб ёғаётган ёмғир симфониясини эслатади.

Мирпўлат Мирзо “Шоир” эссе-хотирасида Рауф Парфининг “Акс садо”, “Тасвир”, “Сабр дарахти” китобларига кирган нафис шеърлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритади. Шоир феъл-атворини, унинг яшаш тарзи ҳақидаги ҳаётий воқеаларни эссега моҳирлик билан қистирма қиладики, буни, ҳатто китобхон сезмай ҳам қолади. Жумладан, эсседа “Мўминхона”, “Ҳакимхона”, “Етимхона”, “Дарвешлар” ҳақидаги ҳаётий воқеалар Мирпўлат Мирзо нигоҳи орқали чиройли ҳикоя этилади.

Сир эмаски, шўро замонида яшаб, ижод қилган баъзи адибларимизнинг асарлари синовлардан ўта олмай қолди. Шунга қарамасдан, бундай ижодкорларимизнинг ўтган ХХ аср ўзбек адабиёти тарихида қолдирган сезиларли изи бор. Бугунги кун ўқувчиси Иброҳим Раҳим асарларини, Рамз Бобожон шеърларини ўқимамай қўйган бўлиши мумкин. Мирпўлат Мирзо Иброҳим Раҳим (“Боқий самимиёт”), Рамз Бобожон (“Узоқ умр сири”) ҳақида ҳам ажойиб эссе-хотиралар ёзганки, булар шунчаки мажбурият юзасидан қоғозга тўкилмаган. Эсселарда уларнинг нурли хотирасини эслаш баҳонаси билан адибларнинг жўмардлиги, гўзал инсоний фазилатлари замондошимизга ибрат тарзида кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Мирпўлат Мирзо публицистикасига хос хусусиятлар ижтимоий, маънавий, маданий, адабий жараёнларнинг қиёсий таҳлилидан келиб чиқади. Диний, фалсафий,

¹ Мирпўлат Мирзо. Шоир. Мен нечун севаман Ўзбекистонни. Т., Гафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016, 189-бет.

² Шу манба. 187-бет.

адабий тушунча ва қарашларни ўзига сингдирган ёзувчи ўта улкан масалалар таҳлилида ҳам иккиланмайди, ўзининг мустаҳкам публицистик позициясини асослайди.

Арустамян Яна Юрьевна (кандидат филологических наук, доцент кафедры сравнительного языкознания, Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека)
РОЛЬ КОНТЕКСТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ

***Аннотация.** Мақола бадий матнлар таржимасида контекстнинг ролини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бағишланган. Бадий асар доимий коннотатив ва имплицит маънога эга бўлган кўп қатламли ва кўп қиррали объект эканлигини ҳисобга олсак, маълум бир бирликнинг контекстуал тушунчаси муаллифнинг мақсадини тўлиқ акс эттирадиган таржима бирлигини танлашда асосий роль ўйнайди. Мақолада лингвистик ва экстралингвистик контекстнинг асосий турлари ва уларнинг вужудга келиши тилишунослик, адабиётшунослик ва таржима назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.*

***Аннотация.** Статья посвящена изучению вопросов, связанных с определением роли контекста при переводе текстов художественной направленности. Учитывая тот факт, что художественное произведение – это всегда многослойный и многогранный объект с большим объемом коннотаций и имплицитной информации, контекстуальное понимание той или иной единицы играет ключевую роль при выборе единицы перевода, отражающей всю полноту авторского замысла. В работе рассматриваются основные виды лингвистического и экстралингвистического контекстов и их реализация с точки зрения лингвистики, литературоведения и теории перевода.*

***Annotation.** The article is dedicated to the analysis of the problems related to the definition of the role of the context in the process of translation of belles-lettres texts. Taking into consideration the fact that a literary text is a multilayered and versatile object involving much volume of connotations and implicit information, contextual understanding of a linguistic unit plays a key role in the process of selecting a unit of translation, reflecting the whole completeness of an author's intention. The main types of linguistic and extralinguistic context, as well as their realization from the point of view of linguistics, literary studies, and translatology are observed.*

***Калим сўзлар:** контекст, бадий матн талқини, имплицит маълумот, муқобил таржима, прагматик маълумот.*

***Ключевые слова:** контекст, интерпретация художественного текста, имплицитная информация, адекватный перевод, прагматическая информация.*

***Key words:** context, interpretation of a belles-lettres text, implicit information, adequate translation, pragmatic information.*

Интерпретация художественного текста всегда связана с неоднозначностью, поиском и толкованием скрытых смыслов, заложенных автором в канву произведения. С одной стороны, читатель видит перед собой некий набор букв, сложенных во фразы и предложения, которые все читают одинаково, с другой стороны, каждый читатель является носителем индивидуального когнитивного опыта, который «дорисовывает» понимание отдельных деталей и проявляет некоторые картины, подобно негативу фотопленки под воздействием реагентов. Художественный текст сам по себе – явление многомерное и многослойное, и, как справедливо отметила Д.У.Ашурова: «Одной из основных особенностей художественного текста является его сложная структура, что в свою очередь предполагает многоаспектное рассмотрение художественного текста».¹ Понимание имплицитной информации значительно осложняется, если речь идет не об оригинальном произведении, а о переводе, где первым (и порой единственным) интерпретатором авторского замысла является переводчик. Таким образом, понимание и интерпретация художественного текста с точки зрения качественного и адекватного перевода определяется многими факторами, одним из которых является контекст, понимание которого является ключевым при выборе переводческих соотвествий.

¹ Ашурова Д.У. Художественный текст: когнитивный и культурологический аспекты. Scientific-methodological electronic journal "Foreign Languages in Uzbekistan", 2020, № 2 (31), с. 128.

